

МУҲАММАД ИСМОИЛ

*СИЗНИ СЕВМАЙ
БҰЛАДИМИ...*

Қисса, бадиа ва ҳикоялар, шеърлар

“ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2005 ЙИЛ


Ер шари бетиним айлангани каби одамзот ҳам фикрлашдан тўхтамайди. Ер шари ўзи ўки атрофида айлангани каби дунёдаги жаъмики фикрлар ҳам, туйгулар ҳам янги-янги қиёфа-да тақрорланаверади, қайтарилаверади.

Даврлар ўзгаради, замонлар алмасинади, дунёкарашлар янгиланади, бироқ инсон қалби, инсон онги минг йиллар олдин қандай бўлган бўлса, эндиликда ҳам ўша-ўша.

Истебодли қаламкаш Муҳаммад Исмоилнинг “Сизни севмай бўладими...” китобини вараклар экансиз, инсон қалбининг ловуллаб ёнаётган изтиробларига ошно бўласиз.

Муаллиф ушибу китобни нашр этилишида яқиндан ёрдам берган «Синема Маркет» компаниясига ўз миннатдорчилигини билдиради.

30979
10 · 394



© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2005 йил.

ЁШЛИК ГУЛЛАРИ

Одатда, инсон фаолиятининг энг мураккаб, энг сермашаққат соҳаси бўлган адабиёт майдонига киришга журъат этган ёшлар ўзларининг илк асарларини биринчи муҳаббат хақида ёзишдан бошлишади. Назаримда, бунинг сабаби шундаки, улар муҳаббат хақида ёзишни осон деб ўйлашади (норасо банда — ўзимиз ҳам бир пайтлар шундай, деб ўйлаганимиз, ижодни шу мавзудан бошлиганимиз). Дарҳакиқат, адабиётнинг энг мушкул, энг нозик талаби — қалб тебранишларини ифода этиш, инсон кечинмаларининг энг нафис туйғуларини китобхонларга юқтиришdir. Севги туйғуларини ифода этиш нақадар кийин эканини ёш ёзувчи дархол англаб етмайди. Шу боис, Мұхаммад Исмоилнинг “Саҳройи гуллар” номли ҳикоя ва қиссалари тўплами қўлимга тушганида, уни ўқиши севгига бағишиланган миниатюралардан эмас, китоб сарлавҳасига чиқарилган “Саҳройи гуллар” ҳикоясидан бошладим.

Бутун масъулиятни бўйнимга олиб айта оламанки, ҳикоя нафақат менга, балки уни ўқиган барча китобхонларга ҳам манзур бўлади.

... Жазирама чўл. Болалик човларимизда энг ширин эсадаликлар уйғотган кўм-кўк қовун полизлари, ҳамон эсимдан чиқмаган қамиш капа ва шу капада яшаб, меҳнат қилаётган кичкинагина оиласининг кундалик ташвишлари, меҳнати арзимас қувончларию хонадонни тебратиб турган оила бошлигининг оғир дардга чалиниб, касалхонага тушиши ва унинг кетмондан қўллари тарашадай қотиб, ўзи муштдай бўлиб қолган онанинг мунгли, аламли ўйлари...

Қовун полизи кўрккам, лекин меҳнати оғир бўлади, бу меҳнатга оиласидаги ёш фарзанд ҳам дош беролмайди. Шу боисдан онасининг “Кетмон дастасини қаттиқ ушлама, секин ушласанг қўлинг қавармайди”, деган гаплари ўғлининг энсасини котиради, холос...

Ҳаммаси таниш манзара, таниш одамлар, уларнинг ўйлари ҳам, меҳнати ҳам, чекаётган изтироблари ҳам – ҳаммаси таниш, ҳаммаси табиий.

Ковун полизлари тепасида, худди Муҳаммаджон тасвирлаган қамиш капага ўхшаган капалар, худди хикоядагидек супа, супа ортида эса палаклар орасида юмалаб ётган тўр қовунлар, босволдилар, оқ ва кора новнотлар, ҳатто ҳандалаклар кўз олдимга келади-ю, юрагим ширин жимирилаб кетади. Лекин мен бу кўмкўк полизларда ғовлаб ётган палаклар орасида “Яшириниб олган” қовунларни эслар эканман-у, уларни етиштирган амакиларим, тоғаларимнинг пешона терлари, қаварган қўллари, ёстиқдай-ёстиқдай кетмонлари ҳақида ўйламаган эканман. Ҳикоя бунинг ҳаммасини ёдимга солди, айниқса болалигимда мени эшакка миндириб, қовун полизларига олиб чиқадиган марҳум тоғаларим ва амакиларимга дилимда ҳануз ўчмаган илиқ туйғуларни қайта уйғотиб юборди...

Китобни варақлашни давом этаман. Ёзувчининг “Бир фалсафа борга ўхшайди” сарлавҳали бадиаси эътиборимни тортади. Аслида бу асарни очерк деса ҳам бўларди. Унинг мазмуни шундай: Ёзувчи қандайдир бир иш билан Парижга борган экан. Қайтишда аэропортда атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов билан танишиб, унинг сухбатига мушарраф бўлибди. Камина Чингизни яхши танийман. У билан кўп йиллардан бери дўстона алоқадамиз. Сўнгги беш-олти йилдан буён эса бирга ишлаймиз. Мен ҳам унинг 70 йиллик юбилейида Парижда бўлганман, уни ўзбек адиллари номидан табриклаганман. Муҳаммаджоннинг бадиасида бу улкан адибнинг мен кузатган кўп хислатларини – камтарлиги, ўзини ҳеч қачон бошқалардан баланд олмаслиги, сухбатининг ширинлиги ва энг муҳими, гапирган ҳар бир гапида теран фалсафа ва чукур мазмун аниқ акс этиши бадиада шундок кўзкўз бўлиб турибди. Муаллиф ўзи кўрган, кузатганларипи лўнда, чиройли ифода этишсанъятини яхши эгаллай бошлабдики, у шу жанрда кўпроқ ижод этса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Нихоят, бу ҳикоя ва бадиалардан кейин мен ёзувчининг илк муҳабbat ҳақидаги кичик ҳикоялари, кино

асарлари ва миниатюралариға ўтдим. Кўриниб турибди, ёзувчи ижодек қийин ишда ўз йўлини қидиришга уринибди ва кўп ҳолларда бунга эришибди ҳам. Аввалом, муаллиф севги ҳақида ёзганда ўз бошидан кечирган воқеалар, ўз қалвидан ўтган туйғуларга суюнган. Бу яхши, албатта. Лекин... агар биз севгидай нозик хисларни ифода этишга жазм қилган қаламни гўзал куйни чертган танбурга ўхшатсак, бу танбурдан жаранглаган куйнинг айрим жойларида жиндек сохталик борлигини сезиб қоламиз. Бинобарин, ёзувчи бошидан кечирган севги ҳангомаларини кўйлаганда, қаламини яна бир бор чархлаб олишини, бу борада у фақат самимиятга суюнишини истар эдик.

“Сизни севмай бўладими...” китоби ёзувчининг биринчи асари эмас. Мухаммад Исломилнинг “Тазарру саодати”, “Сиз ҳамон ўшасиз” каби тўпламлари чиккан, у бир неча киносценарийлар ёзган. Шу маънода “Сизни севмай бўладими...” китобини унинг ижодидаги ҳамда ўзбек адабиётидаги янги бир қадам дейишга ҳақлимиз.

Одил ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси



ЮЛДУЗЛАРИ КҮЙГАН ТУН

Киноқисса

Онаси Турғунга Мұхайё яшайдыган манзил ёзигерілік қофозни тутгач, “Бор, таниш, сени шу қызга унаштиromoқчимиз, уйига, ота-онасиникіга бориб келдік, иш факат сенда қолган” — деганида, Турғун нима қилишини билмай гарантсиб қолди. Беш йил институттада ўқиди. Ўқиши мобайніда, бирорвек күнгил қўймаган экан, кўз остига олганлари, унга тегишга рози бўладими, йўқми буни ҳам билмасди. Фурсат ўтиб бораради. Онаси қисталанг қиласвергач, бир кун қош корайгандага йўлга тушди. Айтадыган гапи аниқ эди. “Синглим, мен сизни танимайман, Сизни менга унаштиromoқчи эканлар, яхшиси, бу никохга рози бўлманг. Мен ҳам рози эмасман”. Вассалом!...

Ўшанда, Мухайё дарвоза эшигидан бери келмади. Эшикни қия очиб: — Нега келдингиз? — деди. Турғун эса нима дейишини билмай қолди. Мухайё рўмол ўраб олган, юзи ҳам яхши кўринмасди. Унинг ортидан бир эмас, учта укаси, худди душманга ҳамла қилишга шайдай, ғазаб ва нафрат билан қараб туради.

— Бизни, унаштиришмоқчи экан, шундан хабарингиз борми?

— Йўғ-а, бу гапни энди сиздан эшитишим?

Турғун яна довдиради. У “Ха, хабарим бор” — деган жавобни кутган эди. Агар Мухайё шундай деса, бояги кўнглига туғиб қўйган гапни айтмоқчи эди. Кейин, орқага тисарилди-да:

— Агар унаштиришса, нима дейсиз? — деди каловланиб.

— Кетинг, мен сизни кўришга кўзим йўқ!

Тўғрироғи Мухайёнинг гапидан баттар довдиради. Каттиқроқ галиришга шайланди-ю, “Бу ҳали ҳеч

нарсадан хабари йүк экан, гап уқтириб бўладими?" — деб ўйлаб турганида, эшик қарсиллаб ёпилдию, у ташкарида қолаверди.

Аламдан, ховли шиферларига данғиллатиб тош отди... Сўнгра, чарчаб ҳолдан тойгунча кочди.

Бир ой ҳам ўтмай, Муҳайё билан тўйлари бўлди. Тўй куни, Турғуннинг кайфияти кўтарилиб кетди. Базм тонггача чўзилишини истади. Ёру-дўстлари билан даврада тинмай ўйнар, кулар, дунёда унданда баҳтиёр одам йўқдай эди.

* * *

Улар икки уч йил тинч-тотув яшашди. Агар зебигардон машмашаси аралашмаганда бу тотувлик яна чўзилиши мумкин эди. Бир куни Муҳайё унинг қитикпатига тегиб, шундай деб қолди:

— Ҳа, кейинги пайтларда жуда хотиржам юрибсиз?

Турғун бироз эсканкираб, килган айбларини яширмокчи кимсадай, зўрма-зўраки илжайди:

— Ҳа, кўраяпсан-ку, ишлар кўпайиб кетди. Унинг устига совукни айтмайсанми?

Муҳайёнинг маккорлиги тутди:

— Совукқа ўзимни олдириб қўяман деб қўрқаяпсиз-ми? ... Орамизга совукчилик тушдими?

— Йўқ, йўқ нега ундан дейсан?

— Тирикчилик бор, рўзбор бор, келди-кетди бор, мен йўқман холос.

— Сен борсан-ки, шу оила, шу турмуш бор.

— Битта зебигардон олиб беринг деб, минг ёлвордим. Ҳамма дугоналарим олди, факат мен қолдим. Нукул сабр қил дейсиз, сабр қил дейсиз.

— Энди хотиним бўлганингдан кейин, кам-кўстимизга кўнишинг керак-да.

— Сиз фақат сабр, сабр деявермай...

Муҳайё юзини тескари бурди-да, бироз дадиллашиб, оҳиста ва қатъий сўзини тугатди: — Мени ҳам яхши кўришингиз керак.

— Кўй, унака гапларингни!

— Булар шунчаки гап эмас. Ҳатто бизларни унаштиришган кезлар ҳам яхши эдингиз. Мени одам деб

қаардингиз. Фикримни сўрардингиз. Баъзан хайи-кардингиз. Айниб қоладими, деб кўркардингиз. Ке-йин... Сизга бутунлай тобе бўлганимдан сўнг эса худди ўзингизнинг шахсий мулкингиздай, мени бир четга ташлаб қўйиб, бутунлай унудингиз.

— Хаёт ўзи шунақа. Жигаринг оғримаса, уни баданингни қаеридалигини билмайсан. Ким қичимаган жойини қашийди?

— Мени жуда қаттиқ унугиб юборманг дейман-да.
— Мени бунчалик гўл деб ўйлама. Агар жуда норози бўлсанг, марҳамат, кетишинг мумкин!
— Кетолмаслигимни билганингиз учун шу гапларни айтяпсиз.

— Йўқ, мендан ортиқ эрни тополмаслигингни билганим учун айтяпман.

— Ўзингизга бу қадар бино қўйманг. Мен сиздан ортиқ эрни излаётганим йўқ. Мен сиздан ўзимга озроқ эътибор сўраяпман холос. Менга сал кўпроқ эътибор берадиган одам эса ҳали топилади.

— Мен ҳам шуни айтяпман. Бор, сенга эътибор берадиганларни топиб ол.

— Менга бирорвлар эътибор берса уялмайсизми?
— Битта зебигардон учун ичингда шунча алам ётган экан, кет.

— Зебигардон учун эмас, сиз учун кетаман. Зоримни айтсан, кучоини очадиган одам топилади.

— Армонинг қолмасин. Модомики, кўнглингни тўлдирадиган одамни излаётган экансан, бу дардни ўлдириб бўлмайди.

— Бундай дейишга қандай тилингиз борди, уятси?!
Муҳайё кўзида ёш билан ётоқхонага кириб кетди.

* * *

Бир кун Турғун ишдан кеч қайтди.. Ўша кун унинг кеч қолишини Муҳайё ҳам биларди. Турғун Муҳайёнинг нима иш билан бандлигини, Собиржон нима қилаётганлигини билиш учун юрагида уюшиб келаётган қандайдир соғинч ҳарорати билан уйига телефон қила бошлади.

— Алё.

- Алё, ким бу? — телефон гүшагини қандайдир эркак киши күттарди.
- Мен уйимга телефон киляпман, — деди Турғун таажжубланиб.
- Нима?
- Мен уйимга...
- Трубкани күйиб күй...

Турғун нима қилишини билмай, трубкани күяркан, телефондаги рақам күрсаткичта қаради. Күрсаткичда ўз уйининг ракамлари ёзиғлиқ турарди. Бироз қаловланиб турди-да: "Наҳот шу рост бўлса, ўз уйимда-я"... — деб ўйлай бошлади. Жони ҳалқумига келди. Мұхайёга нима керак ўзи? Наҳотки, мени бир умр ювса ҳам кетмас иснодга қолдирмоқчи? Энди қандай бош күтариб юраман? Балога қолдим, балога! Ё ажралиб кутиламан, ё ўлдириб!...

Турғун стол устидаги қофозларни апил-тапил йишишириб, уйга ошиқди.

Йўл бўйи шубха ва гумонлар алантасида гап англамайдиган баттолга айланди.

Уйга етиб борганида, подъезд қоп-коронғу эди. Ҳали бир қадам ҳам босмасидан ўз уйининг эшиги очилиб ёпилғанлигини кўрди. У югуриб зинадан қадам ташларкан, хаёлида спорт кийимидағи бўйи баланд йигит гавдаланди. Кимларданdir, Мұхайё мактабда ўқиб юрган пайллари шундай бир бола билан "юрган"-лигини эшитганди. Кейин синфдошлар учрашуви туширилган видеотасмада ҳам бир бола билан гаплашгани, бирга ўйнашганини кўрди. Авваллари бу нарса-га унча аҳамият бермаганди. Демак буёғи рост бўлиб чиқаяпти. Мұхайё бу бола билан учрашишни ҳали ҳам давом эттиряпти. Шундай учрашувдан бири — ўз уйида. Авваллари уйга кетдим деб, учрашиб юрган. Собиржонни онасига қолдириб чиқиб кетган. Ҳозир Собиржонни кимга қолдиришни билмай, уни уйга таклиф қилган...

Турғун шиддат билан зинадан кўтарилар экан, тепадан шовуллаб бир йигитнинг тушаётганини кўрди. Йигит баланд бўйли, спорт кийимида эди.

Турғун қоронғуда йигитнинг юзини кўролмади. Ҳали эс-хушини йиғиб олишга ултурмай, ҳатто йигит-

нинг олдини тўсишга даъват этувчи фикр хаёлида туғилиб улгурмай, йигит шув этиб олдидан ўтиб кетди. Турғун бир лаҳза тўхтади-да, “Кимсан?” демоқчи бўлди. Кейин “кучим етармикан? — деган хаёл миясининг қайси бир четида липпиллаб ўтди-да, “Хозир ўлдираман” деган журъат билан, тўхтаб, унинг ортидан туша бошлади. Йигит унинг уйидан чикқанига шубҳаси йўқ эди... Бунга аниқ икрор билан, зинапоядан яна пастга отилиб тушди. Аммо йигит бир лаҳзада кўздан ғойиб бўлганди. Турғун катта кўчани, уйатрофларни зир қақшаб излай бошлади. Аммо йигитдан дарак топмади.

Турғун зинадан яна қайта кўтарилар экан, уйи эшиги қаттиқ танбаланганини кўриб, баттар тутоқди: “Бошқалар учун очик, мен учун ёпик”...

* * *

Мухайё, пишган овқатни кимга сузишни билмай, бироз ўйланиб турди-да, газни ўчириб, бир юмушдан кутулгандаи енгил тортди. Овқатни бир ўзи ейипга иштаҳаси ҳам, хоҳиши ҳам йўқ эди.

Ётоқхонага кириб, диванга чўзиларкан, қўлига тушган китобни олиб ўқий бошлади:

*“Мен сени эркалаб, суйиб тўймасам,
Кўзимдан бир зумга нари қўймасам.
Аммо айт, не сабаб, бугун бўлмаса,
Эрта мени ташлаб, кетасан жоним...”*

Мухайё зинадан эшитилган дупурга қулоқ тутиб, “йўлакнинг чироғини кимдир синдириб кетибди, эшикни очсан, зина ёришади”, — деб ўйлади ва эшикни очди. Бирок дупур тепадан келаётганини билиб, эшикни ёпди. Бир оз ўтиб, шовқин тинди. Мухайё эшикни тамбалади.

Бир сония ўтмай уй кўнғироғи дам-бадам жаранглайверди. Мухайё чўчиб, эшикка отилди. Эшикда Турғун ранги оқариб, важоҳат билан турарди:

- Хозир уйдан ким чиқиб кетди?
- Ҳеч ким!
- Тўғрисини айт. Уйда ким бор эди?
- Мен...

- Телефон гүшагини ким күтарди?
- Хеч ким, жиринглагани ҳам йўқ.
- Сен ҳали ҳам, ўша мактабдаги “ўйнаш”инг билан учрашиб турибсанми?
- Бунака гапларни қаердан олдингиз?
- Сенга нима керак ўзи? Умримни заҳар-заккумга тўлдирмокчимисан?!
- Сизга нима бўлди? Ишонмас экансиз, уйланиб нима қилардингиз?
- Мен сендей балога қаердан йўлиқдим?
- Мени ҳакорат қилман! Мен умримни сизга бағишилганман. Лекин кет десангиз, кўчада қолиб кетмайман. Сизнинг ҳакоратлашларингизга ташлаб қўйишмайди.
- Ким у, ўшами?
- Онам ҳали тирик, тоғам ҳали тирик...
- Энди онанг ҳам, тоғанг ҳам — мен!
- Шусиз ҳам чўридан фарқим қолмади.
- Агар ёқмаса, кет бу ердан. Факат мени иснодга қолдирмай кет. Кейин нима қилсанг, ўзинг биласан.
- Мен ўз қадримни яхни биламан. Кўчада бирор билан ўйнашиб юргандан, ўлганим яхши. Мени билмас экансиз, энди кўзингиз кўр бўлади.

Ўша куни улар илк бора тўшаклари бўлак-бўлак ётдилар.

Мұхайё, эртаси куни Собиржонни кийинтирида, керакли нарсаларни йиғишириб, индамай уйдан чикиб кетди. Турғун уни излаб бормади. Турғун ўғли учун Мұхайёга шаҳардан икки хонали уй олиб берди. Мұхайёнинг кўч-кўронини ўша ёққа қўйиб қўйди. Ўзи зса уйда ёлғиз яшаб, гап-сўзлар кўпаймасин деб, онасиникида юрди.

Кейин унинг ҳаётида Эркин пайдо бўлди. Байрам кунларининг бирида худди унинг ичини билгандай, Эркин унга, у истаб юрган, олишни кўнглига қаттиқ туккан зебигардонни совға қилди. Бу совға уларнинг муносабатларини янада қалинлаштириб юборди.

* * *

Бир кун Турғун уйда ёлғиз қолганида чукур хаёлга ботди: “Нега Мұхайё кўз олдимдан кетмайди? Нега



уни эслайвераман? Нега? Мұхайё билан мени боғлаб турадиган нарсалар бу қадар күп, бу қадар чамбар-час боғланиб кетган? Нега уни эсласам, жонимни су-туриб олишаётгандай ўртаниб кетаман. У менинг ҳәтті мамотим бўлиб қолишга қачон улгурди. Нима учун дилбандим Собиржоннинг бир марта жилмайиши, мен уйланадиган ўнта қизнинг мингта нозу-ишвасидан кўра суйимлироқ? Мени кечир, Мұхайё, мени кечир! Мен сени кечиришга тайёрман!”

Турғун, ғаму-хасратга тўла кўзларини бир нуктага тикиб, худди кўл-оёқлари котиб қолгандай ўтиради: — “Балки шубҳа-гумонларим ноўриндир?”

Турғун титрок қўллари билан беихтиёр телефон рақамларини тера бошлади:

- Салом, Мухайё, бу мен... Бугун вактинг борми, кўришсак дегандим.
- Нега?...
- Ўзим шунчаки...
- Ахир шунчаки учрашадиган ёшда эмасмиз.
- Балки, сұхбат давомида бир холосага келармиз.
- Йўқ, учрашолмайман. Энди у кунларни унутинг. Ҳаммаси туш каби ўтиб кетди. Сиз мени танимайсиз, мен сизни. Ажралишганимизга ҳам бир йилдан ошиб кетди. Демак, бизни боғлаб турадиган ҳеч нарса йўқ. Бўлганида, мен буни сезардим.
- Мухайё, дастлаб мен ҳам орамизда ҳеч нарса йўқ деб ўйлагандим. Кейин билсам, сени қаттиқ яхши кўрар эканман.
- Кўйинг. Бу гаплар ёлғон. Агар актёр бўлганингизда, ҳозирги ҳолатингизни қўриб, одамлар ижирфанишарди.
- Балки, шундайдир? Ҳозир биргина устун томонинг бор: Мен сени яхши кўраман.
- Турғун ака, қиёфангизни яққол тасаввур килиб турибман. Сиз айёр одамсиз. Сиз мени севмайсиз. Ҳозир сиз билан қачонлардир эрим бўлганингиз учунгина гаплашиб ўтирибман. Сизнинг ҳам биргина устун томонингиз: “қачонлардир эрим эдингиз”.
- Мен ҳозир севишингга лойик инсонман.
- Сизсиз шунча яшай олдим, демак, сизни унтишга ҳам кучим етади.
- Майли, ўйлаб кўр. Бу дунёда Турғун битта. Иккинчисини ҳеч қачон тополмайсан.
- Мента биринчиси ҳам, иккинчиси ҳам керак эмас.
- Агар менчалик сени севадиган одам борлигига кўзим етсайди, сен билан гаплашиб ўтиргмаган бўлардим.
- Биз, гаплашмадик деб хисоблайверинг!
- Хайр, бўлмаса.
- Хайр!

Турғун гўшакни қўяркан, аёл киши нақадар катта куч эканлигини англаб етди. Мухайёнинг биргина инжиқлиги унинг бутун хаётини остин-устун қилиб юбордим.

ди. Мұхайё унинг уйида хокисоргина, унинг буйрукларига муте, "гах" деса қўлига қўниб юрганида ҳеч нарса билинмаётганди. Ҳамма жой осоиишта эди. Дарё ўз ўрнида эди. Мұхайё кетди-ю, уйи ҳувиллаб қолди. Дарё унинг ўзанини ташлаб, бошқа йўлдан кетди. Энди унинг на ўзида, на ишида, на уйида ҳаловат бор.

Мұхайё кетганда ҳам жимгина кетмади. Телевизордан туриб, унга қарат қўшиқ айта бошлиди. Қўшиқдаги ҳар битта сўз айнан Турғунга айтилганди. Турғун бир нарсага ҳайрон қоларди. Балки вақт ҳакам деганлари шу бўлса керак. Мұхайё уйдан кетаётганда, Турғуннинг унга нисбатан ғазаб ва нафрати тийиксиз эди. Уни кўришга кўзи, отишга ўки йўқ эди. Бора-бора бу нафрат ўз-ўзидан йўқола борди ва ўтган воқеалар шунчаки хаёлга, яъни "энди турмушда бўлиб туради-да" дея хулоса чиқариладиган хаёлга айланиб қолди.

Мұхайёнинг сўзларини эшишиб, Турғун ўз ҳаётида накадар катта "душман" пайдо бўлганини англади. Бу "душман" уни мұҳаббат азобларига ташлаб, тобора узоклашаётган Мұхайё эди...

* * *

Студия. Мұхайё хиргойи қиласпти. Ҳамроҳлари сўзга мос оҳанг, куй басталашяпти.

*Осмонўпар исенларим эди голиб
Куй орзуси узоқларга кетди олиб.
Ҳароб қилган саробимдан тониб, тониб
Топинганим сен бўлдинг-ку, эй болажон!*

*Минг турланиб, товланган нур — мен қурган умр,
Ҳар шайтонга шукур айтиб, кўрдим ҳузур.
Ўрним билмай, куфрларда юрдим — узр,
Савоб ёғим, сен бўлдинг-ку, эй болажон.*

*Адашганман, уммондаги бир ҳасдайман,
Сўзим қайтган, ўзим сўнгги нафасдайман.
Ўзга не сўз десам ҳамки, алдагайман,
Согинганим сен бўлдинг-ку, эй болажон.*

* * *

Турғун "Сайилгох"ни айланиб юрганди, кафеда Мұхайё, Собиржон ва яна бир нотаниш йигит учаласи ўтирганини күриб қолди. Собиржон столда ўтиролмас, ўйинқароқлиги тутиб иргишлар, йигит эса унга меҳрибончилик қылмоқчи бўлар, унинг болага хушомадидан Мұхайё завқланиб куларди. Турғун одамларни пана қилиб, уларга қараб турди. Бир хаёли, "Э, менга нима?" деб ўтиб кетмоқчи ҳам бўлди. Лекин, кетолмади. Собиржон йиғлаганда худди бирор ўргатгандай доим "дада" деб йиғларди. Чақалоклигига шундай эди. Унинг "дада" деб йиғлашидан юраги эриб кетарди. Мұхайёдан кўра у кўпроқ куюнар, югуриб бораради. Дастреб Турғун чақалокни кўтаришни билмасди. Қандайдир эриш туюларди. Кейинчалик, бора-бора ишхонадан туриб ҳам телефон қиласидан бўлиб қолди.

Турғун узокдан Мұхайёнинг Собиржонга нимандир уқтираётганини кўрди. Балки "амаки"ни мақтаб, "даданг шу" — деяётгандир? Кейин Собиржон "амаки"га осилиб олди: "Дада".

"Амаки" Турғунга тескари ўтиргани учун, унинг юзини Турғун кўролмасди. Балки "амаки"нинг "ўғил"-га қараб афти бужмайгандир? Балки, қувониб кетиб, ози қулоғида иршайгандир. Ҳар икки хил муносабат ҳам, барибир Турғуннинг юрак юрагини тилиб юборди.

Рашқ ва аламдан ўзини тутолмай қолди. Тез-тез қадам ташлаб, улар ўтирган жойга қандай бориб қолганини сезмади.

— Ким бу, Мұхайё?...

Собиржон: — "Дада", дея унинг оёғига ёпишиди.

Мұхайё аччикроқ жавоб қайтармокчи эди, Турғуннинг авзойини кўриб, вазиятни юмшатмоқчи бўлди:

— Турғун ака, кетинг бу ердан.

— Сенга, бу ким деяпман?...

— Мен Эркин бўламан, бола! — Эркин ўрнидан турди: — Гапинг бормиди?..

— Бу мени хотиним бўлади.

— Хотининг бўлса, сен каерда юрибсан?

— Мени ҳаётимни бузган, сенмисан?

— Ҳаётингни сен ўзинг бузгансан, хотинингни ҳам мен бузганим йўқ.

— Йўқол бу ердан! Унинг атрофида ўралашганингни кўрмай!

— Ихтиёр менда. Хотинингни ҳам ихтиёри менда, — Турғун Эркиннинг оғзига мушт туширди. Эркин ҳам унга ташланди. Ур-йиқитга бирпасда одамлар тўпланди. Ажратувчилар ўртага тушди. Муҳайё Собиржонни кучоқлаб йиғларкан, кўрқув ва исноддан, кўзига дув-дув ёш келарди:

— Турғун ака, кетинг бу ердан, кетинг. Биз шунчаки гаплашиб ўтирибмиз, Эркин ака, сиз ҳам кетинг. Кетинглар бу ердан, кетинглар!

Муҳайё Собиржонни қучоқлаганча, югуриб кетди.

* * *

Турғун хонада асабий кезинаркан, Муҳайё билан кечирган баҳтли дамлари хаёлини тарк этмай қийналарди. Улар турмуш қурғанларининг илк йилларида жуда саодатли умр кечиришганди. Кейин майда-чуда ғиди-бидилар, келишмовчиликлар бошланди. Борабора бир-бирларини ёмон кўриб қолишиди. Лекин, ҳозир гарчанд эслашга уринса ҳам, Муҳайёни ёмонлашга арзигулик бирор баҳона хотирасига келмаётганди. Уни қаттиқ соғинган, уни кўришдан бошқа ҳеч нарса юрагига сифмасди. Гарчанд мол-мулкка тўла уйи бор, гарчанд ота-онаси, ёру-биродарлари бор, аммо тўрвасини йўқотган гадодек, ғариб ва ташландик сезарди ўзини.

Муҳайё кетди, ўғли кетди. Уй ҳам, унинг юраги ҳам ҳувиллаб қолди. Ҳозир у Муҳайёнинг барча таъна-ю маломатларига, хархашаларига, жанжалу-тўполнарига рози. Рози бўлганда ҳам бош устига рози.

* * *

Бир кун онаси чакириб қолди.

— Раҳимбойнинг қизига оғиз солган эдик. Аввал бошда ўзинг рози бўлиб, қисталанг қилган эдинг. Нега энди жимсан?

— Озгина шошмай турайлик.

— Нега?

— Оиласми ўйлаб қолдим. Хотин топилар, лекин

ўғлим кимнинг қўлида қолади? Кейин, Муҳайёни ҳам бирорларга бергим йўқ. Ҳозир ўнта келиндан кўра, шулар кўзимга азиэроқ кўриниб турибди. Эртага у келин қандай чиқади-ю, яна шундай ўғилни Худо менга берадими?

— У энди қўшиқчи бўлиб, кўчага чиқиб кетганмиш-ку?

— Агар рўзгоримиз бузилмаганда бундай бўлмасди! Жимгина юрганди. Энди у қўшиқчи бўлди-ю, мени бошим балога қолди. Қаерга борсам, “шу сени хотинингми?” — дейдиганлар қўпайди. Уларнинг қайси бири билан ёқалашаман?! *

Студия. Муҳайё қўшиқ ёзаяпти:

*Умримни багишлай деб,
Чоғлангандим неча бор.
Сен изн берганингда
Бўлармидим баҳтиёр.
Букун неки омадим,
Юришмаса сезгайман.
Кулфат сари адашиб,
Умрим борар энкайган.
Кошки бор-будни бериб,
Тўлай олсайдик товон.
Севги алданмас экан,
Умр сўрар ёки жон.
Букун неки омадим,
Юришмаса сезгайман.
Кулфат сари адашиб,
Умрим борар энкайган.*

Эркин шифохонада ётибди. Боши докага ўралган. Кон излари силкиб турибди. Муҳайё унинг ёнида ўтирибди:

— Кейин нима бўлди?
— Фақат бу ҳақда ҳеч кимга айтма. Улар қўйган муддат ўтиб кетди. Бу уларнинг биринчи огоҳланти-

ришлари. Яна уч кундан сўнг улар қўйган янги муддат ҳам тугайди. Кейин... нима бўлишини билмадим.

— Ҳозир фоизлари билан қанчага кўпайди?
— Уч мингдан ошди.
— Мени икки хонали уйим бор. Уларга айтинг, бутуноқ номларига расмийлаштириб бераман.
— Керакмас, мен ўзим амаллайман.
— Йўқ деманг. Уй ҳозир бўш турибди. Бошимиз омон бўлса, мол-дунё топилади.
— Йўқ, керак эмас. Ўзим омадимни яна бир си-
наб кўраман. Мен ютқизганим учун товоң тўлаб, шав-
нимни оқламоқчи эмасман, ғолиб бўлиб Эркин номим-
ни, йигит бошимни баланд кўтариб юришим керак.
Ҳаёт бу — ўйин. Ундаги ҳар бигта ўйинда ғолиб
чиқмасанг, сени четга сурис қўядилар. Мен ҳеч қачон,
ҳеч кимдан карз олмаганман. Дунёда энг қаттиқ се-
виб, ардоқлаган одамимнинг олдида эса ҳеч қачон
қарздор бўлиб қолишни истамайман. Сен менинг сев-
гилимсан, илтимос, мени камситма. Бир лаҳзага бўлсин
тилимни қисиқ қилма.

— Эркин ака, ҳозир бу вазиятдан чиқиб олиши-
миз керак.
— Ҳали уч кун бор. Ҳали мен ўлганим йўқ. Ҳали
мен тирикман.

Эркиннинг юрагидаги олов, энди унинг кўзларида
ёнарди.

* * *

Тўй. Базму-жамшид авжида. Мусиқа садоси одам-
лар бакир-чакириғи босиб кетган. Муҳайё ўртада
кўшиқ айтяпти. Турғун ҳам ўртоқлари билан ўтириби-
ди. Муҳайё уни кўриб қолиб, тўйнинг нариги бурчи-
га юра бошлайди. Иккита одам ўзаро гаплашяпти:

Биринчи одам: — Турғуннинг хотиними? Ўзи ҳам
шу ерда ўтирувди-ку!

Иккинчи одам: — Ҳа, ўзи шу ерда. Лекин у буни
аллақачон кўйворган.

Биринчи одам: — Тўғри қипти. Хотин-ку хотин,
шундай итим бўлса кўйворардим.

Иккинчи одам: — (Хи-ҳилаб кулади) — Тўғри-ку,
лекин бевани кўпайтиравермай, тарбиялаб, тўғри йўлга
солволса бўларди. Шунаقا ландовур эрларнинг кас-
ридан дунёда бева кўпайиб кетди.

Биринчи одам: — Бева эмас, қўшиқчи кўпайиб кетдиде, юраги қўйган кўпайиб кетди, (Хи-хилаб кулади).

Кимдир Муҳайёнинг олдида муком қилиб, ўйнай бошлайди, уни қўлларидан тортиб, раксга чорлайди. Бирор уни қулоғига эри шу ерда ўтирибди, қабилида гапириб кетади ва Турғун ўтирган тарафга ишора қилиб қўяди. Турғуннинг назари бундай аламли ишорани илғамай қолмайди.

Ўртокларидан бири унга гап отади:

— Жа-а, очилиб кетибди-ю!

Иккинчи оғайниси асқия қила бошлайди: — Бу шўрлик нима қилсин энди, қайтадан никоҳига олсинми, очилган жойларини ёпиш учун!

Учинчиси: — Овозни ёпиб юрган эканда, овозни!

Тўртинчиси: — Энди ёпиғлиқ қозон ёпилмайди, ҳамма ўзининг шўрвасини сузиб ичаверади.

Биринчиси: — Энди, бу қаерга борса, Турғунбойнинг номлари ҳам қўшиб чайналадиган бўлди-да.

Иккинчиси: — Бизнинг номимиз-чи, хў, фалончи ни ўртоғи бор-ку, Турғун деган, бу ўшанинг хотинида, қўйворган хотини дейишади.

Учинчиси: — Энди, дўстни қўйвориб бўлмаса, нима қилардик, чидаймиэда! (Гурр-кулги, масхарабозлик).

Турғун ўрнидан туриб кетмоқчи бўлади. Аммо, эл оғзига элак тутиб бўлмаслигини билиб, ўзини босади. Худди Муҳайёни қўйвориб тўғри иш қилгандай, коматини роз тутади. Лекин, юрагида алам: — Нега битта хотинни бошқариб ололмадим? Қаерда хато қилдим? Хотинимнинг бундай юриши, мен учун иснод-ку? Ўғлим ҳам шуни қўлида тарбия оладими? Муҳайёни бу ҳолга ташлаб қўймаслик керак. У шу кетишда ҳароб бўлади. У шу кетишда бузилиб кетади".

Турғун сигарет чекиб келиш учун ўрнидан тура бошлайди. Йўлда уни тўхтатиб, ўйинга тортишиади.

Биринчи одам: — Хотини ашула айтсин, эри ўйнасин-да!

Иккинчи одам: — Хотинни ноғорасига факат бизми, сиз ҳам бир ўйнанг!

Учинчи одам: — Биринчи одамнинг қулоғига шивирлайди: — қўйвор, улар ажрашган, хабаринг йўқми?

Биринчи одам: — Йўғ-е, унда узр, билмабман!

Турғунни кўйворишади. Турғуннинг кораси қайта кўринмайди. Тўй давом этади.

* * *

Бир кун тунда у Эркин билан алламаҳалгача қолиб кетди. Соат чамаси иккилар эди. У ҳам, Эркин ҳам жуда хурсанд, кайфиятлари аъло, димоғлари чоғ, баҳту-саодатдан бошлари чир-чир айланарди. Лекин кўчата чикқанларида, Эркиннинг машинасида кимдир ўтирганини, машина ойналари синганини, у одам зўр бериб, моторни ўт олдиришга уринаётганлигини кўриб, тўхтаб қолишиди.

Машинада ўғри бор эди. Эркин фурсатни бой бермай, машинага қараб югурди. Лекин, ўғри қочишга уринмади. У фирт маст эди. Эркин ўғрини ушлаб, бикинига урганда ҳам ўғри қочишга уринмади.

- Нима қиляпсан, аблах?
 - Магнитофон кўймоқчи эдим.
 - Нега ойналарни синдиридинг?
 - Мен синдирганим йўқ.
 - Буни пулини тўлайсан. Ҳозир милиция чақираман, каззоб!
 - Тўлайман? Мен қилганим йўқ. Машинанг ҳам керак эмас.
 - Магнитофон қани?
 - Опкетишиди.
 - Ким?
 - Билмайман.
 - Ҳозир, милиция чақираман. Ойналари қанча туришини биласанми?
 - Кўйвор, билмайман.
- Ўғри қочишга уринди.

Кўчадаги бакир-чакир, шовқин-суронни эшитиб, бирпасда одамлар тўплана бошлади. Эркин ўғрини қаттикроқ урган пайтда кимдир милицияга кўнғирок қилган шекилли, дархол бир гуруҳ милиция ҳар тарафни ўраб олди. Биттаси ўғрини сўрокқа тутди. Биттаси машинага тушган бармоқ изларини текшира бошлади. Биттаси Эркинни, яна бири Мухайёни гапга солди.

Ҳамма иш тескари кетди. Милиционернинг саволларига Эркин ҳам, Мухайё ҳам тўғри жавоб беролмас эди.

— Бу ерга кимни кимга келдиларинг? Ярим кечаси нега машинани йўл ёқасига қолдирдингиз? Бу аёл сизга ким бўлади? Қаерда ишлайсиз? Сизлар билан яна ким бор эди?

Хозир эрингизни чакирсак бўладими? Яна кимлар бу ўғрилик ҳодисасига гувоҳлик қиласиди?

Эркин гапни у ёқдан бу ёққа олиб коча бошлади. Гўёки бу машина уникимас, Мухайёни ҳам кўчада тасодифан кўриб қолди ва умуман уни танимайди. Ва умуман бу ўғри эмас, ўзининг яқин ўртоғи ва умуман бунинг ҳаммаси қандайдир англашилмовчилик. Умуман уни хозир уйида интизорлик билан кутишяпти ва умуман у тезда кетиши керак. Ва умуман Мухайёни ҳам, ўғрини ҳам ўзи уй-уйига олиб бориб кўяди ва умуман, милиционерларни уринтириб қўйишгани учун хизмат ҳақини ҳам ўз ёнидан тўлашга тайёр.

Мухайё ҳам, дастлаб онасига телефон қила бошлади. Милиционернинг қўполлиги учун, Турғуннинг номини айтиб дағдаға қила бошлади. “Ўғри қолиб, мени сўрокқа тутаёттганларинг учун, пагонларингни юлиб оламан” — деб бақирди. Бирок бу ердан силжиб қолиш пайти келган, одамлар тўпланишаётган, уни орасида битта-яримта танишлари келиб қоладиган бўлса, бутун шаҳарга овоза тарқалиши хавфи туғилаётганди. Агар шундай овоза тарқалса, кейин ўнта шундай машинанинг пулига ҳам бу овозани ёпди-ёпди қилиб бўлмасди.

Мухайёга бу алфозда, яъни яширин ошиқ-маъшуклик ҳолатида ўз шаънини химоя қилолмаслиги жуда алам қилди.

Аччиғини босиб, узр сўради. Эркин ҳам ўз даъвосидан кечди. Ҳартугул, милиционерлар ҳам инсофга келиб, ўғрини қўйиб юборди.

Эркин тонгга яқин Мухайёни кўча бошида қолдирди.

Мухайё жўнаб кетаётган енгил машина томонга қайрилиб қўл силкиркан, ноумид туйғу билан жилмайиб қўйди. Юрагига ўрнашиб қолган мажхул кайфият тарқалмади.



Машинадан уйига етмай, юз қадам берида тушиб қоларкан, хали Эркин билан хайрлышгандарига бир сония ўтмай, ёлғизлиги яна аччиқ ичикиш хиссини зохир эта бошлади.

Мұхайә Собиржонни күтариб, уйига қайтиб келди. Ұнга мұхаббат керак әди. Мана мұхаббатта ҳам етишди. Мұхаббат уни енгил машинада — әхтирослар оғушыда олиб, юриб-юриб күча бошига ташлаб кетди.

Албатта, у Эркин билан яна қачон учрашишларини билади. Лекин Эркин үнга турмуш қуриш ҳақида хали ҳеч нарса дегани йўқ. Аёл киши учун эса, оиласиз хаёт, ҳаётми?

Мұхайә қўшнилардан истихола қилиб, уйидан анча берида тушиб қолганига энди афсуслана бошлади.

Хаёлида негадир собиқ эри Турғун гавдаланди. Турғуннинг уйидан чиқиб кетар олди, ҳаётининг у билан кечирган энг сўнгги оқшомида, қоронғу тушибини узок пойлаганди. Очиқчасига кетишга қўни-қўшнилардан уялди. Эри дарвоза олдигача лом-мим

демай әргашиб келди. Ҳамма гаплар айтиб бўлинганди. Яна нимадир айтиш мумкин эди. Лекин нафсониятнинг ҳам, айтиш мумкин бўлган гапларнинг ҳам, чеки-чегараси бор экан. Турғун ҳам, Мұхайё ҳам ўзликларидан кечиб, бу чегарани хатлаб ўтолмадилар.

Муюлишга етгач, Турғун эгилиб ўғлининг юз-кўзидан ўпди. Мұхайёга, Турғун уни ҳам ўпмоқчидай бўлиб туюлди. Мабодо ўпгандага ҳам, у барибир ортга қайтмаган бўларди.

Лекин, ҳозир негадир эрини қўмсади. Оиласини қўмсади. Тинчгина турмушини: маъсуд кунларини эслади. “Менинг ёшимда, севги деган ёлғон-яшикка бало бормиди?” деб ўйлади. “Севиб ҳам нима бўлдим, гўр бўлдимми, битта эр топилиб қолармикан деб, жоним ҳалак, минг оғизни пойлайман, бир кишидан садо йўқ!” Ҳатто ўғрининг олдида тилимиз қисиқ. Қачонгача яшириниб яшайман?

У, хаёлига Эркин ҳақида бир фикр урилганиданми, ундан имдод илинжидадир, ортингга, ҳозиргина ўзи тушиб қолган машина томонга ўгирилиб қаради. Қаради-ю, қоп-кора бўшлиқда, итмикан, нимадир сандирақлаб келаётгани қўзига қўриниб кетди.

Мұхайё қўркиб қадамини тезлатди. Файрихтиёрий равишда оёклари қалтиради. Шу орада яна тисарилиб қаараркан, қўзига қўринган қора маҳлук, сиртлоний эпчиллик билан оралиқни қискартираётганидан, аъзойи баданига титроқ югурди. Ўрталиқда гўё икки-уч қадам қолганди. Мұхайёнинг нафаси ичига тушиб кетди.

Махлукнинг қўзлари совуқ йилтирас, таҳликали, тажовузкор эди. “Хозир тишласа керак?” деб ўйлади Мұхайё. Сўнг ўзини қўлга олишга, ҳамлага шай туришга уринди.

Лекин бу уриниш, журъат шу қадар ночор эди-ки, оғзи-бурнига учукларнинг тошиб чиқаётганлигини яққол сезарди. Лабларини қаттикрок босса, учукларнинг пўртанадай потирлаб чиққан суви, иягига шилтшилт томиб тушарди. “Бевани қўрса ит ҳам хуарармиш, деганлари наҳотки рост бўлса, наҳотки азалий хикмат шундай бўлса?”

Мұхайё ўз саволига жавоб топишга улгурмай,

оёқларига нимадир келиб суйкала бошлагандай, жон алпозда бақириб юборди. “— Тур, кет!” — дея, ердан тошми, таёқми ахтаргандай бўлди. Ўзини йўқотиб қўйганидан, ортига тисарилиб, қоп-кора бўшиликқа бир зум, қаттиқ ўқрайиб қааркан, ҳамла қилиш учун беихтиёр қадам ташламоқчи ҳам бўлди. Аммо кейинчалик ўзининг айтган таъбири бўйича туролмас бўлиб иницилишига бир баҳя қолди.

Маҳлук, ноумид бўлгандай, тисарила-тисарила оркага чекинди-да, тўхтаб кута бошлади.

Муҳайё ўз хонасига кирганда, ҳамма ухлаётганди. Кўшни хонадан: “— Ким у?” — маъносидаги уйқусираган товуш келди. Онаси коронгида рўмолини ахтарди шекилли, тимирскиланиб чика бошлади. Лекин, Муҳайё онаси билан қўришишга рўйхўшлик бермай, ичкаридан туриб, “Менман, ойи, ётаверинг, яхши етиб келдим” — деб қўйди. Онаси у айтган ёлғонга ишонди шекилли, кароват фичирлаб, унинг қайта ётганини билдириди.

Ойисининг ёнида ухлаб қолган ўғилчасини олиб келиш, Муҳайёning кўнглига сифмади. Онаси ҳозир келиб, “Ярим кечаси қайси гўрда сангиб юрибсан”, — дея уришишини истади. Бироқ онаси келмади. “Ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин”, — деб ўйлади, шекилли.

Муҳайё, чирокни ёқиб тошойна ёнига келди. У ойнада ранги оппоқ оқариб кетган ўз аксими кўрди. Сочи, қоши, ҳатто киприклари ҳам оқариб кетгандай эди. Лаблари гезариб турарди. У афти ангоридаги синиқликка бардош беролмай, ўзини ўриндиққа юзтубан ташлади.

Яримта бўлиб қолган умрининг изланишлари, йўқлашлари, дийдор истовчи илҳақликлари уни, тун бўйи саросимага солиб чикди. “Нега оиласам бузилиб кетди?” — деган савол боши узра калхатдай айланаверди, айланаверди. Унинг жаноб берай деса, тили айланмас, жўяли бир жавоб топиш ўрнига нуқул кулармиш. Кейин тушининг давомида орадан қанча вакт ўтди, билмайди, осмонни тўлдириб учайтган калхатлар, кўздан фойиб бўлиб, Эркин ҳадя қилган зебигарден шодалари бир ипга тизилиб, унинг боши узра айланаверди.

Зебигардоннинг ҳар бир шодасида Мухайёning кулиб турган акси кўринарди. Кейин боши айланиб, кувваи ҳофизасида ҳеч нарса тасвирланмай қолди.

Туннинг алламаҳалида иситмаси чиқди. Алаҳсираб уйғонди. Тошойна ёнида илиғлик турган зебигардонни — тушига кириб қийнаётган, бўйини бўғаётган, қизиб томоғини жиз-жиз кўйдираётган зебигардонни олиб, деразадан кўчага улоқтириди. Чап тарафига уч марта туғ-туфлади-да, ўнг томонга ўгирилиб ётди.

У ўз хаётининг ўнгланиб кетишини истарди. Ҳаётдан қаноатланишни истарди. Ҳаёт юрагининг барча истакларини қаноатлантиришини истарди.

Мухайё кўзини қаттирок юмар экан, лаблари ўзидан пиҷирлайверди: “Ҳаётнинг жаъмийки завқу шавқи, лаззату фароғатлари юрагимда доимо тўлибтошиб турмас экан, бўлди бас, қаноатландим демайман, менга шунчаси ҳам етарли демайман, дунё гўзалликларига тўйдим демайман. Ҳали дунёдан умидларим кўп, орзуларим кўп, армонларим кўп. Ахир нега ҳам борига шукур қилишим керак, нега-нега?”

Мухайё яна алаҳсираб ухлаб қолди.

Тонгга яқин туш кўрди. Итнинг қаттиқ-қаттиқ вовуллаши бир оз сергаклантирди. Шунинг учунми, кўрган туши аниқ-тиник эсида қолди: Тушида бир саёқ ит, у ярим тунда деразадан улоқтириб юборган зебигардонни бўйнига тақиб олиб, ҳадеб дарвоза тагига тумшуини тиқиб увиллармиш...

* * *

Мухайё тошойна ёнида соч тараб ўтирганда хонага ўғли кириб келди.

— Ойи, бу сизникими? — унинг кўлида Мухайё кўчага улоқтирган зебигардон турарди.

— Буни қаердан олдинг?

— Итимизнинг катагидан.

— У ерга қандай бориб қопти?

— Бошқа итлар олиб келгандир-да, қаранг тажиб ташланган.

— Кутурган итлар теккандир. Бор, ташлаб юбор!

— Ювсангиз тоза бўлади. Жуда мактаб юрардингиз-ку?

— Шуни таққим йўқ. Бу касофатнинг дастидан

қанча балога йўлиқдим. Бунга қутурган ит тегмаган, бунга ит теса кутуради.

— Ойи, нима деяпсиз? Ахир бу аёллар жон деб тақадиган чиройли бўйинчоқ-ку?

— Жон ўғлим, буни кўзимдан йўқот!

— Майли, уйга кўйиб кўяй, сўраганингизда берарман.

— Яхвиси ташлаб юбор.

Муҳайё Собиржонга қаради-ю, юраги гупуриб кетди.

Собиржон Турғуннинг қуиб қўйгандай ўзи эди. — Сен дадангга жуда ўҳшайсан. Худди Ҳасан-Хусандай. Биз, даданг билан шу зебигардон туфайли ажрашдик. Тақдир шу зебигардонни сабаб қилиб кўрсатди. Шунинг учун буни ташлаб юбор. Лекин... даданг кетган бўлса ҳам, унинг қиёфасида сен қолдинг. Демакки, сенинг қиёфангда даданг ҳам биз билан...

Мен ундан ҳеч қачон ажралолмас эканман. Буни кеч тушундим. Агар бу зебигардонни бўйнимга тақиб юрадиган бўлсам, ўз тавқилаънатимни осиб юрган бўла-ман.

Жон болам, уни ташлаб юбор. Ахир дадангнинг ўғлисанку! Ўрнингда даданг бўлганда, бизнинг йўлларимизни айриб юборган бу зебигардонни аллақачон йўқ қилиб юборарди.

— Майли ойи, ташлаб юбораман. Кейин дадамнинг олдига борамиз-ми?

— Йўқ, ўғлим... Энди дадангнинг болаларига бошқа ойи оналик қиласди. Энди биз бегонамиз.

— Ойижон, дадамга борайлик!

— Бўлди, бас қил. Сенинг кўзларинг, қош-қовокларинг, қилиқларинг, ҳар бир ҳаракатинг шу қадар дадангнигига ўҳшайди-ки, хатто сен учун мингта... — “Эркин бўлса ҳам”, демоқчи эди-ю, кўксидаги фарёд қанчалик кучли бўлмасин тилини тийди ва “...си бўлса ҳам дадангдан ажрашмаган бўлардим. Мен адашдим. Лекин даданг ҳам оппоқ эмас. Энди, бўлар иш бўлди, бўёғи кўчди,” — деди.

— Ойи!

— Кўй ўғлим, мени қийнама. Кел, бу зебигардонни яшириб кўяй.

Мұхайё, зебигардонни олиб тақинчоқлари орасига күшиб қўйди.

* * *

Мұхайё Шаҳзода уйга кириб келганида бир кўшиқни хиргойи қилаётганди. Шеърга мос оҳанг излар, чет эл мусиқаларидан ҳар бир сўзнинг маъносига мос, сўз ва оҳанг муштараклиги топилмай жиғибийрони чиқарди.

- Эшитдингми, Турғун уйланадётганмиш?..
- Қачон?! ..
- Билмадим, кимгадир унаштиришибди...
- Шунчаки, гапдир.
- Э, сенга нима, энди олдингдан йигит дегани қалашиб чиқаверади.
- Ундей эмас, Шаҳзода...
- Ўзинг кетгандинг...
- Қанийди қайтиб боролсам?
- Нима?!
- Ҳозир менинг олдимда иккита йўл турибди. ... кўшиқчи бўлиш, ё оиласа қайтиш... Турғун уйланди деган сўз — менинг оиласнинг тугашидир. Кўшиқчилик эса ҳавои нарса... Балки эрмакдир? Балки ундан ўч олишим учун, уни ўзимга қайтаришим учун восита эди. Мен куйласам унинг учунгина куйлардим. Энди кимга...
- Мұхайё... Ахир кўшиқчи бўлмасингдан олдин ажрашгандинглар... У сени кўшиқчи бўлганинг учун ташлаб кетгани йўқ-ку?
- Кўшиқни ташласанг ҳам, бари-бир қайтиб келмайди демоқчимисан?
- Уни умуман қайтиб келишини истамайман.
- Мен уни қайтиб келиши учун ҳамма нарсадан воз кечишга тайёрман.
- Мұхайё... ортингга йўл йўқ!
- Мен олдинда ҳам хеч қандай йўлни кўрмаяпман.
- Мана кўрасан, ҳаммаси яхши бўлади. Ҳали ёш ва чиройли йигитлар...
- Уялмайсанми, Шаҳзода?
- Ахир у сени ташлаб кетди. Эркин билан муно-

сабатингдан сўнг, мана уйланяпти. Сен ҳам энди ўз аравангни торт!

— Оила кўзни чирт юмиб, юз ўгириб кетаверадиган матоҳ эмас. Сен туйгуларини игна билан бир-бир ўлдириб чикқан кизга ўхшайсан. Киз болани аслида мана шу туйгулари учун ардоқлашади. Эр нималиги ни билсайдинг.

— Хўш, сени қайси айбинг учун уйдан хайдади?

— Беайб одам бўлмайди. Мен уни эр ўрнида кўрмадим. Унинг имконидан кўра каттароқ нарсаларни талаб қилдим. Нафсониятига тегдим. Агар сабр қилсан, хаммаси аста-секинлик билан бўларди. Энди эса иш тескарисига кетди.

— Кўй, ҳали хаммаси олдинда. Истайсанми, у уйланётган киз билан учрашираман.

— Йўқ. Фойдаси йўқ. У кизга ўз хатоларим ҳақида айтиб беришим мумкин. Лекин, бундан менга нима фойда? Қолаверса, Турғун менга уйланётганда мени билмасди. Ўйлайманки, ҳозирги уйланётган қизини ҳам яхши билмайди. Факат, Турғуннинг кимлигини энди билаётгандайман. Бўлғуси келлинга шу ҳақда гапирсам, балки баҳтли бўлиб кетишлари учун озроқ ёрдам бўларди.

— Сенда бор-йўзи биргина чора қолган: Раъно билан учрашиш!

* * *

Мұҳайё соат ўnlарга яқин бутун аъзойи-бадани увишиб уйғонаркан, ўрнидан туриб уч-тўрт қадам ташлади-да, танидаги оғир юк худди ўзиники эмасдек, гандираклаб туни бўйи зада қилиб юборган ўриндиққа яна ўзини отди. Кун қизиб, тиккага келганда юрагини ўртаб юборган қандайдир шижоатдан рухланиб, жусасини кўтарди.

Унинг биринчи килган иши телефон рақамларини териш бўлди:

— Шахзода, бир келиб кет.

Кейин қофоз-қалам топиб, столга чўккалади.

“Азизим, Эркин ака!

Мен ушбу хатни ўзимда қолган сўнгги имконият деб биламан. Балки, менинг (Мұҳайё шу ерга келган-

да “ўз мухаббатимга” деб ёзмоқчи эди-ю, иккиланиб қолди ва ўз хис-туйғуларини бир оз яширмоқчи бўлиб, дудмалроқ ёзишни афзал кўрди) икрор бўлишим, сизга бироз эриш туюлар, лекин мен ҳам инсонман.

Мухаббат ҳар қанча юксак ва илохий бўлмасин ва мен сиздан кўрган меҳру-мухаббатни ҳеч қачон, ҳеч кимдан кўрмаган бўлсамда ҳамда сиз билан ўтган саодатли лаҳзалар, мен инсон бўлиб ҳаётимда кўрган энг гўзал ва энг баҳтиёр лаҳзалар бўлса-да, мен бугун сизга сўнгги сўзимни айтишга мажбурман: Агар ростдан ҳам севсангиз, менга уйланинг. Ва бу масалани бугун, соат 19.00 да бизнинг уйга келиб ҳал қилинг. Бўлмаса... Ундан кейин нима бўлишини албатта Сизга айтмайман. Бу ёғининг Сизга дахли йўқ. Бу ёғида Сизнинг номингиз ҳам, Сизнинг хотирангиз ҳам ҳеч қачон, ҳеч қаерда эсламайдиган ҳаёт бошланади. Ундан кейин мен учун ҳам балки ҳеч ким, ҳеч қаерда эсламайдиган ҳаёт бошланар. Мен ҳозирча бирор тўхтамга келганим йўқ. Чунки, ҳозир мен Сизнинг соат 19.00да хонадонимизга кириб келишингиз умиди билан яшамоқдаман. Сиз ҳар доимгидек, менинг бутун вужудимни, шууримни, завқу шавққа, ишқу суруга, меҳру мухаббатга тўлдириб келасиз деган ўйдаман. Менинг ҳаётимда яна улуғ айём бошланади. Мен яна Сизнинг чўрингиз мисол ҳар бир кўз қарашингиздан барча истакларингизни мухайё қилишга ҳозирну нозир тураман. Дунёда бирор жуфт бормикан, сизу биз каби бўйи-бўйига, юлдузи-юлдузига, бир кантарнинг икки қаноти каби бир хилда ёзилиб, бир хилда сингиб қовушадиган, ҳаммаёклари худди ўз та-насидай бир-бирига ёқадиган.

Лекин, на иложки бугун элакни сувдан кўтариш вақти келди. Мен ортиқ кутиб юролмайман. Энди буёғи аввалгидай бўлмайди. Энди мен оила курмокчиман. Худди кийимлар эскириб, уларни ташлаб юбориш муддати келган сингари, бир кун гўзаллик мени тарк этади. Балки, қалбимдаги ёшлик шижоати, романтик ўй-хаёллар, баландпарвоз орзу умидлар ҳам тарк этар. Билмадим. Мени бугун мутлақо бошқа нарсалар ўйлантиrmокда.

Хуллас, Сизга танлаш учун сўнгги имконият қол-

дирмоқдаман. Бу имконият кечки соат еттида Сизнинг ихтиёрингизда бўлади, йўқса, ушбу хат сиз билан мени боғлаб турган сўнгги хайрлашув мактубидир. Бизни бошқа ҳеч нарса, ҳеч қачон учраштирамайди, ҳеч қачон боғламайди.

Агар кўришмасак, хайр! Мендан рози бўлинг! Мен сиздан розиман”.

Мухайё ўрнидан туриб, яна нималардир ёзиши кераклигини, яна нималардир қолиб кетганлигини, яна нималардир дейишга нафрати, яна нималарни дир дейишга меҳру муҳаббати етмаганлигини ҳис қилди. Ўйлаб-ўйлаб, яна Эркинга айтадиган гаплари қалбининг тубидан булоқдай отилиб чиқаёттанини сезди. Бирок, энди ортиқча хис-туйфуга берилмаслик мавриди келганлигини англади. Колган гапларни кечкурун соат еттига қолдирса ҳам бўлаверишини ўз-ўзига тушунтириди. Ҳали яшаш учун имконият борлигини хўрсиник ва ихтиёрсиз равишда эслади.

Онгининг қаериандир ўжарлик билан қатъий турган мақсад, уни иккинчи қоғозни олишга мажбур қилди.

Иккинчи мактуб Турғунга аталган эди.

“Салом, Турғун aka!

Албатта, сизга мактуб ёзаётганимга ҳайрон бўлаётгандирсиз? Лекин, ажабланадиган жойи йўқ. Чунки, ҳаётимнинг бирон лаҳзаси йўқки, сиз ҳаёлимнинг бир четида турмаган бўлсангиз. Ҳаётимда бирон лаҳза йўқки, сиз мутлако унутилиб кетган бўлсангиз. Бекорга айтишмас экан, икки ёш тўй қилиб, никоҳ айёмига қариндош, ёру биродарларини чорлаганда, самовотда фаришталар ҳам базму жамшид қуришиб, икки ёш баҳту саодати учун тантана қиладилар, деб. Никоҳда ана шундай сирли, сеҳрли қудрат ётишининг боиси ҳам шу бўлса керак. Афсуски, буни мен жуда кеч тушундим. Тушунганда ҳам сизнинг юзингизга оёқ қўйиб, уйдан чиқиб кетганимдан сўнг, биз энди мутлако ажрашиб кетдик, деб ўйлаганимдан сўнг, тушуниб етдим. Ҳаётнинг қизиқлигини қаранг-ки, сизга бўлган нафратим бугун мени мутлако тарк этди. Бугун юрагимда сизга нисбатан қандайдир мойиллик уйғонган экан, ушбу мактуб ўша мойилликнинг нати-

жасидир. Түгри, бугун мен сизни кечирганим билан сиз мени кечира оласизми? Лекин, энди мен сизга шу қадар улуг муҳаббатни таклиф этаман-ки, шу чоққача менинг бу меҳримнинг ўндан бирини ҳам кўрмаганингизга иқрор бўласиз. Сабаби, энди мен Ҳаётимни бошкадан бошламоқчиман. Унинг бошланишига эса сиз сабабчи бўласиз. Агар бугун кеч соат еттида ўзингиз билган, мен ва сизнинг ўғлингиз Собиржон яшаётган уйга етиб келсангиз ва бир оғиз "Сизларни кечирдим" десангиз кифоя. Мен сизнинг кечиришингизни ўз ҳаётимни давом эттиришга берилган рухсатномадай қабул қиласман. Йўқса, мен учун бу ҳаёт давом этмаслиги мумкин. Ҳарқалай ҳозир мен шу ҳолатдаман. Ҳаётимнинг бурилиш нуқтасидаман. Ҳарқалай, ҳаётимнинг буёғи кечагидай бўлмайди. Эртанги куним кандай бўлиши менинг ўзим учун ҳам қоронғу. Кечаги кун жонимга шу қадар тегди-ки, эртанги куним яна шу маромда давом этишини ортиқ истамайман. Агар келсангиз, мен сизни аввалти турмуш ўртоғим сифатидагина эмас, менинг ҳаётимни асраб қолган ҳалоскорим сифатида қабул қиласман. Қўлимдан нимаики илтифот келса, нимаики меҳру муҳаббат келса, барини сизга баришлайман.

Агар келмасангиз ҳам яна ўзингиз биласиз. Ушбу хатни ўқиганда худди менинг қисматимни йиртиб ташлагандай бўлак-бўлак қилиб йиртиб ташланг. Шу билан орамиз мутлақо узилади ва мени бошқа ҳеч қачон, ҳеч жойда кўрмайсиз. Мен учун ўз қисматим ҳозир мана шу қоғоздай ожиз ва нотавон бўлиб турибди. Уни йиртиб ташлаш учун жуда катта кучнинг ҳам кераги йўқ. Агар сиз қайтиб келсангиз, бу қоғоз мен учун янги ҳаёт бағишлиланган инсон такдири кафолатномаси сингари улкан қудратга айланган бўлар эди.

Хайрлашув олдидан айтадиган сўнгти сўзим, "Сизни севаман" ва соат 19.00 гача кутаман.

Келмасангиз, қиёматда юз кўришамиз деган туйғу билан Мухайё".

Мухайё мактубни ёзиб тугатар экан, эрига айтадиган гаплари бўғзига бир-бир йиғилиб келаётганиндан юраги хапқириб кетди. Ўзининг одамлар қўлида шунча эрмак бўлиб юрганини эслаб, ғазаби келди.

Уларнинг бари менинг илтифотларимга нолойик дея, ўз-ўзига хукм чиқарди... Лекин яшаш керак. Зотан, унга ҳаёт мана шу одамлар орасидан берилган экан, демак муроса зарур. Агар бу одамлар унга эътибор қилмай унинг қадрига етмаётган экан, демак исён қилиши, бosh олиб кетиши, ёйинки, бари-барига нукта қўйиши зарур.

Соат учларга яқин Шаҳзода кириб келди. Дугонасини униқкан, афтодаҳол кайфиятда кўриб, унинг ҳам юраги увишиб кетди.

— Шаҳзода, мана бу хатларнинг бирини Эркинга, бирини эса Турғунга олиб бориб бер. Мана уларнинг телефонлари. Менинг ҳозир улар билан кўришишга ҳам, гаплашишга ҳам тоқатим йўқ. Фақат ўз қўлларига топшир. Топшир-у, индамасдан қайтавер. Мактубда хаммаси ёзилган. Агар кечкурун вактинг бўлса қайтиб кел, йўқса яна ўзинг биласан. Фақат сендан илтимос, уларни ҳозироқ топиб, мактубларни бер, хат кечкурун еттигача уларнинг қўлида бўлиши шарт.

- Муҳайё, нима бўлди, очишини айт.
- Кейин, кейин. Ҳозир борақол.
- Хатларни ўқисам майлимни?
- Йўқ, керакмас. Улар сенга аталмаган!
- Шулар мендан азиизроқ бўлдими?
- Аёл киши учун аёлдан кўра, эркак ҳамиша азиизроқ бўлган... бор энди, борақол.

Муҳайёнинг хўрлиги келди. Лекин юрагидаги қайфу қотиб, қатъиятга айланганди. Бориб деразаларни очиб кўра бошлади. Деразадан ўзини ташласа, соғ қолишқолмаслигини чамалади. Агар соат еттигача ҳеч ким келмаса, ҳеч ким уни бу шаштидан қайтармаса, агар у ҳеч кимга керак бўлмаса, агар унинг ўйлаб юрганлари, умид қилиб юрганлари сароб бўлиб чиқса, шунча яшаб қадр топмаган бўлса, энди яшаб юришидан нима фойда?

Деразадан ўзини ташлайди-ю, баридан қутулади.

Муҳайёнинг бир хаёли ҳали етти бўлмасдан, ҳали Эркин ҳам, Турғун ҳам бир қарорга келиб улгурмасларидан олдин, уларнинг муносабатини билмай, баридан қутулмоқчи бўлди. Яна деразаларни очиб, ўзини қандай ташлаши кераклигини чамалаб кўра бошлади.

Оппоқ оёкларини дераза рахига қўйиб, бир зумга кўзини юмди ва ўзининг пастга тушиб кетаётганини тасаввур қила бошлади. Кўз олди қоронгулашди. Ўзини ожиз ва чорасиз сезди. Кўл-оёклари худди котиб колгандек эди. Миясининг қаериадир бир фикр йилт этиб, нишона берди: — Бечора онам, менинг дардимда куйиб, кул бўладиган бўлди-да. Ўғли Собиржон ҳам бир кунмас бир кун катта бўлиб, ўз йўлини топиб кетадигандай, негадир ундан хотиржам эди. Турғун ҳам, Эркин ҳам юрагида бирор илиқлик уйғотолмади. Хозир гўё шу ердан ўзини ташласа, унинг учун янги ҳаёт дарвозалари очиладигандай эди. Кўл силтаб ҳаммасини ташлаб кетади. Ҳаммасини. Ҳаммаси...унинг кадрига етмаган каззоблар. Мана Турғун — кип-қизил каззоблик тимсоли. Тўнка. Лоқайд. Мұхайёнинг барча фидоийликларига бефарқлик, со-вукқонлик билан қараган тўнка. Мана Эркин. Унинг чексиз меҳр-оқибатига, суйиб-эркалашларига ёлғону алдоввлар билан жавоб қайтарган муттаҳам.

Ҳали турмушга чикмасидан олдин у Турғунга қанчалик ишонганди. Турғун уни янги ҳаёт остонасига бошлаб кетади дея, қаттиқ ишонганди. Ҳали шундай баҳтли бўламан-ки, бу баҳт нашъасини бир умр татиб тугатолмайман, — дея ишонганди. Аммо Турғун етаклаб борган ҳаёт ҳам, оддий ҳаёт эди. Бу ҳаётда ҳам ҳамма юк Мұхайёнинг елкасида эди. Мұхайё яхши гапирса, одамлар ҳам яхши гапирар, ёмон гапирса, бошқалар ҳам ёмон жавоб қайтаришар, ҳаммаси оддий ва алмисоқдан қолган, баҳт ва омад, бу ерда ҳам хирмон бўлиб, уюлиб ётгани йўқ эди. У эса ҳаёт ҳам, кувонч ҳам, омад ҳам унинг эшигига тинимсиз оқиб келаверса, — дея ўйлаганди. Афсуски, у борига шукур килмай, бу остонони тарк этди.

Кейин ҳаётида Эркин пайдо бўлди. Дастлаб Эркин ўзи кўзлаган гаройиб ҳаётнинг тимсоли бўлиб туюлганди. Бу тимсол хақиқатдан ҳам юксак бўлиши учун, энди ўзи ҳам меҳнат қила бошлади. Бу меҳнат Эркинни кўр-кўрона, фидоийларча, бутун жону жаҳдини бериб севишдан иборат эди. У бутун онгини, тафаккурини, қалб-кўрини, топган сўнгти чақасигача Эркиннинг туриш-турмуши, ўй-хаёлига бағишлиб, сева


бошлади. Эркинни севиш, баҳтли қилиш учун ҳатто Мұхаббат деган улкан Фанни ўйлаб топди. Бу фанни ўртадаги хаётга баҳшида қилди. Гүё Эркин бемору, у табиб эди. Эркин билан учрашишларига қизғин тай-ёрланар, айтадиган гаплари, қиласылар, нозу ишвалари, Эркин ёқтирадиган уйдирмаларни ўйлаб топар, юрак-юрагидан силқитиб чиқарар ва беморга бериладиган малхамдоридай аста-секинлик билан ўз меҳру мұхаббатини, мұносабатини билдириб борарди. Мұхайёнинг мақсади бүйича, Эркин бир кунмас бир кун бутунлай “тузалиб” кетиши, яъни бутунлай уники бўлиши, бутун жисму жони, ўй-хаёли билан Мұхайё учун уйғониб, Мұхайё учун ухлаши, Мұхайё учун яшаб, Мұхайё учун ўлиши керак эди. Аммо, Эркин “тузалмади”. Унинг мұхаббатига мұхаббат билан жавоб бермади. Ўзининг давом этаётган ҳаётини – оиласини, турмуш-тарзини, ўй-хаёлинини, ўзи кўзлаган мақсадларни заррача бўлсин ўзгартирмади ва ҳатто ўзининг бу оламига Мұхайёни етаклаб ҳам кирмади. Эркин Мұхайёни худди бир эркак киши севгандай, севди, эркалади, кўлидан келган ёрдамини аямади ва бундан ортиқ ҳеч нарсани вайда ҳам қилиб ўтирамади. У фақат ораларидаги кўнгилхушлик давом этаверишини истарди, холос.

Бугун эса сарҳисоб вақти етди.

Мұхайё хонада бетоқат бўлиб юра бошлади. Ҳозир кимдир келиши керак эди. Қани, қайси бири илгарироқ келаркин. Албатта, ҳатни ким биринчи бўлиб олса, ўша келади. Лекин кимнинг аввал келгани яхшироқ?

Албатта, Эркиннингда! Йўқ, Турғун келса ҳам майли. Тинчроқ.

Мұхайё яна бетоқат бўлиб соатга қаради. Соат бир маромда чиқиллар, ингичка мили бир лаҳза бўлсин тўхтамасди. Соат еттига ҳали анча бор. Ҳали деярли уч соат бор. Мана шу уч соатда унинг қисматида ўзгариш бўлиши керак. Унинг ҳаёти янги ўзгариш сари бурилиши керак. Бу ҳаёт



унга ўзи кутмаган, ўзи ишонмаган саодатни инъом этиши керак.

Соат миллари тўхтамасди ва у ўзини “Бахт” осто-насига яқинлашаётганини сезди.

Беихтиёр дераза сари қадам ташлар экан, дераза уни “ўлим” остонаси сари олиб кетмаслигига икрор бўлди.

Аммо... улар хатни олган бўлсалар, соат еттини кутмай келишлари мумкин бўлган вақт аллақачон ўз хукмронлигини сураётганди.

* * *

Муҳайё бетоқат бўлиб соатга қаради. Соат миллари тинимсиз равишда олдинга интиларди. Ҳадемай еттига ҳам етади.

“Мана, ўйин ҳам тугади. Муҳаббат деб аталмиш эртак ниҳоясига етмоқда. Бу эртак қанчалик хузур-жаловатли ва бу дунёда хеч бир нарсани унга тенглаштириб бўлмаса-да, охир-оқибатда унинг сароб эканлиги қўриниб қолди. Бу саробда мен ё малика бўлиб чиқиб кетишпим керак, ёки қурбака...

Муҳайё деразага яқинлашиб, табақаларини оҳиста очиб кўра бошлади. “Шарманда-ю шармисорлик қисматидан кўра...

Муҳайё яна ўғирилиб соатта қаради. Соат миллари бешдан ошаётганди. Баногоҳ, қўнғироқ жирингидан сесканиб кетди. Босиб келаётган бало-қазодан кутулгандай эшик томон чопди.

Эшик олдида Турғун турарди.

- Салом, Муҳайё...
- Салом, келинг.
- Келдим. Менга хат ёзибсан.
- Хат ёзмасам келмаслигингизни билардим.
- Мени кутишинг мумкинлиги тасаввуримга сифмаганди.
- Наҳотки, шунчалик бегоналашиб кетдик.
- Буни сендан сўрап керак. Тўғриси мен умидими ни узгандим. Хатни ўқиб хайрон бўлдим. Сени менга хат ёзишга нима мажбур қилди? Ўйлаб, ўйимга етолмадим. Тўғрироғи, ҳеч нарсани ўйлаб ҳам кўрмадим. Ўқидим-у, худди йўқотиб кўйган қадрдон нарсам то-

пилгандай, бу ёққа югурдим. Иккиланганим ҳам йўқ. Шунга ишонасанми? Мана қара... Мана булар бари тўйга таклифномалар. Яна бир ойдан кейин уланишим керак эди. Энди барисини йиртиб ташлайдиган бўлдим. Фақат сенинг бир оғиз сўзинг керак. Агар шу сўзни айтсанг, бас... Қани, кўзларимга тик қараб айт, менга хиёнат қилмадингми?

- Қанақа хиёнат?
- Сен мендан кейин ҳеч ким билан бирга бўлмадингми?
- Қайси маънода?
- Ҳеч кимни севмадингми, бирга ётмадингми?
- Нега тўйимииздан олдин бу нарсаларни сўрамай, энди, шунча йиллардан кейин сўраяпсиз?
- Авваллари менга хиёнат қилишинг мумкинлиги га аклим етмасди. Ажраб кетганингдан кейин бу нарса қўлингдан келишига ишондим. Тўйимииздан олдинги ҳаётингга ҳам кейинчалик шубҳалана бошладим.
- Сиз соддасиз. Агар ҳозир ҳам менинг гапларимга ишонадиган бўлсангиз, ўша соддалигинги қолмабди.
- Демак, нимадир бўлган...
- Афсуски, бу саволларни жуда кеч беряпсиз. Балки, хат ёзишмнинг сабаби ҳам, уят мени ташлаб кетганидан бўлса керак.
- Мен ҳақиқатдан омадсизман...
- Нега? Эркак кишига осон. Истаган пайти уйланниб кетаверади.
- Мен ҳам шундай деб ўйлаганимда бу ерга келмасдим.
- Агар, сизга хиёнат қилмадим десам, ишонасизми?
- Сен бу гапни айтишни истамаяпсан. Демак, нимадир бўлган. Энди, юз бора йиглаб-ёлвориб айтсанг ҳам ишонмайман.

— Тўғри... Шунча йил бир ёстиққа бош қўйиб, кесишмаган йўлларимиз энди ҳам кесишмаслигига икрор бўлдим. Сизда менинг юрагимни куйдириб юборадиган кудрат аввал ҳам йўқ эди. Энди ҳам. Нима қиласай? Мен, сизни севганим учун эмас, ҳаётим фожиали тугаётганидан кўрққаним учун хат ёзгандим.

Келганингиз учун раҳмат. Мен сиздан розиман, сиз ҳам рози бўлинг.

— Мендан розилик сўрама. Бу ерга келиб хато килибман. Бир ёғи ўғлимни ўйлагандим. Хайр!

Турғун жавоб ҳам кутмай, шиддат билан, аламдан бўғриқиб чиқиб кетди.

Муҳайё хонада асабий кезинаркан: “Бу сафар ҳам ўз вақтида келмади. Агар Турғун Эркиндан кейин келганида, балки вазият бошқача бўларди”, — дея ўйлай бошлади. “Эркин келадими, йўқми? Келиши керак!” Мен хаёт билан видолашяпман, наҳотки бунга у бефарқ. Мен ўлсам, у нима йўқотади? Ҳеч нима! Нари борса ўқиниб, сигарет чекиши мумкин. Кейин ўз хафачилигини кимларгadir айтиши, ўйнашларига мактаниши мумкин. Ўғлим-чи, ўғлим ҳам бошида бир-икки бор йиглаши, катта бўлгач эса ўз йўлини топиб кетади. Онам-чи, онамгина менинг доғимда, каму ҳасратда адойи тамом бўлади.

Муҳайё яна дераздан пастга қаради. “Ҳеч бўлмаса, бир лаҳза хавода эркин учаман, кейин азоблардан кутуламан. Наҳотки, Эркин келмаса, шунчалик шафкатсиз бўлса?”

Наҳотки, ўлишдан қўра яшаш қийинрок. Мухаббат деган нарсани ким ўйлаб топган? Ҳаётимнинг муҳаббатга тўла лаҳзаларида худди маликалардай яшадим. Маликалардай баҳтиёр бўлдим. Бир одамнинг қалби қувонишга қанчалик қодир бўлса, шунчалик севиндим, шод бўлдим. Энг баҳтли одам қанчалик баҳтиёр бўла олиши мумкин бўлса, шунчалик баҳтиёр бўла олдим. Ҳатто маликаларнинг ҳам юраги бундан ортиқ баҳтиёр бўла олмайди. Мухаббат мени шу қадар юксакликка кўтарди, энди эса баҳтсизлик нима эканлигини билишга маҳкумман.

Муҳайё, соат жарангидан чўчиб тушди. Унинг миллари тўппа-тўғри еттини кўрсатиб турарди. “Эркин келмади. Начора? Бизлар деярли ҳамма нарсани гаплашиб бўлганмиз. Унинг келмаслиги эса, сўнгти саволларимта берган жавобидир”.

Унинг таҳкирловчи жавобига ожиз кимсанинг ожиз жавоби ҳам тайёр.

Муҳайё деразани очиб, рахига оёқ қўяркан, паст-

да турган қоронғулик ичида, вира-шира кўриниб турган Эркинга кўзи тушди ва бир балодан қутулгандай, орқага чекинди. Уялиб деразани ёпди.

- Нега эртароқ келмадингиз?
- Мен кутиб тургандим. Журъатинг етармикин, йўқмикин деб ўйлаётгандим. Тўғри топган эканман.
- Агар заҳар ичганимда-чи?
- Заҳар ҳеч жойда йўқ-ку?
- Бўлганида-чи?
- Сен фирромлик қиляпсан. Айт, қачон сенга уйланаман деганман. Тўғри, сени севаман деганман. Сенга бу сўзни айтганимда, севги нима эканлигини ҳам билмасдим. Сен туфайли севги нима эканлигини билдим. Мұҳаббат ҳакидаги барча эртаклар, ҳаммаси рост эканлигига ишондим. Севгисиз ҳаёт, ҳайвонларнинг яшшидан бошқа нарса эмаслигига ҳам икрор бўлдим. Лекин, нима қиласай, сенга уйланолмайман. Энди ҳеч нарсани ўзгартиришга кудратим етмайди.
- Мен-чи, менинг ҳаётим нима бўлади? Ахир мен темир эмасман-ку? Сиз мени ҳар бир хужайрамгача ўзгартириб юбордингизу, ҳаётимда ҳеч нарса ўзгармаслигини талаб қиляпсиз.
- Ўзингни кўлга ол. Мұҳаббатинг олдида қарздорман. Мен хозир сендан бир дунё олтин олиб, қайтариб беролмаётган одамдай қарздорман. Агар биз ўн йил олдин кўришганимизда, балки хозиргидай бир-биrimizни севолмасдик. Биз умримизнинг шундай палласида учрашдик-ки, ҳатто бир кун олдин ё кейин учрашганимизда, балки бир-биrimизга мутлақо бефарқ карадик.
- Сиз афтидан ҳеч нарсани тушунмаётганга ўхшайсиз. Ҳатто, нега сизни чақирганимни ҳам ўйлаб кўрмаяпсиз, Эркин ака!
- Сен менга бугун бермоқчи бўлаётган саволларингга дастлабки учрашувимидаёқ жавоб берганман.
- Ҳаммага ёқди-гу, бир сизга ёқмадик, ёқмадик-а!
- Менга ҳам ёқасан. Мен ҳеч кимни сени севганчалик севганим йўқ. Умуман, сенгача севги нималигини ҳам билмасдим. Энди айтишим мумкин. Севгисиз ҳаёт...

— Ҳозир гап бошқа ёкда. Гап севгининг нималиги ҳақида эмас, натижаси ҳақида кетаяпти.

— Натижасини мендан талаб қилма. Марҳамат, яна истаганча севишиб юраверишимиз мумкин. Мана шуниси яхши...

— Йўқ, бу ўйинда факат мен ютқизаман. Оиламдан ажралдим, ишхонамдан ҳайдалдим, яхши отим кўча-кўйда ёмонга айланди. Эримдан қолган барча мол-мulkни ҳавога совурдик. Оёғимдан қулоғимгача қарзга ботдим. Ака-укаларимга ёлғон гапиравериб, бурдим қолмади. Ҳозир мени бу ҳаётда сизга бўлган умиддан бўлак ҳеч нарса ушлаб тургани йўқ. Сиз эса шу умидни узмоқчи бўляпсиз?

— Бу сен ўзинг танлаган қисмат.

— Мен бунчалик хўрланишга лойик иш қилмадим-ку?

— Сени ҳеч ким хўрлаётгани йўқ. Яна аввалгидай яшайверамиз, факат уйланиш ҳақида гап очма. Оилам, бола-чакаларим бор.

— Сизнинг ҳаётингиз ўз йўлида текис кетаверади. Ҳаммаси жой-жойида, факат курбон бўлган биз.

— Кўй, ундей дема. Сени севавериб, мен ҳам адойи тамом бўлдим-ку?

— Ишонмайман.

— Нега?! (Эркин унинг елкасидан кучоқлади) Уйланаман деган битта-яримтаси ҳали чиқиб қолар. Биз эса факат бир-биримизни севишга яратилганимиз. Кел, энди... (Улар диванда кучоқлашиб ўтирадилар).

— Кўйинг, ойим уйдалар. Сиз ҳақингизда гапираганман. Бўлмаса, аллақачон ҳайдаб чиқараардилар.

— Ўзимни ойижоним, мен учун шундай қизни тувиб қўйибдилар-у минг марта ўргилсан арзийди. (Эркин Мухайёнинг юз-кўзларидан ўпа бошлайди). Юр, кетдик. Ўзимизнинг жойга...

— Йўқ, керакмас. Тўхтанг, нариги хоналарни кўрай, ҳеч ким йўқмикан. Эшикни ҳам беркитиб келаман. (Мухайё ўрнидан кўзғалди. Эркин диванга чўзилиб, ёқасининг тугмаларини ечди. Хотиржам ва ўзидан мамнун). Анча вактдан кейин кўзлари ором истаб, юмила бошлайди. Бу ҳол томонига тақалган ўткир тиғнинг оғриғини сезгунга қадар давом этади.

Оғриқдан кўзини очганда тепасида турган Муҳайёни кўрди;

- Жинни бўлдингми, ол!
- Мен бугун ўзимни ўлдиришга қасд қилмаганимда, сизни ҳам ўлдирмаган бўлар эдим. Хайр. Мендан кейин яшашга ҳаққингиз йўқ.
- Эсингни йиғ. Жиннилик қилма. Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Ҳамма нарсани бир кунда ҳал қилиб бўлмайди. Балки турмушимиз ҳам ўзгарап. Болачакам бор. Сени ҳам шундай ташлаб қўймайман... Балки, яширинча никоҳдан ўтиб, алоҳида уй олармиз.
- Йўқ, бу гаплар жуда кеч айтиляпти. Бу гапларни мени қутқариш учун эмас, ўзингизни қутқариш учун айтяпсиз. Хайр!
- Муҳайё, Муҳайё, шошма, ол пичоқни. Нима, мен сени бирон марта алдадимми, ё сени истаганингдай севмадимми, айт нима қилдим?
- Мен сизсиз яшашим мумкин бўлганда эди, ўзими ўлдирмаган бўлардим. Сиз менсиз яшай оласиз, шунинг учун сизни ўлдираман. Мен бир ўзим ўлиб кетишни истамайман.
- Нима деяпсан, Муҳайё, биз ҳали кўп яшаймиз. Бизнинг давримиз энди келади. Ол пичоқни...

Муҳайё унинг томогига қадалган пичоқни олди. Лаблари, титради.

- Ўлдир десангиз ҳам ўлдирмасдим...
- Сенга ишониб бўладими?
- Менга нима қипти?
- Ўзингни кўлга ол. Керак бўлсам чақиравсан. Ёлиғлик парда ёлиғлигича қолсин. Уни кўтарсак, биз ҳали бирга ўлишимиз учун кўп нарса етишмаслиги аён бўлиб қолади.
- Нималар?
- Сен мени севган пайтларингда бошқаларни ҳам назардан қочирмагансан. Мен ҳам худди шундай. Агар турмуш курганимиздан сўнг, бир-биrimizsiz яшолмаймиз деб кафолат беролганингда, мен сенга уйланган бўлардим. Афсуски, сен энди мени деб яшолмайсан. Ҳали сен севадиганлар ҳам, сени севадиганлар ҳам кўп бўлади. Муҳаббат эса хонаки эмас,

ёввойи каптардир. Сен хозир уни кафасга соламан деб, ўзингни қийнаяпсан. Балки, сен ўзингни ўлдиришинг ҳам, мени ўлдиришинг ҳам тўғридир. Лекин бу ўз юрагинг ҳақида, ўз муҳаббатинг ҳақида чиқарган тўғри хулосанг эмас. Бизнинг юракларимиз сен ўйлаганчалик тоза эмас.

— Мен ҳам сиздай ўйлаганимда, бу хаёт учун, ҳаётнинг олдида ўзимни ифлос санаганим учун ўзимни ўлдиришга қасд қилмаган бўлардим. Хайр, сиз билан гаплашадиган гапимиз қолмади.

— Нима ҳам дердим. Омон бўл! Агар истасанг яна учрашамиз.

— Мен Худодан шундай бир муҳаббат сўрайманки, мен севган киши, мени ҳеч қачон алдамаса, бутун жонимни, умримни, кучу-кудратимни, юрагимни бериб унга фидойи бўлиб ўтардим. Жонингни тикиб борсанг-у сени қанча вактлар давомида алдаб келаётганларини кўрсанг, бундан ортиқ фожеа борми? Лекин энди бу гапларнинг сизга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Кетинг!

— Xўп, хўп...

* * *

Тўй. Куй-қўшиқ авжиди. Шовқин-сурон. Бирровга келган хонандалар иккита-иккита, тўртта-тўртта қўшиқ айтиб, даврани бўшатяпти. Навбат Муҳайёга етиб келган.

Ўртани олиб борувчи уни огохлантираяпти:

— Муҳайё, тайёр бўлиб туринг, қўшиқ тугаши билан эълон қиласман, хўлми?

— Тезрок бўлақолинг. Вактим зиқ.

Шу пайт тўйхонага Севинч кириб келади. Унинг атрофида чолғучилари. Унинг викор билан юришларини кўрган тўй ахли ҳайратда. Ҳамма йўл берган, ҳавас билан қараган. Баъзилар суюлиб қуллук қилган. “О, Севинч келди”, деган товушлар. Ўртакаш ҳам югуриб пешвоз чиқкан.

— Келинг, келинг Севинч!

— Тўй қалай бўляпти?

— Зўр. Сиз келдингиз, энди даҳшат бўлади.

- Менга, қачон навбатни берасан?
- Сизгача уч киши ёзилган.
- Вақтим зикқ. Ҳозир чиқиб айт.
- Менга барибир. Ана, Мухайёнинг навбати. Ўзингиз сўранг.
- Мұхайё... Ҳозир мен чиқаман. Йўқ, дема. Озроқ турсанг асакант кетмайди.

Мұхайё: — Йўқ. Кутолмайман. Қолаверса, мен қўшиқ айтгандан сўнг, сенинг келган-келмаганинг ҳам билинмай кетади. Шунинг учун шошилмай қўяқол.

Севинч: — Газандал!

Мұхайё: — Менинг олдимга тушишингга ҳали анча бор!

Севинч: — Шундай қиласман, томоғинг ҳали менинг номимни айтишдан бошқасига ярамай қолади.

Мұхайё: — Сенинг номингни айтганларнинг таҳорати бузилиб кетяпти-ю.

Севинч: — Сенда таҳорат борми?

Севинч газаб ва нафрат билан тўйдан чиқиб кетади. Бир тўда одам унга эргашади. Мұхайё қўшиқ айтиш учун ўртага қараб юра бошлайди.

* * *

Севинч ва Наргиза ўтирибди. Севинч асабий:

- Ҳозир у ким билан юрибди. Ишонгани ким?
- Эркин дегани билан. Ҳарқалай катта бойлардан...
- Сен унга йўл топишинг керак. Унинг қўйнида бизнинг гўзаллардан бири ётганида, мен ўзим Мұхайёни етаклаб бораман. Эрини, оиласини ташлаб, шу Эркин деганига ишониб, кариллаб юрган экан, ишонгани хиёнат қучоғида ётганида бир кўриб қўйсин. Ва мен ҳам шунда Мұхайёнинг ахволини кўриб, ғуборим тарқалади.

Уни енгишнинг бошқа йўли йўқ!

* * *

Эшик қўнғирори жиринглайди. Эшикда Севинч ва Мұхайё дамбадам тугмачани босарди. Севинч Мұхайёга масхараомуз пичирлади:

- Сал ўзингни бос. Ҳозир севаман деганингни

ахволини кўрасан... Ишонганинг, иштонсиз ишрат қиляпти.

Ичкаридан, "Ким у?" деган товуш. Севинч "Бу мен!" дейди. Мұхайё тирқишидан панага бекинади. Эркин бамайлихотир, Севинч келганидан хотиржам тортиб, эшикни очади. Эркин халатда. Олдин Севинч, сўнгра Мұхайё кириб боради. Эркин даҳшатдан донг котиб қолади. Қизларни кўрган Наргиза худди хеч нарсадан хабари йўқдай, яrim яланғоч, югуриб келиб, Эркиннинг устига сакраб осилиб олади. Унинг хиёнатини кўрган Мұхайёнинг кўзлари олов бўлиб ёнади. Сумкасидан пичоқни олиб отади:

— Аблаҳ!

— Тўхта, Мұхайё...

Эркин хонага қочиб кириб, эшикни беркитади. Мұхайё, эшикни тепа бошлиди: — Хо-зир ўлдираман!

— Мұхайё, мен барибир сени севаман, якка-ю ягонасан. Ўзингни бос. Хотиним эмассан-ку?

— Ўлдираман, ифлос! — Мұхайё пичоқни эшикка санчади. Қаттиқ жанжал, бақир-чакирлардан бутун "дом" ларзага келади. Севинч истехзоли табассум билан бўлаётган воқеаларни кузатиб турарди.

* * *

Мұхайё студияда қўшиқ ёзаётган эди, кимдир ойнани чертаётганини эшитиб, ўша томонга қаради. Ойна ортида Эркин турарди. Мусикачилардан ўнгайсизланиб, ташқарига чиқди.

— Келинг!

— Салом, Мұхайё.

— Нега келдингиз?

— Биласанми, ҳамма айб менда. Сенинг олдингда гуноҳкорман. Мени кечир.

— Хўп, кечирдим.



- Кел, ярашамиз.
- Хўп, ярашдик ҳам дейлик, кейин нима бўлади?
- Мен сени яхши кўраман.
- Кўйинг бу гапларни. Фижиним келяпти... Бу сўзларни шу қадар ёмон кўраман-ки, айниқса сизнинг оғзингиздан чикқанда, чидаб туролмайман.
- Тўғри, авваллари бу гапларни эрмакка айтардим, энди ростдан, чин юракдан...
- Бўлди, бас. Кетинг!
- Айт, айбимни қандай ювай? Битта жонимга бунча жабр. Мен сени бу қадар севаман деб ўйламагандим. Ҳозир нима десанг розиман. Фақат, аввалгидай дўст бўлайлик, аввалгидай бирга бўлайлик. Ахир бир пайтлар севардинг-ку? Бир пайтлар айтган сўзларинг ҳеч қачон ёдимдан кўтарилимайди. Айниқса, теракзор тагидаги учрашувимиз кўз олдимдан кетмайди. Ахир бир-биримизни севамиз-ку, нега кечирмайсан? Ёлвораман Муҳайё, мени кечир, сени севаман!
- Ёлғон! Авваллари сизни мутлақо бошқа одам деб билардим. Сиз, тасаввуримда салкам авлиё эдингиз. Кейин билсам, сиз ҳам бошқалар қатори ифлос экансиз. Энди кечиришимнинг ҳожати йўқ. Бу кечиримлар ҳеч нарсани ўзгартиrolмайди. Сиз, бугун кечирим сўраб, эртага хиёнат киласиз.
- Бўлди, ҳеч қачон хиёнат қилмайман. Истайсанми, сенга уйланаман. Оила куриб, ўғлингта оталик қиласман. Доимо бирга бўламиз. Қасам ич десанг, қасам ичаман. Сени севаман, Муҳайё! Сенсиз кийналганларимни билсайдинг.
- Рости, сени бу қадар севиб қоламан деб ҳеч ўйламагандим. Энди сенсиз яшолмайман.
- Эркин ака, кетинг бу ердан. Гапларингизни эшишиб кўнглим айнияпти. Одам бу қадар пасткаш бўлмаслиги керак.
- Муҳайё, уйингта совчи жўнатаман. Тўй қиласиз. Ҳаммаси очиқчасига бўлади. Яна қандай исботлай...
- Кетинг... Севгини бунақа гаплар билан сотиб олиб бўлмайди. Сиз, мен ўйлаган одам эмассиз. Сиз, хиёнаткор, сотқинсиз.
- Хўп, мен шундайман. Фақат сен мени кечир...

— Мен кечирганимда ҳам, энди ҳеч нарса ўзгармайди. Энди ҳеч қачон учрашмаймиз. Бари тугади. Эртага келсангиз ҳам, ўн йилдан кейин келсангиз ҳам, жавобим шу. Қасам ичиб айтаман, қайта сиз билан бўлсам, ёлғиз боламнинг ўлиги тутсин.

— Мухайё...

Мухайё чирт бурилиб студияга кириб кетди. Эркин нима дейишини билмай, довдираб қолди. Тақдирга тан берган одамдай, ҳайрат ва таажжубда, бошини чанглалаб, ерга ўтиреди.

* * *

Раъно: — Сиз Турғун акамнинг менга бўлган муносабатлари самимилигига шубҳаланяпсиз, шекилли?

Мухайё: — Йўқ, балки ўзгаргандирлар. Лекин аёл кишининг ёлғиз қолиши, кун келиб инкор этилиши, севилмай қолиши, севган одами йўқламай қўйиши, нақадар азобли эканлигини билганим учун бу ерга келиб ўтирибман.

Раъно: — Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганда, шундай қиласмидингиз?

Мухайё: — Ҳа, мен негадир Турғун ака сизни севиб қолганига ишонмаяпман. Мана шу нарса сизни баҳтсиз қиласди, деган хавотирдаман. Биз бор-йўғи битта зебигардон учун ажрашиб кетдик.

Раъно: — Ҳозир Турғун акага телефон қиласман. Сиз нариги телефондан bemalol эшитаверинг.

Мухайё: — Йўқ, керакмас.

Раъно: — Керак. Бу сиз учун ҳам, мен учун ҳам керак. Факат билдириб қўйманг.

Раъно телефон рақамларини теради. Трубкани Турғун кўтаради;

Турғун: — Алло, Раъно яхшимисиз?!

Раъно: — Турғун ака, сиз билан кўришганимизда, неча бор шайландиму лекин айттолмагандим. Энди, телефонда бўлса ҳам, сўрашга мажбурман. Нега хотинингиз билан ажрашгансиз?

Турғун: — Уни ўзи кетди. Кўшикчи бўлмоқчи экан... Қисқача айтганда: “Бахтимиз очилмади”.

Раъно: — Агар эртага у киши қайтаман деса, қайтадан уйланасизми?

Турғун: — Йўқ. Чунки у менга хиёнат қилган.

Раъно: — Балки, бу нарса бўлмагандир. Мен ўз баҳтимни ўзгалар баҳтсизлиги ҳисобига қурмоқчи эмасман.

Турғун: — Сизни севишим учун баҳтсиз яшаганим тўсиқ бўлолмайди.

Раъно: — Сизнинг Муҳайё билан кечирган турмушиңгиз, мен билан ҳам такрорланмайдими?

Турғун: — Хеч қачон. Бизлар баҳтли бўламиз. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Энди кўзим очилди. Сиз менинг баҳтимсиз.

Раъно: — Турғун ака, уйга адам келиб қолдилар, кейинроқ қўнфироқлашамиз.

Турғун: — Раъно, Сиз ҳеч шубҳаланманг. Сизни яхши кўраман. Соғ бўлинг!

Улар трубкани қўйдилар. Муҳайё ҳайратдан қотиб қолган. Нима дейишини билмай, Раънога қарайди.

Сўнг: — Раҳмат, анча нарсани ойдинлаштирдингиз — деди.

Раъно: — Албатта, мен Турғун акага нисбатан яхши иш қилмадим. Балки, бу ишм учун у киши хафа бўларлар. Лекин сизларнинг ораларингиздаги боғлиқлик қай даражадалигини билиш, мен учун ҳам қизиқарли. Бунга кўз юмолмайман. Оила қургунимиэча бу муносабатлар ошкор бўлгани яхши. Турмуш қурганимиздан сўнг, оила сирларини ҳеч қачон ошкор қилмайман.

— Шундай бўлгани яхши. У сизни бу қадар яхши кўриб қолганини билмаган эканман. Узр. Энди мен борай!

* * *

Яқин одаминг ўлса, “бандалик экан-да” — дея таскин излайсан. Аммо қачонлардир қадрдон бўлган, сени кучиб эркалаган, жисму-жонини берган, борлингга сингиб кетган ва ҳаётингнинг энг азиз бўлаги бўлиб қолган инсон, хатто у кейинчалик бегонага айланиб қолган бўлса ҳам, у энди сендан мутлако кетаётганлигини кўриш, айникса бошқа бирорни баҳтли қилиш учун, айнан сени ўрнингга бошқа бирорни саодатли қилиш, уни севиш, унга ўз ҳаётини бағишлиаш,

у билан оила куриш, сени аро йўлда ташлаб у билан қолган умрини файэли ўтказиш ва сени битмай-тугалланмай қолган можаролар исканжасига ўзингни ёлғиз ташлаб, кетаётгандигини, янги ҳаёт остонасини очиб, кириб кетаётгандигини кўриш, нақадар даҳшат. Айникса, аёл киши учун. Аёл киши учун, ўзининг собик турмуш ўртоғи бошқа бирорга уйланаётган тундан машъумроқ тун йўқ. Агар аёл мана шу тундан эсономон ўтиб олса, мана шу тунда сабр-тоқат қилолса, кейин юраги тош бўлиб, яшаб кетаверади. Ҳамма балога бардош беролади. Фақат у, мана шу тунни ўтказиб олса бас.

Лекин Мухайё ўша кеч уйда ўтира олмади. Ўзи караҳт бўлиб қолган, оёғини ердан узолмас, чангакдай букилиб ўтиришдан бошқасига ярамасди. Ўзини бу қадар афтодаҳолдигини бекитиш учун, далда дея ўғлини ҳам ўзи билан олиб, тўй ўтаётган кафега бориши учун такси тўхтатди.

Кейинги пайтларда Мухайё кўп тўйларда бўлди. Қўшиқ айтиб кўп базмларни ўтказди. Никоҳ тўй, суннат тўй, чарлар... Баъзан иккинчи бор уйланаётгандигининг тўйида ҳам бўлди. Тўйхона худди унинг ишхонасидай бир таассурот уйғотарди. Лекин бугун Турғун уйланяпти.

Кафе катта йўлнинг ёқасида бўлғандиги учун ўтган-кетгандар кўп. Мухайё коронғу тушганидан фойдаланиб, худди йўловчидай кафе атрофида астасекин юра бошлади. Кафе оғзида, бир пайтлар унга кариндош бўлган, уни таниган, уни хурмат қилган танишларига кўзи тушди. Тўйдаги қўшиқчини ҳам овозидан таниди: Севинч! Дунёнинг айланиб келишини қаранг. Севинч уни Эркиндан айирганди. Энди Турғундан ҳам айиряпти. Йўқ, Севинч Эркиннинг хиёнатларига хотима ясади, очиқчасига кўрсатиб берди, холос. Турғун билан бўлган можароларнинг эса сўнгти кунида, иштирок этяпти, холос. Лекин, нега айнан Севинч?!..

Мухайёнинг бир нияти, тўйга шарт кириб бориши эди. Лекин шартта кириб боришга ҳаққи йўқлигини биларди... Қолаверса, бу ердагиларнинг баъзилари уни

Турғуннинг собиқ хотини деб билса, баъзилар “ана, қўшиқчи Муҳайё келди” — дея хаёл қиласди.

Муҳайё тўйхонага қарар экан, кўзларидан дув-дув ёш тўкиларди. Собиржон ҳам онасининг авзойига қараб, хархашаларини тўхтатди. Боядан бери, ана амаким, ана аммам, ана фалончи акам деб, тўйхона томонни кўрсатар, ҳеч нарсани тушумай, онасини ўша томонга судраётганди. “Улар бари ёмон одамлар” — дейиши ҳам таъсир қилас, нега шунча вақт яхши бўлиб юрган одамлар, бирданига ёмон бўлиб қолганлигига идроки етмасди.

Муҳайё асфальт йўлни кесиб, югуриб келаётган Турғунга кўзи тушди. Турғун кела-солиб Собиржонни қучоқлаб олди.

— Ўслим, мени кечир. Хоҳласанг сени тўйхонага олиб кираман. Ҳали катта бўлганингда, мени тушунасан. Унгача ҳам ёлғизлатиб қўймайман. Олдингга бориб тураман. Ўслим, сени яхши қўраман. Менинг жигарбандимсан. Кўчада қолган бахтим, бахтсизимсан.

— Дада, дадажон... Сизни соғиндим.

— Ўслим, сенга қайтар йўлларим беркилган бўлса, нима қиласй?! Мен бугун уйланаяпман. Фақат сени кўриш учун чиқдим. Менга сени келганингни, ойингни келганини айтишди.

Турғун бошини кўтириб, Муҳайёга қаради.

— Раъно сени танир экан. Сени олдингга чиқишимни билиб, бўйнидаги зебигардонни ечиб берди. Ма, ол. Қачонлардир битта зебигардон учун ажрашиб кетгандик. Буни тақиб, зора баҳтли бўлсанг. Зебигардон хақида унга ўзинг айтиб берган экансан. Мени ҳам жуда баҳтли деб ўйлама. Агар менга хиёнат қилмаганингда ҳеч қачон уйланмаган бўлардим. Менинг ор-номусимни бу қадар арzon сотганинг учун, сени кечирмайман. Умид билан бир ёстикка бош қўйганимиздан сўнг, сенга бутун ҳаётимни багишлагандим. Афсус, бошим тошга жуда каттиқ урилди. Сен ҳам ўз баҳтингни топарсан. Илтимос, бу зебигардонни ол. Мендан гинанг қолмасин...

— Керак эмас. Мен бу ерга зебигардон учун ёки Сиз учун келганим йўқ. Ўзимнинг фожеамни қўриш

учун, мен йўл қўйган хато нақадар даҳшатли эканлигини англаш учун келганман.

— Мен борай. Сўнгги илтимосим, буни ол. Турғун Мухайёнинг қўлига зебигардонни тутди. — Собиржонга бирор нарса керак бўлса айтарсан.

Турғун ортига қараб югуриб кетди. Мухайё узок вақт ўкириб-ўкириб йиғлади. Жимиб колган Собиржон унинг этагига ёпишиб олганди. Орадан анча вақт ўтди, Собиржон онасининг ниманидир ғижирлатиб еяётганини кўрди. Мухайё зебигардон доналарини бирма-бир оғзига солаётганди. Доналар катта-катта бўлганлиги учун, томоғидан зўрға ўтар, баъзиларини тиши билан синдираман дер, лекин тиши синиб, лабининг бир бурчидан қон сизиб чиқарди. Собиржон ойисининг қўлларига тирмашди. Лекин ойиси важоҳат билан, шода-шода тошларни кеппалаб оғзига солар, ўқчиб-ўқчиб ютинарди. Собиржон ойисини қаттиқ тортиб ўзига қаратмоқчи эди. Мухайё йўл четидаги панжарага суянганча ерга беҳуш бўлиб кулади. Собиржон ойисига қараб энгашганида, Мухайё нафас ололмай хириллар, кўзлари катта-катта очилиб, даҳшат ва саросимадан қотиб қолган эди.

Собиржон энди онасига ёрдам беролмаслигини тушуниб, тўйхона тарафга чопди.

Турғун етиб келганида Мухайёнинг кўзлари осмонга қараб қотиб қолган, унинг кўзлари юлдузлари кўйган тун осмонидай қоп-қора эди...

АТИРГУЛ

Теленовелла

Талабалар ётоқхонаси.

Бинонинг кўча тарафига қараган деразаларидан машҳур эстрада кўшиғи янграб турибди. Бошқа бир деразадан мўралаб турган қиз, дарахт тагида турган йигитчага нималарнидир ишора қилади, кулади. Икки талаба рўзбор халта кўтариб бино эшигидан ичкарига кириб кетишимоқда.

Улар учинчи қаватга чикиб, йўлкадан ўтиб боради ва ўzlари яшайдиган хона эшиги олдида тўхтаб, хайрон туриб қоладилар.

Эшик туткичига бир дона қизил атиргул қистириб кўйилгади. Қизларнинг бири чиройли лабларини қимтиб уёқ-буёққа караб кўяди. Ҳеч ким кўринмайди. Шундан кейин гулни туткичдан юлиб олиб, эшикни тақиллатади. Эшик очилади, у ичкарига киради. Эшик яна ёпилади. Дугонаси Севара унинг қўлидаги атиргулни кўриб қарсак чалиб юборади.

— Ву-үй, Зилола янами?

Зилола унга жавобан “ҳа” дегандек бош иргаб қўядида, гулни каравот устига ташлайди. Камола унга хўмрашиб гулни олади.

— Нега ташлайсан? (У гулни стол устидаги вазада турган бошқа атиргулларга қўшиб кўяди) — Мана бу ерда турсин. Қара, қандай чиройли! Агар ҳар куни эшигимиз туткичидан атиргул пайдо бўлиб колаверса, тез орада хонамиз гулзор бўлиб кетади.

Зилола индамай кийимларини алмаштира бошлайди.

СЕВАРА: — Севади, севмайди, севади... дея пичирлаб, гул япроқларини битталаб юлиб, юрак шаклинни ясай бошлайди, сўнгра отилиб келган найзани, томчи қонни ясади, барглар “севади” сўзида тугайди. Севара шодлигидан чапак чалиб юборади.

СЕВАРА: — Севар экан, севар экан...

ЗИЛОЛА: — Севара!

СЕВАРА: — Нима дейсан?

ЗИЛОЛА: – Нима бало, хумдан тилла топдингми?

СЕВАРА: – Вой мунча яхши... Севар экан... Ким бўлиши мумкин-а?

ЗИЛОЛА (тушунмай) – Ким?

КАМОЛА: – Ўша ошиқи бекарор!

ЗИЛОЛА: – Мен қайдан билай?

КАМОЛА: – Биласан. Сен балониям биласан. Бу атиргуллар сенга аталган.

ЗИЛОЛА: – Биронтаси ҳазиллашаётгандир?

СЕВАРА: – Йўқ, бу нарса билан ҳазиллашиб бўлмайди. Буни муҳаббат деб қўйибдилар. “Дилдаги охим менинг биринчи муҳаббатим”!...

ЗИЛОЛА: – Ана холос!

КАМОЛА: – Кўнглим сезиб турибди. Кимдир сени каттиқ севиб қолган. Атрофингда куйиб, ёниб, ўртаниб, парвонадек айланиб юрибди.

Ҳамма қизлар бараварига:

*Яна пайдо бўлдим йўлингда
Йўлларингда яна бўзладим.
Бечора қалб сенинг қўлингда
Йўлларингда толди кўзларим.*

ЗИЛОЛА: – Нега энди, ўзимга учраб дилидагини айтиб кўяқолмайди?

СЕВАРА: – Демак, у яхши йигит. Содда, камтар, фахм-фаросатли. Сен рад этишингдан чўчиб журъат килолмаётган бўлиши мумкин.

КАМОЛА: – Фолбин бўлиб кет-а!

СЕВАРА: – Бола бечоранинг адойи-тамом бўлгани кўриниб турибди. Бу қизил атиргуллар унинг кон бўлиб кетган юрагининг рамзи!

ЗИЛОЛА: – Кўйсанг-чи, шунаقا гапларни!

КАМОЛА: – Сен омадли экансан. Хар куни эшик тутқичига бир дона қизил атиргул кўйиб кетиш... бу хаёлга сиғмайдиган нарса... Зилола, бир иш қилмаймизми?

КАМОЛА: – (картошка арча туриб) – Нимайкан?

СЕВАРА: – Кел – ўша Мажнунинни ушлаб олами!

ЗИЛОЛА: – Қанака қилиб?

КАМОЛА: – Эшик тутқичига гул илаётганда шартта ушлаб олами. Кейин қўлларини қайриб хонага олиб кирамиз.

СЕВАРА: – Кейин-чи?

КАМОЛА: – Кейин суд киламиэ. Мен судья бўламан. “Хўш, йигитча, нега факультетимизнинг мутлақ гўзали Зилолаҳоннинг атрофида гирдикапалак бўлиб юрибсиз?” дейман. Сен “оқловчи” бўласан!

ЗИЛОЛА: – Нега энди “оқловчи”?

КАМОЛА: – Чунки, уни севасан-да!

ЗИЛОЛА: – Бўлмаган гапларни гапирма!

Бир кун, Зилола, Камола, Севара билан гул келтирувчини тутмоқ илинжидаги узоқ пойладилар. Эшик орқасида тек қотганча кутдилар. Камоланинг қўлида швабра. Севаранинг қўлида шиппак.

Камола (қитмирилик қилиб шивирлайди) – Уришга овлолган нарсангни кара! Юмшокроқ тегсин деяпсан-да?

(Севара унга мушт ўқталиб, “жим” ишорасини килади).

Эшикнинг у томонида қандайдир қадам товушлари эштилади. Эшик орқасида тўхтайди. Эшик тимдаланаётгандек, аста китирлайди. Тутқич овози. Кизлар эшикка ёпишадилар. Ва талашиб-тортишиб очадилар. Лекин улгуролмайдилар. Йўлакда ҳеч ким йўқ эди. Эшик тутқичида эса бир дона атиргул илиғлиқ турарди. Ҳаммалари кулиб юборадилар.

СЕВАРА: – Э, эсиз қочириб юбордиг-а?

КАМОЛА: – Ҳа, “бахт қуши”нг учди-кетди. Ўзингда, нега йўлимни тўсасан? Эшикни очдинг бўлдийди, швабра билан калласига бир уриб сулайтириб қўярдим, вассалом!

ЗИЛОЛА: – Ажаб бўйти!...

Улар иши юришмаган овчидаи, попуклари пасайиб, хонага кириб кетдилар. Орадан бир-икки кун ўтиб, бу холат яна такрорланди. Ҳаммаси яна эшик ортида номаълум ошикни кутиб турардилар.

Камоланинг қўлида яна швабра. Севаранинг қўлида савзитахта. Йўлакдан келаётган қадам товушлари уларнинг эшиги тагига келганда тўхтайди.

Камола кўрсаткич бармоғини лабларига босиб, “жим” ишорасини қиласи ва бирдан эшикка ташланади.

Эшик ортида галстугини тўғрилаётган, йигитча уларнинг важохатини кўриб ағдарилиб тушаёди. Қўлтиғидаги сумкаси ерга тушиб, ўзи орқага қочади ва қўкрагига туфлайди.

КАМОЛА: – Шароф ака?

ШАРОФ: – Э-э, секинроқ! Бу қанақаси?

ЗИЛОЛА: – Вой ўлай, бу сизмидингиз, Шароф ака?

КАМОЛА: – Ана холос, сал қолди-я!

ШАРОФ: – Нима, менга сунқасд уюштиromoқчи эдингларми?

КАМОЛА: – Бизни кечириңг Шароф ака... Биз...

СЕВАРА: – Ҳазиллашмоқчи эдик!

ШАРОФ (кулиб) – Швабра, савзитахта билан-а? Биттадан бошимга урсанглар, томим кетиб қолади-ку?

КАМОЛА: – Жуда юракдан ҳам берган экан-да, на-мунча? (қўлидаги атиргулни кўрсатади) – Буни сиз олиб келмадингизми?

ШАРОФ: – Йўқ. Биринчи марта кўриб туришим, тинчликми?

СЕВАРА: – Йўқ, шунчаки...

ШАРОФ: – Мақсадинглар нима ўзи, тушунолмадим? Озиб-ёзиб бир келиб қолтанимда, оғзи-бурним қонга беланишига сал қолди-я?

СЕВАРА: – Юринг, хонага кирайлик гап бор!

ШАРОФ: – Қанака гап?

КАМОЛА: – Яхши гап. Юринг!

ШАРОФ: – (ҳазиллашиб швабрага имо қиласди) – Урмайсизларми?

КАМОЛА: – Агар бир қўшиқ айтиб жўялик бир маслаҳат бермасангиз...

ШАРОФ: – Келинглар яхшиси мен сизларни ўзим қўшиқ айтадиган концертга таклиф этаман. Жуда зўр бўлади. Мазза қиласизлар.

* * *

Ётоқхона. Йўлакда шошиб кетаётган йигит шарпаси кўринади. У таниш эшик рўпарасида тўхтаб, энди қўйнидан атиргул олиб тутқичга қистираётганида тўсатдан эшик очилади-ю, ичкаридан Зилола чиқиб келади. Буни икковлари ҳам кутмаган эдилар. Атиргул ерга тушади. Йигит уни олгани энгашади ва бош кўтариб гуноҳкорона илжайди.

ЗИЛОЛА: – Бу ерда нима қиласиз?

ЖАВОХИР: – Ўзим...

ЗИЛОЛА: – Эшигимга гул қистириб кетаётган сиз экансиз-да?

ЖАВОХИР: – Ҳа...

ЗИЛОЛА: – Кимга?

Жавоҳир (гуноҳкорона бош эгади) – Биласизми...
Мен буни... тушунтириб беришим қийин...

ЗИЛОЛА: – Нимани?

ЖАВОҲИР: – Зилола... Мен...

ЗИЛОЛА: – Гапиринг!

ЖАВОҲИР: – Мен ҳам шу университетда ўқийман.
Исмим Жавоҳир...

ЗИЛОЛА: – Хўп, Жавоҳир бўлсангиз, эшигимиизга
атиргул қистириб кетишингиз керакми?

ЖАВОҲИР: – Мен ҳозир буни тушунтириб берол-
майман.

ЗИЛОЛА: – Тушунтиришнинг хожати йўқ. Кетинг!

ЖАВОҲИР: – Зилола!

ЗИЛОЛА: – Йўқ, гапирманг, кетинг! Қайтиб бу ерга
келманг!...

Эшик тарс этиб ёпилади. Жавоҳир қўлидаги атиргулни маҳкам қисади. Атиргулнинг тиканлари қўлига киради. Жавоҳир оғриқдан инграб, қўлларини ёзганида, қип-қизил қон бармоқлари орасидан сизиб чиқиб, томчилайди.

* * *

Яна ўша ётоқхона. Ўша йўлак. Ўша эшик. Йўлакдан келаётган Зилола эшикка қистирилган атиргулни кўриб кошлари чимирилади ва жаҳл билан тортиб олади. Гул билан бурканган хат чиқади. Зилола хатни олиб очади, ўқишга тутинади. У Жавоҳирнинг хати эди: – “Зилола! Илтимос, мени кечиринг! Кеча сизга гапира олмадим. Очиги, айтишга сўз тополмадим. Чунки, бу юрагимдағи энг катта сир эди. Буни ҳеч ким билмайди. Ҳатто ўзимдан ҳам яширишга уринаман. Ҳозир қаттиқ ҳаяжондаман. Лекин барибир айтишим керак. Айтмасам, худди юрагим портлаб кетадиганга ўхшайди.

Зилола! Мен сизни севаман... Сизсиз мен учун ҳаётнинг маъноси йўқ. Сиз ҳали кўп нарсаларни билмайсиз. Мен қарийб уч йилдан бери изингиздан соядек эргашиб юраман. Қаерга борасиз, қаердан келасиз, доим ёнингиздаман. Буни фақат сиз сезмайсиз холос.

Илтимос, эртага дарсдан кейин ҳиёбон дарвозаси олдига чиқсангиз. Сизга айтадиган гапим бор. Учрашсак бас.

Илтимос билан Жавоҳир.”

Зилола хатни ғижимлаб деворга суюниб қолади. Ка-

лит билан аранг эшикни очади ва ечинмаёқ ўзини кара-
вотга ташлайди. Нозик елкалари силкиниб-силкиниб йиф-
лаб юборади.

Стол устидаги вазада эса бир қучоқ қизил атиргул-
лар яшнаб турарди.

Шу кундан бошлаб Жавохир билан Зилоланинг уч-
рашувлари бошланди. Улар гоҳ университет фойесида,
гоҳ хиёбонда, гоҳ талабалар шаҳарчаси биқинидаги ки-
нотеатрда учрашадиган бўлдилар.

ЙИГИТ: – Ой чехрангга ошиқман,
Кўзимга нур етмайди.
Туну кун кўз олдимдан
Карашларинг кетмайди.

ҚИЗ: – Эй ошиқ йигит ёшсан,
Ўз холингга караб юр.
Сўраб қолсам тўсатдан
Жон бермоққа тайёр тур.

ЙИГИТ: – Қанча ноз қилсанг санам
Бир сенга ярашади
Ёлвориб парилар ҳам
Хуснингдан сўрашади.

ҚИЗ: – Севаман деб, ютинмай,
Айтган сўзинг ёлғондир.
Ҳаётингни бутунлай,
Багишлагин, ишонтир.

ЙИГИТ: – Ёнимдасан, етолмай
Рангларим бўлди сомон.

ҚИЗ: – Ошиқка миллион йилда
Бир бора бўлар эхсон.

Лекин бундай баҳтли кунлар узоққа чўзилмади. Таъ-
тил кунлари бошланиб ҳар иккиси ҳам ўз қишлоқларига
жўнаб кетди. Мавзуни Жавохирларнинг хонадонидан да-
вом этирамиз. .

* * *

Мўъжазгина ҳовли. Равонда уч киши – Жавохир,
акаси ва тоғаси сухбатлашиб ўтиришибди. Жавохир чу-
кур ҳаёлга чўмган.

ТОЛИБ:: – Жавохир, ўйлаб кўр, ука. Энди ёш бола эмассан. У ёқда ойим хам қариб колдилар.

ШЕРАЛИ: – Ха, бошни иккита қиласидиган вакт келди, жиян. Ҳадемай ўқишинг ҳам битиб қолар экан.

ЖАВОХИР: – Хўп. Ўйлаб кўраман.

ТОЛИБ:: – Ўйлашмас, уйланиш керак!

ЖАВОХИР: – Хўп деяпманку?!

ШЕРАЛИ: – Бирон кўз остингга олиб қўйган киз бўлса айт, совчи юборайлик.

ТОЛИБ: – Бўлмаса, ана қишлоғимида ҳам кетвортган кизлар тикилиб ётибди. Саломатхонни кўрдингми ўзи? Худди индийский кинодаги артисткаларнинг ўзи. Ойшачи? Эртаклардаги маликалардан фарқи йўқ!

Жавохир (бўғилиб): Хўп дедимку, ака. Тўй эртага ё индинга бўлаётгани йўқ-ку?

ТОЛИБ: – Мана, таътилда экансан. Келин тайёр бўлса эртагаёқ бошлаб юбораверамиз.

ШЕРАЛИ: – Яна қачон келасан?

ЖАВОХИР: – Бир хафталардан кейин...

ТОЛИБ: – “лар”га бало борми? Анигини айт!

ЖАВОХИР: – Келаман дедимку?

ШЕРАЛИ: – Ё, бир йўла шаҳардан келинни бошлаб келасанми?

Ака, тоға кулиб юборишади.

* * *

Жавохир, бир нуқтага тикилганча ўйланиб:

“Эх, қанийди бунинг иложи бўлса!” – дея “ух” тортади. Аммо вакт тифиз эди. Жавохир кўп ўйлаб ўтирамай, орадан бир-икки кунни ўтқазиб, Зилолаларнинг қишлоғи сари йўл олди. Ва ниҳоят йўл йўлакай сўроклаб Зилоланинг уйини топиб келди. Уни кўрганлар ажабланди. Аммо у бор журъатини йиғиб, эшикни тақиллатди. Уйдан ёш бола чикиб келди. У Зилолани сўради. “Чақир” деди. Бола кириб кетди ва ҳийла ўтмай остоңада Зилола кўринди. Жавохирни кўриб ҳайрон қолди.

ЗИЛОЛА: – (эсанкираб) – Келинг...

ЖАВОХИР: – Келдим, Зилола. Ётоқقا борсам сиз ҳам кетган экансиз.

ЗИЛОЛА: – Ха, таътил пайти шаҳарда нима ҳам қилдим. Келганимга бир хафта бўлди.

ЖАВОХИР: – Мен бир маслаҳат билан келгандим, Зилола.

ЗИЛОЛА: – Қанақа маслаҳат?

ЖАВОХИР: – Бу ерда айттолмайман. Чеккарокка ўтсак девдим.

ЗИЛОЛА: – Уйга кирақолинг.

ЖАВОХИР: – Йўқ, нокулай. Ўзингиз уйдан чиқа оласизми?

ЗИЛОЛА: – Майли.

ЖАВОХИР: – Мен анхор бўйида... кўприкда кутаман...

Зилола уйга кириб кетди. Жавоҳир йўлга тушди. У кўприк ёнига яқинлашганда уч-тўрт кишлок йигитлари кутиб туришарди.

ШАҲРИЁР: – Қалайсиз меҳмон?

ЖАВОХИР: – Раҳмат.

Жавоҳир ўтиб кетмоқчи эди, болалардан бири йўлини тўсади.

– Меҳмон эмас, “куёв бола” деинг!

ФУРҚАТ: – Қишлоғимизга шу сўтакдан бошқа куёв қуриб қолганими?

ЖАВОХИР: – Оғзингизга қараб гапирсангиз бўларди, ошна.

Болалардан бирининг жаҳли чиқиб, ўшқирди:

ФУРҚАТ: – Сенга қараб гапирсанч? Унда нима бўларди? А?

ЖАВОХИР: – Э, шу билан гаплашиб пачакилашиб ўтирамизми? (Жавоҳирга) Менга кара бола! Зилола менинг хотиним бўлади. Тушундингми?

ЖАВОХИР: – Хотиним?

ШАҲРИЁР: – Ҳа, бўлажак хотиним. (тиржаяди)

Жавоҳир – Ёлғо-он!

– Рост улар унаштирилган.

ЖАВОХИР: – Бўлмаган гап!

ШАҲРИЁР: – Бўлмаса бўладиганини кўрасан!

Шаҳриёр Жавоҳирга ёпишди. Бошқа йигитлар хам Жавоҳирга ташландилар. Муштлашиш бошланди. Жавоҳирнинг кўйлаги йиртилиб, оғзи-бурни тупроққа беланди. Сўнгра ғазбланиб кўлига каттагина тошли олганча йигитларга ташланди. Улар ҳар тарафга чекина бошладилар.

Жавоҳир шу ахволда гандираклаб Зилоланинг уйи тарафга кетди. Йигитлар орқароқда унга эргашиб кела берди.

Жавоҳир Зилоланинг эшигини очиб шиддат билан

кириб борди. Ҳовлида нимадир килаётган қизнинг отаси унга пешвоз чиқаркан, юзида ҳайронлик акс этарди.

ОТА: – Келинг, тинчликми, йигитча?

Жавоҳир (аламдан титраб) – Менга Зилола керак...
Мен Зилоланинг олдига келдим...

ОТА: – Нима қиласиз Зилолани.

ЖАВОҲИР: – Мен қизингизни яхши кўраман... Унга уйланмокчиман...

ОТА: – Ўғлим, мен сизни танимас эканман. Зилола сиз ҳақингизда ҳеч нима демаганди. Дабдурустдан эшикдан бостириб кириб, қизингизни беринг деганингиз ғалати бўлди.

ЖАВОҲИР: – Мени кечиринг!.. Биз бир-биримизни яхши кўрамиз. Илтимос, чақириб беринг!

Дарвоза олдида турган йигитлардан бири хуштак чалиб юборди.

ШАҲРИЁР: – Чакирманг! Зилола менини бўлади.

ОТА: – Қани, ҳамманглар бу ердан бир чикингларчи! Нима қиляпсизлар ўзи? Бу уйми ё мол бозорми?

ШАҲРИЁР: – Айтинг Ортиқ амаки! Қизингизни менга унаштирилганини айтинг!

ЖАВОҲИР: – Ёлғон! Зилола ҳеч кимга унаштирилмаган. Мен уни яхши кўраман. У ҳам мени севади. Мен уни кучоқлаганман, ўпгандан!

ШАҲРИЁР: – Ит сув ичгани билан дарё ҳаром бўлиб қолмайди!

ЖАВОҲИР: – Ҳаром билан ҳалолнинг фарқига бормайдиган ит сенсан!

Шу пайт уй деразаси қарсиллаб очилди ва Зилола кўринди. Унинг кўзлари жикқа ёш эди.

ЗИЛОЛА: – Кетинг Жавоҳир aka, кетинг бу ердан!

ЖАВОҲИР: – Ни-ма?

ЗИЛОЛА: – Нима қиласиз ёлғон гапириб? Уятсиз одам экансиз!

ЖАВОҲИР: – Зилола!...

ОТА: – Ана, жавобингизни олдингиз. Энди кета қолинг, йигитча. Ҳаммага тинчлик керак. – Сўнгра йигитларга қаратса сўзини ниҳоялади: Сизлар ҳам боринглар!

Жавоҳирнинг юрагига тиф санчилгандай бўлди. Шарт бурилди-ю, кишлоқ оралаб, юриб кетди. Унинг кўзларидан дув-дув ёш оқарди. Оғир кечинмалари гирдобида,

қадам ташлаши ҳам оғирлашганди. Тилида эса ушбу байтларни такрорларди:

— Бўғезимда бир йиги исмингни айтсам,
Бахт деганлари ҳам аччиқ шаробми?
Дунёга севмасдан юрганлар ҳакам,
Севганларнинг ҳоли мендай харобми?

Сен билан умрнинг гуллаб-яшнаган,
Хеч ким учолмаган тоқида учдим.
Аммо бугун тушкун, зор-зор қақшаган,
Иложисиз қолганлар чоҳига тушдим.

Чопай десам, энди оёқларим йўқ,
Сени топай десам, кўрмас кўзларим.
Сени чорлай десам, томоқларим йўқ,
Узилиб-узилиб инграр сўзларим.

Титроқ юрагига найза санчилган,
Ўксик ва ташландиқ девонадайман,
Бир-бир чиқаверар жоним ҳалқумдан,
Хеч қачон келмайсан, даволамайсан.

Ҳаёт ёмон кўрмаганди мени асло,
Балки бағри тўла ҳали мурувватга.
Ҳаёт билан хайрлашмоқ мумкин, аммо,
Хайр дея айттолмайман мұҳаббатга...

Жавохир Зилолаларнинг уйидан абгор ва афтода ҳолда узоклашар экан, айрилиқ аламига чидолмас, ўқраб-ўқраб йиғларди. Кўча-кўйда одамлар унинг қон бўлган оппоқ кўйлагига, йиртилган, тупрокқа беланган шимига қарап, унинг эса кўзларидан ёш сизиб чиқарди. У шу ҳолатда кишлоқ автостанциясида узок вакт ўтириди.

Шом бўлиб, коронги тушди.

Тонгда одамлар Зилола яшайдиган уй дарвозасига катта-катта ҳарфларда кесак билан, “Сен фақат меникисан!” дея ёзилган ёзувни қўришди. Унинг ёнида қонли оқ кўйлак ва кўйлак енгига боғланган бир даста атиргул осирилик турарди.

Кўйлакни шартта тортиб олган Ортиқ aka унда шундай ёзув борлигини ўқиди:

— Унаштирилди дегани, бу никоҳ қилинди дегани

эмас. Шахриёрнинг Голиб чиққани, бу ҳали ютиб чиққани эмас.

Менинг қайтиб кетаётганим, бу ҳали севгимдан қайтдим дегани эмас.

Жавохир.”

Ортиқ ака ғазаб ва нафрат билан қўйлакни ва гулларни оёғи тагига ташлаб топтай бошлади.

* * *

Жавохир Ховосга жуда тушкун кайфиятда қайтиб келди. Аҳволи оғирлигини қўриб, онасининг ранг-кути ўчиб кетди.

- Вой Жавохиржон, нима бўлди?
- Хечқиси йўқ. Хавотир олманг.
- Киз деганини узоқдан излаб нима қиласардинг. Овулдаги қизнинг оғзи сассиқ-ми?
- Ойи, ҳозир кўнглимга қил сиғмайди.
- Биласан, биз беклар авлодиданмиз. Биз хамиша ўз уруғимизгагина қиз олиб қиз берганимиз. Наслимизга бегона аралашмаган. Қариндош-уругларимиздан бир нечасининг фарзандлари бўй етиб турибди.
- Ойижон, бир қизни бир неча йилдан буён кўз остимга олиб юрган эдим. Унга уйланмоқчи эдим.
- Хўп, у қиз нима деди?
- Ойижон, уни унаштириб қўйишибди.
- Бўлди энди, уёққа бормайсан.
- Ойижон, бу йил мени тинч қўйинг.
- Йўқ, сенга бир ой муҳлат. Бир ойдан сўнг сендан бирор жўяли гап чиқмаса, ўз билганимиздан қолмаймиз.

* * *

Бўлиб ўтган воқеадан сўнг уч кун ўтгач Шахриёр Зилолани учрашувга чақирди. Фира-шира шом пайти. Зилола Шахриёр айтган жойга минг истихола билан чиқди.

- Зилола, мен қишлоқда бош қўтариб юролмай қолдим. Ҳамма жойда: “Зилола шаҳарда бирор билан юрар экан, ўша излаб кепти. Зилола у билан юриб-юриб, Шахриёрга тегиб кетаётган экан”, деган гаплар. Мен одамларга нима дейишни билолмай қолдим. Нега у ҳақда хеч нарса демагандинг, у ким? Қаердан пайдо бўлди?
- Мен у билан юрганимда ҳозир сиз билан гаплашиб турмаган бўлардим.

- Бўлмаса нега келди, мақсади нима?
- У менга уйланмоқчи экан.
- Нега тегиб кетавермадинг?
- Агар шуни истасангиз, сизга осилиб олган жойим йўк.
- Кимни аҳмок килаяпсан?
- Мен сизни эшигингизни тақиллатиб бормадим.
- Зилола, сени у болада кўнглинг борми, йўқми, айт.
- Нега кўнгил хақида энди гапирайпсиз?
- Нега сен энди сўраяпсан?
- Агар қиз болани севса турмушга чиқиб баҳтли бўлиб кетавериши мумкин. Агар қиз севса-ю йигит севмаса улар хеч қачон баҳтли бўлишолмайди.
- Бундан чиқди, мен сени севар эканман-да. Шундайми?
- Агар шундай бўлмаса, яна бир бор айтаман, ихтиёр сизда. Одам факат мард бўлиши керак. Агар бизни унаштирмаган бўлганларида, мен сиздан аллақачон юз ўгириб кетган бўлардим. Ҳолбуки, унаштиришган экан, уни биринчи бўлиб сиз бузишингиз керак. Мени бундай ишга ҳаддим сиғмайди.
- Зилола, тўйгача ҳали вакт бор. Ҳали мен у йигит билан учрашаман. Мен у йигит билан орани очиқ қиламан.
- Ихтиёр ўзингизда...
- Биласан. Мен кўрқадиганлардан эмасман. Айниқса, сени масалангда шаъним тоза бўлиши керак. Бу йўлдан мени хеч нарса қайтаролмайди.

* * *

Жавоҳирнинг хонадони. Жавоҳир, акаси, тоғаси, онаси ўтиришибди.

ТОЛИБ: - Бўлмаган ишга бўлишма, деган гап бор. Эшитдим, қаерларгадир бориб келибсан. Агар у қиз яхши кўрганда, ваъда берганида бошқа гап эди.

ШЕРАЛИ: - Эй, буни ўзи уни орқасидан эргашиб юрган, у бўлса қарамаган. Иккови гапни бир жойга кўймаган. Энди бўлар иш бўлди, бўёғи кўчди. Ҳалиям бўлса, Соливой тажантнинг қизидан қолмайлик. Агар буни қилиб юрган ишларини Ховос аҳли эшитса, хеч ким кизини бермайди.

ЖАВОҲИР: - Э, бермаса бермасин. Мен уйланмайман, гап тамом.

ОНАСИ: – Уйланмай нима қиласан, ток ўтасанми?
Одамлар нима дейди?

ЖАВОХИР: – Мени кўнглим ўша қизда.

ТОЛИБ: – У кизни унаштиришибдику! Қоработир бўлиб нима қиласан.

ЖАВОХИР: – Ўлсам ҳам ўшани дейман!

ОНАСИ: – Мен сени битта қизнинг орқасидан ўлиб кетишинг учун туққанманми?!

ТОЛИБ: – Э, сен аввал бориб кўр! Ана хусн, ана чирой! Любойини синдиради-ю!

ЖАВОХИР: – Сизлар мени тушунмайсизлар, мен бу ерда қололмайман. Тошкентга кетаман, гап тамом! Ўлдирсаларинг ҳам қарорим қатъий!

ШЕРАЛИ: – Э, даф бўл-э. Бўйдоқни бўйнини бит ер, топган-тутганини ит ер, деганлари шу-да.

* * *

Орадан бир неча кун ўтиб, Жавоҳир Тошкентга қайтиб келди. Ва бир куни... Ногоҳон кўчада кетаётган Камолани, Севарани кўриб қолди.

СЕВАРА: – Жавоҳир ака, яхшимисиз. Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

ЖАВОХИР: – Яна Тошкентга қайтиб келдим. Ишга кирмоқчиман. Бугун ўзим ўқиган қадрдан жойларни бир кўрай, деб айланиб юрган эдим. Қалай, Зилола яхши юрибдими?

КАМОЛА: – Яхши. Ёзда кишлогига борган экансиз, анча жанжал бўлибди. Унаштирилган йигити норози эмиш.

ЖАВОХИР: – Наҳотки? Мен Зилоладан албатта узр сўрайман. Ўзим у билан учрашолмай юрибман. Юрагим сиқилиб кетди. Зилоланинг олдига борсам, мени кўриб ранжимасмикан?

СЕВАРА: – Билмадим. Шахриёр ака ҳам бир марта келиб кетди. Мендан “Зилола қандай қиз ўзи?”, деб сўради. Зилолада кўнгли бўлганида ўзи билан бафуржа гаплашарди. Ҳозир Зилола анчайин ўксиниб юрибди.

ЖАВОХИР: – Мен Зилоладан узр сўрайман, мен факат унинг учунгина Тошкентга келдим. Мана шу шаҳарда унинг борлигини ўзи менга таскин беради.

* * *

Бир куни Шахриёр, Тошкентга, Зилола яшайдиган

ётоқхонага келди. Аммо хонада Зилола йўқ, факат Севара, Камола бор эди. Шаҳриёр Зилолани келишини кутиб, анча ўтириб колди.

ШАҲРИЁР: – Унинг ўқиши қачон тугайди?

КАМОЛА: – Балки кутубхонага киргандир? Мен ҳам кутиб ўтирибман. Бир танишим концертга иккита билет ташлаб кетган эди. Аксига олиб Зилола ҳам кела қолмаяпти.

ШАҲРИЁР: – У бирортаси билан юрганмикан?

КАМОЛА: – Яхиси, факультетга бора қолмайсизми?

ШАҲРИЁР: – Унга нисбатан ноўрин саволлар берганим сизга малол келаяпти, шекилли.

СЕВАРА: – Ундан шубҳаланаётганингиз малол келаяпти.

ШАҲРИЁР: – У менга унаштирилган, уни бирор билан юришига йўл қўймайман!

КАМОЛА: – Мард йигит экансиз, уни севасизми ўзи?

ШАҲРИЁР: – Нима, севмайман десам, концертга мени таклиф этасизми?

КАМОЛА: – Одатда қизлар эмас, йигитлар таклиф этади.

ШАҲРИЁР: – Агар, бу ҳакда Зилола билмайди, десангиз, албатта таклиф этаман.

КАМОЛА: – Мени Зилоладан яширадиган сирим йўқ. Айниқса, унга тааллуқли нимаики деган бўлсангиз, ҳаммасини айтишга мажбурман.

ШАҲРИЁР: – Сиз чиройли қиз экансиз. Зилола менга ёқади, лекин унга нисбатан шубҳа ва гумонларим ҳали тарқагани йўқ. (Шу пайт эшик тақиллади).

СЕВАРА: – Хайрият-э, Зилола келди... (Севара эшикни очади, ташқарида Жавохир турарди)

ЖАВОХИР: – Салом, Зилола борми?

ШАҲРИЁР: – Бор, бор! Эски қадрдон-ку, ҳали шунча калтаклар таъсир қилмаган экан-да-а?

СЕВАРА: – Киринг Жавохир ака, Зилола йўқ эди.

ШАҲРИЁР: – Ҳа-а, кўриниб турибди, ҳаммаларингнинг тилларинг бир. Шаҳарда юриб-юриб, бир қишлоқига тегиб кетавериш экан-да.

ЖАВОХИР: – Ҳали бизнинг ҳисоб-китобимиз тугагани йўқ эди. Мен шунчаки ундан бўлиб ўттан воқеалар учун кечирим сўрашга келгандим. Севара бу тасодиф...

ШАҲРИЁР: – Кечиримни мендан сўрайсан...

ЖАВОХИР: – Ўзингта эҳтиёт бўл, бу ер қишлоқ эмас, тўрттага битта чиқадиган. Қасос олишни эса ҳали унуганим йўқ..

ШАҲРИЁР: – Менга кўп гапирма, хайр-маъзурингни қилиб қол. Бу ерга балки сўнгти келишингдир. Учрашиб юришларинг энди давом этмайди.

ЖАВОХИР: – Бекорга чиранаяпсан. Ахир сен Зилолани яхши кўрмайсанкү? Сени бошқа бировга ҳам унаштиришлари мумкин эди, мен эса Зилоласиз яшолмайман.

ШАҲРИЁР: – Агар Зилоладан воз кечадиган бўлсам ҳам аввал сени ўлдираман. Кейин у билан ҳисоб-китоб киламан. Юр буёқка!

СЕВАРА: – Тўхтанглар! Нега Зилоланинг фикрини хеч ким сўрамаяпти?

ШАҲРИЁР: – Э-э. Зилола нима ҳам дерди? Уни ихтиёри менда!

СЕВАРА: – Бўлмаган гап!

ШАҲРИЁР: – Демак унинг ҳам сенда кўнгли бор.
(У Жавохирга ишора килади)

КАМОЛА: – Уялинг!

ЖАВОХИР: – Ҳаммасини Зилоланинг ўзи ҳал қилади.

ШАҲРИЁР: – Бекор гап! Бу ерда ё сен, ё мен қолишимиз керак. Кетдик (Улар бир-бирларини судраб чиқадилар).

* * *

Зилола ўша куни дарсдан чиқиб кутубхонага кирди ва кечгача қолиб кетди. У китоб ўқиб ўзини чалғитмоқчи эди. Бироқ, Жавохир ҳаёлидан нари кетмади. Кўзлари китобдаги сўзларни ўқийверар, лекин юраги чирқиллар, “Нима килиб кўйдим? Тақдир нега мен кутмаган, мен учун қоронғи томонга кетаяпти? Нега мен тақдиримни кўшқўллаб топшираётган Шаҳриёр қадримни оёқости килишга тайёр? Севги деган туйфуга ишонмаганим учун шундай бўлдими? Мен Жавохирни мутлако унуганим керак. Уни ҳатто ўйлашим ҳам Шаҳриёрга хиёнат қилаётганимни билдиради”.

Зилола китобни ёпди-да кутубхонадан кетишга ҳозирланди.

* * *

ЖАВОХИР: – Кел, аввало ҳисоб-китобларни тенглаштириб олайлик, Зилола хақида кейин гаплашамиз.

ШАХРИЁР: – Мен урушган бўлсам, Зилола учун урушганиман.

(Жавоҳир Шахриёрни дарахтга суюб қорнига қаттиқ зарб билан уради).

ЖАВОҲИР: – Сен нима, чўлнинг боласи хам калтак ейди, хам қизидан айрилиб қолаверади, деб ўйладингми? Йўқ, ҳали мен ўлганимча йўқ. Мен Зилола учун жонимни тикканман. Сен-чи, сен, кимсан ўзи?

(Жавоҳир яна Шахриёрни иягига мушт туширади).

ШАХРИЁР: – Хўп. Нега унда у сизни демаяпти?

ЖАВОҲИР: – Биз у билан яқинда танишгандик. Сен эса тўсатдан пайдо бўлдинг.

ШАХРИЁР: – Келинг, бу бемаъни баҳсни йиғиштирайлик. Танга отамиз, ким танлаган томон тушса, Зилола ўшаники.

ЖАВОҲИР: – Демак, сенга барибир. Лекин бу билан Зилоланинг тақдирини биз хал қилмаймиз. Буни унинг ўзи хал қиласи. (Шу пайт Зилола ва Севара хавотир ва саросимада уларни излаб келиб қолади).

ЗИЛОЛА: – Шахриёр aka!

ШАХРИЁР: – Зилола?

ЗИЛОЛА: – Жавоҳир aka, яна қаердан пайдо бўлдингиз? Кетинг бу ердан, бизнинг ҳаётимизга аралашманг. Сиз мен учун мутлақо бегона одамсиз. Мен сиз билан ҳеч қачон қўришмаганман, гаплашмаганман, ҳеч нарса ваъда килмаганиман. Оддимга келишга ҳаққингиз йўқ!

ЖАВОҲИР: – Зилола, кечиравасиз, мен сиздан факат узр сўраш учун келгандим. Қишлоғингизга ахтариб бориб, ўзим билмай, баъзи бир гап-сўзлар чиқкани учун узр сўрамоқчи эдим.

ЗИЛОЛА: – Энди фойдаси йўқ!

ШАХРИЁР: – Роль ўйнашни бас қилинг, Зилола. Ўзингизни опшоқ қилиб кўрсатмоқчимисиз? Бу ерда мен йўқ, ҳар куни учрашиб турасизлар. Мен келиб қолганим учун энди бир-бирларингни танимайдиган кишидай томонга қўяяпсизлар шундайми? Йўқ, бунақаси кетмайди. Энди, агар мени десангиз, ўқишни ташлаб, мана бунақа хуфёна учрашувларни йиғиштириб, қишлоққа қайтасиз. Агар бу ерда коладиган бўлсангиз, жанобингиз ўзингиз билан. Макру хийлаларингизга ишонмайман. Қишлоқка қайтиб борган кунингиз тўй қиласиз. Тошкентни ва мана бу нусхани ҳеч қачон бошқа кўрмайсиз.

ЖАВОҲИР: – Нима? Ким нусха?

ЗИЛОЛА: – Жавохир ака, бас! Кетинг, мени тинч кўясимиз, йўкми? Сиз туфайли қанча маломатга қолаяпман. Мен Тошкентга ўқиш учун келганман.

ШАХРИЁР: – Сизга бир ой муддат, кўз бўямачиликни бас килинг.

ЗИЛОЛА: – (Шахриёрга) Э, бо-ор, йўқол кўзимдан. Сендака шарт қўядиганларга тупурдим!

* * *

ЗИЛОЛА: – Кўй аврама, қарорим қатъий, қиз болага ўкишини ким кўйибди? Оила қуриб, тинчгина яшайвеман.

КАМОЛА: – Ахир Шахриёр сени севмайди-ку?

ЗИЛОЛА: – Севмай турмуш қурган битта менми?

СЕВАРА: – Чакир, хеч бўлмаса юкларингни бирга олиб кетсин.

ЗИЛОЛА: – Чакирсам, балки келадиям.

КАМОЛА: – Ўша келганида, бошини бир айлантирайми, ўшанда уни кимлигини кўрасан?

ЗИЛОЛА: – Эрини хиёнат устида ушлаб олганлар ҳам бирга яшаб юрибдилар-ку?

СЕВАРА: – Ҳарқалай, оёқости бўлма, дейман-да!

ЗИЛОЛА: – У мени чўри қилиб олаётгани йўқ, биз бирга турмуш қуриш учун, унаширилганмиз. Хеч бўлмаса, тўйимизга борарсан. Бу тўй бизнинг тақдиримизни абадий боғловчи битим бўлса ажаб эмас.

СЕВАРА: – Тўғри, тўй факат тақдирларингни боғловчи битим бўлади холос. Мен эса тўй, муҳаббат тананаси бўлишини истайман, дугонажон.

* * *

Жавохир ижарада турган уйда ётганида телефон жиринглаб колди.

ЖАВОХИР: – Алло, лаббай, ха ака яхшимисиз?

ТОЛИБ: – Жавохиржон, ойим бир келиб кетсин деяптилар.

ЖАВОХИР: – Тинчликми, нима гап?

ТОЛИБ: – Соливой тажангни қизига оғиз солиб кўйгандик. Ойим “Жавохиржон келиб бир кўриб кетсин, деяптилар. Кейин хафа бўлиб юрмасин”, деяптилар. Агар келмасанг ҳам, барибир нон синдириб кела-верамиз, экан. Ойим шундай деяптилар.

ЖАВОХИР: – Илтимос, жон ака, ундаи қилманлар.

Озгина сабр қилинглар. Тўйга бормасам ўзларинг шарманда бўласизлар. Мен бу ерда ойимни кўнгилларидағисини топдим. Жон ака, ойимни тўхтатиб туринг. Ахир мени ўзимни яхши кўрганим бор. Ойимга айтинг, қизик-конлик қилмасинлар, жон ака, ойимни тўхтатинг.

ТОЛИБ: – Э, бор-э, мени қўлимдан нима келади? У ёқда туриб гапириш осон. Бу ерда эса тўйни ноғораси аллақачон чалинган. Келсанг-келдинг, бўлмаса тўйни килиб, келинни тўғри ўшакқа узатиб бораверамиз.

ЖАВОХИР: – Жон ака, тўхтанг, тўхтанг...

(Телефон гўшаги ту-тулайди, Жавохиржон бошини чангаллайди).

* * *

ЗИЛОЛА: – Жавоҳир ака, мени кузатишга чиққанингиз учун раҳмат. Лекин илтимос, мени қайтаришга уринманг. Баривор бефойда. Бу балки сўнгти учрашувимиздир? Келинг, дўстона хайрлашамиз. Мендан бирор айб ўтган бўлса, узр. Сиздан ҳам ҳеч қандай гинам йўқ.

ЖАВОХИР: – Зилола, сиз қаттиқ янгилашяпсиз. Кетманг. Мен бунақа хайрлашолмайман. Сизсиз хаётим туғайди, адойи тамом бўламан. Уч йил бўлди, ортингиздан соядай эргашиб юрибман. Сизсиз қандай яшашимни тасаввур килолмайман. Биз факат бир-биrimiz учун яралганимиз. Сизни танимаган пайтларим ҳаёт оддий туюларди. Кейин, ҳаётимга сиз кириб келдингиз-у, ҳамма нарса жозибали, сирли ва гўзал бўлиб кетди. Мен факат сиз билан баҳтли бўлишпим мумкин.

ЗИЛОЛА: – Жавоҳир ака! Мени қийнаш учун бу гапларни айтаяпсизми? Энди бу гаплардан нима фойда? Мен ҳам айтишим мумкин, сиз ҳам менга ёқасиз. Биринчи кўришганимиздаёқ ёқиб қолгандингиз. Лекин буни сир сақлаб юрдим. Атиргулларни ҳам сиз келтираётганингизни билардим. Лекин мен факат ўзимизни қишлоғимизгагина келин бўламан, деб ўйлардим. Шунинг учун сизга ҳеч қачон рўйихушлик бермаганман. Энди кеч, факат шуни унутманг, мен факат биргина одамга кўнгил берганман, у ҳам бўлса, сизсиз. Мени унаштириб кўйганларидан сўнгтина қанчалик ҳато қилганимни тушундим. Мени кечиролсангиз кечиринг. Энди кетинг. Бошқа ҳеч қачон учрашмасликка сўз беринг.

ЖАВОХИР: – Зилола, наҳотки энди кеч? Наҳотки тўйни тўхтатолмасангиз? Наҳотки фожиа рўй беришини истасангиз?

ЗИЛОЛА: – Мен ҳатто ўқиши ташлаб кетаётганимга афсусланаётганим йўқ. Мен сизни ташлаб кетаётганимдан азобдаман. Бироқ, бу гапларни унунинг, ҳаммаси тугади. Хайр, бахтли бўлинг. Мени йиғлашимни истасангиз, яна бир оғиз сўз айтсангиз кифоя, кейин ўзимни тўхтатолмайман. Сиз йигит кишиисиз, ташлаб кетини сизга осонроқ. Илтимос, яна учрашувимизга йўл қўйманг. Сиздан кўра мен кўпроқ қийналганимни билсангиз эди.

ЖАВОҲИР: – Мен ўзим отангизниш розилигини оламан. Ортингиздан бораман.

ЗИЛОЛА: – Агар шундай дейишингизни билганимда, бу гапларни биронтасини айтмаган бўлардим. Кетинг, бизнинг йўлларимиз аллақачон айро тушган.

ЖАВОҲИР: – Бундай дейишига хали эрта. Биз барibir бирга бўламиз. Зилола, ҳаммаси энди бошланди.

* * *

ЗИЛОЛАНИНГ ОНАСИ: – Тўғри кипсан, ўқиб шаҳар олиб берармидинг. Бир йўла анави ортингдан эргашиб юргаи боладан ҳам кутулибсан. Бўлмаса, у сени тинч қўймасди.

ЗИЛОЛА: – Буёғи қандай бўлади, билмайман, ойи...

ОНАСИ: – Ҳаммаси яхши бўлади. Сени келин қиласман, деб ҳоли жонимишга қўйишмаганди. Лекин, кейинги пайтларда анча жимиб қолишиди. Узунқулоқ гапларга караганда Шахриёрга бошка келин ахтариб юришганимиш. Бу ҳақда ўзлари бизга бирон нарса дейишгани йўқ. Сен келганингни эшишиб ҳам негадир ҳабар олишмаяпти.

ЗИЛОЛА: – Эҳ, қани энди шу эркатой ўғилларига бошқа келин топишса!

ОНАСИ: – Фотиха қилиб қўйганимиз-а, кизим. Унақа дема! Фотиха муҳри Худо, ҳеч бузиб бўлмайди. Шарманда бўламиш-а, шарманда!..

* * *

(Ўша куни кечкурун Шахриёр Зилолани учрашувга чакирди).

ШАХРИЁР: – Мени деб ўқишингизни ташлаб, қишлиқка қайтганингиз учун раҳмат. Менда кўнглингиз борлигига энди ишондим... Тўғриси, буни кутмагацдим. Илтимос, шу пайтгача бўлган гап-сўзлар бўлмаган денг!

ЗИЛОЛА: – Ёлғон гапириб нима қиласман.

ШАХРИЁР: – Менга ёлғондан турмушга чиқаяпсизми?

ЗИЛОЛА: – Сизда күнглим йўқ.

ШАХРИЁР: – Агар ўқишингизни Фарғонага кўчириб келсан, хар куни ётоқхонантизга қизил атиргул олиб борсан, уч йил ортингиздан соядай эргашиб юрсан менга кўнгил кўясизми?

ЗИЛОЛА: – Бундай марҳаматни, бундай илтифотларни кўрмаган қизга қилсангиз муддаоингизга етасиз. Менга эса бундай ғамхўрлик керакмас.

ШАХРИЁР: – Тушунолмай қолдим, нима менга қиз куриб қолибдими? Керак бўлса сендан зўрини топиб оламан.

ЗИЛОЛА: – Ҳа, сизга барибир. Сизга қиз куриб колгани йўқ.

ШАХРИЁР: – Биламан. У сенинг қўлишгни ҳам ушламаган.

ЗИЛОЛА: – Уятсиз одам экансиз.

ШАХРИЁР: – Агар у ҳақда бир оғиз гапирсанг, орамиз очик деб ҳисоблайвер.

ЗИЛОЛА: – Буни иложи йўқ!

ШАХРИЁР: – Бас...

(Шахриёр Зилоланинг юзини ўзига қаратди. Кўзларига карайди. Унинг кўзларидан икки томчи ёш оқиб тушди. Сўнгра бошини Шахриёрнинг кўксига қўйди).

* * *

Сершовқин шаҳар. Одамлар. Худди қувлашмачок ўйнаган каби елиб-югураётган машиналар.

Кўп қаватли уйнинг учинчи қават балконида тирсакларини панжарага тираган кўйи Жавоҳир турибди. У чуқур ўйга толган. Кўча шовқини ҳам қулогига кирмайди. Унинг ички монологи кетади:

“Нима килиб қўйдинг? Нега ҳаммаси бунака бўлиб чиқди Зилола? Наҳотки сенсиз яшолмаслигимни билмасанг? Биз фақат бир-биrimiz учун яралгандик-ку ахир? Мен сенсиз хеч қачон баҳтли бўлолмайман. Менга сен менинг баҳтим эканлигини фаришталар айтган. Ўша ондан бошлаб сенга таллингапман. Кейинчалик учрашганимиздан сўнг фаришталар хонангни тўғри топиб борганига қисматимизни мангу боғлаганига яна бир бор амин бўлдим”.

Юзлаб чақирим нарида яшаётган Зилола ҳам мана шундай ҳолатни бошидан кечираёттганди:

“Жуда қийналиб кетдим Жавохир ака. Кўнгилнинг иши қийин бўлар экан. Биламан, сиз мендан жуда каттиқ ранжигансиз, Аммо нима қила оламан? Ота-онанинг раъйига карпи бориб бўлмайдику ахир. Сизни десам, у ёқда улар, қариндош-уруг, ҳамқишлоқлар... Уларнинг олдида нима деган одам бўламан. Бу ёқда Шахриёр. У худди кўзга тушган чўпнинг ўзи бўлиб қолди. Ким билсин, балки уни ҳам тушуниш мумкинмиз? Негадир “унаштирилганмиз” деган фикр миясига ўрнашиб қолган. Жуда бошим қотди Жавохир ака. Мени ҳеч ким тушунишни истамаяпти. Ҳатто ўзим ҳам ўзимни англаб етолмаяпман. Ким бизга ёрдам бериши мумкин Жавохир ака? Кандай қилиб...)

Авваллари менга қиз бола ҳам севадими, деган саволни беришганида, кулиб кўя колардим. Энди эса, бу саволга бошқача жавоб бераман. Қиз бола севса, олов бўлиб севаркан. Қиз бола севса отап бўлиб севаркан. Дунёда бирор йигит қиз бола севганчалик севомаса керак. Уят ва истихола занжири қиз болани қанчалик қаттиқ боғлашини, бирорта йигит тасавнур ҳам қилолмайди...”

* * *

Кишлоқ, автостанция, йўл четида бир неча кипи билан гаплашиб турган Зилоланинг отаси, Ортиқ ака келиб тўхтаган автобусдан тушаётган Жавоҳирни кўриб серрайиб қолди. Жавоҳир ҳам уни кўриб қолади. Тўхтайди. Секин-секин юриб юзлашадилар. Жавоҳир салом беради. Ортиқ ака индамайди. Унинг кўзларида ғазаб учқунланади.

ОРТИҚ АКА: – Келинг яхши йигит, яна қанақа шамол учирди.

ЖАВОҲИР: – Мен сиз билан гаплашиб олишим кепрак.

ОРТИҚ АКА: – Сиз билан гаплашадиган гапимиз колмаган.

ЖАВОҲИР: – Илтимос, икки оғиз сўзимга қулок солинг.

ОРТИҚ АКА: – Ярим оғиз сўзингизга қулок солмайман. Зилолани тинч кўйинг. Вассалом. У унаштириб қўйилган.

ЖАВОХИР: – Унаштириб қўйилди дегани никоҳ ўқилди дегани эмаску?

ОРТИҚ АКА: – Нима дегани бўлмаса? Унаштирилган, тўй яқин деяпман.

ЖАВОХИР: – Сиз қизингизнинг баҳтини ўйламаяпсиз.

ОРТИҚ АКА: – Ўйлаб бўлганман. Тамом вассалом. Боринг кетаверинг.

ЖАВОХИР: – Ҳеч қаёққа кетмайман.

ОРТИҚ АКА: – Кетасиз, бўлмаса мелиса чакираман.

ЖАВОХИР: – Ахир мениям тушунсангизчи амаки?

ОРТИҚ АКА: – Нега энди мен сизни тушунишим керагу, сиз эса йўқ. Ахир бундок ўйлаб кўрсангизчи! Хўп, ана тўй бекор қилинди хам дейлик. Кейин биз қишлоқда қандай қилиб бош кўтариб юрамиз ука? Нима деган одам бўламиз?

Ортиқ ака жаҳл билан нари кетади. Жавоҳир серрайганча қолади. Оёқларини оғир судраганча йўл четидаги ўриндиқка бориб ўтиради.

* * *

Кишлоқ. Чойхона. Иккита йигит нарда ўйнаб ўтиришибди. Яна учта-тўртта йигитлар ҳангома қурган. Улардан бири нарироқда ўтирган Шаҳриёрга қараб илжаяди.

ҲАСАН: – Қалай, куёвбола? Тўй яқинлашиб қолдими?

ШАҲРИЁР: – Худо ҳоҳласа, ака.

ҲАСАН: – Худониям ҳоҳлаши қийин бўлиб кетаяпти!

ШАҲРИЁР: – Тушунмадим? Нега бунақа деяпсиз Ҳасан ака?

ҲАСАН: – Кеча бўлажак қайнотанг – Ортиқ акани кўргандим. Фифони фалак. Шаҳардан қизи билан ўқийдиган бир йигит келган эканми?

ШАҲРИЁР: – Қанақа йигит?

ҲАСАН: – Ўзингни хабаринг бордир...

Шаҳриёр ўйланиб қолади. Гапга иккинчи йигит араплашади:

АШУР: – Дунёни ишлариям хўп қизик эканда-а, Ҳасан ака!

ҲАСАН: – Нима бўлди яна?

АШУР: – Бирор шаҳарда кучоқлаб юрган қизга бошқа бирор уйланиб кетаверарканда-а?

ШАХРИЁР: – Оғзингизга қараб гапиринг Ашурали!

АШУР: – Нима, ёлғон гапирипманми? Йигит кишининг жиндак фурури, шаъни бўлиши керак, ошна! Яна ўзингиз биласиз. Қишлоқ жой, яна кулги бўлиб юрманг дейманд!

ШАХРИЁР: – Буниси мени ишим, Ашурали. Ҳамма нарсага ювилмаган қошиқдай сукілаверма!

АШУР: – (Дик этиб ўрнидан туради). – Ким ювилмаган қошиқ?

ШАХРИЁР: – Сен!

ҲАСАН: – Хой, хой, ўзингларни босинглар, уят бўлади-я! Бу қанакаси?

ШАХРИЁР: – Ҳаммаси сиздан чиқди Ҳасан ака. Капкатта одам... Бирор билан нима ишингиз бор? Нега бошқаларни ҳаётини кавлаштирасиз?

ҲАСАН: – Кавлаштирганим йўқ, азбаройи сенга ичим ачиғанидан гапирайлман.

ШАХРИЁР: – Менга ачинмай қўяқолинг. Нима қилаётганимни ўзим биламан. Зилолага уйланаманми, йўқми, эртага уйланиб, индинга қўйиб юбораманми, буниси мени ишим!...

У жаҳл билан қўлидаги чойни сениб юбориб чойхондан чикиб кетади.

* * *

Шаҳар. Оқшом. Кўк юзида митги юлдузлар кўз очаётган палла. Жавохир балконда асабий ҳолатда у ёқданбу ёкка юраркан, тўхтайди. Ҳаёлида кимдир “Жавохир ака!” деб чакиргандай бўлади. У Зилоланинг товушига ўхшаб кетади. Жавохир сергакланади. Тўсиқдан пастга қарайди. Ҳеч ким кўринмайди. Яна ўша чақириқ эши-тилгандек бўлади.

ЗИЛОЛА: Кўчадаги шамолнинг
Хаёллари савдойи.
Севги деган малолнинг
Бўлдим-ку, мен гадойи.

ЖАВОХИР: Фазо тортар ўз ўқига,
Гир айланар осмон.
Мухаббатнинг чўғига,
Дил ҳайдалар беомон.

ЗИЛОЛА: Кетар одам кетади жим,
Кетиб қайрилмас экан.
Бағри күйиб севса ким,
Севиб, айрилмас экан...

Яна карайди. Юлдузли осмон сатхиди Зилоланинг сиймоси пайдо бўлади. Унинг юлдуз кўёлларидан юлдуз мисол шашкатор кўз ёш томчилари тўкилаётгандек туюлади. Жавохир беихтиёр нарвончага оёк қўяди. Юлдуз тўла осмонга кўлларини чўзади. “Зилола” дея шивирлайди...

Зилола! Тушларимда кимdir жарангдор ва янгрок овоз билан сенинг исмингни айтиб чиқади. Ҳар тарафга мўлтириб қарайман. Ҳар тарафдан сени излайман. Кўз олдимда намоён бўлганингда олам-олам кувонч бағримга ёнирилиб келади ва энг бахтиёр меҳридарё шаҳзодага айланаман. Сендан айрилишни ўйлаганимда эса, дунёда мендек ғарип ва афтода бошқа биронта инсон йўқлигига икрор бўламан.

Сен мени оловга ташладинг Зилола!
Сен менинг юрагимнинг ардоғидасан!
Сен менинг кўёлларимни қароғидасан!
Сен менинг жонимнинг титроғидасан.
Зилола!

Кишлоқ. Зилоланинг уйи. Супада унинг онаси кўрпа қавиб ўтирибди. Ортиқ ака афтодаҳол эшиқдан кириб келади.

ОНА: – Вой, нима бўлди отаси? Тинчликми?

ОРТИҚ АКА: – Ўл бўлди, дард бўлди! Кишлоқда бош кўтариб юролмайдиган бўлиб қолдим, хотин.

ОНА: – Бундок тушунтириб гапирсангизчи.

ОРТИҚ АКА: – Кишлоқда дув-дув гап. “Ортиқ аканинг қизини тўйи бузилибди. Куёв киздан воз кечганиш” деган гап оғиздан-оғизга ўтиб юрибди.

ОНА: – Вой ўлақолай! Бўлмаган гапни гапирманг-ей! Кизимиз унаштирилган, Худо ҳоҳласа тўй яқин!

ОРТИҚ АКА: – Унакада узунқулоқ гаплар қаёқдан чиқаяти? Одамлар ичидан тўкиб чиқаришмаётгандир ахир? Қизинг шахарда тинчгина юрганида бунақа гаплар бўлмасди. Ҳаммасига ўша, Жавохир дегани айбдор. Қизингни бош-кўзини айлантириб гап-сўзга қолдираётган ўша!

ОНА: – У даф бўлиб кетди шекилли?

ОРТИҚ АКА: – Каёқда? Уч-тўрт кун бурун пайдо бўлиб қолганди. Ҳайдаб юборгандим. Энди бўлса, кеча Шахриёр “Тўй бўлмайди” Ортиқ ака арзанда қизини пишириб есин” дебди чойхонада!

ОНА: – Йўқ гапни гапирманг!

ОРТИҚ АКА: – Борми-йўқми, хозир Шахриёрникига бориб масалани кўндаланг кўяман.

ОНА: – Подадан олдин нега чанг чиқарасиз? Ҳали ўзлари келиб, бир нарса деганлари йўқ-ку. Нега жанжал чиқарайпсиз?

ОРТИҚ АКА: – Ориятим кўзияпти, хотин, ориятим. Бунинг номусига қандай чидайман?

ОНА: – Уйланмаса уйланмас, ҳали ҳеч нарса бўлгани йўқку, турмуш курғанлар ажраб кетаяптику?

ОРТИҚ АКА: – Э, сенга гап бўлса!... (Ортиқ ғазабланиб чиқиб кетади)

* * *

Шахриёр ва Зилола, кишлок ўртасидан ўтувчи сойнинг кўпригида гаплашиб турибди.

ШАХРИЁР – Зилола, фишт қолипдан кўчди. Шунча гаплардан кейин, энди сенга уйланолмайман. Агар шу гапларни бошида айтганингда эди, орамизда ҳеч нарса бўлмаган бўларди.

ЗИЛОЛА: – Жавохир билан орамиздаги гаплар бу қадар жиддийлигини билмаган эдим. Хато қилганимни ўзим ҳам, энди тушуниб бораяпман.

ШАХРИЁР – “Шунчалик, енгил-елли қараганимдинг”.

ЗИЛОЛА: – Сиз ҳам, ўзингиз билмаган, танимаган, гаплашмаган одамингизга индамай уйланмоқчи эдингиз-ку?

ШАХРИЁР – Мен сени чиройингта учганман. Агар ҳеч ким билан юрмаган бўлса, бир кунмас бир кун мени яхши кўриб кетади деб ўйлагандим. Энди эса, орамиз очик.

ЗИЛОЛА: – Кеч бўлса ҳам тушунганингиз учун раҳмат.

ШАХРИЁР – Шуни билки, Жавохирни мендан ҳеч ошиқ жойи йўқ. Ҳали турмушларинг қандай кечади. Худо билади.

ЗИЛОЛА – Мен, Жавоҳир учун ўлишга ҳам тайёрман.

ШАҲРИЁР – Энди ўлсанг ҳам ўзинг биласан. Лекин, отни қамчиламасанг кеч қоласан. Билиб қўй, бир ҳафтадан кейин Жавоҳирнинг тўйи, у уйланяпти. У ҳам ўзи билмаган, танимаган одамига уйланяпти.

ЗИЛОЛА: – Ёлғон!

ШАҲРИЁР: – Суриштиришинг мумкин. Лекин, мен сенга яна уч сония муҳлат бераман: “Мени ташлаб кетманг, Сизга тегаман, жону жаҳонимни сизга бағишлайман, Жавоҳир билан, бўлиб ўтган гаплар, шунчаки гаплар эди. Мен факат Сизникиман, десанг”, сендан воз кечмаслигим мумкин. Қани, бир... икки...

ЗИЛОЛА: – Мен ўлсам ҳам, ташлаб кетса ҳам Жавоҳирни дейман. Сиз эса маразсиз.

ШАҲРИЁР: – Бўпти. Яхши қол. Ўша билан қўшмазор бўл. Ҳозир ялинганингда ҳам барибир сенга уйланмасдим. У ҳам энди сенга уйланмайди.

ЗИЛОЛА: – Бор-е, сен ҳам одаммисан!

* * *

Зилола ҳовлида айланиб юраркан, пичирлади:

– Ҳаммаёқ алғов-далғов бўлиб кетди, нега келдингиз, Жавоҳир ака!

Жавоҳир ҳам, худди шу пайт Тошкентда, ижара ўйнинг ҳовлисида айланиб юрганди. У ҳам пичирлади:

– Сенинг олдингга бормай яна бошқа қаёқка борай...

– Учар гиламим бўлса, сиз томонга учардим...

– Агар кел десанг, ёнингга чопаман.

– Йўқ, йўқ аллақачон йўлларимиз айро тушган. Мана кўрасан, биз барибир бирга бўламиз.

– Ташқарига чиқинг. Ой билан Зухра бир-бирларига қанчалик ярашиб турибди.

Жавоҳир ташқарига чиқиб, Ой билан Зухрага қарайди:

– Қанийди, Ойга чиқсам. Сени кўрардим.

– Мен Ойнинг аксида Сизни кўриб турибман.

– Сенинг кўзларинг, тун қоронғусида мана шу Зухрадай порларди, Зилола.

– Ҳозир кўрсайдингиз, менинг кўзларимдан ёш томчилаяпти.

– Бизнинг томонда эса, ёмғир ёғаяпти, Зилола.

— Бизнинг томонда эса ҳаммаёқни қора булут қоплаган.

— Мана кўрасан, ҳаммаси яхши бўлади. Мен сени сенаман, Зилола! Эшитаялсанми?...

Шу пайт момоқалдирок гулдирайди. Осмон бир лаҳзага ёришиб кетади.

— Эшитаяпман, Жавохир ака... Мен сизга ишонаман. Мен ҳам фақат сизни деганман.

* * *

Жавохир Ховосга келса ҳаммаёқда тўй тараддути. Тўй куни белгиланган, таклифномалар тарқатилган. Кариндош-урувлар бирма-бир келиб-кетиб турибди. Кимдир кўй етаклаган, кимдир тўёна тутган.

ТОЛИБ: — Ана Жавохир ҳам келди. Яна озроқ юрганингда келинни тўғри Тошкентга олиб борардик.

ЖАВОХИР: — Ака ҳазиллашаяпсизми?

ТОЛИБ: — Қанака ҳазил. Бор курсдошларингга телеграмм жўнат. Ўзингга янги костюм-шим ол. Бориб келин билан учраш. Унга никоҳ узути олиб бер.

ЖАВОХИР: — Қанака келин?

ТОЛИБ: — Соливой тажангни қизи борку, танийсан, жуда чиройли. Кўрсанг оғзинг очилади. Юрибсанда, қаёклардадир калтак еб. Ҳов, ман укамни бирорвга урдирб қўймайман. Ҳали шундай тўй қилиб берай! Одамлар мени гап қилишаяпти. “Толиб, отаси йўқлиги учун уласини уйлантира олмаяпти деб. Укаси, қаёклардадир бир қизга ялиниб борган экан, роса уришибди. Отаси бўлганида Жавохирни хеч ким бундай хўрлатиб қўймасди” дейишяпти. Мен бунга чидолмайман ука. Уйимни сотиб бўлса ҳам сени уйлантираман. Шундай тўй қилайки, хеч ким бизни масхараламасин. Қадинги тут. Мен бор эканман, хеч ким сени отасиз деб ўкситмайди.

ЖАВОХИР: — Ака, нега мени розилигимни сўрамаяпсиз?

ТОЛИБ: — Сен мени қули калта деб ўйлама. Акамни курби етмайди деб, мани аяб индамай юрибсан. Биласман. Сен айтмасанг, ана ойим айтдилар. Уйлантир дедилар, уйлантираман, гап тамом.

ЖАВОХИР: — Мен кимга бўлсин, уйланиб кетаве-парканман-да!

ТОЛИБ: — Жанжални йиғиштирсангчи, қудалар эши-

тиб колади. Шу гапларингни ойим билиб қолса, сендан қаттиқ хафа бўладилар. Яхшиси бор тўйга тайёргарлигингни кўр. Уй тўла меҳмон, кириб сўраш.

ЖАВОХИР: – Барибир тўй бўлмайди.

ТОЛИБ: – Тўй бўляяпти ука.

Жавохир уйга кириб кетади. Мехмонлар, кариндош уруғлар уни ўртага олади. Муборак этишади. Жавохир нима қилишини билмай, дами ичига тушиб кетади. Сўнгра ҳовли этагидаги овлок жойга бориб сигарет тутатади: Нега ҳаммаси бу қадар тез, нега?! Нега юз чакирим олислардасан-у, юз бора чақирсан ҳам эшитмайдиган узоклардасан-у, кўз олдимдан бир зум ҳам нари кетмайсан, Зилола? Нималар бўляяпти, нахот бир умрга ажрашиб кетсак? Ахир мен сени жонимдан ортиқ севаман-ку! Наҳот сенсиз яшаш мумкин бўлса?! Йўқ, бу тўйни тўхтатишм керак. Бу тўйдан кочишим, Зилолани ахтариб топишм керак. Ахир менинг хаёт-мамотим ҳал бўляяпти.

*Дунё –барҳақ, не кўйларга кўнажакмиз,
Бизлар киммиз, учирисса сўнажакмиз.
Ишқ ҳам тугар, қолса агар келажаксиз,
Аммо севинг руҳ берди минг ийлдан узун.*

*Ер юзида гар муҳаббат яшар экан,
Кечиришар, шояд бирор биздай севган
Бу дунёга барча севиш учун келган,
Севмаганилар, ҳеч бўлмасин биздан устун.*

* * *

Зилола уйига қайтиб келди-да, ўкириб йиғлаб юборди: “Наҳотки Жавохир уйланаетган бўлса? Наҳотки энди қайтиб келмаса? Наҳотки берган ваъдалари қурук гап бўлиб чиқса? Муҳаббат ҳақида гапирганлари, наҳотки сафсата бўлса? Мен, ўзим авваллари ҳеч қачон билмаган муҳаббат деган изтиробни ундагина кўрдим, факат у туфайли менинг юратим ловуллаб ёна бошлади. Бу олов юрагимда ёнмаганида, бу оловни дунёда борлигини билмаганимда ишдамай, Шахриёрга тегиб кетаверардим. Энди бу олов билан Жавохирни агадул-абад севаверман. Наҳотки, Жавохир энди қайтиб келмайди?

Зилола хаёли паришон бўлиб ташқарига чикмокчи бўлади ва ... зинапоядан йиқилади. Ҳовлида бакир-чакир бошланади.

* * *

Кишлоқ кўчаларида одамларнинг гап-сўзи:

1-аёл: – Ортиқнинг қизини фотиҳаси бузилибди. Шаҳарда йигити бормиш.

2-аёл: – Шаҳардаги йигити ҳам уйланиб кетаётганмиш-ку?

1-аёл: – Ўртасарсон бўлиб қолиб кетибди-да бечора.

3-аёл: – Эр танлайверишининг хосияти йўқ, деб айтганлари тўғрида. Нима қиларди тайёр тўйни тўхтатиб.

2-аёл: – Энди бу қишлоқда уни ким ҳам оларди? Агар узокроқда танимаган, билмаган олмаса.

1-аёл: – Ҳозирги замонда эр топиш осон бўлибдими? Канча-канча кизлар ўтирибди-ю?

3-Аёл: – Бунга ҳам чиқиб қолар?..

ОРТИҚ АКА: – Кизим нима бўлаётганини тушунаяпсанми, элликка кириб эгилмаган бошимни этиб қўйдингку. Сени боқиб катта қилгандан, ит боксам бўлмасмиди? Менга кўрсатган кароматинг шу бўлдими? Сени шу ниyatda ўстирган эдимми?

ЗИЛОЛА: – Мен нима қилдим ахир?

ОРТИҚ АКА: – Бундан ортиқ яна нима қилишинг керак?

ЗИЛОЛА: – Ўлсам қутуласизларми? Битта чорам шу.

ОРТИҚ АКА: – Э, ўлсанг ўл. Сендан кутулавилик. Кўчада бош кўтариб юролмай қолдимку? Ё кўч-кўронимизни кўтариб бу ердан кўчиб кетайликоми?

ЗИЛОЛА: – Отажон айб мендами? Мен ҳеч кимни орқасидан югуриб юрганим йўқку?

ОРТИҚ АКА: – Эҳ, қизим, қизим. Ҳали ўзинг бола ўстириб шу кўйларга тушсанг, буни нақадар оғирлигини билардинг. Буни мен энг ёмон кўрган душманимга ҳам раво кўрмайман. Одамни бу кўйга тушганидан ўлгани яхши.

Зилола ўкириб йиғлаб юборди. Бир оз ўтгач оқсокланиб ўрнидан турдида, кийина бошлади.

* * *

Зилола қишлоқ телефон тармоқлари бўлимига келиб барча курсдошларини тўйга таклиф қила бошлади. Севрага, Камолага телефон қилди. Шарофни алоҳида таклиф қилди.

- Бир жуфтү күшик айтиб берасиз-а, Шароф ака! Хүв ўшанда концертда айтиб берган күшиғингизни.
- Ҳа, албатта бораман. Биласизми унда қанақа сатрлар бор?
- Ҳа, биламан.
- Уни Жавохир ёзган. Бир эшитиб күринг-а!

*Эртага ҳижронлар тугар-у.
Бекарор муҳаббат бошланар.
Бизлардан кетади гам-қайыу
Күзларим құвончдан ёшланар.
Термулиб ҳұснингга телбадай
Термулиб-термулиб түймадим.
Хаётим адашар изнидан
Кинидан чиқади юрагим.
Пойингга ташлаган гулларим
Күкдаги юлдүздек сочиған
Нур билан баргига уларнинг
“Севаман” сүзлари ёзилган.*

- Ҳа, жуда яхши шеър экан.
- Жавохир уни сизга атаб ёзган. Айтгандай, уни ҳам түйга айтдингизми?
- Йўқ. Қандай айтаман. У киши бизни қишлоқда бўлганлар. Ҳамма таниб қолган.
- Уни ҳам бир оғиз айтинг. Биз ҳаммамиз бирга борамиз, бирга табриклиймиз. Унга армон бўлиб қолмасин. Ахир у сизни чин юракдан севади. Ҳеч бўлмаса дўстлигимиз хурмати бир оғиз айтинг.
- Ҳўп, айтаман.
- Сўз берасизми?
- Ҳа.

Зилола, Жавохирларнинг уйига телефон буюртма беради. Диспетчер:

“Тўртинчи кабинага кириңг. Ҳовос уланди,” — дея микрофонда эълон қилади. Шу пайт телефон тармоқлари бўлими ёнидан ўтиб кетаётган Шахриёр “Ҳовос, Ҳовос” сўзини эшитиб колади. Ва ким экан дея кабиналарга қарай бошлайди. Тўртинчи кабинада эса Зилола телефонда наст овозда келаётган товушга қараб, “Жавохир ака борми, Жавохир!...” дея бақираётган эди. Унинг бу харакатидан жаҳли чиққан Шахриёр кабина эшигини очиб Зилолани судраб чиқади.

- Балки бақиришни бас киларсиз?
- Тўйга айтмоқчи эдим...
- Усиз тўй ўтмайдими...

Шахриёр Зилолани машинага ўтқазади:

– Балки, тўй бўлмас, – дейди у ўшқириб ва жаҳл билан машинага телбаларча газ босади. Машина силтаниб катта йўлга чиқади.

– Ха, сизга барибир. Хоҳласангиз тўйни қолдирасиз. Истаганингизча мента бақирасиз. Сиз билан кўришганидан бўён факат таъна-дашном эшитаман.

– Зилола, кел иккаламиз бир қарорга келайлик. Мана шу қишлоқ билан Фарғона шаҳрининг ораси ўттиз чақирим. Агар мана шу машинани Фарғонагача эсон-омон ҳайдаб борсанг сени ўзим Сирдарёгача мана шу машинада узатиб бораман. Ва сендан ҳеч қанақа гинам қолмайди. Бир умр дўст бўлиб қоламиз. Агар ҳайдаб боролмасанг шу ерда коласан, Жавоҳирни бутунлай унудиб факат меники бўласан. Ва у ҳақда ҳеч қачон бир оғиз хам гапирмайсан. Мен хам ҳеч қачон уни ёдинингга солиб таъна қилмайман. Агар унаштирилмаган бўлганимизда ва мен учун ўқишингни ташлаб келмаганингда бу шартни кўймаган бўлардим.

- Келишдик.

Зилола, машинанинг рул томонига ўтиб ўтиреди. У, юзида оғриқ ва илтижо билан машинани ўт олдира бошлиди. Машина зўрга ўт олди. У умрида биринчи бор рулга ўтириши эди.

– Барибир боролмайсан. Бу ҳайдашингда қишлоқдан хам чиколмаймиз.

- Йўқ, етиб бораман.

– Ўзингни қишлоғинг. Тинчгина яшайверамиз. Севги деган нарсаларга ишонма.

– Мен хам бошида ишонмадим. Унинг ялинишларига парво килмагандим. Кейин, уни сиз билан солиштириб кўрганимидан сўнг, сиз менга мутлақо бегона эканингизни тушундим. Мен сизга бутун ҳаётимни бағишиласам хам, сизга мен бегона бўлиб қолаверар эканман. Сиз ахир мени ёмон кўрасиз-ку, тўғрими?

– Зилола, кўзингта караб ҳайда, хозир тўғрингдан келаётган машинага бориб уриласан, газни босма, секин секин...

– Йўқ, йўқ. Тез ҳайдайман. Тезроқ кетаман. Одам дунёга бир марта келади. Ҳеч бўлмаса бир марта юра-

тига қулок солиши керак. Агар сиз мени севганингизда, мени гаровга қўйиб, машинага миндирмасдингиз. Нима менда юрак йўқми? Нима мени танлаш хуқуқим йўқми... Сизда бор-у, менда йўқми? Сиз хоҳласангиз, мен билан учрашмай, мени унаштирасиз, мени ўқишидан бўшатиб оласиз, хоҳласангиз яна бориб узатиб келасиз. Мени устимдан яна канака хукмларингиз бор. Менга, ҳеч бўлмаганда бир бора битта гул совға қилдингизми... У эса уч йил менинг эшигимга гул қистириб келганди. Мен бу гуллар учун унга ҳатто бир бора ҳам раҳмат демабман. У мана шу уч йил давомида бирор марта қўлимни ҳам ушлагани йўқ. Айтинг, мен сизга нима қилдим. Худди қўзимга ургандай, қўз олдимда уни уриб ҳамма ёғини қон қилиб жўнатдигиз. Мен шуңда ҳам индамай сизга муте бўлиб қўнглингизга карадим. Ётоказнага бориб дугоналаримга гап отдингиз, индамадим. Мен, ўша ёқдан сизни деб ўқишимни ташлаб келдим, бир оғиз қўйигил сўраб, ёнимга келмадингиз. Одамлар ота-онамни гап килишди, сиз ҳам ўша одамларга қўшилиб кулишдингиз. Нима, менда ғурур йўқми, ор-номус йўқми? Мен ҳеч качон ота-онамни юзини ерга қаратмайман. Мен ҳозир машинани тишимида судраб бўлса ҳам айтган жойингизга олиб бораман.

— Зилола, ўзингизни босинг, тўғри ҳайданг. Ахир ҳалок бўламиз, ҳозир машинани урасиз.

— Кўрқманг, машина ичида мен ҳам борман. Ҳалок бўлсак, бирга ҳалок бўламиз. Нима фарки бор. Ҳозир ҳаётим сизнинг қўлингизда. Етолмасам ҳам сизнинг қўлингизда бўлади. Ҳозир ўлсам сиз учун ўлган бўламан.

— Зилола, қўзингизга караб ҳайданг.

— Ишингиз бўлмасин, мен барибир етаман.

Узоқда Фарқона шахри кўрила бошлайди.

* * *

Зилола Тошкентда. Ётоказнада ҳаёл суриб ўтирибди. Кун ботмоқда. Борликни қоронғи қопляяти. Қуёшнинг заррин нурлари уфқни кизартирган: “Бугун шанба. Бугун Жавоҳир ... уйланаяпти. У бизнинг фотихамиз бузилганидан хабари йўқ. У мени шунча севса ҳам, мана барибир бошка бирорга уйланиб кетаяпти. Демак муҳабатсиз ҳам яшаб кетавериш мумкин эканда? Шундай экан, мени алдаб нима қиласди. Мени севиб нима қиласди. Мен уни севиб қолганимда, нега ташлаб кетди. Нега?

Бундай алдовлар, гийбатлар, одамларнинг устидан кулипилар қачонгача давом этади? Ўзимни сувга ташласам қутуламанми? Одамлар мендан қутулса, кўнгиллари жойига тушадими? Алвидо ҳаёт, Алвидо мухаббат! Алвидо! Алвидо!

Зилола қандайдир дориларни ичмоқчи бўлади. Кўллари қалтирайди. Эшик тақирлаганини эшитиб, хушёр тортади. Эшик яна жимиб колади. Зилола яна бир оз пойлаб туради-да, туриб эшикни очади. Эшик тутқичида бир дона атиргул турарди. Зилола, ҳайрон қолади. Ола-зарак ҳар тарафга қарайди. Коридорда хеч ким йўқ эди. Зилола коридор бўйлаб югуради. Хеч кимни тополмайди. Хонага қайтиб келади. Бошини куйи эгиб ўтирганида, коридордан яна шовқин-сурон эшитилади. Сўнгра, Камола, Севара, Шароф бошқа кизлар хонага кучок-кучок атиргуллар билан кириб кела бошлайди. Кийкириқ ва кутловлардан Зилола эсанкираб қолади. Кимдир магнитафонни кнопкасини босади. Кўшик янграйди. Ок кўйлак, галстук, кора шим, костюмда қўлида бир дона атиргул билан эшик олдида Жавоҳир пайдо бўлади. У атиргулни Зилолага тутқазади. Чўнтагидан бир канча тўй таклифномаларини олиб Зилоланинг оёғи тагига йиртиб ташлайди.

ЗИЛОЛА: – Жавоҳир ака!

ЖАВОҲИР: – Зилола!

ЗИЛОЛА: – Наҳотки сиз...

ЖАВОҲИР: – Ҳа, мен келдим. Сени олиб кетгани келдим.

ЗИЛОЛА: – Ростданми?!

ЖАВОҲИР: – Энди сиздан бир қадам ҳам ажралмайман. Мен сизни севаман, Зилола!

ЗИЛОЛА: – Мен ҳам...

ЖАВОҲИР: – Биз бирга бўламиз... Мени шунчалик кўрқитдингиз-ки...

ЖАВОҲИР: – Тўйингиз нима бўлаяпти?

ЗИЛОЛА: – Қолдирилди... Сизникичи?

ЖАВОҲИР: – Менини ҳам тўхтатилди. Энди ўзимиз тўй қиласиз Зилола. Шундай тўй қилайликки...!

Жавоҳир ва Зилола кучоклашадилар. Ётоказона эшиги беркилади. Унинг тутқичида хали-ҳамон бир дона атиргул қистириғилик турарди. Кўшик янграйди:

Биздан бўлак ҳеч ким йўқ,
Бўлса шундай саиёра
Сенга севгим айтардим,
Хар лаҳзада минг бора.

Муаттар чаманзорда
Сен осмон мен ер бўлиб
Юз йилларки ўтирасам,
Кўзларингга термулиб


Согинчларим билмай дош
Оловга айланса гар
Ундан миллионта қуёш
Исинарди муқаррап.

Сан-ла ёлғиз қолсайдик,
Биздай куйган қайдабор.
Яна минг йил яшардик,
Яна минг бор баҳтиёр.

Орадан бир йил ўтиб уларнинг тўйи бўлди. Тўйда Ортик ака, Толибжон, Жавохирнинг онаси ва бошқа ҳамма кудабандалар шод-хуррамлик билан тўйни ўтказдилар. Шароф тўйда хофизлик килди. Севара ва Камолалар роса ўйнаб кулишиди. Тўйда ҳатто Шахриёр ҳам қатнашди.



Асар сценарийси Э.Усмонов билан ҳамкорликда ёзилди.



БАХТЛИ БЎЛМОҚ ШАРТИ— ВАТАНИ СЕВМОҚ!

Бадиа

Яқинда вилоятда яшовчи бир дўстим телефон қилиб қолди:

- Янгангиз ўша ерда шифохонада ётибди. Айтинг, бугунок етиб келсин!
- Нима бўлди, тинчликми?
- Икки қундирки, ўғлим хеч жойда йўқ. Хат ёзиб кетибди. “Дада, мени изламанг. Мен ўз тақдиримни синаш учун узок юргларга иш ахтариб кетдим. Кўришгунча, хайр!”.
- Кутиб туринг, балки келиб қолар. Янга ўзлари касал. Бу гапни эшитса...
- Илтимос, жўнатиб юборинг. Мен бу ташвишни бир ўзим кўтаролмайман...

Мен трубкани қўйдим. Дўстимнинг бир ўғил, бир қизи бор эди. Ўғли энди ўн еттига кираётганди. У мана шу ўғилга атаб Эрмитажнинг курилиш лойихасига биноан, ўттиз хонадан иборат, уч қаватли иморат солдирганди. У ўғлини жонидан ортиқ яхши кўрарди. Нега ўғли кимларнингдир икки оғиз қуткусига учиб, ота-онанинг бир умрлик меҳру муҳаббатини унтутиб юборди. Унинг бу қилмиши ота-онани адойи тамом қиласди-ку? (Меҳрнинг нархи шунчалик қимматми?) Ота-онани қон қақшатиб кетмаслик учун, нега болада заррача меҳр топилмади? Нега ота-онанинг фидойи муҳаббатини англаш учун, болага меҳр-мурувватдан гапириш, насиҳат қилиш лозим? Бу ношукурлик эмасми?

Ота-онага ношукурлик, ҳаётга ношукурлик эмасми?

Бу ходиса менга Наполеон Бонапарт ҳәётида бўлиб ўтган бир воқеани эслатди.

Наполеон синглисини узатаётгандан, отга минибидида, бир ҳалта тилла тангани сеп сифатида кўтариб борибди. Синглиси ҳалтани очиб:

— Императорнинг ҳадяси шу бўлдими? — дея лаб бурибди.

Император ҳайрон қолиб:

— Ёдингдами, синглим, бундан ўн икки йил мұқаддам Сена дарёси бўйларида дворянларнинг кирини ювардинг. Зодагонлар бир чақа ошиқча берганида, чиройли табассум билан ташаккур билдирадинг. Мен бу тилла франкларни мулозимлардан бериб юбормай, ўзим олиб келганимнинг сабаби, ўша чиройли табасумингни кўрмоқ эди.

Наҳотки, ўз акангга бир марта табассум қилишинг учун саккиз юз минг тилла франк камлик қилса? Бу қадар ношукур бўлма! — деган экан.

Мен дўстимнинг хотинини уйга жўнатиш учун шифохонага бордим. Бемор одамнинг даволанишдан бошқа яна қанака муҳим иши бор?! Уни жойидан кўзғатиш учун қандайдир фавқулодда нохуш воқеа рўй берган бўлиши керак. Нима дейишни билмасдим. Ўғли ҳақида гапирсам, юраги ёрилиши аниқ эди. Ахир у шу фарзандлари учун яшаб юрибди-ку? Шу ўғлини кечак-ю кундуз мақтаб, севиб, ардоқлаб гапиради. Она-нинг олдида қаттиқ хижолатда эдим, зўрға:

— Уйга бораркансииз, зарур иш билан чақиришяпти, — дедим.

Онани кузатарканман, фарзанди ўз онасини жарга итариб юбораётганини кўриб тургандай, қийналардим.

Она зўрға кийинаркан, қўллари қалтиради. Шунда бола тарбиясизлиги нақадар катта фожеа ва нақадар катта хиёнат келтиришини англаб етдим. Иван Грозний фарзанди итоат қилмагани учун уни ўлимга маҳкум этган. Пётр 1 амрини бажармагани учун ўз ўғлини ўлдирган.

Бунга сабаб, улар ота-онага хиёнатни Ватанга хиёнат дея тушунишган.

Бу воқеадан сўнг кўп ўтмай, ижодий сафар билан Афғонистонга борадиган бўлиб қолдим. Термиз шах-

рида кутиб олган дўстларимиз шаҳар зиёратига таклиф этишди.

Термиз — қадимий шаҳар. Унда юзлаб тарихий иншоотлар, мадрасалар, макбараплар, хонақоҳлар, ҳоким ва бекларнинг саройлари хали-ханузгача сакланниб қолган ва баҳоли қудрат таъмиранганд. Унга бутун дунёдан зиёратчилар оқиб келишига имконият яратилган, шаҳарни бутунасига музейга айлантириш мумкин эди.

Амстердамда бўлганимда, энг қиммат қаҳвахонага таклиф этишганди. Қимматилигининг сабаби... қаҳвахона XVI асрда қурилган экан. Унда ҳар бири бир тонналар келадиган тўртта тўнка — стол турар, битта уч тонналик тўнка стул сифатида қўйилганди. Стол-стулларнинг бу қадар баҳайбат ва оғирлигининг сабаби — олис сафардан қайтган денгизчилар байрам қилишиб, ичишар, маст ҳолда стол-стулларни уриб синдиришаркан. Ҳар сафар шу ҳолат тақрорланаверганидан безор бўлган қаҳвахона эгаси, хеч ким кўтара олмайдиган стол-стулларни қўйган экан.

Голландлар ҳозир бу қаҳвахонага киришни фахр деб билишади, буюк зафарлардан қайтган ота-боболарининг руҳини шод этиш учун — қаҳвахонани ҳар қанча қиммат бўлса ҳам энг гавжум жойга айлантиришган.

Бу уларнинг ўз ота-боболаридан, ўз миллатидан, ўз Ватанларидан фахрланишларининг нишонаси эмасми? Улар оддий қаҳвахонани шунчалик эъзозлар экан, биз минг йиллик тарихга эга кўхна илм масканларимизни, муқаддас масжиду-мадрасаларимизни нега эъзозламайлик? Агар дўстим ҳам ўз фарзандига киндик қони тўкилган уй, маҳалла, ўзи яшаган шаҳарнинг улуғлигини болалигидан тушунтириб борганида, балки бошига тушган савдо рўй бермаган бўларди.

Дастлаб Мозори шариф шаҳрига кириб бордик. Шаҳар — ёйилиб кетган қишлоқни эслатади. Марказий канализация тизими йўқ. Иссиқ сув тизими йўқ. Аҳён-аҳён уйларда газ балонлари ишлатилишини айтмаганда, шаҳар умуман газлаштирилмаган. Кўчалари тошлок, асфальтланмаган. Бугун Афғонистон бўйича

темир йўл бор-йўғи 60 кмни ташкил этади. Одамлар ишсиз. Ҳар қадамда гадойлар, тиланчилар, майиб-мажруҳлар.

Кишлок ҳўжалигига ҳам мелиорация деган тушунча умуман йўқ. Механизация ҳам умуман йўқ. Фақат қўл меҳнати, омоч. Мактабларда дарсликлар йўқ. Ўқитувчилар кам. Санитария-гигиена издан чиккан. Малакали шифокорлар етишмайди.

Афғонистонда 6 миллионга яқин ўзбек яшайди. Улар ўзбек тилида чиқарилган дарсликларга жуда муҳтоҷ. Агар давлатлар ўртасида шартнома тузилса, Ўзбекистон зиёлилари-ўқитувчилари, шифокорлари, агрономлари, инженер, фан ва маданият арбоблари Афғонистон учун Ўйғониш даврини очиб берган бўлур эди.

Мозори Шариф зиёратидан сўнг Саланг тоғлари оралаб Қобул шаҳрига кириб бордик. Афғонистоннинг тўртдан уч кисмини тоғлар ташкил этади. Тошкент денгиз сатҳидан тўрт юз метр баландликда жойлашган бўлса, Қобул 1800 метр юқорида жойлашган. Бундан беш юз йил аввал, яъни 1503 йил бобомиз Захириддин Мухаммад Бобур ҳазратлари Қобул шаҳрини забт этган эдилар.

1530 йил 26 декабрда Агра шаҳрида вафот этганинг сўнг, васиятларига биноан 1533 йил, яъни бундан 470 йил аввал хоки туроблари Қобул шаҳрига, “Боги Бобур”га келтирилиб, дағн этилди.

Бизнинг Қобул шаҳридаги биринчи вазифамиз ҳам Бобур Мирзо мақбараларини зиёрат этиш бўлди. Умуман олганда, Газнада Абу Райхон Беруний, Ҳиротда Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Балҳда Атоий, Камолиддин Беҳзод, Мозори шарифда Бобораҳим Машраб, Куддусда Мирхонд, Ҳиротда Мавлоно Лутфий кабрлари бор.

Ниҳоят, Бобур бобомизнинг равзани-муборакларига етиб келдик. Мақбара атрофи девор билан ўралган. Тоғ ён бағри бир гектарча боғ, алоҳида масжид ва зиёратчилар учун хонақоҳ. Қабр устига қўйилган оппок мартарошга Куръони карим оятлари ва ҳазрат бобомизнинг исми-шарифлари ўйиб ёзилган. Даҳма оддий ва дабдабасиз. Яъни сultonон Бобур Мирзо сал-

танати бойликларига, шон-шавкатларига нисбатан анчайин камтарона қурилган. Биз ҳам, Бобур Мирзо ҳазратларининг рух покларига атаб, Қуръон тиловат қилдик ва у зотнинг жойларини жаннатдан қилишларини Худодан сўрадик. Ушбу даҳма, беш юз йилдирки фалак тӯфонларидан, урушлар гирдобидан омон қолганлиги учун шукроналар айтдик. Бу камтарин даҳмага қараб, Ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг Бобур Мирзога нисбатан айтган сўзлари ёдга тушди: “Ҳиммати олдида олтуннинг, доғи кумушнинг тош ва туфроңча ҳисоби йўқ эрди”.

Ким-ким, Чифатой қабристонига бориб, қабрлар тенасига қўйилган мармартошларни қўриб эсингиз оғади.

Мен ғарип ва қаровсиз ётган қабр атрофини айланарканман, хаёлимда Андижондаги улкан ва жуда кўркам Бобур боғи айланади, тилимда эса шоҳнинг боқий рубоийлари ўз-ўзидан сўзга киради.

*Кўпдан бериким ёру
 дие́рим йўқдур.
 Бир лаҳза-ю бир нафас
 қарорим йўқдур.
 Келдим бу сори ўз
 ихтиё́рим бирла,
 Лекин бору́римда
 ихтиё́рим йўқдур.*

Агар бобомизнинг қабрлари ўз ватани — Ўзбекистонда бўлганда борми, ҳозир Имом Бухорий, Баҳо-вуддин Нақшбандий, Аҳмад ал-Фарғоний зиёратгоҳлари сингари улкан қуббалар қўйилган обод ва муҳташам мавзолейларга айлантирилган бўлар эди. Ватангадолик ҳасрати ҳали ҳамон Бобур Мирзо юрагида олов бўлиб яшаётгандек, қабрларидан ўтли нидо бўлиб таралаётгандек эди. Биз билан зиёратга келган ағғон расмий ҳукумат вакиллари эса енгимиздан тортиб, қулогимиизга пи chirлайди:

— Ушбу мақбарани обод қилиш учун, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ёрдам берармикин!

Мен, “Ҳа” — дея тасдиқлайман ва муҳтарам Президентимизнинг сўзларини у кишига етказаман: — Пре-

зидентимиз: “Афғонистондаги Алишер Навоий, Захиридин Мұхаммад Бобур қабрларини обод қилишда ағғон ҳукуматига күмаклашишимиз зарур” — деганларини таъкидлайман.

Кобулда яна бир ҳафта қолиб кетдик. Бизга алохіда әктиром күрсатылған бўлса-да, бу юртдаги иқтисодий таназзуллик, қашшоқлик ва ижтимоий инқирозда қолиб кетган одамларнинг кўплигидан зиёрат ҳам татимади.

Аниқ англадимки, элу юртинг тинч бўлса, бой бўлса, обод бўлса сенинг тинчинг, бойлигинг, хуррамлигинг шунда экан.

Сен бой бўлсанг-у махалланг аҳли оч бўлса, бу бойлик сенга юқмас экан. Кореяда бир фабрикант кариядан сўраганим эсимда: — “Отахон, саксонга киряпсиз. Ҳали-ҳамон кеча-ю кундуз тиним билмай ишлайсиз. Фарзандларингиз ҳам йўқ экан. Нега дам олмайсиз? Бу бойликлар кимга қолади?” — Шунда қария жавоб берганди:

— Давлатга қолади, Ватанимга қолади!

Ота-боболаримизнинг қадим-қадимдан айтган ҳикматли сўзи бор: Ватан остоңдан бошланади! Ҳар биримизнинг манфаатимиз Ватан манфаати билан чамбарчас боғланиб кетиши лозим. Биз нафакат ота-она мизнинг, балки шу азиз Ватанимизнинг ҳам фарзандимиз.

Шу юртнинг ўғил-қизларимиз. Ҳар ким бирор жойга боришдан аввал ота-онасидан сўраб кетиши лозим бўлгандаи, ўз ихтиёрича, яширин кетмасдан меҳнат биржалари орқали расмий шартнома тузиб, чет элга иш излаб, илм излаб кетилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Акс ҳолда “Саёқ юрган таёқ ейди” қабилидаги ноҳуш кўнгилсизликлар келиб чиқиши табиий. Ахир Бобур Мирзодай одамлар шоҳ бўла туриб, ўз Ватанидан йирокда шунчалик хор экан, дўстиминг ўғли сингари оддий йигитлар, ватанидан йирокда иззат топармиди?

Бир кун окшом ишга кўмилиб ўтирган эдим, яна ўша дўстим телефон қилиб қолди. Хурсанд.

— Э, оғайни, ўғлимни топиб келдим. Россияни бир ой ахтариб, мардикорлар ичидан топдим. Қаҳра-

тон совукда, ғишт ташиб, цемент қориб юрибди. Мени кўрди-ю “Отажон!” деб оёғимга тармашди. “Сенга пул керак, менга кул керак”, деб паспортини тортиб олиб ишлатишашётган экан. Қайтай деса, қайтишга пули йўқ, бурнини тортиб, кўз ёшини тинмай оқизади. Ўғлим, шу ишларни уйда килсанг бўлмасмиди десам, “Э отажон, ношукурни кечиринг, бу ишларни ўндан бирини қилсам, Самарқандда мендан бой одам бўлмайди, деб юз-кўзимни ўпади. Тинмай онасини сўрайди, қўни-кўшни, оғайниларини сўрайди. Юртими ни соғиндим, дейди. Ўзбекистонга бош кўйиб, таъзим қилиб, тупроғини ўпаман дейди. Агар етаклаб олиб келмасам, бир касалга гирифтор бўлар экан, болам бечора. Бало-қазо нари кетсин деб, қўй сўйиб, Худойи қилиб юбордим.

Телефон гўшагини қўяр эканман, менинг ҳам кўнглимга бир ёруғлик ўрмалади.

Тилимга эса, шоир Муҳаммад Юсуфнинг машҳур мисралари қуилилиб келди:

*О, ота маконим, онажон ўлкам,
Ўзбекистон жоним тўшай соянгга
Сендан меҳрибон йўқ,
Сенингдай кўркам,
Римни алишмасман бедапоянгга.*

*Сен билан ўтган ҳар кун байрам – базм
Сенсиз бир он қолсам – ваҳмим келади.
Сени билганларга қиласман таъзим,
Сени билмасларга раҳмим келади.*



ТАРАДДУД

Кисса

Ориф ота кимдир чакириб келишидан ҳадиксираб ўтиради. Ташкарида одамлар тўп-тўп ўтишар, кийчув авжиди эди. Бугун бир неча одам эхром боғлаб Ҳаж сафарига отланяпти. Мана уч йилдирки, Ориф ота ҳам сафар тадоригини кўради, аммо... тўртта одамнинг орасида бекорга лавз қилган экан, ҳижолатга колди.

Лекин, авваллари ўзини бугунгидай ғаріб сезмаган эди. Негадир ҳайҳотдай ҳовлида хеч ким, набираси Ўткиржон ҳам, сужигани, суюнадиган ўғли Муроджон ҳам, келини ҳам қўринмасди.

Ориф ота намоздан сўнг бир оз хотиржам тортиди. Сўнгра олиб қўйган эхром кийимларини бир-бир кийиб кўрди. Хомуш тортиб, ҳовлига чиқди. Болаҳона этагида мунғайиб турган "Волга"га кўзи тушиб, ҳасрати янгиланди. Шу "Волга"ни сотиб, Ҳажга бормоқчи эди. Уч ой, ҳар якшанба бозорга чикиб, савдоси пишмади. Харидор арzon сўради, Муроджон у нархга кўнмай туриб олди. Ориф ота: "Ўтишига сотасан" — деб шарт қўйди. "Ахир биз бу пул эвазига жуда улуғ ва савоб ишни савдолашиб қўйдик-ку! — деди. Лекин Муроджонга бу гаплар кор қилмади. Агар шу машинани уйга қайтариб борсанг, ёкиб юбораман деб, пўписа ҳам қилди. Лекин Муроджон кўнгилдагидай харидор келишини пойлаб юраверди.

Ҳовлига Ўткиржон югуриб келди: — "Улар кетишяпти." Ориф ота набираси кимларни назарда тутаётганинги тушунди ва жавоб қайтарди: "Зиёратлари қабул бўлсин!"

— Сизни ҳам кетиб қоласиз деб қўрқувдим.

— Қўрқма, дадант эсини йўқоттани йўқ. Бахилнинг қўлида ой бўлса, оламни ёритмас.

- Бобонг пулни ҳавога совурмоқчи дейдилар.
 - Мен Худонинг уйига мәҳмонга бормоқчиман...
 - Дадам Сизни уйлантирмоқчи...
- Ориф ота болага терс ўғирилиб олди.

* * *

Ориф ота ўзини чалғитиш учун хўқизга ҳашак солаётганди, молхона эшиги ёнида Муроджон пайдо бўлди:

- Ота иш пишди, тўй кунини белгилайверинг!

Ориф ота гап нимада эканлигини дарров тушунди.

- Куёвдан имдод бўлмай, келинлар розилик берадиган замон бошландими?

- Э, келинни рози килгунимча она сутим отзимга келди-ю!

- Онангни ўртага қўшма.

- Сиз учун янгидан ҳаёт бошланади ота. Сиз олтмишга кираётган бўлсангиз, келин энди ўттизга чиқди. 30 йилга ёшардим деяверинг.

- Муомала зўр бўлса, тuya ҳам чўкар. Роса авраган кўринасан...

- Ота, ўзингизни ўйласангиз-чи?! Беш кунлик дунёда мазза қилиб яшамайсизми? Фарзандли бўлсангиз ҳам бош устига. Ойим раҳматликнинг ўтганига ўн йилдан ошди. Бўйдоқнинг бўйинини бит ер, топгантуттанини ит ер, қачонгача сиқилиб япайсиз? Ҳажга бориб келсангиз мушкулингиз осонлашадими? Сиз у келинни бир кўринг, ана чирой, ана малоҳат. Жон отажон, йўқ деманг, уни кўрсангиз бу ҳаётга келганингизга, яшаётганингизга рози бўласиз. Фам-ҳасрат ҳаммаси чекинади. Ҳажни ҳам унутасиз.

- Йўқ. Мен бу ишлардан қўлимни ювиб, қўлтиғимга урганман. Ёшимни яшаб, ошимни ошаб бўлдим. Уни бошдан бошлаш ниятим йўқ.

- Ота, қўйинг бу гапларни. Сиз уйга киринг. Күёвлик сарнолар олиб қўйганман. Яхшилаб кийиниб олинг. Сизга келинни кўрсатаман. Ўғил бўлиб сизни рози килмасам, қўзим кўр бўлсин отажон!?

Муроджон бўғриқканча уйдан чиқиб кетди.

- Ориф ота сўрида бошини эгиб анча вактгача ўйланаб қолди.

Мана ҳадемай Муроджон келинни тўғри уйга етак-

лаб келади ёки бўлмаса бир овлоқ жойда уларни учрапитиради. Хозир кийиниш, ясан-тусан қилиш керак.

Ориф ота уйга кирди. Келини сандикни титкилаб янти костюм-шим олаётганини кўрди. Сандиқ атрофида бир қанча келин сарпо уйилиб ётарди.

Ориф ота саросима ва таҳликада чойхонага чиқиб кетди. Улфатлар чолнинг аҳволидан хабардор эди. Гапни айлантириб келиб яна ўша мавзуга тақашди:

— Бу хафагарчиликлар сўққабошлик оқибати.

Мўлтони мулла анқов элни алдаб ер. Зиёратга бораман деб тижорат билан қайтганлар қанча?! Келинг, битта бошингизни иккита, иккита оёғингизни тўртта килиб қўяйлик.

— Шахсан мен уйланиб олган бўлардим. Хожи бўлиб, ҳозирдан тарки дунё қилиш қўлимдан келмайди.

— Ичишни ташлаш керак — бу бир. Гоҳ ўнгга, гоҳ чапга қараб қўйиш керак бўлади — бу икки.

— Ха, энди уларсиз ҳаёт-ҳаётми!

— Тақво билан тириклий қиласман десангиз, қозонни сувга солиб қўйиш керак бўлади — бу уч.

— Рост гапириш, ҳалол еб-ичиш... — Э, шарти кўп роса...

— Бу дунё лаззатларига қўл силтаб, у ёкка бориши, шунчалик зарилми...

— Гоҳо шайтон йўлдан оздириб, беш вақт намозимиз қазо бўлиб кетади-ю.

— Худо кўнгилда бўлса бўлди-да...

— Ўзимизнинг Самарқанд, Бухорони зиёрат қилиш ҳам ярим ҳаж. Етимнинг кўнглини олиш ҳам, бир мискиннинг диморини чоф қилиш ҳам, тўла бўлмасада, салкам ҳаж хисобланаркан...

Ориф ота бу гапларга рўйхушлик бермай раҳматли бобосини эслаб кетди:

— У киши масжидда муаззин бўлган эканлар. Ойим гапириб берган бир ҳолат ҳеч эсимдан чиқмайди. Дадам фирмага эргашиб кетгач, бобомга аzon айттирмай қўйган эканлар. Дадамнинг сиёсатидан қўрқкан бобом, бир куни ҳовлимиз этагидаги тут ковагига бошини суқиб, аzon айтганлар. Бобом аzon айтмасдан туролмаган. Наслимга тортдим шекилли, бу йил ҳаж зиёратини ният қилиб турибман.

- Менга ҳам тут каваги керак денг?
- Йўқ, охират олдидан сархисоб керак.

Ориф ота улфатларининг терговларига парво қилмай, ҳазил-чин аралаш янги уйланган даврлари хақида гапира кетди:

“— Чиллам чиқмай, ҳарбий хизматга чакириб қолишиди. Тартиб-интизом қаттиқ. Вокзалда уртўполон.

Бирор йиглаган, бирор сиқтаган. Ҳарбий кўмондонлар у ёқ-бу ёққа юриб турибди.

Еш аскарларни тизиб вагонга жойлаштиришяпти. Хавфсиэлик хизмати, ҳарбий трибунал, ички ишлар, хуллас ҳамма шу ерда. Ҳарбий хизматдан бўйин товлаган отиб ташлансинг, қамоққа олинсин деган маҳсус топшириқ бор. Мени эса кўзимда ёш. Бир ёқда онам йиглаб турибди. Мени кузатишга чиқкан Ҳадича йиглаб турибди. Айни навқирон йигит пайтим. Бутун дунё кўзимга қоронғу. Ҳадичани ташлаб кетишим мумкинлиги тасаввуримга сиғмайди. Усиз бир дақиқа туролмасдим. Мени эса уч йилга олиб кетишияпти ва ниҳоят фамилиямни ўқиб чақиришди. “Мен” деб олдинга чиқдим. Вагонга солишибди. Вагонда турибман, бутун аъзои баданим зир титрайди.

Вокзалда эса ниҳоят митинг тугаб ҳаммага қасам ичириб, ҳарбий хизматни шараф билан ўташлари учун қутладилар. Вагон жойидан силжиди. Мен эса Ҳадичадан кўз узмайман. Ниҳоят поезд 200 метрлар юргач, эс-хушимдан батамом айрилдим. Ўзимни вагон эшигидан пастга отдим. Ортимдан бақир-чақир бошланди. Мен Ҳадича томонга югураяпман, югураяпман. Ниҳоят етиб келиб, бағримга босдим. Онам келиб мени қучоклади. Милтиқ кўтарган солдатлар ўраб олди. “Кочок”, “Дезертир” деган шовқинлар эшитилди. Мен ўша ҳолатда ҳеч нарсадан кўрқмасдим. Отиб таплашларига ҳам рози эдим. Мен минг-минг кўшинга қарши чиққандим. Мен ўзимни уларнинг баридан кучлироқ хис этардим. Ҳеч нарсадан кўрқмас, жасоратли, мард ва шиддаткор эдим. Мен уларга қарши исён қилган эдим.

- Кейин нима бўлди?
- Нима бўларди. Бир ҳафта хибсхонада дўппослашди. Таъзиримни бериб, хизматга жўнатиб юборишиди.
- Бекор калтак еганингиз қопти!

— Йўқ бу воқеа юз бермаганида Ҳадичанинг қадрини, уни қанчалар суйишимни билмаган бўлардим. Ҳажга борсам, унинг ҳақига дуо қиласман, Ҳудодан уни жангатга доҳил қилишини сўрайман, киёматда у билан ёруғ юз кўришишимизни сўрайман.

Ориф ота чукур ўйга толди. Фофур ота, жўрасини камситилган, таҳқирланган, афтода ва бечораҳол кўриб, юпатмоқчи, тушкун ҳолатдан кутқармоқчи бўлди, сўнгра воқеанинг давомини ўзи бошқалардан эшитганича давом эттириди: “Аскарлар гауптвахтага тушиб қолган Орифга пол ювдирмоқчи бўлишган. Ориф буюрилган ишдан бош тортиб, қайсарлик қилиб туриб олган. Солдатлар ҳар ярим соат уриб, тепиб, оғзи-бурнини қон қилиб, пол ювишга мажбуrlашган. Лекин Ориф бўйин эгмаган. Икки соатдан кейин, “Это настоящий дурак” — деб, калтаклашдан воз кечишган. Чунки пол ювиш бор-йўғи ўн минутлик иш бўлган. Улар, ўн минутлик иш учун икки соат калтак ейиш шартмиди дея, хайрон бўлишган.

— “Фурурнинг нархи шунақа қиммат бўлади” — деди ўша куни Сайд ака.

— Ёшлиқда одам, роҳат-фароғат учун туғилганман дея ўйлар экан, ўрта ёшда, меҳнат учун яралганман, деб надомат чекаркан, кексайганида дарду-ҳасталик учун бунёд бўлган эканман, деб азоб тортаркан, — дея жавоб қайтарди Ориф ота.

— “Туғилдим-у келдим бозорга,

Кафанлик олдим-у кетдим мозорга”, — дея гапга гап кийдирди Фофур ака. Ўша куни улар ташқариға деразадан бот-бот қарашган. Ташқарида, шовқин-сурон тинмас, Ҳажга кузатувчилар сони янада кўпаяр, кузатув маросими тобора байрамона тусда авж оларди.

Бурчакка биқиниб олган Ориф отанинг юрагида эса алам ва қайғу кўланкаси тобора кенгаяр, шуурида йилтиллаган кечинмалар заҳри ич-этини сирқиратиб кемирарди:

— Эй, Худо, бу гапларни сенга хаёлан айтиётганимнинг сабаби бу тўхтамга анча куч-куватим кетиб, кўп ишларга қўлим калталиқ қилиб, аввалги ғайрат ва шижоатим сўниб ва истасам-истамасам баъзи бир кирдикорларга ярамай колганимда, худди шу тўхтамга келишга маҳкумдай, мажбуrlанган, ўзга имкониятла-

рим бирма-бир тугаб бораётган, сендан кечирим сўрашнинг аҳамияти камаяётган пайтда етиб келди.

Инсон болалигига: “Ҳар кимнинг ҳаётида мингминглаб воқеалар бўлиб туради, ҳаммасини Худо кўриб ўтирибдими, дея калта ўйлайди, лекин ёши ўтган сари инсоннинг бутун ҳаёти худди кино лентасига ёзилгандай, бу ленталарни бир неча сониялар ичидаги ҳаёлан “кўриб” чиқиш мумкинлигига кўзи етгач, энди Худо учун ҳамманинг кечмишини кўриб чиқиш бундан ҳам осонлигига иқрор бўларкан.

Эй, Худо! Барча юмушлардан мосуво бўлиб, қаноти қайрилган, умиди уайлган, қачонлардир кўз етмас кўкларда учган-у, энди у парвозларни такрорлай олмас лочин ҳолатидаман.

Адашувлар, алданувлар оқибатида ғам-ғусса худди мўри малахдек орқамдан қуваётган, мен санғиган боғларнинг гуллари пайхон бўлиб, оёқ остида ҳеч кимса ҳавас қилмайдиган чакалакзор қолаётган бир пайтда сафар тадоригидаман.

Эй, Худо, сенинг борлигинга ҳамиша ишонган бўлсамда, умрим рафлатда ўтди. Сен тоҳида кечирдинг, тоҳида қаттиқ жазоладинг. Бундан бир неча ўн йиллар олдин номаҳрам аёл қучоғида ётар эканман, ўз-ўзимга сўнгги саволни бердим: “Бу ҳаром-ҳариш ишларнинг жазоси бор-ку?!” Бу савол шууримга санчилмай туриб шайтоний жавоб ҳозир бўлди: “— Бундай айшу-ишрат учун ҳар қандай жазога ҳозирман!” Ӷша тун унинг оғушида то сахаргача қолиб кетдим.

Тонгга яқин уйга қайтар эканман, Ҳадичанинг дод-фарёди устидан чиқдим. Қилган ишларимнинг касофати мени урганди. Ҳали икки ёшга тўлмаган кенжада ўғлим Маъсуд мени кута-кута кроват устида ўйнаб боши билан ерга йиқилибди. Унинг миясига кон қуйилганди. У бир ойдан сўнг жон берди.

Ҳадича, ўшанда сен Маъсуднинг бошида бир ой ўқраб-ўқраб йиғлаб чиқдинг-ку, “Нега менга сиз айбордсиз” — деб, бир оғиз таъна қилмадинг. Ўшанда, Ҳадича мени ўз тукқан фарзандидан, жигарбандидан ҳам, мени кўпроқ яхши кўргани учун, айбламаяпти деб ўйлаб юрардим. Энди билсан, бу сукут ортида бошка бир гап бор экан: “Сен ҳукм чиқаришни Худога қолдирган экансан!”

Ўғлим, Маъсуд, сен менинг касримга қолиб, бу ёруғ оламни бевақт тарқ этдинг. Мен ҳам бу фоний дунёни тарқ этиб, сен билан юзма-юз бўлсан, сенинг юзингга қандай қарайман. Сенга нима деб жавоб бераман?! Сени уволинг мени тилка-пора килиб юборди-ку. Мени сендан ҳатто кечирим сўрашга ҳам ҳаққим йўқ. Чунки мен туфайли умр деган бебаҳо неъматдан маҳрум бўлдинг.

Мени қарға, минг йил шол бўлиб, ўлим тишида, ажал титроғида, қалтириб, қон қусиб ётишга тайёрман.

“Худди дор тагига бораётган одамдай сиқилиб ўтирганди, — деди бир куни Фофур ота, ўша кунги Ориф отанинг ҳолатини таърифлар экан. Гуноҳимни қандай ювай дегандай, дам ташқарига, дам Сайдига қарар, мўлтираган кўзлари қорачиғида кўп-кўп ғалаёнлар кечаетгани сезилиб туради.”

“Гоҳида гапларимизни эшитмай қоларди, — деди Сайд ака. Биз ҳожиларнинг сафарга тайёрланаётганини, ҳадемай ҳамма йигилиб автобусга минишини сездирмасликка ҳаракат қиласдик. У одам эса ҳожиларнинг ичиди эмаслигидан эзиларди. Тўғриси, у билан бундай сукутда ўтиришга дош беролмай кўзролгандик.”

Ориф ота ўрнидан туришга тараддулланди. Шом намозини ўқиб олиш керак эди. Чойхоначи ҳам бир нима демоқчидай ғимирсинар, афтидан юмушлари тугаб, озгина гурунг қилиш авзойи бор эди.

— Гап ниятда. Худо ҳоҳласа, Сизга ҳам улуғ зиёрат насиб қилас, — деди Сайд ота.

— Нима, машинанинг пули етмадими? — деди Фофур ака. Турсун чўлоқ ўғлингизга заклад пули ташлаб кетганмиш-ку?

— Вакт ўтди. Энди барибир, бу йилги мавсумга улгуришолмайди.

— Мен бу гапни эшитганимга икки ойдан ошди.

— Балки ўғлингиз савдони атай кейинга сургандир?

Ориф ота индамади. Сафар йилдан йилга орқага сурилаётгани яҳшилик аломати эмасди. Сўнгра, сухбатга бўйни ёр бермай, чойхонадан чиқди. Кўз олдига машинаси келди-ю, балодай кўриниб кетди.

Кўчадан буриларкан, уйи дарвозасидан Турсун чўлоқ чикиб келаётганини кўриб, йўлини тўсди.

— Ха, Турсунбой!?

- Ўзлингизда озгина овуштам бор эди.
- Мен, хеч қачон боламни бирордан қарз олишига йўл кўймаганман.
- Машинани савдо қилган эдик, пулини олганига анча бўлди. Олиб кетай десам, бироз тўхтанг дейди. Яна қанча кутаман билмадим.
- Э, шунақами...

Ориф ота шарт бурилиб ичкарига кириб кетди. У ғазабдан титрарди.

Демак, Муроджон уни Ҳажга жўнатиш ўрнига, анча вақтдан буён тўйга тайёргарлик кўриб юриди. Демак, келин сарполар шу “Волга”нинг пулига келган. Демак Муроджон Турсунбойга: “Ҳаж мавсуми ўтсин, отам озрок тинчлансан, кейин машинани олиб кетасиз”

— дея келишган.

Машинани олиб кетиб бўйсан! — деди Ориф ота овоз чиқариб.

Унинг овозини уйда келини эшитди шекилли, аста дарчадан мўралади. Сўнгра, бир индайтди, эшитмай колдим-ми, деб ўйлади чамаси, эшикни очиб чиқди.

- Ота, бир нима дедингизми? — деди.
- Йўқ, хеч қанақа тапим йўқ!
- Ўзлингиз, сарполарни дадамга кўрсат, ўзлари хам кийиниб тайёр бўлиб турсинлар деганди, — деди.
- Кийинмайман. Мен ҳамма ялтироқ кийимларни кийиб бўлганман. Мана шу хонадонда бобом отамнинг сиёсатидан кўркиб, тут ковагига бошини суқиб азон айтган эканлар. Афсуски, у тутлар қирқилиб кетди. Мен бошимни суқадиган тут каваги ҳам энди йўқ.

- Э, ота, нега ундей дейсиз?..
- Кирсанг-чи ичкарига, шанғиллайсан...
- Ориф ота ховлида у ёқ-бу ёққа юра бошлади.

Дардини эшитадиган одам йўқ эди. Хаёлан Ҳадичага мурожаат кила бошлади:

- Ҳадича, дунёда вақт деган нарсанинг ўзи йўқ...
- Масофа деган нарсанинг ўзи йўқ. Мен сени бир лахза ҳам унумтадим. Сен доимо кўз ўнгимдасан. Умр ўтаяпти. Замон ўзгаряпти. Аммо бу дунё тартиб-коидаларини билмайдиган фаришталар сен билан мени боғлаб турган риштани бир зумга узганлари йўқ. Мана ўн йилдирки, қалбимнинг ардоғидасан, кўзимнинг қароридасан.

— Ориф ака, мен сизни кўрмасдан олдин танирдим.

Мен сизни танимасдан, сўзларингизни эшитмасдан, феъл-атворингизни билмасдан олдин яхши кўрардим. Тўғрироғи, сизнинг бутун қиёғангиз, бизлар учрашмасдан олдин юрагимга қуилган эди. Кейин ҳаммаси такрорлана бошлади. Мен қачондир руҳимда, юрагимда ҳис қилган, бутун вужудимни тўлғонтирган сўзларни, сиз кейин, бизлар учрашганимиздан сўнг такроран айта бошладингиз. Мен сизни кўрмай туриб, сизни қанчалик севган бўлсам, сизни кўрганимдан сўнг, руҳимдаги ғалаёнлар рўё эмас, сиз билан келажакда бўлиб ўтадиган ҳодисалар эканлигига икрор бўлдим.

— Хадича, одамлар икки одамнинг танаси қовушини мухабbat деб, қанчалар янгишадилар. Улар қовушгани билан уларнинг атрофидаги покиза фаришталар базму-жамшид қуришиб, бирлашмас экан, улар тезда узилишиб кетадилар. Уларнинг мухаббати ўткинчи бўлиб қолаверади. Фаришталар абадий яшагани каби, сен билан биз, у дунё-бу дунё мангу биргамиз. Бизларни ҳач қандай куч ажратолмайди.”

Кейин нима бўлганини ўша пайтда ҳовлида юрган йўтирижон гапириб берди:

Ҳовлига чиқсан бобом, шланка тикиб машинадан бензин олмоқчилар. У киши бензинни ололмай роса йўталдилар, сўнгра қийналиб пакирни тўлатдилар.

— “Нима қиляпсиз, бобо” — деб борсам, аввал индамадилар, сўнг: — бор ичкарига қара-чи, гугурт бормикан дедилар. Мен ошхонага гугурт ахтариб кетдим. Гугурт йўқ экан, ойимнинг олдига кириб сўрасам, “Нима қиласан?” — деб жеркиб бердилар ва ҳайдаб юбордилар. Кейин ҳовлимиз бирдан ёришиб, машина-мизга ўт кетганини кўрдим. Бакиригимни эшитиб, ойим отилиб чиқди. Кўшниларимиз ҳам кела бошлишди. Каердандир дадам пайдо бўлди.”

Ҳовлида, алангаси гуриллаб, “Волга” машинаси ёнарди.

Машинани ўраб олган одамлар, бири қўйиб бири айюҳаннос бақиради. Ориф ота, унинг атрофида ғазаб билан айланарди.

1-одам: Чол қариганда эсини еб қўйибди. Ундан кўра бир етимга берсин эди.

2-одам: Ориф ота ўзингиз ёқдингиами, ўзингизнинг машинангизни-я?

3-одам: Тўғри, қипти! Отани гапига кирмаса шундай бўлади...

4-одам: Гап сотгандан кўра сув сепсаларинг-чи!

5-одам: Кочларинг, бакда бензин бор, хозир портлайди.

1-одам: Устига тупроқ ташланглар... Кўшни ховлига ўтмасин.

2-одам: Ориф ота нега бизни ҳайдайсиз? Ўтни ўчирайлик ахир!

3-одам: Агар мен ўчирсам, машина меникими?..

4-одам: Машина Ҳажга ният қилинган эди...

Уни бошқа нарсага ишлатиб бўлмайди. Отани алдаганинг ахволи шу...

5-одам: Бакда бензин бор. Қочинглар портлайди. Ота, шунча дардингиз бор экан. Махалла-кўй пул йиғиб жўнатардик.

1-одам: Бузғунчилар шунақа одамлардан чиқади...

2-одам: Оғзимдан сув сепиб ўчираман. Машина сенга денг!..

3-одам: Яшанг, ота... Қойилман сизга... Ҳақиқий Ҳожи Сизсиз.

4-одам: Сув сепларинг... Бақирманлар, тинчланнинглар. Эртага тўй бўладиган уйда бугун тўполон-а!..

5-одам: Мени шундай отам бўлса елкамга кўтариб, ҳажга олиб борардим.

— Нима бўлди, ота? — югуриб келган Муроджоннинг ҳайқириғи эшитилди.

— Ёмоннинг боласи йўлда ётиб от хуркитар! Йўлимни тўсма!

Барibir қайтара олмайсан! Яёв бўлса ҳам кетаман. Менга бошқа ҳеч нарса керак эмас. Тупурдим ҳаммасига. Сенга ҳам, топган келинингга ҳам. Коримга ярамаган машинангаям. Истасам мана бу уйни ҳам ёқиб юбораман.

— Ота, ўзингизни босинг. Нега ёқасиз?.. Машина ни нега ёқасиз?

— Мен Худонинг уйига бормоқчиман, ўзим учун, онанг учун тавба қилмоқчиман. Тўғри турган бўлсанг, соянгнинг эгрилигидан қўрқма, деган гап бор. Бундан

кейин ҳаётимни тоат-ибодатда ўтказмоқчиман. Мени бу йўлдан хеч ким қайтаролмайди, ҳеч ким...

— Отажон...

Фазаби қайнаган Ориф ота қўлига тармашмоқчи бўлган Муроджоннинг елкасига мушт туширди. Муроджон мункиб кетиб энкайганча қоча бошлиди. Ориф ота яна урмокчи бўлиб ташланди. Қочиб қолган ўғлининг ортидан, илкис сакрамоқчи бўлган эди, уч-тўрт қадам ташламай ерга юзтубан йиқилди.

*Эй, шуур, онг бергувчи, масаввур ёғдусида,
Ҳақ кўзила ҳаётимга сололсайдим бир назар.
Бир лаҳзага англай токи мавҳумот қутқусида,
Ўз умримдан токи ўзим ўтганимни бехабар.
Токи уммон қаърига, бир куни чўкар бўлсан,
Токи ҳаёт мени ҳам бир кун кўярар бўлса кўп.
Мен қўлимни чўзгандা токи, қутқармаса ҳам,
Хаётимда нимадир бўлсин уммондаги чўп.*



ТОЖМАҲАЛ — МУҲАББАТ КАЪБАСИ

Дўстим Бобби Деолга мактуб!

Мана, Ҳиндистондан қайтганимга бир ҳафта бўлди. Гоҳо эртаклар мамлакатидан олган таассуротларингиз қандай деб сўраб қолишиади. Ростдан ҳам ўзининг ядро куролига, фазода учта сунъий йўлдошига ва дунё миқёсида бетакрорлик сиёсатини олиб боргани учун ўз атрофига 120 давлатни жамлаган ва компьютер ишлаб чиқариш бўйича иккинчи ўринда турган, компьютер программаларини ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринни эгаллаган, малакали, зиёли мутахассисларни етиштириб бериш бўйича жаҳонда биринчи, бутун дунёда кино бозорининг тўртдан бирини қамраган замонавий Ҳиндистонни — “Эртаклар мамлакати” дейиш ўринлими? Бошқа бирор давлатга нисбатан айтилмайдиган бу сўз замирида қандай маъно бор? Бизда шу пайтгача Ҳиндистонни асосан, унинг кинолари орқалигина билишарди. Киноларида муҳаббат, садоқат, фидоийлик шу қадар юксак маҳорат ва самимийлик билан тараннум этилардики, бундай муҳаббат, биз Навоийнинг набираларига, Шоҳ Бобурнинг набираларига, девонаи Машрабнинг набираларига, бугунги кунга келиб, ғарбий соҳил таъсирига тушганимиздан-ми, “эртаклар мамлакати” дея таърифлашимизга асос бўлгандир. Балки, Ҳиндистоннинг гўзал табиати уни “Эртаклар мамлакати” дея таърифлашимизга асос бўлгандир. Ахир бу ерда ҳар йили 21 минг хил ўсимлик тури гуллаб яшнайди, 3 минг хил турли-туман күшларнинг виж-виж сайроини эшлиши мумкин. Бу ерга бир йилда бир ярим миллиард зиёратчи томоша учун келади (ва Ҳиндистон давлати бундан 2,5 млрд. доллар ҳар йили фойда кўради).

Йўқ, булар Ҳиндистонни “Эртаклар мамлакат”и дейишлиларига асос ҳам, жавоб ҳам бўлолмайди.

Кел, бу саволга яхшиси биз учун эртакдай туюлувчи, аммо сизлар учун ҳаёт ҳақиқати бўлган мухаббат салтанатидан ахтариб кўрайлик. Мен, Тожмаҳал зиёратига борганимда, айтишларича бу ерга бир кунда дунёning олтига қитъасидан ўн беш мингга яқин зиёратчи келар, уларнинг аксариятини севишган ёшлар, турмуш қурғанлар ташкил этар экан. Япон, американлик, француз, инглиз, рус йигит-кизлари бу ерда бир-бирларига ахду-паймон қилишар, бир умр мухаббат ва садоқат билан яшаş учун бир-бирларига сўз беришар экан. Ўз севгилиларига етишолмаганлар мана шу ерда тавалло қилишар, мадад сўрар эканлар. Ҳатто, айрилиқ ва ҳижрон доғига чидолмаганлар, хиёнат чоҳига йиқилгандар, миноралар тепасига чиқиб ўзларини ерга ташлар экан (хозир бу минора эшиклари тамбалаб кўйилган).

Хўш, Тожмаҳалнинг — дунё ошиқларининг каъбасига айланишига сабаб нима?

1612 йил Бобурийлар салтанатининг шаҳзодаси Шоҳжаҳон бозор айланиб юриб, 19 ёшли камбағал қиз Мумтозмаҳални кўриб қолади ва унга уйланишга катъий қарор қиласди. Бу пайтда Шоҳжаҳон ҳарамида ўнлаб канизаклар бор эди. Сарой аъёнлари шаҳзодани бу факир қизга уйланишга қаттиқ каршилик қилишсада Шоҳжаҳон унга уйланади ва ҳарам ойимлари билан алоқани бутунлай узади.

Улар ўн етти йиллик саодатли турмушлари мобайнида 13 та фарзанд кўришади. Бирок 14-чи фарзанд дунёга келиши арафасида Мумтозмаҳалбеким ёруғ оламдан кўз юмади. Шоҳжаҳоннинг боши эгилиб, сочлари оғир жудолик фуссасидан бир кунда оқаради, ўлим талвасасига тушади.

Буюк Бобурийлар салтанати даврида Агра Ҳиндистон пойтахти эди.

Орадан бир йил ўтиб, Шоҳжаҳон Тожмаҳал қурилишини бошлаб юборади. Унга шерозлик моҳир уста Исо Хон бош меъмор этиб тайинланади. Қурилишда 20 минг одам меҳнат қиласди. 300 чакирим наридан оппоқ мармарлар ташиб келтирила бошланади.

Қурилиш йигирма икки йил мобайнида ниҳоясига етади. Шоҳжаҳон Мумтозмаҳалбеким вафотидан сўнг

яна 31 йил умр кўради. Бу умрни у ёлғизлиқда, айрилик азобида, садоқат ва вафо алгангасида ўтказади.

Ўз жуфти ҳалолига атаб, мана шундай қаср қурган, мана шу қаср буюклиги, улуғворлиги, гўзаллиги қадар сева олган яна бирор шоҳ яшаганми бу ўткинчи дунёда! Йўқ, бунақаси бўлмаган.

Ҳакиқатни эртакка айлантирган, эртакни ҳакиқатга айлантирган бу шоҳ сенга ҳам, менга ҳам бирдай аэз. Сен, буюк хинд давлатчилигига асос солган бо бурийлар билан қанчалик фахрлансанг, юртдошим бўлгани учун мен шунча мағурурланаман.

Хиндистондаги ҳакиқатга айланган эртакларнинг яна бири бу сен яшаётган шаҳар — Бомбей тарихидир.

1661 йил португаллар Англия қироли Карл 2 га турмушга чиқаётган Катерина Браганзага сеп сифатида еттита оролдан иборат, Араб денгизи бўйидаги кимсасиз соҳилларни инъом қилиб юборади.

1853 йил ушбу жойларга шарқий қитъада биринчи бўлиб темир йўл ётқизилади. Унга Мумбай — хинчча таржимаси “Буюк қалбли она” номи берилади.

Бугун Мумбай, Хиндистонда аҳолиси (13 миллион) энг кўп яшайдиган шаҳардир.

Йилига 800 га яқин кино ишлаб чиқарувчи, ўзида юзлаб хусусий киностудияларни бирлаштирган, 500 гектарга яқин майдонни эгаллаган Болливуд ҳам шу ерда, тўйга тўёна сифатида инъом этилган жой — Мумбай шаҳрида жойлашгандир. Бугунги кунда Мумбай, яъни Бомбей, Нью-Йоркнинг шарқдаги аксига ўхшайди. Денгиз бўйида ўнлаб чакиримга чўзилган улкан-улкан иштоотлар, осмонўпар бинолар, муҳташам қасрлар, мармар меҳмонхоналарни кўриб одамнинг эси оғади.

Лекин, булардан ҳам хайратлироқ эртакни ҳакиқатга айлантирган воеа, бу сенинг оиласи билан ганишувим бўлди.

Бизда, отанг Дхармендра Деолни деярли ҳамма тапииди. У ўйнаган “Тош ва Гул”, “Зита ва Гита”, “Самраат”, “Қасос ва қонун”, “Севимли Раджа” каби ўнлаб фильмлар уни энг севимли актёрларимиздан бирига айлантирган.

Шунингдек, онанг Хема Малинини ҳам ҳамма "Зита ва Гита", "Самраат", "Раққоса", "Куёв", "Ситапурлик Гита" фильмлари орқали яхши билади. Айниқса Хема Малинининг ўзбек кинорежиссёри Латиф Файзиев ишлаган "Али бобо ва қирқ кароқчи саргузаштари" фильмида роль ижро этиши уни ўзимизнинг севимли актрисамизга айлантирган.

Умуман олганда бу оила Ўзбекистон учун жуда кадрли. Аканг Санни Деолнинг "Севги афсонаси"да Иzzатбек ролини ижро этиши, ўзбек ва ҳинд кино санъатида мустаҳкам ижодий кўпrik ясаган.

Бугунги кунда сен бопи ролларни ижро этган "Ажнабий", "Мафтунингман", "Муҳаббат сехри", "Ёғингарчилик" сингари бадиий фильмлар ўзбек томоша-бинларининг қалбидан жой олмоқда.

Умуман олганда, бугун ҳинд киносини бутун дунё кўрмокда. Ҳатто, Америка Қўшма Штатларида ҳам севиб томоша қилишяпти. Голливудда бир йилда 400 та фильм ишланса, Болливудда бу рақам 800 тани ташкил қиласди.

Европа, Яқин Шарқ, Африка, Лотин Америкаси телеэкранларига сунъий йўлдош орқали ҳинд фильмлари узатилиб, миллионлаб мухлислар эътиборини тортиб турганини кўриш мумкин.

Голливуд юлдузлари Стивен Сигал, Жан-Клод Ван Дамм, Шон Коннери, Майл Дуглас ва бошқаларнинг Болливудга келиб, фильм ишлаш иштиёқида эканликлари Бомбей ҳаётида янги босқич очса ажаб эмас.

Хўш, буларнинг барчасида эртакни ҳақиқатга, ҳақиқатни эртакка айланишида муҳаббат мўъжизаларини кўрмаяпсанми?

Муҳаббат мана шундай бунёдкор куч. Муҳаббат мана шундай, халқларни халқларга яқин қиласиган, одамни одамга дўст этадиган, сирдори, маслакдош, қадрдан на жонажон этадиган мангу олов эмасми? Дунёда, бошқа бирорта бу қадар ҳаммабоп нарса йўқ. Мавзулар ичida энг инсонийси бўлган бу мавзу ҳеч қачон миллат, ирқ, дин танламайди. Бу мавзу бойга ҳам, камбағалга ҳам бирдек тегишли. Бу мавзусиз санъат яшамайди, адабиёт, маданият яшамайди. Муҳаббатнинг ўзи бўлмаса, одам ҳам яшамайди. Муҳаб-

бат бўлмаганда Тожмаҳал қурилмасди, Бибихоним макбараси қурилмасди, аёлларга эҳтиром рамзи бўлмиш Озодлик хайкали қурилмасди, Боробудур қурилмасди, "Ҳамса" ёзилмасди, Момо Ҳаво, Одам Атога олма инъом этмасди. Бомбей ҳам келин-куёвларга совға қилинмаган, кимсасиз соҳил бўлиб ётарди.

Ва ниҳоят, ҳат ёзишимга сабаб бўлган асосий гапларнинг навбати етиб келмоқда. Сен, сухбатимиз чоғида Митхун Чакрабортийнинг ёши ўтиб бораётгани, энди муҳаббат қаҳрамонлари бўлиб рол ижро этиш эриш туюлаётгани, бошқа ролларни ижро этиш ёқмаганлиги учун кинони тарқ этганлиги ҳақида гапирдинг. Ва энди 37 га кираётганлигинг сабабли бу вахима, яъни севишганлар ролини ижро этишга бир кун келиб сенда иштиёқ уйғонмай қолиши мумкинлиги вахимаси, юрагингга кириб келаётганлиги ҳақида гапирганинг мени узоқ ўйлантирди ва ниҳоят сенга ушбу мактубни ёзишта қарор қилдим.

Муҳаббатни тарқ этиш, ёшликни тарқ этишга ўхшайди. Ёшликни тарқ этиш, ҳаётни тарқ этишга ўхшайди. Келажакка интилиш, ёшларга, яъни ўз умрингнинг тескари томонига қараб интилишдир. Муҳаббат ҳам, чангизор қонунидаги сингари, фақат кучлиларга бўйсунади. Муҳаббат – ҳаётнинг безаги, кўрки, тожидир. Айникса, ижодкор учун у – нафас олишдай зарур эҳтиёждир.

Наҳотки, дунё киносанъатига бир қанча боқий асарлар тақдим этган, миллионларнинг севимли қаҳрамонига, муҳаббат ва садоқат, мардлик ва вафо тимсолига айланган Ҳармендранинг ўғли, ўнлаб киноларда муҳаббат учун курашган Бобби Деол, ёши улғайиб бораётганлиги сабаб, ҳаётнинг бешафқат қонунларига бўйсуниб, муҳаббат мавзусидаги қаҳрамонлар ролини ижро этишдан ўзини четлатиш харакатида бўлса?

Ахир, сен севган З.М.Бобур бобомизнинг 40 ёшидан кейинги асарлари ҳам муҳаббат оташига тўла эмасмиди? Нобель мукофоти лауреати Рабиндрнат Тагор етмиш, саксон ёшларида ҳам бутун дунёни ҳайратга солган муҳаббат ҳақидаги ўлмас қўшиқларини ёзмаганмиди? Бугун, йигирма ёшли ўспирин изтироблари ни қиёмига етказиб ижро этиб бераётган Амитабх Баччан олтмишдан опмаганми?

Муҳаббат нафакат тирикларга керак, тирикларга шу қадар керакки, инсон шу қадар севиппиче керакки, ўлганидан сўнг ҳам унинг муҳаббати яшаб қолиши лозим.

Инсонга муҳаббат, яшашга муҳаббат, ҳаётга муҳаббат булар барчаси бир-бири билан шу қадар чамбарчас боғлиқки, улар ўчса, қаро зулматда юрган одам, ўз шамчирофини йўқотгандай, атроф-борлиқдан узилиб қолади.

Муҳаббат – бу айш-ишрат ботқогига ботиш эмас, балки, инсон энг олий мавжудот эканлигини англаш, энг юксак аъмолларга эришилгига қодир мухтарам зот эканлигини, ҳар қанча улуғланса ҳам мукаррам бўла олишини англаш демакдир. Зоро, ер юзини, ҳаётни, яшашни, келажакни гўзал қилиб турган кудрат – инсонлардаги муҳаббатдир. Муҳаббат, балки бизга муҳтож эмасдир, лекин биз муҳаббатга муҳтожмиз. Инсон муҳаббат орқали ҳаётда аввало ўзига йўл оча олади. Ўзини инсон сифатида шакллантиради, муҳаббат деган зинапоя орқали юксалади. Муҳаббатсиз ўтган кунлар, муҳаббатсиз ўтган йиллар – умринг бой берилган муддатлариридир. Сен ҳам, қирк ёшдан кейин, муҳаббат мавзусида роль ижро этиш қандай бўларкан дея, изтироб чекишинг оғриқли дарддир. Лекин, умид киласманки, сен албатта бу фикрдан қайтасан.

Ҳаётда муҳаббатсиз яшаш, жангчининг жанг олдида жасоратсиз туришидай гап. Ҳаётда муҳаббатсиз яшаш – қушнинг қаноти бўла туриб, парвоз қилмаслигидай, кўкка кўтарилишни истамаслигидай гап. Ҳали тирик бўла туриб севмаслик, шернинг тулкига тобеъ бўлиб, изнида юришидай холатдир.

Илоё, бундай юфилликдан, бундай ожизликдан барчамизни Худонинг ўзи асрасин!

Хайр, яна дийдор кўришгунча, омон бўл!

АНТИКА ДЕБЮТ

Ҳажвий теленовелла

Биринчи иш куним эди. Ишни нимадан бошлашни билмай гарангсиб ўтирадим.

— Шоир экансиз, янги идеялардан борми? — деди ўзини Комилжон деб таниширган йигит.

— Тўлиб ётибди — дедим сир бой бермай. — Айқаш-үйқаш. Каша. Бу ғояларнинг оёғини осмондан тушириб, ерга киргандарини қулоридан тортиб, бир тепсангиз бўлди, юриб кетади.

— Ишёқмасга ит боқмас. Сиз бошланг, буёғини ўзим қалпоқ қиласман. Мультимедиа супер коридор, — деди Комилжон ҳовлиқиби.

Ўша кунлари “Минг бир кеча” китоби мутолааси билан қаттиқ банд эдим. Бехос оғзимдан чиқиб кетди:

— Минг бир кеча ёхуд аёллар макри. Замонавий кўриниш ёхуд куйган кўнгиллар учун муҳаббат дарси, — дедим столни бир муштлаб.

— Зўр. Дед Мороз. Программага киритиш керак. Масъул котиб қани? Ёлки-палки. Супер коридор.

— Шоир, шайтонни койир. Аёлларда макр нима қиласди? — лабини жийирди шарттаки қизлардан бири.

— Бўзчи белбоғга ёлчимайди, демокчимисиз?! — дея ўшқирдим қизга қаратса.

— Арча-арча, парча-парча — деди Комилжон хам тарафимни олиб.

Орадан бир хафта ўтиб кетди. Талмовсираб ишга келарканман масъул котиб йўлимни тўсди.

— Кўрсатув қани?

— Қанақа кўрсатув?

— Минг бир кеча! Программада чиқди-ку!

— Нима-а?

Югур-югур бошланди. Камерачилар қуршовида кўчага отилдим. Кимга нима дейишини, ишни нимадан

бошлашни билмасдим. Комилжон ҳам қаёкқадир гум бўлган, мутлако топиб бўлмасди.

Гавжум одамлар ичидаги ҳамқишлоғим Эркинни кўриб авлиёга йўлиққандай, эшқинлаб кетдим:

— Эркатой, телевизорга чиқасанми?

— Чикаман!

— Бўлмаса бошладик. Қани, манави камерага қараб айт. Яхши кўрганмисан?

— Бўлмасам-чи! Ҳақиқат бор экан-ку... Ҳой бола яқинроқ ке. Камерангни тўғирла... яқиндан олсин. Мана бу бўйнимдаги чандикни кўряпсизларми? Мана шу пичоқ изи бўлади. Битта қизни ўраб турувдим. Акаси келиб қолди. Кет — деди, кетмайман — дедим. Яхшиликча кет, деди. Бақирма, дедим. Ховосликларни биласиз-ку!

Эркинбой менга қараб, гапини тасдиқлатиб олди. Сўнг давом этди:

— Синглингни оламан, дедим. Иягимга мушт тушди. Учта муштгача индамай турдим. Кейин тошиб кетдим. Бир пайт қарасам, бўйним шилқиллаб қолди. Ҳамма жойим қон. Камерани яқин олиб кел. Чандикни кўряпсанми? Бошим шилқ этиб тушди-ю ҳушимни йўқотдим. Оlam қоронғу бўлди.

— Кейин у қиздан тониб кетдингми?

— Йўқ, больницада ҳушимга келсам, бошимда акаси турибди. Синглимга яна гап отасанми? — дейди. Ҳа, дедим. Бошимга яна мушт тушди. Мен яна бошимни кўтардим. Синглимга яна гап отасанми, дея тақрор сўради у. Ҳа, ҳа, ўлгунимча — дедим ҳириллаб. Яна бошимга гурзида мушт тушди. Кейин анча вақт ўзимга келолмадим. Орадан ўн беш кун ўтиб, тузалиб чиққунимча, у баттол, гап-сўз кўпаймасин деганми, синглисини узатиб юборибди.

Эркатойнинг хикоясидан сўнг, мен ҳам микрофонни олиб, камерага юзландим-да:

— Ҳурматли томошабинлар, “Минг бир кеча” кўрсатувимиз давом этади. Замондошларимиз орасида мухаббат учун жонини курбон киладиган қаҳрамонларимиз жуда кўп, шундай эмасми? Энди навбатдаги лавҳамизни томоша қилинг, дея якун ясаб кўйдим.

Микрофон симларини йиғишириар эканман, Эр-

кин қўлимдан ушлади: — Чандиқни олдингми? Ўша киз кўрадими?

— Кўради. Ҳамма кўради. Мажнуннинг ҳам бўйни-ни ярмисигача кесиб ташлашмаган. Суймаганга суй-каалма,— дея елкасига коқдим.

— Ишқи йўқ — эшак, дарди йўқ кесак — дея у ҳам ачитиб олди. Мен шарт ўгирилдим-да, тасвирчи-ларга қараб:

— Йигитлар энди қаёқка борамиз? — дедим.

— Паркка! Бунақалар ачиб ётибди.

Паркда қучоқлашган ошиқ-маъшуқлар камерани кўриб тумтарақай қочишиди.

— Тортинг матоҳингизни! Бекитиғча ўтирибмиз-у, эл оғизга элак тутиб бўладими?

Бу ерда иш пишмагач, ҳаллослаганча музқаймок ялаб ўтирган бир суксурнинг қошига югурдим.

— Синглим, “Минг бир кечা”ни ўқиганмисиз?

— Йўқ.

— Аёллар макри ҳақида нима дея оласиз?

— Усиз яшаб бўлмайди.

— Бошингиздан ўтганми?

— Хийлами?! Ҳар сонияда саксонтаси...

— Бир-иккитасини гапириб беринг.

— Больницида ётсам, иккита йигитим икки ёқдан бирданига кўргани келиб қолди. Пакет-макетларини олиб биттасини бу эшикдан, иккинчисини бошқа тешикдан чиқариб юбордим.

— Сизни тасвирга олишялти, майлими?

— Тўхтанг, сочимни тараб олай. Чиройли чиқсин, телевизорда ўзимни реклама қилсан харидорим кўпаяди.

— Мана, — Мен камерага юзландим. — Хурматли томошабинлар, навбатдаги қаҳрамонимизнинг кўнгил тубидаги ҳангомаси билан танишдик. Ёшлик — бебошлик деб шуни айтадилар-да. Эндиғи лавҳамиз, хаётда оқ-корани таниб, ўзини босиб олган замондошимиз ҳикояси билан бошланади.

Мен микрофонни йиғиштирдимда, тасвирчиларга мурожаат қилдим. — Энди сал ёши каттароқ эс-хуши жойида биронта томи кетмаганидан топайлик.

Парк йўлагида икки фарзандини етаклаб, савлат тўкиб келаётган йигит зътиборимизни тортди.

— Ака, уэр. Биз янги кўрсатув очган эдик. Сизга бир савол билан мурожаат этсак, жавоб бера оласизми?

— Марҳамат, марҳамат!

— Қани, камерани тўғирланг. Тайёрмисиз? Сиз севишиб оила қурганмисиз?

— Ҳа. Йўқ, уэр. Ўртада бир оз шумлик ўтган. Мана шу жойини тўғирлаб кўярсиз. Ҳа, мен армияга кетишдан олдин Фотимани яхши кўрардим. Қайтиб келсан, Зухраси жа-а очилиб кетибди. Шартта Фоти қолиб, Зухрага совчи юбора қолдим. Ҳозир яхши. Мана бола-чақаларимиз бор. Рўзгор бут. Кўнгил тўқ.

Кўрсатувга якун ясаш учун бир мажнунтол топдим-да, юзимга хорғин қиёфа бериб, "стендаб" қилдим: — "Хиёнат"га учраган шоҳ кечаси аёллар билан базму жамшид қурав, тоңг отгач эса ўлдиртиради. Навбат Шахризодага келди. Шахризода шохнинг рухсати билан муҳаббат ҳакида бир ҳикоят айтиб бера бошлади. Аммо ҳикоят ярмига келганда тоңг отиб қолди. Шундай қилиб ҳикоят айтиш минг бир кечага қадар чўзилди. Шу тунлар давомида шоҳ Шахризодани яхши кўриб қолди. Аёлларни ўлдириш тўхтатилди. Муҳаббат ғолиб келди. Бугунги кунда ҳам хиёнат эмас, муҳаббат ғолиб деб айта оламизми? У ҳаётимизни чароғон қилиб турибдими? У бизни баҳт-саодатга элтаяптими? Азиزلар, келинглар. Замонавий "Минг бир кеча" деб номланган кўрсатувимизни кўринг. Фикр-мулоҳазаларингиз битилган мактубларни кутиб коламиз.

Материаллар тайёр бўлганди. Камераларни йиғишириб ишхонага отландик. Навбат монтажга!

Икки кундан кейин кўрсатув шу ҳолича эфирга чиқиб кетди.

Эртаси кун биринчи кўрсатувим эфирга кетганидан беҳад мамнун, кўкрагимни роз кериб ишхонага келар эканман, эшик олдида кўзларидан дув-дув ёш оқиб, бурнини тортиб турган "маккор" қизалоққа кўзим тушди.

— Ака, бекор кўрсатган экансиз. Адам юрадиган йигитинг қалашиб ётибдими, деб роса урдилар. Энди уйимизга совчи ҳам келмасмиш.

- Чатоқ бўпти-ку, қоп қўяман деб...
- Қизингиз роль ўйнаган эдилар, деб бир оғиз телефон қилиб қўйинг. Йўқса адам уйдан ҳайдамокчилар.

Кизалоқка ваъдани куюқ қилиб қайтариб юбордим. Хонага кирсам, телефон аппарати ғазабланганча жазава билан жиринглаяпти.

- Ало-о, ким бу?
- Э, одамни расво қилдингиз-ку?
- Нима бўлди?
- Божам роса чангитди-ку. Поти билан юриб юриб бизга қистириб юборган экансан-да. Шу гапни ўзимга айтганингда суробини тўғирлардим-ку. Энди буларни ҳаммасини йиғиштириб уйингга олиб кет деяпти. Жанжални қолганини ҳозир Зухра давом эттирияпти. Кўли ёқасида, жиққамушт. Бошим тарс ёрилайдеяпти. Сизда ҳам хеч одамгарчилик қолмабди.

- Йўғ-е, ўзингиз майли гапираман дедингиз-ку?
- Гапирса чиқараверадими, э хайф сизга... Хунимга товон тўлайсиз, гапёяр...

Трубка шақиллаб жойига тушди. Учинчи қаҳрамонимиз Эркиннинг ҳам кейинчалик гапириб беришича тинчи анча бузилибди. Участковой ўша пичоқ кўтарган мардни топиб берасан деб роса тиқилинч қилибди. Устига устак уйда ўтирган хотини ҳам бош олиб кетиб қолибди.

Рахбарларимиз томонидан мени ҳам бошимга кўп савдолар тушди. Кўрсатувим бутунлай ёпилиб кетди.

Комилжон ҳам хонада мук тушиб ўтиради: “Арчарча, парча-парча... Оч биқиндан очар дарча... Даҳша-ат! Биринчи шогирдим... тан оламан!” Мен эса нима килишимни билмасдим. Одамлар ўзлари айтган гапдан ўзлари тониб туришса, барча қилғиликни ўзлари қилган бўлса, менда нима айб?! Телевидениеда нима айб. Ё онангни отангга бепардоз кўрсатма деганлари шумикин? Агар шу бўлса...

ИККИ САЙЁРА

Хикоя

Бу вокеа Бали оролида бўлиб ўтганди. Бали — Осиёнинг энг пастки этакларида жойлашган, Хинд океани ва Ява денгизи оролидаги, кичкинагина, гўзаликда тенги йўқ ошёнлардан бири. Биз жойлашган меҳмонхона, Хинд океани қирғоқларидағи пальма, кокос, банан дараҳтлари туркираб кўрк бериб турган, ранг-баранг гуллар атридан маст чорбоғ кўйнида эди. Сайроқи күшларнинг нолаю-истирнолари дил торларини чертиб энг майдада ҳужайрангизгача хузур-халоват ато этар эди.

Кеч тушиб, атроф коронгулашган. Қирғоққа урилган тўлқинлар шовқинидан, денгизнинг, чек-чегараси кўринмаслигидан этим жунжикиб, хонага келдим. Кулфга қалит солар эканман, тўғридаги хонадан мени чорлаган кўнғироқдай овоз эшитилди.

— Хелло! Туриш?

— Хелло! ӽубек! — Май найм Аҳмад, — дедим ўзимни таништириб.

Мени чакираётган қўшнилар хонасига қараб юрдим. Улар афтидан австралияликлар эди. Пиво ичиб ўтиришар, стол устига тузланган тошбақа гўшти, акула жигари ва яна турли-туман малюскалар уюлган эди. Улар билан чала инглизча ва имо-ишоралар орқали гаплаша кетдик. Маълум бўлишича, улар эр хотин бўлиб, хар йили шу ерга дам олишга келишар экан. Бекорчиликда бошқа нима ҳам қиласар эдик, анчайин латифалар айтиб чақчаклашдик. Сухбат қизигандан қизирди. Бир пайт эри чўмилишга чиқиб кетишни айтди. Мен турмоқчи бўлган эдим, у ўтираверишмни, хотинини зериктирмаслигимни тайинлади. Унинг хотини юzlари кип-қизил, бўйи баланд, дўмбок ва оппоқ аёл эди. Эгнида камзул, коринлари очик,

юбкаси ҳам тиззасидан бир қарич юқорида турарди. У ёнига ўтиришимни таклиф қилди. Шундай қилсак қадаҳларни кўл оралатиб ичишимизга имкон туғиларди. Бора-бора унинг латофати шу қадар завқимни ошира бошладики, тинимсиз гапирав, бўлар-бўлмас қилиқлар билан қулдиришга, кўнглини овлашга уринардим. Нихоят, у менинг бошимни маҳкам ушлаб, кўксига босди. Ҳароратли бўсалар билан хушидан



кетар даражага олиб келдим. Бир пайтлар кўзлари олайиб менга қарап экан, тили калимага келмай фўлдиради. Сўнгра меҳмонхона хизматкорини чакирувчи тугмачани босди. Мен жойимга ўтиб ўтирдим. Хизматкор келгач у оёқларига боғлаб олган, юрганда шакирлаб, завқланирувчи маҳаллий аҳолидан гаройибот сифатида сотиб олган болдоқларни ечказди ва оёқларини кўтариб хизматкорга эшикни кўрсатди, ташкарида эрини пойлаб туришини, мабодо эри уйга кайтаётган бўлса, зудлик билан хабар беришини тайинлади. Хизматкор эшикни ёпиб чиқиб кетди. Мен аёлнинг кучорига отилдим. Бирок ҳали ўн дақиқа ҳам ўтмаган, ҳали унинг сийнабандларини ечиб улгурмаган ҳам эдимки, эшик тақиллаб қолди. Бу ўша қопкора, жиккаккина, эти устихонига ёпишган, қисиқ кўз хинду хизматкор эди. Мен шундай ҳолатда эдимки, бу кўринишм билан ҳамма сирни фош қилиб қўяр эдим. Шунинг учун ўз хонамга югурдим. Тун бўйи бошим қизиб, бехузур бўлиб ётдим. Нихоят бурнимдан қон келиб, то ўзи тўхтамагунча ваннада сувдан чиқмадим. Кейин бошимни сувга буркаб уйкуга кетдим. Эртаси куни Орол бўйлаб юрар эканмиз, ғалати бир воқеанинг устидан чиқиб қолдим. Кўча ўртасига гавжум одам йиғилган, маҳаллий аҳолидан афтидан эр хотин шекилли, икки киши бакир-чақир қилиб жанжаллашаётганди. Эр хотиннинг гапига кулок солмас, хотин эрига басма-бас чинқиради. Иккисининг ҳам бўйи паст, кичкина, ориқ ва кора эдилар. Нихоят эр хотинини судрамоқчи бўлган эди, хотиннинг кўйлаги киндигигача йиртилиб кетди. Унинг буришиб кетган қоп-кора қорни, сўлиган бақлаожондай осилиб қолган сийналари кўзга кўринарди. Хотиннинг айюҳанноси баттар авжга чиқди. Энди у дод солиб ер депсиниб йиғлар, эр юпатмоқчи бўлар эди. Уларни ўраб турган одамлар сафи тобора гавжумлашарди. Мен ҳамроҳларимдан аёл нима деяётганини сўрадим. Аёл, “мени шунча одамлар ичиди шарманда килдинг, ўз хотинингни одамларга яланғоч кўрсатишга уялмадингми, мени номусга кўйдинг, бу шармисорликка қандай чидайман энди, бундай яшашдан ўлганим яхши” — деяётган экан. Мен ҳайратда қотиб қолгандим. Чунки, бу аёл кўзимга шу қадар кўримсиз, хунук кўрин-

ган эдики, унинг аёллиги, менда фақат нохуш таассу-ротларнигина уйғотганди. Мен унга бошқатдан разм сола бошладим. Қаердандир маҳаллий миршаблар ҳам етиб келди. Эр-хотиннинг орасига суқилиб, жанжалга хотима ясашга уринмоқчи бўлган эди, аёл чаққонлик билан 30 метрлар келадиган, ширғай, сарвқомат ко-кос дарахтига чирмашиб чиқиб кета бошлади. У бир зумда 10 метрлар баландга юқорилаб олди. Одамлар пастга туш деб ялина бошлади. Эр унинг орқасидан дарахтга тирмашди. Аёл ўз тилида: “Уятсизга ўлим, уятсизга ўлим, алвидо хаёт!” дея бакирди. Сўнгра дарахтдан ўзини ерга отаркан, кўйлаклари бир лаҳза ҳавода ҳилпираб, шамолда ўйнади. Кейин гурсилла-ган, қисирлаган овоз эшитилди. Бир тўда одам ёрдам бериш учун энгашди. Одамлар орасида унинг хирил-лаган овози эшитилиб турарди. Мен унга қарашга юрагим бетламай, орта тисарилдим. Бироқ аёлнинг бояги бакиришлари кўз ўнгимдан кетмасди.

Илиққина океан сувида ярим кечагача чўмилдим. Ой акси океан мавжларида янада мафтункор, янада гўзал эди. Ойнинг бу қадар чиройли бўлишини ҳеч қачон кўрмаган эдим. Бироқ, океанинг чексизлиги кўркитар, тўққиз қаватли уйдан ҳам катта балиқлар, йиртқич акулалар келиб қолиш ҳавотири юрагимга вахима соларди. Мен қўшни аёлнинг хонасига мўра-лашдан ўзимни тийиш учун, мана шундай таҳлика ва саросима ичиди туришга ҳам рози эдим. Ниҳоят, тўлқин кучайиб мени қирғоққа итқитиб юборди. Ки-йимларимни елкамга осиб, қирғоқ бўйлаб икки қадам ҳам ташламаган эдимки, австралиялик аёл менга пеш-воз келаётганига кўзим тушди. У катта сочиқни елка-сига ташлаб олган, эгнида фақат чўмилиш кийимла-ригина бор эди. Оҳанграбога йўлиқкандай, шиддат ва бесабрлик билан югуриб бориб уни даст кўтардим. Тил билмаслигимни ҳам, қаерда эканлигимни ҳам, боя-гина коп-кора, бужмайган танасини номаҳрамлар кўргани учун уятдан ўзини дарахтдан ташлаган аёлни ҳам, ўзимни ҳам бутунлай унутиб, унинг оғушига син-гиб кетдим...

Мен бир пайтнинг ўзида икки сайёрага тушиб қолгандай эдим.

Бали ороли. 2001 й.

ЧИРОЙЛИСАН ТЕНГИ ЙҮК

* * *

Туш кўраман сени тунлари
Ёнгинамда бўласан пайдо
Силаш учун маъюс юзларим
Сен келарсан чин дилдан шайдо.

Айт, қайдасан яқинми-йирок
Юрагимнинг остидами ё?
Вужудимда тинмайди титрок
Сени қўмсаб, бўлдим-ку адо...

Оппоқ гулдай ойдин хотира
Зиё сочган оқшомдадирман.
Унутилмас, ёркин, бокира
Хислар тошган айёмдадирман.

Хайр дея айта олмасман
Кўзимда ёш, кўнглимда тўфон.
Сендан бир зум айро қолмасман,
Ишқинг билан сақлагайман жон.

Туш кўраман сени тунлари
Ёнгинамда бўласан пайдо...



* * *

Жоним ўзимда қолди, жононлар ташлаб кетди.
Армон ўзимда қолди хижронлар ташлаб кетди.
Мен бор эдим очилган, "севаман" деб ёзилган
Япроқларим сочилган, хазонлар ташлаб кетди.

Кумуш дея чопганим, гирдбларда топганим
Каро тунлар кўзимни офтобидан ёпмадим.
Азобига қонмадим, зардобидан тонмадим
Зайнаб ҳам ёнимда йўқ, достонлар ташлаб кетди.

Севгида хоқон эдим, шаҳзодалар кутлаган
Энди тушкун титрайман, дарёдаги ўтдайман.
На беморман совайган, на бедорга ўхшайман.
Тушларимни ўнглаган замонлар ташлаб кетди.

Ким то тирик, ҳар қачон юраги бозор бўлсин
Муҳаббат мадор бўлсин, сархуш, баҳтиёр бўлсин
Танҳо қолмасин асло, борар жойи бор бўлсин
Ишқсиз майдонда қолдим, бўронлар ташлаб кетди.



СЕНИ

Мен сенинг олдингда кичкина одам,
Биламан мен сенга сира ёқмадим.
Сенга етаолмас, чопса бахтим ҳам.
Сени қаратолмас, қулса ҳам омадим.

Ёки изхор қилсам муҳаббатимни
Энг катта қудратим қулайди аборг.
Сенга кўз тикирган эзгу дардимни
Хасча олмаслигинг бўлади ошкор.

Лекин ҳали ҳаёт этмоқда давом,
Бир куни мен сенга етмоқлигим шарт.
Сен учун ўнглайман ўзимни тамом,
Сен учун бўламан ўн баробар мард.

Қалбингга бир қатра нур солмоқ учун,
Кулларим ҳам ёнгай қайта ва қайта.
Мен юзта бўламан юксалмоқ учун,
Куйларим тугамай юзта ҳам найда.

Ҳар кун минг бор бўғар чорасизлигим,
Ҳар кун мингта чора ўйлаб топаман.
Сен кетар йўлларни коракўэлигим,
Ҳар кун мингтасини минг бор ёпаман.

Сени севмоқликнинг ўзи катта бахт,
Сени улуғлашдан толмайди юрак.
Сенга етмоқлигим бўлиб қолса накд,
Эртак бошланар ва
мен ўлсам керак.

* * *

Келар кундан йўқ умидимиз,
Лек керакмиз бир-биримизга.
Қовушмоқ-чун йўқ вужудимиз,
Биз юракмиз бир-биримизга.

Агар сени севмаган бўлсан,
Ўпар эдим қўлингдан юз бор.
Сен азиссан севинчимдан ҳам,
Етказмоқдан қўрқаман озор.

Севишидиг-у, юракларимиз
Учиб юрган икки фаришта
Оёғингга бош урай десам,
Оёғинг ҳам қўкнинг аршида.

Дунё бунча ёруғ, севгилим,
Нега бунча азиздир ҳаёт.
Чунки, бизга осмон бегона
Чунки энди ер ҳам етти ёт.

Келар кундан йўқ умидимиз
Ва эртага кетсак ҳам ажраб,
Севгимизни юракларимиз
Кўқ токида юришар асраб.

Биз фалакнинг нурли аршида
Хали минг йил сурамиз даврон
Юрагимиз икки фаришта
Фаришталар ўлмас ҳеч қачон.

* * *

Хонада ёнади хира шамчирок,
Күй бўлиб учади лабингдан байтлар.
Сен менинг шеъримни ўқийсан бироқ,
Фамгин юрагимга солмайсан назар.

Оlamни пойингга тураман ташлаб,
Маликасан, бошим узра юрганда.
Ахир, менинг ишқим бир хасчалик гап,
Сени, бутун бир халқ, севиб турганда.


Майли сен кўқдаги юлдуз бўл, эркам,
Юлдузлар ҳаёти бешафқат, каттол.
Бир нафас самимий қараб кўйиш ҳам,
Инсоний севги ҳам келади малол.

Ҳеч кимни ўзингга яқин олмайсан,
Ўзгалар дардини куйлайсан осон.
Мени адо қилди, мен куйлолмаган,
Сен менинг қалбимда яратган достон.

Сен менинг дилимда ёнғинсан буюк,
Сенга садқа бўлсин бу бечора жон.
Сени севишимни қўшиқ қил суюк
Сен уни куйлагин жон, Севаражон.

Турибман бекатда,
кўлимда патта
Билмайман қаерга,
қай вақтда, қачон.
Хали "салом" сўзин
айтмаган пайтда
"Хайр" демоқ учун
шошилмоқда жон.
Умр — жуда қиммат
матоҳдир аммо.
Арzonлашар экан
вақт ўтган сари.
Ўз қадрим меники
эмасдир асло.
Адашар меники
деганлар бари.
Ҳаёт — театрга ўхшар
азалдан
Уни ёзиб кўйган
хокими мутлок.
Ўзича ҳеч ким сўз
айта олмаган
Агар такдирида
бўймаса айтмоқ.
Бахт излаб югурдим
телба, саргардон.
Эрмаклади, кулди
ялтирок, сароб
Фароғат чохига
чўқдим беармон
Гоҳ ҳою-ҳаваслар
айлади ҳароб.
Сен умр бердинг-у,
танга бергандай
Сарфламоқ ҳам қодир
хукмингда эгам.
Имкон бер, қудрат бер,
сўзлай, шеър айтай
Недир ҳаққоний бахт,
недир шарҳи ғам.

Билмасман дунёда
нимадир ёлғон
Чаплашган ранглардан
күэзим қамашган.
Бекатда турибман
кетолмай хайрон
Ё яхши яшадим
ёки алдашган.
Бисотингдан нур бер
қатра бўлса ҳам
Дил қонсин умрни
сафлаган пайтда
Гарчанд кетмоқ учун
шаймас ҳар одам.
Барибир барчанинг
кўлида патта.
Бўлса ҳам гуноҳкор,
разил, ярамас
Фақат сендан умид
тарк айламаган
Фақат яшамаган
одам адашмас
Фақат хузурингдан
кувма қайтадан!



* * *

Кел, кўнгил учун ҳам яшайлик бир кун,
Бир кун сен мен билан кетгин ҳушиングдан.
Жисмимизни дорга осайлик бир кун,
Бу кун айём бўлсин қалблар қўшилган.

Гарчанд кўзларингдан гўзал ҳусн йўқ,
Гарчанд ишратингдан айш йўқ яхшироқ.
Умрим бино бўлиб, куйиб шу қадар,
Гарчанд мен бўлмадим бундан баҳтлироқ.

Гарчанд лабларингни истайман ҳали,
Гарчанд тўлғонади тунлар вужудим.
Савдойи лаззатни қўмсар маҳали
Гарчанд ҳеч туролмас бўлиб тиз чўкдим.

Аммо сенинг қалбинг баридан хушдир,
Кел, кўнгил мулкига айлайлик сафар.
Мұҳаббат — елларга соврилган тушдир,
Шу туш умр бўлсин, азиз мунаввар.



* * *

Атрофингда мен сарсон
Чиройлисан ҳаммадан.
Айтгил, сен менга қачон
Севаман деб, айтасан.

Зир юрган ортингда
Шаҳзодалар жуда кўп.
Кел, ўшалар олдида
Мен ғарибни битта уп.

Ошиқларинг қасдлашган
Сира чидаб бўлмайди.
Севаман деб айтмасанг
Ўксик кўнглим тўлмайди.

Хуснинг ортар тобора
Дод деярман хайратдан.
Айтгин қачон бир бора
Севаман деб айтасан.

Пойингда минг ёлвориб
Ишқим қилдим-ку иэхор
Сен ҳам бир бор дил ёриб
Севаман деб айт, дилдор.

Атрофингда мен сарсон
Чиройлисан ҳаммадан.

* * *

Билмадим эртага яна борманми,
Вазнисиз бўшлиқда тирик хорманми.
Яна ўз қаршимда ўзим дорманми?
Талваса ўтида ўкирар фарёд:
Мени ҳам бир бора суйгин эй, ҳаёт!

Ўзингни англамоқ оғир дард экан
Кўнгил қаноатсиз, кўнимсиз гарчанд
Дилга бахт, муҳаббат бермоқ шарт экан.
Талофат тугамас, йўқламас нажот,
Мени ҳам бир бора суйгин эй, ҳаёт!

Дармонсиз танимда дардларни қўзғаб,
Ҳалокат тўрида ҳаловат йўқлаб,
Мен қачон кетарман, ўзимни ўнглаб?
Тилдан тушмас ушбу ушалмас баёт:
Мени ҳам бир бора суйгин эй, ҳаёт!

Юрак, руссалардан ўзини тийсин,
Қонларни арт у, оқ қўйлагин кийсин.
Мен сени сурман, мени ҳам суйгин,
Рози бўл, розиман сендан умрбод.
Мени ҳам бир бора суйгин эй, ҳаёт!

ЎТИНЧ

Айт юрагим қайдасан, қайда юрибди ҳаёт?!
Рухим дайди етимдай, эгасизми ёввойи.
Менинг ўзлигим гүё, ўзимга ҳам етти ёт,
Иродам ҳам жон берган, бўйсунмайди ҳавойи.
Қачон соврилдим ахир, ўзагимни ёв урди
Қайси санчилган тиғдан, беҳуд, беҳушман, лоқайд.
Нега менда карахтдир Худонинг берган умри.
Бир кун Худо олдида, нима деяжакман, айт?!
Дунё, сенинг қўлингда қум зарраси сингари
Балки одамлар жони беҳисобдир, бесанок.
Аммо биргина умрим, ўзимга, ўлдиргани
Берид қўймасман токи, энг буюк бурч яшамок.
Эй, шуур, онг бергувчи, тасаввур ёғусида
Ҳақ қўзила ҳаётимга сололсайдим бир назар.
Бир лаҳзага англай токи, мавхумот кутқусида
Ўз умримдан токи ўзим ўтганим бехабар.
Токи уммон қаърига, бир куни чўкар бўлсан.
Токи ҳаёт мени ҳам, бир кун кўрар бўлса кўп.
Мен қўлимни чўзганда, токи кутқармаса ҳам.
Ҳаётимда нимадир бўлсин уммондаги чўп...



* * *

Мени кўриб қолганда
Эгиларди бошларинг
Юрагингда тоғ каби
Яшарди бардошларинг.

Севгингни такрор-такрор
Нега қилмадинг изҳор.

Мен барини билардим
Менга айтарди кўзинг
Мен Худодан тилардим
Айбдорсан сен ўзинг.

Севгингни такрор такрор
Нега қилмадинг изҳор.

Мана энди йироққа
Кетаяпмиз айрилиб
Зор боқасан, сен ёққа
Қаролмайман қайрилиб.

Севгингни такрор-такрор
Нега қилмадинг изҳор.

Севгимизга қайтолмай
Зор қолсангда, бўл омон.
Мен ҳам сенга айтолмай
Рангларим бўлди сомон.

Севгингни такрор такрор
Нега қилмадинг изҳор.

* * *

Аёали кун айланди,
Булутли кун буралди,
Күринарлы, тушунарсиз
Күнікмалар яралди.
Арча барги шапалоқ,
Баргда лаҳтак кор.
Таназзулда яшамоқ,
Яхтак-яхтак ор.
Хў, совукда музлаб қолган
Нур, шовқин-у, соялар
Тушиб махкум ахволга,
Сархушликни соғинар.
Хей,
Хаво илгагига
Юрагимни осаман.
Олиб кетсин керагича
Кимки ўтса күчадан.
Мусиқавий хаёл, ёху,
Баҳт куйини таратди.
Самовий ишқ сароб, оғу,
Нега уни яратдик?
Шундай бўлди. Токи севсам
Сизга қайтар йўлларим берк.
Севмасликка қўймас аммо
Рұҳдаги куч, дилдаги эрк.

ХИРГОЙИ

Бирпас руҳни уйғотиб
Дилда қолмай даъвоси
Товушлар тинаяпти,
Сўнаяпти садоси.


Эркин нигоҳ ташлар қиз
Кўча-кўйда, ўтарда,
Энг ожиз, энг баҳосиз
Изхорни унутарман.

Куни бўйи кўрганим
Тасвиirlарнинг хотирин
Бандиси бўлсам ҳамким
Унутилар охири.

Танбал лошдан ҳайдалиб,
Таъмасиз туман бўлсам,
Ё учқунга айланиб
Лаҳзалик қўрдай сўнсам.


Сокин елнинг эпкини
Кўзгар масъум истакни
Севдим ёввойи эркни
Ва қайғусиз қисматни.

Дунё хаёлларининг
Заррасин қолдирмайин
Дарди йўқ эпкин бўлсам,
Элни севсам нурдайин.



СЕН БИЛАН

Кўқдан хаво эмас, баҳт,
Кўксимга қуюлади.
Ҳар битта тош, ҳар дараҳт,
Илохий туюлади.
Бутун олам тортиш кучи,
Юрагингда мужассам,
Орзуқаман, мен учун
Қалбинг, ҳар зарби қарам,
Сен билан бирга ё-ху
Сояда куппа-кундуз.
Кўкка боқсам, кўкда ой-у,
Кўринар сонсиз юлдуз.
Хуш боқсанг, нигоҳингдан
Нурга тўлар сайёра.
Тунд бўлсанг, қовоғингдан
Кор ёғади қоп-кора.



ШОИР

Иситмани ишқ dedилар, ташвиқ қилдилар
Менга эса тазийқ келгай, танбек қелгай.
Қабих билан дүст әдилар,
дахрий бўлдилар.

Эл йиғлагай, дил ўкингай
мен не қилай?!

Мен не қилай, ич-ичимдан куйласам гар
янгроқ садо қоплаб олса бор самони
Ҳар садони тутиб олиб ўлчасалар
мен не қилай,
чеклайдиган бу дунёни.

Мен не қилай, шоир эдим ва шоҳ эдим.
Тўрт тарафда зулмат увлар, кулфат кулар.
Кенг дунёга доир эрким, илоҳ эрким.
Бунда эркни доим маҳбус
этар улар.

M. Цветаевадан

ЁШЛИК ДИЁРИ

Кундан кун, йилдан йил ўтди, кирқдаман.
Бир оғриқ уйғонди, күксимда ногоҳ.
Мафтункор юртларни күрдим, баридан
Ёшлик — юртинг экан, гүзалрок, порлок.

Шиддатли түлқинлар гувлар, тош уриб.
Чеки йўқ денгизга боқаман, лоқайд.
Бир кизнинг кўзида томчи ёш кўриб,
Фусса денгизига чўкардим бир пайт.

Вулқонларни кўрдим оташлар отган.
Софинчдан юрагим қайнарди шундай.
Нил ҳам гўё энди шавқин йўқотган.
Гупурмас, ёшлигим ёнган Бўзсувдай.

Химолай тоғидай кўз ҳам илғамас
Орзуларим эди юксак ва баланд.
Бугун оташ шавқим нега бунча паст,
Чохлар журъатимга боғлашдими банд.

Озодлик ҳайкали пойига келиб
Гулчамбар кўймадим, ўйладим факат.
“О, юрак, эрк ҳақда куйлардинг тўлиб,
Қабрга келгандай, нега жимсан, айт!”

Ошиқдим, Тожмаҳал — зиёратига
Оlam ошиқларин олов қалъаси.
Бир гўзалнинг инжа ишорасича,
Зор-зор сўзлатмади севги-каъбаси.

Кездим. Бормаганим фактат Ой қолган
Сен бўлсанг чопардим, тўхтамай асло.
О, ёшлик ҳайкирган, гуркираб, ёнган
Сен каби ҳеч жойда даврон йўқ аммо.

Бирок яшаш учун ҳали имкон бор
Ҳали юрагимда сўнмаган овоз.
Ҳали яшаш мумкин, жўшқин, шиддаткор
Мен ахир бор-йўни кирқдаман, холос.

* * *

Тинч турган төр эдим-ку
Ўзимга шоҳ эдим-ку.
Сени кўриб кўксимга
Хайқирган “оҳ” келди-ку.

Олов бўлди ўйларим
Куйимдан ёнди дарё.
Жамолингга тўймадим
Хуснингга ҳайрон само.

Оқшомлар ойсан оппок
Остонангда сарсонман
Ол юзингни очган чор,
Нур ёғилар осмондан

Сўнгсиз севги куйдирган
Кўксим барбод ёнмоқда.
Сўнгсиз савдодадирман,
Сўнгсиз фарёд томоқда...

Тинч турган төр эдим-ку,
Ўзимга шоҳ эдим-ку.



* * *

Кун бўйи шодон юриб
Тополмасдик ердан жой.
Бизни ёнма-ён кўриб
Кувониб кетарди ой.

Бахтли эдик қанчалар
Тўй эди ҳар кунимиз.
Алёр айтарди шаҳар,
Осмон эди уйимиз.

Ҳар бир босган изингга
Тўкиларди юлдузлар.
Куёшданмас, юзингдан
Ёришарди кундузлар.

Аммо сен энди йўқсан
Чукур чохга қуладим.
Айрилик отган ўқдан
Қонаб ётар юрагим.

На алёр айтар шаҳар
На кўкда бор уйимиз.
Кушлар сайрар ҳар сахар
На бўлади тўйимиз...



* * *

Эй Худо! Йўлимдан кетдими омад,
Ташвиш тутунидан қайтар нафасим.
Ишларимдан кетмас фалаж аломат,
Юролмай йиглайди хаста Жавҳарим.

Эй, Тангрим, маъзур тут! Онгсиз, билмасдан,
Ёки билиб қилган гуноҳларим кўп.
Бугун бошим узра чарх қиймалаган,
Роҳатимдан кўра қийнокларим кўп.

Эй, Тангрим! Ёлворай, мушкулимни еч,
Бардошимдан ортиқ айлама тахкир.
Кўзим кўтаролмас кўргулиқдан кеч,
То рухим сингунча бермагин таъзир!

То қўрқиб кутмайин ҳар келар кунни
То менинг қасдимга чиқмасин қуёш.
То бўязимдан чиқар энг сўнгги унни
Мадҳингга қўллайн, мушкулимни ёз...

ХОМИЛАЛИ АЁЛ ҲАҚИДА ХИКОЯ

Қалб эди, қалб эди жисмли энди,
Жисмидан ажралиб келди зурёди.
Она ўзин билар тилсимли энди
(Ўзини билмаган билмас худони).
Ҳали жисмидадир пайванди унинг,
Унинг жигарига бош қўйиб ухлар.
Бироз чўзилганда вакти уйқунинг
Ички товушига айланар руҳлар:
“Кўзғолиб ол, болам, туракол, болам,
Қаттиқдур жигарим бошингга ботди.
Бу ёнга ёнбошлаб, ухла бол болам,
Қисматдан жигарим тош каби қотди.”
Бола уйронади, кўзғолиб эмин,
Она буйрагига кўяр бошини.
Соатлар ўтаркан ташвишда лекин
Она тиёлмади кўзин ёшини:
“Замон келди, енгди, мени хўрлади
Буйрагимнинг бигиз каби тузи бор.
Унда котмиш пешонамнинг шўрлари
Тур, болам, бошингга у бергай озор”.
Бола бошин олар юракка яқин
Онанинг юраги – тўзғиган башар.
Бола тиланади оромин, шавқин,
Она эса ором тополмай яшар.

* * *

“ Кимга бўлдинг чўри, гулим
Сочи майда ўрилганим.
Кирк фариштанг қошингдами
Ўргилганим, кўргулигим.

Қалблар бўйлаб изғир қуюн
Чанг тўзгийди уюм-уюм.
Кўқиб ётар, кўқиб ётар,
Супурарсан кимнинг уйин.

Еру кўқда сен ёлғизим,
Мен бек ўғли, сен хон қизи.
Тентиб юрар орамизда,
Энди ҳижрон ёлмоғизи.

Озорингдан озар бўлдим,
Сўнгги сўзим ёзар бўлдим:
Сендан қолган ишқ дорига,
Ўз-ўзимни осар бўлдим.

Сочи майда ўрилганим,
Кимга бўлдинг чўри гулим?..

* * *

Күр йўқотар ҳассасин бир бор.
Хушёр бўлгин яшамоқ учун
Ҳар қадаминг ташлагин хушёр.
Гар бошингга келса қаро кун.

Мен изғидим ҳар тун саргардон
Бир фалокат ҳар кун кутади
Бу қисқа, бу ожиз нотовон
Умрим, билмам қандай ўтади.

Зеро яшаш, улув бир айём
Лек унутманг, кўр ўтганларни.
Қора кунда икки бор, бехос.
Ҳассасини йўқотганларни.

ЮРАК

Ўзга сайёрадан келган бу юрак,
Ўзга оламлардан келгандир бу жон.
Бу маҳзун дунёда туғилмак, юрмак,
Яшамак бир армон, туганмас армон.

Ўзга оламларда бўлса ватанинг,
Ўзга оламларда бўлса муҳаббат,
Мана шу тупроқ деб, шу ҳаётни деб,
Алдансанг бир умр, алдансанг фақат.

Ўзингни қўймокқа жой тополмасант,
Кўкда бўлса ўзинг излаган ватан.
Кишан бўлса замин, сен тонолмаган,
Умринг, келар кунинг бўлса бир кишан.

Кўкка кетмоқликини истайсан, аммо
Сен шахид эмассан, сенсан насли хор.
Зеро, сен ўлдирсанг арзир бу дунё,
Зеро, ўлдирмоққа у доим тайёр.

* * *

Сўймаган ёрни мен сўйиб яшайман
Бошимни тошларга қўйиб яшайман,
Ёшман-у яшащдан тўйиб яшайман.
Севгингни кимларга қўйгансан асраб
Севгингта етаман минг йиллар яшаб.

Оlamда сенингдек чиройлиси йўқ,
Сендан қайтаролмас мени мингта ўқ.
Сени деб ютганим ҳаво эмас чўғ,
Сўймаган ёрни мен сўйиб яшайман.
Ёшман-у жонимдан тўйиб яшайман.

Ёр бўлсанг нетарди коши камоним,
Кундуз ҳам ёришмас қора қўргоним,
Шахзода йигитман йўқдир давроним.
Сен ўзинг ўлдиргил энди нажот йўқ,
Минг йил яшасам ҳам сенсиз ҳаёт йўқ.

Сўймаган ёрни мен сўйиб яшайман,
Бошимни тошларга қўйиб яшайман.

Айбим күп, азоби хоритар гоҳо,
 Курб етмай гоҳ ўзни айблай олмасман.
 Айбда қайта-қайта яшайман ҳатто,
 Терскай тушларимни ҳайдай олмасдан.
 Ана ўраб турар мени халойик,
 Фазаб күзларида, тош күлларида.
 Кимдир ўкирар: “У катлга лойик,
 Айб ўзида кетар у ўлганида.”
 Лекин бир сас келар ҳукми холиқдан:
 — “Ким тангри қошида пок ва бегуноҳ
 Аввал у тош отсин, отса розиман,
 Унинг борлигидан бўлайн огоҳ.”
 Қуёш нур сочарди, кўк эди сўнгсиз,
 Ҳаётбахш ҳаволар таралар эди.
 Мен қанча кутмайин муте, ўкинчсиз
 Оломон тош отмай тарқалар эди.
 Сўнгра ёлғиз қолдим жазогоҳ аро.
 Отилмаган тошлар қолди уйилиб.
 ... Ўзимни айблашдан чарчасам гоҳо
 Шу бўшлиқ жазоси келар қуйилиб.
 Ожиз бўлиб элнинг ожизлигидан
 Тангрини излайман тўкиб кўз ёшлар.
 Қанчалик ёлборсам ҳақ илинжида
 Бонимта шунча кўп ёғилар тошлар.


* * *

Ол юзинг ёноғида
Қанча олов ёнарди,
Оташи, офтобида,
Кўзим кўйиб қоларди.

Кўзларимни кўйдирган
Чиройингга борман мен,
Савдоидай сўйдирган
Парвойингга зорман мен.

Мехри эриб, зеб териб
Хусн берди малаклар,
Атрофингга хор келиб
Айланади фалаклар.

Иzlарингни ўпай деб,
Эгилган эди бошим
Сел бўлиб, кўчаларни
Ювиб кетди кўз ёшим.



* * *


Тангри! Бунча чигал дунё бу дунё
Хеч ким менинг каби ҳайрон бўлмасин.
Бир сўз айтмоқликка шайман-у, аммо,
Бу сўз, мен билмаган ёлон бўлмасин.
Ақлим ожизмидир, қалбим кўрми, айт,
Пир деб тутганларим, шайтон бўлмасин.
Ким, дўст бўлса жондай дўст бўлсин, факат,
Йўлидан адашган сарсон бўлмасин,
Кимни мен яхши деб ардоқласам у
Қиёмат кунида ёмон бўлмасин.
Жоним титроғида ўстирган орзу,
Умрим бўстон этсин, тўфон бўлмасин.



Аҳли аёлим илк бор ибодат
қилган кунда ёзилган шеър

* * *

Жойномозга тиз чўкиб
аёл ибодат қилас.
Оллоҳга сано ўқиб
Шояд мағфират тилас.
Юзидағи сокинлик
асл ҳусн ҳам нурдир.
Балки бу чоғ, у уйдамас,
бунда эмас — у хурдир.
Балки мени у унутган
ва ўртамас севгим ҳам.
— Жисму-жонинг бахш эт, — деган
Худбин, фидойи нолам.
Балки ёлғон туюладир
сўзларимнинг барчаси.
Балки билар даҳрий ишқи
ишқмас, ишқнинг шарпаси.
Ёки чиндан севдимми, ё
Ҳамжон бўлди топганим.
Бир одамнинг ишқи аммо,
камлик қилди — қонмадим.
Майли, жоним, ибодат қил.
қонинг бўлиб дарёлар.
Одам ишқин фақатгина
тангри кўтара олар.
Яратганга сано бўлсин,
сен олгувчи ҳар нафас.
Истагим шул, Оллоҳни сев,
Шунинг ўзи менга бас.



* * *

Кирмизи адирларда
Гуркирайди гиёхлар
Анвойи атирларга
Ёрилади димоғлар.

Салқын ховуз бүйіда
Тераклар шовуллайди
Қайта қочсам ўйингда
Юраклар ловуллайди.

Қайға борсам юзинг бор
Күзинг бор қараб турған.
Қайға боқсам баҳтиёр
Ўзинг бор бирға юрган.

Сендей кизга етолмай
Кетай десам дарбадар
Фикру-ёдинг эрмаклай,
Оёғимни арралар.

Сен кетиб, жони чиққан
Бир телбага ўхшайман.
Бизлар мангуга ёққан
Ишқ бор учун ўлмайман.

Кирмизи адирларда
Гуркирайди гиёхлар...

* * *

Қайрилмадинг, ортингдан
Югуриб етолмадим.
Айрилганинг, хорингман
Унутиб кетолмадим.

Ўзгани кутганим йўқ
Ўзариб кетганим йўқ.
Ҳар куни ютганим чўғ
Баҳрингдан ўтолмадим.

Сен турган шаҳаримсан
Мен кутган сахаримсан
Тиф урган Маҳшаримсан
Тунлари ётолмадим.

Эгиздай ўзим эдинг
Мен чап, ўнг қўзим эдинг
Сен ёруғ юзим эдинг
Бағрим бут этолмадим.

* * *

Менинг ҳар бир дуода
Сўраганим Худодан:
— Умрингиз бу дунёда
Узоқ бўлсин, онажон!

Барчага бахт ёр бўлсин,
Барчага тахт ёр бўлсин!
Барчанинг жондан суйган,
Онажони бор бўлсин!

Сиз бор уйнинг файзи бор
Мухтарамсиз онажон!
Бағрингиз фасли баҳор,
Мукаррамсиз онажон!

Сиз дарахт биз мевамиз,
Сиз дengiz биз кемамиз!
Сиз бор буюк элга биз
Фарзанддирмиз онажон!

* * *

Уйдан қайтар олди саргардон
Кузатдингиз күз ёши түкиб.
— Тирик күраманми, онажон
Колгандайсиз мунгайиб, чүкиб.

Пойингиздан ахтардим малҳам.
Жазоласа бешафқат ҳаёт
Наҳот бир кун күзим ўйиб ғам,
Келар жойим қолмайди наҳот?!

Хар лаҳзада айтдим шукrona
Ютинма деб бўришди бўғзим.
— Яхшилик қил — дедингиз она,
Ёмонларга такрор тиз чўқдим.

Қайтаяпман кўзимда қайfu
Кузатасиз дилингиз абгор.
— Сиз жўнатган яхшиликман-у,
Нечун бунча қилишмоқда хор.

Дард — алам-ла яна қайтаман
Қайта учар лабимдан дуо:
— Яхшиликсиз Оллоҳ яратган
Узоқ умр баҳш этсин, Худо.

Пок ошимга оғу солганга
Оғусини берайин ютиб
Ўнг кўзимни ўйиб олганга
Чал кўзимни берайин тутиб.

Тасодифга тўладир ҳаёт
Ундан кутмай қўйғанман шавқат.
Тангрим, чидай олмасман, хайҳот
Сен онамдан айирма фақат

* * *

Тунлар осмонга боқиб
Ойни тополмас бўлдим
Дилни оловга ёқиб,
Кўзни ёполмас бўлдим.

Билмадим бу не савдо,
Бўғзимда титрайди чўр.
Сенга шайдоман шайдо,
Чиройлисан тенги йўқ.

Кўзларингнинг сехридан
Гоҳ сарҳушман гоҳ нолон,
Сўзларингнинг меҳридан
Гоҳо хонман, гоҳ бежон

Мўъжиза ардоғида
Тақдир кулиб боқсайди.
Муҳаббат қучоғида
Бир жон бўлиб ётсайдик.

Тобора гуриллаб ёнмоқда олов
Тобора каттарок, тобора кенгрок.
Тобора ўзимга билмасман аёв,
Тобора каттарар күксимда ингрок.

Тобора пойингга боряпман чўкиб
Тобора адашиб, тобора сармаст.
Тобора сен менга аазирок бўлиб,
Ўзимдан тонмоққа қилмоқдаман қасд.

Тобора ҳуснингга телбаман-телба,
Тобора бошимга урмоқда қисмат.
Тоғдай роҳатимни совурдим елга,
Ўрнига топмадим хасча ҳаловат.

Туйғулар ёнмоқда, идрок ёнмоқда,
Ёнмоқда шиддатли, тобора асов.
Бир жонсарак нафас сарсон томоқда.
Тобора гуриллаб ёнмоқда олов.



* * *

Тинмай ёғар совук қор,
Мен-чи нохуш хастаман.
Киссамда на чақам бор,
Сенга қандай айтаман.

Қоронғида қор ютиб
Юрганим ой билади.
Сенга юрак олдириб
Тинмай күргим келади.

Хар он ҳар бир лаҳзада
Сени минг бор ўйлайман,
Минг бор тушиб ларзага
Жамолингга тўймайман.

Сен кўқдаги малагим,
Мен ерда юпунман хорман.
Севар-ми деб сўрадим
Ёққан ҳар зарра қордан.

Овозим учеб кетди
Булутлардан патлари
Ҳар юлдузга сени жондан
Севишимни айтгани.

* * *

Ҳарирларга ўралганмисан,
Парилардан тарқалганмисан.
Гўзалликнинг малагимисан,
Учрашдик, не ҳол бу мухаббат!

Сен келдинг-у — менман шаҳзода,
Сен келдинг-у — менман афтода.
Девонаман ер-у самода,
Не кўйларга солдинг мухаббат.

Қайга борай юрагим қайнаб,
Жонимни ҳам олмайсан, ҳайдаб.
Кумушмисан, ё сенми Зайнаб,
Оғунг менга қолди, муҳаббат.

Сен кўнглимнинг ардоғидасан,
Сен кўзимнинг қароғидасан.
Сен жонимнинг титроғидасан,
Севмай, севгим олдинг муҳаббат.

* * *

Мен сени эркалаб, суйиб тўймасам,
Бир зумга кўзимдан нари қўймасам.
Аммо айт не сабаб, бугун бўлмаса,
Эрта мени ташлаб кетасан жоним.

Термулиб хуснингга маҳлиёман мен,
Тарки дунёман — у, қалби дарё мен.
Сузук кўзларингга айни даво мен.
Кимларни ахтариб қуласан жоним.

Жонимга қасд қилиб қайтмайсан асло,
Қайрайсан, бир хуш сўз, айтмайсан асло,
Лаблари болдайсан, алдайсан аммо.
Қачон таслим бўлиб, келасан жоним.

Пойингда қолай деб, айтган чоғларим,
Ёқмадим, ер бўлди, иштиёкларим.
Сенга ёқса ҳамки ҳаммаёқларим,
Нега мени ташлаб кетасан жоним.

* * *

Мен сени соғиндим, жоним қайдасан
Сени ахтараман телефонларда
Биламан, сен кўлим етмас ойдасан,
Кўрингинг келмайди, биз томонларда
Кўзимнинг олдида юргин, ўйнагин
Тўёлмай куяй сен сочган чиройга.

Соғинчдан ўзимни қайга кўяйин,
Зорман, етолмай сен яшаган ойга.
Овозинг келади гўё самодан
Гоҳида шўху-шаън, булутли гоҳо
Ернинг бор жавҳарин ваъда
 айлайман,
Аммо тунд авзойинг, ўзгармас асло.

Билиб қўй, бир куни тугар тоқатим,
Бир куни барига бераман барҳам
Гарчанд, сенга сира-сира ёқмадим
Забт этаман бир кун ойни,
 Сени хам.

* * *

Эртага ҳижронлар тугар-у,
Бекарор мұҳаббат бошланар.
Бизлардан кетади ғам-қайғу,
Кўзларим қувончдан ёшланар.

Термулиб хуснингта телбадай,
Термулиб-турмулиб тўймадим.
Ҳаётим адашар изнидан,
Қинидан чиқади юрагим.

Пойингга ташлаган гулларим,
Кўкдаги юлдуздай сочилган.
Нур билан баргига уларнинг,
“Севаман” сўзлари ёзилган.

* * *

Боғ айланиб югуриб
Ортингдан етолмайман.
Тил чиқазиб, лаб буриб
Куласан, эрмаклайсан.

Сен шаддод ва шартаки
Сен Ховослик мард қизсан
Сенга күнглим ёргани
Нима қипти тиз чўксам?!

Сурма кўйган кўзингни
Сузасан, нозланасан.
Қошинг кериб, жонимни
Олмоққа чоғланасан.

Шаҳар жойда пана йўқ,
— Бунча одам кўп — дейсан
Кўзларингда ёнар чўғ,
— Майли, битта ўп — дейсан.

Қуёш чиқкан қаёқдан
Осмон қизиб кетади.
Сен ўпич берган чоғда
Хушимиз тарк этади.

Сен шаддод ва шартаки
Сен Ховослик мард қизсан...

* * *

Орқасидан қарасам, қарамайди ёр
Олма отсам олмайди, олмачаси бор.
Олмасидан ушласам, ушлама дейди,
Мени бирор хушлаган, хушлама дейди.

Довдирадим, довули йўқ юрак, юракми?
Сени менга оғдирмаса қўнгил керакми?
Асов дилим тушовладим танлови оғир-ей.
Ён бошимга ташлаган тошларинг чоғир-ей.

Кўзимда ёш — тандан кетган дардошларим,
Ҳаволарга таралади бардошларим:
“Сенга бахт бермаганинг бахти борми-ей?
Сенга бахт берганларга Хизр дорийди-ей,
Хизр дорийди!”

* * *

Тун.
Тун элитар.
Эс олар кўланкаси.
Тўлғониб туйгулари,
 кўнгилга тун тўлади.
Рухнинг тепиб тебранувчи
 оғушига,
Куйилмоқни истагувчи
 нолишига
Туғилғандик, қутилмадик.
Бўлсанг-да сен бирорвнинг
 киртайиб кўз тиккани.
Бўлсам-да мен бирорвнинг
 суйгани, суюнгани.
Сўнг, қаромогига олди қалтироқ.
Сўнг, хиёнат келди тап тортмай.
Сўнг, ойдин тун тўхтади таққа:
Олайиб бокарди у.

* * *

Сени кўрмок баҳор, ўйламок баҳор
Музлар эригандай, кўзларимда ёш.
Мен сени йўқотиб, бўламан абор
Мен сенинг пойингда гуллайман қийғос.

Дунёда қалб нима, юрак нимадир,
У сенинг хуснинг-ла ёнгувчи чироқ
Гоҳо юрагимни ерга кўмадир,
Умрим минг йилларга қисқартар фироқ.

Бунчалик тез ўтиб кетма, баҳорим,
Умрим бор-йўғи бир лаҳзадан кам.
Бир лаҳза англайн сен билан борим,
Сўнгра йўқлик сари бошлаб кетар ғам.

Сўнгра бари тугар. Балки дунёга,
Минг йилдан кейин ҳам келмасми тақрор.
Лаҳзалик умримни бурка зиёга,
Эй борлиги баҳор, эй, бағри баҳор.

* * *

Хижроннинг сандали

кўпикдек.

Кўниқдик.

Кайвони соғинчнинг

Ёнгани — тоигани.

Куймадик.

Сенга сўзим йўқлиги учун,

Кап-катта хусумат

Сўрайверар нафака —

Тўлаб бераятман мадорим билан.

Лоҳас кун ўтса бас,

ўтса бас.

Калбим гумаштаси ёдинг,

мени ўқишга

буғун саводи етмас,

етмас.

ИҚРОР

Аён бўлди барчаси
Не бор бари илоҳий.
Дил илоҳнинг шарпаси
Оят сингари олий.
Каро ғамдан толганда
Сўнгти умид чекса оҳ
Ойни кўриб қолганда
Дерсан — Яратган Оллоҳ.
Гоҳ ўз зарраси янглиғ
Муруватли этар ул.
Ўздан кечиб гоҳ ўзни,
Гуноҳга этарсан қул.
Гоҳо гуноҳ — викор, шаън.
Чекмассан айбдан алам.
Минг покланиб қаросан
Фонийсан шул сабаб ҳам.
Фақат рух азалий ҳур.
Ва бокийликни каби
Қалбни англаб бўлмайдир,
Эгаллаб бўлмас қалбни.

• • *

Тиник күэларингда табассум каби
Истараси иссик, таъби чоғ турган
Аксимга айланса эдим мен, бироқ,
Аслимга қайтурман, айри қолурман.

Хуснииг жозибаси элас ва элас
Милтираб шарх этди.
Сен суюмлисан.
Толе, пешонамга сиғмай тарк этди.
Ором, файзларини олди жисмимдан.

Кетдинг.
Узоклардан хатлар йўллайсан.
Мен — баҳтсиз, баҳтингман, айблингман, узр.
Сен мендан севгини,
Мен-чи Оллоҳдан
Ўзимга сўрайман иккинчи умр.



“МОҲИНУР”

Қисса

Тўй охирлаш арафасида авжига чиқиб кетди.

Қахрамон сармаст бошини кўтараркан, давра олиб ўйнаётганларга уч-тўрт сўм қистириш кайфиятида қўзралди. Мусика садоси харчанд баланд бўлмасин, қўшни стулда ўтирганларнинг чалакам-чатти гаплари қулогига чалинди.

- Бабак йигит эканми?
- Ҳа, “падарка” эмас...
- Мана шунака йигиттга битта ўғил туғиб берсанг...

Қахрамон ўгирилиб каради-ю, мутлақо нотаниш киз эҳтиросли нигоҳлар билан термулиб турганини кўрди. Қараашларидағи оташдан руҳланиб унинг билағидан ушлаб даврага тортди.

- Агар тапингиз рост бўлса устингиздан зар сочаман...

- Вой, эшитиб қолдингизми?
- Пўстакнинг тешигини кўтариб юрганим йўқ.
- Гап эгасини топибди-да...
- Телефоним: 100-30-03

Қахрамон, бир даста пулни Нигоранинг қўлига тутди-да, даврани тарк эди.

* * *

Вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Қахрамон эшик зулфини ўйнаркан, хотини бирон дақиқа куттирмаслигини, эшик тақиллашидан унинг келганини сезишини ўйлаб, меҳри ийиди.

- Келинг.
- Тўйга борувдим. — Қахрамон хона бўйлаб айланганча бўйинбогини ечаркан, тилидаги гапни беихтиёр айтиб юборди:
- Дўхтирга қўриндингми?

— Ҳа. Менда озгина шамоллаш бор экан. Уколлар ёзиб берди.

— Мени сўрамадими?

— Сизни соппа-соғ деб топишиди-ку!

— Энди билиб бўладими?

— Овқат ҳали совуғани йўқ, еб олинг.

— Корним тўқ. Менга текканингдан афсусланмайсанми?

— Нега афсусланай?

— Балки мендан бошқага текканингда, бунчалик хору зор бўлмас-мидинг. Мана тўй ўтганига ҳам етти йил бўляпти. Етти йилдан бери азобда яшаяпсан. Битта тирноққа зормиз.

— Қахрамон ака, мен ҳаётимнинг бир куни қолса ҳам Сизга бағишлайман... Ҳаётимнинг сўнгти нафасидаги, сўнгти умид ҳам Сизга фарзанд туғиб бериш бўлади.

— Гулбахор, мен сендан мингдан-минг розиман. Мен сен билан баҳтлиман. Мен сен туфайли мухаббат нималигини тушуниб етдим. Ҳаётда фарзанди бору, мухаббати йўқ яшаб юрганлар қанча. Мухаббати йўқлиги туфайли, фарзандларини етим килиб, ажрашиб кетганлар қанча. Бир умр севги нималигини билмай, ғофил ўтаётганлар қанча. Балки, оиласиздаги файз-барака туфайли Худо бир куни фарзанд ҳам насиб этса ажаб эмас.

Эр-хотин тун коронғусида кичкина чироқни ёқиб, рақс туша бошлаши.

Кўшиқ оҳиста тараларди.

Гўзалсан, шўх, шавнсан, нозли жайронсан,
Кўзни қувонтирган моҳитобонсан.
Дардни аритгувчи роҳати жонсан,
То мен ишласам ҳам, сен кулиб тургин.

*Фурбат қуялари қилди қадрдан,
Жонга-жон берди-гу, бўлдик жонажон.
Тазайклар келса ҳам, зирҳли, беомон.
То мен иигласам ҳам, сен кулиб тургин.*

*Кунлар гоҳ байрамли, гоҳи гамлидир,
Сенга келган зарддан, кўзим намлидир.
Хўрсиниб туришинг, бир аламлидир,
То мен иигласам ҳам сен кулиб юргин.*

*Хар неки чарх урап, удир бир фарёд,
Ой каби айланар, баҳт деган баёт.
Юзимизни ёруғ қилгунча ҳаёт,
То мен иигласам ҳам сен кулиб тургин.*

* * *

Орадан бир ҳафта ҳам вақт ўтмай, Нигора ва Қаҳрамон жуда қалинлашиб кетиши. Бугун ҳам улар Нигоранинг хилват ва кимсасиз уйида бир-бирларининг кўзларига термулиб ўтиришарди.

— Йўқ, мен эҳтиёт чораларини кўришим керак. Бўйимда бўлиб қолса, одамлар нима дейди. Эрсиз ўзидан-ўзи туғибди, деган гап-сўз кўпаяди. Ота-онам, қўни-қўши, ишхона. Ит азобида аборт қилдирманми? Керак эмас.

— Нигора ке, майшатимиз кўнгилдагидек бўлсин. Бўлар-бўлмас гапга қалпоқ кийдирма.

— Йўқ, йўқ, йўқ.

— Эсингдами, биринчи учрашувимиз. Ўшанда нима деганингни биласанми?

— Кўринишингиздан туппа-тузук, жиддий одам деб, ўйловдим. Жиддийлигингиз ҳам ўзимизники қатори экан.

— Мен, нима деганимни ҳам эслайсанми?

— Бўлмасам-чи, устингдан зар сочаман, дегансиз.

— Гапнинг ростиини айтайми?

— Айтинг!

— Агар ўғил туғиб берсанг, бобомдан қолган “Моҳинур” олмосини сенга совға қиласман. Мана етти йилки, хотинимнинг суюгига бўлмаяпти. Бобом уни отамга берган. У мерос сифатида отамдан менга ўтди.

Энди мендан кимга ўтади. Билмайман. Сен менга ёқасан. Сени яхши кўраман. У олмоснинг қиймати шу қадар баланд-ки, агар мени кувиб юбориб, ўғлим билан бир умр еб ётсаларинг ҳам етади.

- Бўйимда бўлса-ю, бермай кетсангиз-чи?
- Олмос одамдан азиз бўпти-ми? Менинг эркаклик шаънимдан азиз бўлдими? Болам учун, бутун дунёни пойингга ташлайман, Нигора!
- Олмосни аввал, ҳеч бўлмаса, бир кўрсатинг.

* * *

Орадан кунлар ўтиб, худди шу жойда Нигора Тоҳир билан кучоқлашиб ўтиради.

- Сиз менинг қадримга етмайсиз, Тоҳир ака.
- Яна нима бўлди?
- Кеча туғилган куним эди. Харажат тагида қолиб кетдим.
- Қарзга қиласермайсанми, берардим.
- Лоақал бирров келиб кетмадингиз-у!
- Кизиқмисан, нима деб бораман? Уйнашиман, дейманми?
- Ишхонасиданман, десангиз бўлади-ку?
- Ҳа, Нигоранинг ишини шу қилиб юрган эканда, дейишларини истаяпсанми?
- Биттаси кўкидан юз ташлаб кетди.
- Кучайибсан-у.
- Ундан ҳам эўр бўлиши мумкин эди, ҳеч иложи бўлмаяпти.
- Нима экан?
- Ҳо-о, айтмайман.
- Айтақол.
- Айтсам, жаҳлингиз чиқади.
- Нима, хотиниммидинг, жаҳлим чиқадиган.
- Биттаси, олмос кўрсатди. Бухоро амирининг хақиқий олмосларидан. Хотини туғмасмиш. Агар туғиб, юзимни ёруғ қилсанг, шу олмос сеники, деяпти. Фарзандимга, мендан мерос сифатида оласан, деяпти.
- Бўлмаса тезроқ туғиб бер.
- Иложи бўлмаяпти.
- Канча вақт ўтди.

- Беш ойдан ошди.
 - Демак, ўзи ҳез экан-да?
 - Сизчи, сиз?! Сиздан ҳам бўлмаяпти-ку?
 - Нима, мендан бўлса, унга олиб бориб кўрсатасанми?
 - Ҳомиладорлигимда олволардим. — Нигора яйраб кулди.
 - Кейин нима дейсан?
 - Кейин бу менинг болам эмас, олмосни қайтариб бер деб келадими? Келса, мени зўрлаган деб ёзиб бераман.
 - Ўзи олмосни кўрдингми, сохта эмасми?
 - Э, ака. Заргарлар уни кўкига юз мингга баҳолашди-ю.
 - Унда мени зўрляяпти деб, ҳозир ёзиб беравер.
 - Бу номардлик. Мен сиз ўйлаганчалик ифлос эмасман, Тохир ака.
 - Унда, мен ёзиб бераман.
 - Сиз менга кимсиз. Эри эдим, хиёнат устида ушлаб олдим, дейсизми? Агар шунга ваколатингиз бўлса, марҳамат ёзинг. — Сенинг номингдан ёзаман. Агар олмосни олсак, сенга уйланаман. Азизим...
- Тохир Нигоранинг юз-кўзларидан ўпа бошлиди.

* * *

Қаҳрамон йўлни кесиб ўтаркан, телефон қилган одамнинг кимлигини билолмай ҳайрон эди. Нега у ишхонада эмас, бу ерда гаплашмоқчи? Мақсади нима? У одам ўзи ким?

Қаҳрамон кафега етиб келаркан, бир йигит худди эски танишидай пешвуз чиқди.

- Узр ака, безонта қилдим.
- Ҳечқиси йўқ. Ўзингиз яхшимисиз?
- Яхши, икки оғиз тапим бор эди. Исмим — Тохир.
- Менини — Қаҳрамон.
- Биламан. Қанака қаҳрамонлигингиз ҳам сир эмас.
- Хўш, нима гаплар?

Қаҳрамон Тохирнинг бамайлихотир ва ишонч билан гапираётганидан фижинди. Шу баробар кўнглида

ҳадик ҳам пайдо бўлди. Бу бир балони бошлаб келганга ўхшайди.

Тохир эса ўз душманининг қўл-оёғини боғлаб ташлаган одамдай кўзларини совук йилтиратиб, гапини давом эттириди:

— Биласман, вакти зик одамсиз. Шунинг учун гапни қисқа қилсак. Фуқаро Нигора Болтаева сизнинг устингиздан шикоят ёзган. Бу шикоят нотўғридир, деган хаёлда шикоятномани ўрганиб чиқдик. Афсуски, текширувлар натижаси сизнинг фойдангизга ҳал бўлмади.

— Мен сизга хайриҳоҳ, одамман. Болтаева ўз хотининг биттасини сизнинг хотинингизга, биттасини ишхонангизга, биттасини органга жўнатмоқчи бўлиб юрибди.

— Мен нима қилибман?

— Болтаевани мутассил равишда зўрлагансиз. Ёлғон ваъдалар бергансиз. Уни туғишга ундангансиз. Истаган пайтингиз уйига бориб, унинг хоҳишига қарамай, билган номаъкулчиликларингизни қилгансиз. Бу зулмлар хиқилдоғига келиб, охир-оқибат шикоят хати ёзган.

— Бундай бўлиши мумкин эмас.

— Эҳтимол. Лекин ёпиқ камерадаги плёнкаларда сиз яққол кўриниб турибсиз. Кичкина япон диктофонидаги овоз ҳам, аниқ сизники. Унда, қандайдир олмос хақида сўз бор. Ҳайронман, бир бева аёлга туғиб берасан деб, шарт қўйиш, қайси мусулмончиликка тўғри келади?

— Мен уни зўрламаганман. У мени яхши кўради.

Қаҳрамоннинг сўнгти гапи паст овозда чиқди. Кўз олдига Нигора келди. "Наҳотки, мен билан муҳаббат ўйинини ўйнаган, оғушимдан сархуш бўлиб, бутун дунёдан мени қизғанган аёл ошимга киши билмас, оғу солиб юрган?"

— Бўлмаса, унга уйланинг!

— Ахир хотиним бор.

— Мен Сизга раво кўрмайдиган бошқа бир йўли — хў, нарёқда! — Тохир қўлини панжара қилди — Ўтириб чиқиш.

— Мен, ҳозироқ Нигоранинг олдига бориб аризани қайтариб олдиртираман.

— Сиз, аҳмоқ экансиз, йигитча! Хат битта бўлганда, олдини олиш мумкин эди.

— Сизнингча нима қилиш керак?

— Биласиз аёллар молу дунёга ўч бўлади. Сизнинг қамалишингиздан, ишдан кетишингиздан унга нима наф? Яхшиси, унга ваъда қилган тақинчоқни беринг. Ҳозир шароити оғир, қийналиб турибди. Ишхонасида пора олиб, қўлга тушган. Ўнта юмалоқ олиб бормаса, ҳолига маймуналар йиғлайди.

Қаҳрамон ўрнидан қўзғаларкан, Тоҳирга қарагиси йўқ эди-ю беихтиёр қўл узатди.

* * *

Нигора ишхонасида ўтирганди, қўшни хонадан қизлар ҳовлиқиб келиб қолди.

— Вой, Нигора тинчмисан?

— Ҳа, нима бўлди?

— Эшик тагида нариги бўлимдаги Нигорани мени эримни йўлдан урган сенмисан, деб роса юмдалашибди. Қаҳрамон деганинг хотини экан. (Аслида у Тоҳирнинг синглиси эди.) Ака-укалари, (Тоҳирнинг оғайнилари билан келибди, Нигор “вой, унақа танишим йўқ” деса ҳам роса жанжал бўлибди,

— Йўғ-е?

— Ҳозир Нигорадан сўрасак, мени унақа танишим йўқ эди, деб роса йиғлади. Мабодо сен Қаҳрамон деганини танимайсанми?

— Йўқ. — деди Нигора Қаҳрамоннинг хотинидан ҳавотирланиб. Шу пайт қўнфироқ жиринглаб қолди. Нигора гўшакни кўтарган эди, ойисининг овози эшилтилди:

— Нигора, тинчмисан? Ҳозир бирор телефон қилиб, қизингизни эҳтиёт қилинг, ишхонасида Нигора деганини у билан адаштириб юмдалаб кетишибди. Қаҳрамон деганини хотини эмиш— дейди. Сен тинчмисан?

— Тинчман, балки адаштиришгандир. Ойи, кейин телефон қиласман.

— Вой, Нигор, бирор ваҳима босяпти-ки, ким бўлиши мумкин?

Нигора ҳайрат ва саросимада, ўрнига ўтиаркан, яна телефон жиринглади.

— Нигор, эшитдингми? — Гўшақдан Тоҳирнинг овози келди.

— Ха.

— Мен бир нечта хат тайёрлаб қўйдим. Унга кўл кўйишинг керак.

— Кўл кўймайман.

— Нигор, у билан дон олишаётганларинг саҳнаси-ни суратга олишимда ўзинг ёрдам бергансан. Сенинг кўлингсиз ҳам хатларга қўшиб, кассетани жўната-раман. Агар мен билан бирга бу ишларни қилмасанг билиб қўй, бу кассетанинг бир нусхасини ишхонангга ҳам жўнатаман.

— Аблаҳсиз, Тоҳир ака.

— Олмосни олсак, ҳамма аблаҳлигимиз ювилиб кетади.

Биздан кўра ҳурматли, ҳамманинг ҳаваси келади-ган одам топилмайди.

* * *

Қаҳрамон Нигоранинг эшигини тақиллатганда кун алламаҳал бўлиб қолган эди. Нигора Қаҳрамонга кўз ташларкан, ундаги саросимани кўриб, дархол ҳамма-сига тушунди ва ўзининг ҳам киёфасини ўзгартириш зарурлигини англади.

— Келинг, Қаҳрамон ака!

— Мана келдим.

— Ўтиринг.

— Суратга олишмаяптими?

— Хабарим йўқ.

— Нигора, мендан нима истайсан?

— Ишим судда, озгина ёрдамингиз керак.

— Сени ишинг судда бўлса, нега мени аралаштирасан?

— Пул керак!

— Ҳали түкканинг йўқ-ку!?

— Мен Худонинг ишларига аралашолмайман.

— Бўлмаса кут.

— Қамоқхонада туғаман-ми? Шуни кутайми?

— Нигора, ўзингни бос.

— Бу гапларни хотинингизга гапирасиз. Қизған-чик. Ҳа, айтдим, икки гапнинг бирида хотинингизни

мақтайсиз-у, мени қўйнимга кирасиз. Агар, хотинингизнинг бошига шу савдо тушганда, сўраб ўтирмасдан, қанча пул керак бўлса, топардингиз.

— Энди, бунақасига ўтиб олдингми? Агар бермасам-чи?

— Ана, катта кўча. Ўзлари ундириб олишади, — Нигора шахд билан ётоқхонага кириб кетди. Қаҳрамон алам билан сигарет тутатаркан, туришга мажоли йўқ эди. Агар бу ишни ўз вақтида босди-босди қилмаса, охир ёмон оқибатларга бориб тақалишига энди-энди кўзи етаётганди.

Бу ишларда Нигорадан ташқари яна бир қанча одамнинг қўли борлиги аста-секинлик билан аён бўлаётганди.

* * *

Гулбахор эрининг кайфиятидаги ўзгаришларни сезмай қолмади. Сезгани сари қалбидағи титроқ кучаярди: “Нима бўляпти? Бизлар ажрашяпмизми? Йўқ, йўқ, мен Қаҳрамон акамсиз яшолмайман. У киши мени ташлаб кетишиларидан олдин, мени ўлдириб кетсинлар. У киши наҳотки бошқа одамга уйланяпти..?”

* * *

Қаҳрамон тузокқа тушиб қолганини сезди. Кўзини бир нуқтага тикиб ўтирад экан, хотини “Моҳинур”ни қаерга яшириб қўйганлигини ўйларди. Бу балолардан тезроқ кутулмаса, ишлар чигаллашиб кетиши мумкин. Оқибати хунук тугаши ва ҳаётидаги бу қора доғларни умрининг охиригача қон билан ҳам ювиб кетқизолмаслиги мумкин. Қаҳрамоннинг баданида даҳшатли бир титроқ турди. Ичи шувуллаб, ўрнидан кўзғаларкан, телефон жарангидан бир чўчиб тушди.

— Йўлдошев, бу ёққа бир қаранг!

Қаҳрамон, ташкилот раҳбари Раҳматилла Адҳа-



мовнинг хонасига етиб боргунча, нохуш ҳодисанинг фалокатини сезиб, зўрға қадам ташларди.

— Хатни ўқиб чиқинг-да бу ишхонадан кўч-кўронингизни кўтариб, даф бўлинг.

— Нега, Раҳматилла Адҳамович!

— Негалиги хатда ёзиб кўйилибди. Мана бу кассетада эса, ифлос қилиқларингиз тасвирга олинган. Мен, Сиздай ҳодимни, бу ишхонада бир дақиқа ҳам ушлаб туролмайман.

— Қани, кўрсак бўладими?

Раҳматилла Адҳамович видеомагнитофонни ёқди.

Кадрда Нигоранинг ётоқхонаси. Нигора ва Қахрамон бир-бирларини қучоқлаб, айш-ишрат қилишяпти:

“Нигора, Сиз тенги йўқ аёлсиз. Эҳтиросларингиз мени сел қилиб юборди. Эркатойим. Оҳ, менинг гўзал тўтиқушим.

— Мен, сиздақасини ҳеч кўрмаганман. Оҳ, бир томчи сувдай, вужудингизга сингиб кетсайдим...

— Ўзининг розилиги кўриниб турибди-ку, Раҳматилла Адҳамович!

— Норозилик хати, мана!

— Қахрамон шоша-пиша хатни ўқий бошлади.

“Хурматли Раҳматилла Адҳамович!

Биламан, Сиз бошқараётган ташкилот ҳар томонлама баобрў корхоналардан бири хисобланади. Лекин, ишга қаттиқ берилиб кетганингизданми, ҳодимларингизнинг маънавий томонларига эътибор бермай кўйган кўринасиз. Мен эса, бир ожиза аёл сифатида директорларингиздан бири Қахрамон Йўлдошевнинг хурмача қилиқлари ҳақида сизни озгина хабардор қилиб кўймоқчи эдим. Кейинги пайтларда у ўзининг пули қўплиги, қинғир йўллар билан мўмай даромаднинг бошини тутганлиги ҳақида гапириб, мен содда қизнинг бошини айлантириди-ю, ўзига ўйнаш қилиб олди. Ёлғон ваъдалар берди. Мен шўрлик эса унинг домига тушиб, индамай юраверибман.

Кейин билсам, бу ҳаммаси фирт ёлғон экан. Нима қиласай, умрим, ёшлигим, номусим ҳазон бўлди. Лоақал ўша ваъда қилинган нарсаларнинг ўндан бирини берганида ҳам мен бу хатни ёзиб, сизнинг марҳаматли

эътиборингизни чалғитмаган, ўзим ҳам тинчгина ўз йўлимда кетган бўлардим. Ахир у ўз оиласидан баҳтини тополмаётган экан, айб мендами? Балки, ўзини даволатса, мени ҳам хўрлашларига чек қўйиларди.

Сиздан меҳр ва шафқат истаб, бундай хатларни бошқа идораларга ҳам ёзиб, нажот сўрамаслигимга имкон яратасиз деган умидда мушфиқа синглингиз.

Нигора Болтаева.

Манзил: Тошкент шаҳар, Бодомзор маҳалласи".

— Аризани, котибага қолдиринг!

Қаҳрамон ўрнидан турди.

* * *

Гулбахар Қаҳрамон ишга кетгач, уйни яна бир бор супуриб-сидиришга тушди. Кейинги кунлар Қаҳрамонда рўй берәётган қаттиқ ўзгаришни, саросимани, уйқусизлик, камгапликни, кечалари алаҳсираф чиқишини ўйлаб, ўзининг ҳам юраги сиқиладиган бўлиб қолди. Нима қилишга хайрон эди. Қаҳрамон қийинчиликларни ёлғиз ўзи кўтаришга ўрганган, дардини ҳаммага дастурхон қиладиганлар хилидан эмасди. Ҳатто Гулбахор ҳам Қаҳрамоннинг ичини ҳар доим ҳам билавермасди. Эшик қўнғирори жиринглади. Остонада Тохирнинг синглиси турарди.

— Кеннойи, мана буни бериб юборишиди.

— Нима экан?

— Билмадим. Яхши қолинг!

Гулбахор хатни ўқий бошлиди:

“Азизим Гулбахор опа!

Мен бу хатни ёзишдан олдин қанчалик истиҳола қилганимни тасаввурингизга сиёдиролмайсиз. Лекин, нима қиласай, мажбурман. Мени бундай қалтис йўл тутишимга Қаҳрамон аканинг инсон зотига нолойик, қабиҳ қиликлари, сабримдан ортиқ даражадаги хўрлашлари мажбур этди. Дастреб у, туғиб берасан деб узоқ вакт зўрлади. Орадан тўрт-беш ой ўтди ҳамки, фарзанд бўлмагач, тутиб олиб қаттиқ урадиган, ҳақоратлайдиган бўлиб қолди. Мен нима, у кишининг никоҳидаги хотиниманми ёки Худонинг сирини биладиган шаккок бандасиманми, тур деса дарров туғиб бераверадиган.

Гулбаҳор опа, эрингизни йиғиб олинг!

Илоё, Худованди карим оиласында бир неча фарзандлар ато қилсан!

Гулбаҳор опа, Қаҳрамон ака менга бир нарса вайда қилувдилар, шуни эслатиб қўйсангиз, кифоя.

Умид билан Нигора."

Гулбаҳор даҳшатдан қотиб қолди. Бир оздан сўнг эс-хушини йиғиб олдида, кассетани видеомагнитофонга солди.

— "Мен сизга ранг-рўйи, қуйиб қўйгандай ўзингиз бўлган ўғил туғиб бераман!"

— Асалим, нима қилай, ичингизга кириб кетайми?

— Вой, олов бўлиб ёнаяпман, вой, вой, жоним"

Гулбаҳор видеомагнитофонни ўчириди.

* * *

Қаҳрамон ўша куни, "ўз хоҳишига кўра" ишдан бўшааш тўғрисида аризани ёэди-ю, чурк этмай, ишхонадан чиқиб кетди. Кўчада тентираబ юаркан, бир ўртоғини кўриб қолди. Кафеда юзграмм, юз граммдан олишди. Қаҳрамоннинг уйга боришга юраги бетламасди. Шунинг учун ўртоғи уйга таклиф қилганда, кўп қисталанг қилиб ўтирумади. Уйга киаркан, кроватда ётган одамга дуч келишди. Унинг бир қўл, бир оёғи ишламасди.

— Дадамлар бўладилар — деди ўртоғи.

— Салом, отахон — деди Қаҳрамон.

— Салом! Хуш келибсизлар! Қани ўтиринглар.

— Илоҳи омин! Уйларинг тинчми, болам.

— Худога шукур!

— Нима бўлди, болам. Кўй, юрагингни кўп сикма. Кўриб турибман, жуда қаттиқ тушкунликка тушгансан. Олти йил аввал, мени ишдан ҳайдашганида, юрагим сиқилиб, бир ойдан сўнг фалаж бўлиб қолдим. Ичкилик мени расво қилди. Сен менинг бу ахволимга тушмай десанг, ўзингни қўлга ол. Худодан истиғфор сўра. Беш вақт номозни канда қилма! Ҳалоллик, поклик кишини ҳамиша улуғлайди. Бундай тушкунликлар бир кунмас бир кун сени майиб қилиб қўяди.

— Отажон, ҳамма ишларим жойида. Узр, мен борай.

Қаҳрамон уйдан чиқиб кетди. Соат тунги ўн иккилар бўлиб қолганди. Ишхонага келган хат ва кассета Гулбаҳорга ҳам текканмикан? Агар теккан бўлса...

Қаҳрамон бор журъатини йигиб, телефон будкасидан ўз уйининг рақамларини тера бошлади.

— Ха, Гулбаҳор, қандайсан?

— Яхши, ўзингиз қаерларда юрибсиз?

— Бир иштим чиқиб қолувди, бугун боролмайман, шекилли.

— Нигоранинг ёнидамисиз?

— Ким у Нигора?

— Сизга ҳаром-ҳариш бўлса ҳам бола тувиб бериш керак бўлган аёл-да.

— Ундин дема, бу ҳаммаси ёлон.

— Бу ҳаммаси рост. Энди мен бу уйдан кетаман. Лекин кетишдан олдин Нигорани ўлдириб кетаман. Чунки сиз мени унинг қўллари билан ўлдириб бўлдингиз. Менинг буткул ҳаётим, сизга бўлган ихлосим, муҳаббатим куйиб кетди. Мен энди алданган, абтор бўлган, ташландиқ одамман. Агар менинг жасадимни бирон ердан топиб олсангиз сиздан илтимос, мени кўмар чоғларида устимга тупроқ тапламанг...

— Гулбаҳор...

Гўшакдан “ту-ту-ту” деган овоз эшитилди. Қаҳрамон шахд билан уйи томонга ошиқди.

У уйига етиб келганида эшик ланг очиқ турар, чироклар ўчирилмаган, хоргин сукунат хукмрон эди.

— Гулбаҳор...

Ҳайҳотдай хоналардан хеч қандай садо чиқмади.

Қаҳрамон эшикни қулфлашни ҳам унугиб, кўчага отилди. Гулбаҳор қаерда бўлиши мумкин? Уйидами? Ёки Нигорани излаб юрибдими? Кимникига борипши мумкин? Қаҳрамон беихтиёр Нигораникига қараб юрди. Фазаб ва қасос туйғуси уни кўзлари кўр, қулоклари кар баттолга айлантирганди.

Нигора эса бу пайтда Тоҳирнинг қучоғида айшу ишрат суриб ётарди.

Тоҳир Нигоранинг соchlарини силаркан майинлигидан завқланарди.

— Нигор, сен нима деб ўйлайсан, хатимиз күнгилдагидек таъсир қилдимикин?

— Ҳаммаёқни остин-устин қилиб юборгандир! Лекин бу ишни бекор қилдик. Мана сиз ҳам, мен билан ётиб сиз-ку, бунинг нимаси жиноят экан?

— Ахир, мен сендан ҳеч нарса талаб қилаётганим йўқ!

— У ҳам талаб қилгани йўқ эди. Ҳаётда ота бўлишни орэу қилганидан айтувди. Қолаверса, мен ҳам қачондир, кимдан бўлса ҳам битта бола орттириб олишим керак-ку!

— Олмосни олайлик, ортингдан юзтаси югуради.

Шу пайт эшик кўнғироғи устма-уст жиринглади. Тоҳир ва Нигора ўринларидан сапчиб туришаркан, ташвиш ва хавотирдан дарак берувчи бу устма-уст чинқириқлар ҳар иккисини ҳам бирдан хушёр тортишга ундади:

Нигора югуриб бориб эшикни очди. Қахрамон шаҳд билан кириб келди.

— Гулбаҳор қани, манжалаки?

— Билмайман.

— Билмасанг билиб кўй. Сен туфайли у ҳозир ҳеч жойда йўқ.

Гапга Тоҳир аралашибди:

— Хой, хой, кекирдагингни чўэма. Аввал товонни тўлаб кўй.

Кейин сен билан гаплашамиз. Мабодо хотинингни йўқотиб қўйган бўлсанг, уни бу ердан излама. Хотининг Нигорадан эмас, сендан ўч олсин. Балки у бирор ҳилват гўшада сендан ўч олиш учун ўзини бозорга солиб ўтиргандир.

— Ифлос Тоҳир, билиб кўй, бировга чоҳ қазисанг, ўзинг тушасан.

— Тўғри, сен чоҳ қазигандинг, ўзинг тушдинг. Нигорани қийнаганларнинг, жазоси шу. Агар тонг отгунча олмосни келтириб бермасанг, учинчи кассета органга қараб йўл олади.

— Майли, ҳозир сенга келтириб бераман! — Қахрамон тисарилиб Тоҳирнинг юзига мушт туширди. Тўсатдан берилган зарбадан эсанкираб қолган Тоҳир ҳали ўзини ўнгламай корнидан тепки еб, букчайиб

колди. Кейин чирт бурилиб, Қаҳрамоннинг кўкрагига тепди. Ур-йиқит бошланди. Тоҳир кучли эди. Охир оқибат Қаҳрамонни тепиб йиқитди-да, стол устидаги темир вилкани Қаҳрамоннинг кўкрагига санчди.

- Аблаҳ, энди сени ўлдираман! Олмос қани!
- Ҳозир келтириб бераман. Нариги дунёга олиб кетасан!
- Сенга айтаяпман, олмос қани!?
- Мен сени ўлдираман! — Қаҳрамон ўрнидан турмоқчи бўлди.

Унинг кўкрагидан қон окарди.

— Ҳозир, бўғзингга тиқаман, хириллаб ўласан! Сени хотинимнинг устида ушлаб олиб ўлдиридим дейман. Мана кассета, ашёвий далил тайёр. Нариги дунёга бадном бўлиб кетасан, зўравон.

Тоҳир вилкани Қаҳрамоннинг бўғзига тиқаётганди, бошига тушган зарбдан, ағдарилиб тушди. Қаҳрамоннинг кўз олдида бир қўлида катта шиша кулдон ушлаб турган важоҳатли Нигора пайдо бўлди.

— Туриңг, Қаҳрамон aka!

Қаҳрамон ўрнидан кўзғоларкан, букчайиб Тоҳирнинг биқинига тепди. Унинг бошидан шариллаб қон оқаётганди. Қаҳрамон гандираклаб уч-тўрт қадам ташлади-да, оғриқдан кўкрагини чанглаб диванга йикилди. Нигора, "тез ёрдам"га қўнғироқ қила бошлиди. Орадан хиёл вақт ўтмай "тез ёрдам" машинаси етиб келди. Ҳамширалар bemорларни замбилга ортаркан, қаттиқ жанжал бўлганини пайкашди. Бу ҳақда милицияга хабар беришмоқчи эди, Нигора бир даста пулни ҳамширанинг чўнтағига солди. Шифохонага етгач, ҳамшира ҳар икки bemорнинг қон бўлиб ётган кийимларини Нигорага бериб юборди. Қаҳрамоннинг ён чўнтағида эса бир неча кундан бери, ишни тинчилиш учун солиб юрган "Моҳинур" олмоси бор эди.

* * *

Ўша куни Гулбаҳор ҳали катта йўлга етмай қорнида қаттиқ санчик турганидан букчайиб қолди. Автобус бекатидаги ўриндиқда бир соатларга яқин икки букилиб ўтиаркан, оғриқ зўрлигидан додлаб юбор-

масликка ҳаракат қилиб, күчада ўтаётган машиналарга қўл кўтарди.

— Илтимос, шу яқин орадаги бирор касалхонага элтиб ташланг. Оғриққа чидолмаяпман.

* * *

Орадан бир ҳафта ўтди. Шу вакт ичида Қахрамон адойи-тамом бўлди. Озиб, кўзлари киртайиб қолди. Сочларига оқ тушди. Соқоллари ўсиб, ранг-рўйига караб бўлмасди. Кон унинг ичига ҳам кетганди. Ёнмаён ётганлари учун Тоҳирнинг ҳам аҳволи яхши эмаслигини биларди. Ўлим шарпаси ҳар икки рақибни дўстга, хеч бўлмаганда ҳамдард шерикларга айлантирганди. Гоҳида бир-бирларининг холидан хабар олиб, бир-бирларига ёрдам кўлини чўзишарди. Бир ҳафтадирки, Нигорадан ҳам хеч қандай хабар йўқ эди. Қахрамон уйига, ёр-биродарларига хабар беришга қарор қилди. У Гулбахорнинг қаердалигини билмоқчи эди. Уйида хеч ким кўнғирокни кўтартмасди. Ишхонасидан Нигорани сўраган эди, чет элга кетди, дейишди. Қахрамон, олмосдан бутунлай айрилганини тушунди. Нигора унинг ҳаётини сақлаб қолганлиги учун бунга ачинмади ҳам. Вақти келиб, ўзи ҳам орани очиқ қилиш учун "Моҳинур"ни Нигорага бермоқчи эди. Майли, келган бало у билан кетсин.

Қахрамон ойисига кўнғироқ қила бошлади.

- Ҳа, ўғлим қаерда юрибсан?
- Сафарда эдим, ойи.
- Хотининг касалхонада эканидан хабаринг борми?
- Йўқ, Қайси шифохонада?
- Эски ТошМида.
- И-е... — Қахрамон, мен ҳам шу ердаман-ку,— демоқчи эди, тилини зўрра тийиб қолди. — Мен уни излаб топай-чи, кейин кўнғироқлашамиз, ойи.
- Бугунок боракол!

* * *

Гулбахор Қахрамондан хеч қандай дарак йўклигидан ҳайрон эди. Аммо унга нисбатан нафрати шу

қадар кучли эди-ки, эсласа, ҳали – ҳануз бўғриқиб кетарди.

“Наҳотки у Нигора билан кетган бўлса? Наҳотки муҳаббатимизни шу қадар поймол қилиб, мени шунча йиллардан бўён алдаб келаётган бўлса. Мен тентак у кишини шу қадар яхши кўрибманки, ҳатто орамизда фарзанд йўқлиги кўзимга кўринмабди. Наҳотки севгисиз, мол қатори яшаб, фарзанд кўриш мумкин. Наҳотки, ундан туғилган болани, ўз болам деб, ўстирмоқчи? У бола улғайиб ким бўлади. Наҳотки уни фарзандим дейишдан ор қилмайди. Мана, дўхтирлар бўйингда икки ойлик чақалоқ бор деб айтишиди-ку. Энди мен бу фарзандни нима қиласман. Бу фарзанд туғилган тақдирда ҳам, Қаҳрамон акамсиз, ҳеч қачон баҳтли бўлолмайман. Ёки, туғмаганим афзалмикин? Ахир Қаҳрамон ота бўлишга, менга эр бўлишга энди нолойиқ, хиёнаткор, абллаҳ-ку. Эй Худо, бу кунларни кўргандан ўлтганим яхши эмасмиди. Ўша муҳаббатга лиммо-лим кунларда ўлиб кетсан бўлмасмиди!

Наҳотки энди Қаҳрамон акам қайтиб келмаса?

Балки дўхтирлар берган дориларнинг ҳаммасини бира-тўла ютиб юборсам, ўлиб қоларман. Ана ундан кейин менинг қадримга етишади”. Гулбаҳор кафтига дориларни тўлдира бошлади.

* * *

Қаҳрамон ниҳоят Гулбаҳорни излаб топди. Шифохона бўлинмасига базўр кирав экан, юраги ҳаприкиб, бир нафас тўхтаб қолди. Ҳали ўзи бутунлай тузалмагани учун, боши гир-тир айланарди. Колаверса, Гулбаҳорнинг кўзига ҳам қандай кўриниши билмасди. Қилган ишлари учун, Гулбаҳорнинг олдидағи қилмишлиари учун ўзини кечиролмасди. Эшикни очиб, биринчи қадамни ташлагандаёқ тўхтаб қолди. Гулбаҳор ҳам, Қаҳрамонни кўриб, бирдан эсанкиради, унинг эгнидаги шифохона кийимларига қараб, ҳайрон бўлди, сўнгра юзини тескари бурди. Қаҳрамон титроқ овозда:

— Мени кечир, Гулбаҳор — деди.

Қаердандир бутун аъзойи – баданини камраб олган ғазаб ва нафрат Гулбаҳорнинг аламларини тилига олиб чиқди:

— Кечирмайман, ифлос!

Шу пайт нимадир гурс этди. Гулбахор ўгирилиб қараган эди, ерда ётган Қаҳрамонни күрди. Гулбахор у томонга шошилиб энгашар экан, қўлидаги бир кафтдори ҳар тарафга сочилиб кетди.

* * *

Хотима ўрнида қўшиқ

Йўқ жойлардан босиб келди ташвиш, ғамлар,
Ортта кетди, биз ташлаган ҳар қадамлар.
Ишқ туфайли эди бари дард — аламлар,
Бу дамларга рози бўлдим сенинг учун.

Дунё — бархақ, не кўйларга кўнажакмиз,
Бизлар киммиз, ўчиришса сўнажакмиз.
Ишқ ҳам тугар, колса агар келажаксиз,
Аммо севгинг рух берди минг йилдан узун.

Ер юзида гар муҳаббат яшар экан,
Кечиришар шояд бирор, биздай севган.
Бу дунёга барча севиш учун келган,
Севмаганлар ҳеч бўлмасин биздан устун.



ШОИР

Ҳикоя

У пайтда Университетни битирганимга эндиғина икки йил бўлганди. Зах ва тор ижара уйда, тунлар босинқираб, кундузлари мукка тушиб, ҳеч ким тушунмас савдойи шеърлар алангасида яшардим. Нашрига берсам, чоп этишмас, ижарачи кампир ачинганидан бир бурда нон ва яна у — бу егулик ташлаб кетар, талабалик даври, ўқиши битиргач адабий жамоа таҳтига ўтирамиз деган иддаомиз, пуч ва хардамхаёл орзуларга айланадигани сира тинчлик бермасди. Попугум пасайиб қолган кунларнинг бирида, “Жўжанинг иқболи бўлса, товуқнинг эмчаги бўларди” деган нақлни такрорлаганча “Адабиёт” газетасига иш излаб бордим.

— Бизга шоир эмас, газетага қизиқ мақола ёзадиган журналист керак! — деди Бош муҳаррир. “Нўнок мерган оқсоқ қуён излар” — дедим ичимда шоирларни камситганидан ёзғириб. Лекин тақдирга тан бериш керак эди.

Ўша пайтда ғаройиб қобилиятли ёш шоир ҳақидаги миш-мишлар қулоғимга чалинганди. “Адабиёт” газетаси бўлганлиги, қолаверса, шоирлар бир қавм хисоблангани боис, зўр мақола ёзаман дедим-да, сўнгги чақаларимни йигиб, ўша боланинг олис қишлоғига йўл олдим ва излаб топдим. Унинг бўйи узун, қўллари ингичка ва оппоқ юзидан таъби ниҳоятда нозиклиги кўриниб турарди.

— Ўғлимни етти ёшигача елкамдан туширмаганман, — деди отаси. Ҳозир ҳам деярли ҳеч ким билан ўйнамайди.

— Ўқишлиаринг яхшими? — дедим, кўришганимиздан бери жим турган болага — Баҳо оласанми?

— Ҳаммаси беш. Сира тўрт олмаган — деди отаси.

- Ҳамма фанданми?
- Дарсликларни бошдан охир ёд билади-ю,— деди яна отаси. — Ундан ташқари түртта тилда бемалол гаплашади.
- Зеҳнинг ўткир экан — дедим болага караб. — Яна нималарни ёдлагансан?
- Навоийни, Яссавийни, Сўфи Оллоёрнинг мингдан ортиқ ғазалини ёд билади. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовдан сўраганингизни айтиб беради — деди отаси.
- Ўзинг ҳам ёзасанми? — дедим, отасига сиз жим туриңг ишорасини кўрсатиб.
- Ха. Мингга яқин шеър, қасида, достонларим бор — деди бола мулойим ва хокисорона.
- Кани ўқигин-чи — дедим, бир сандик тилла топиб олган факирдай.

У кўзларини бир нуктага тикиб, қироат билан ўқий бошлади. Унинг шеъри жуда узун, тоҳ XV аср назмига ўхшаб кетар, тоҳ афсонавий, тоҳ қуйма, тоҳ тушунарли, тоҳ англаб бўлмас, лекин бир нарса аён эди-ки, шунчаки оддий, таҳрир қилиб, “оёғини осмон”-дан қилиб ташлаш мумкин бўлмаган сатрлар эди-ки, илоҳий илҳом билан ёзилганлигига шубҳам қолмаган, шеъриятимизнинг янги султони туғилганига гувоҳ бўлиб тургандим. Илло, унинг исми Фанишер эди. Ўзим у-бу нарсаларни қоралаб юрганим туфайли, шеърнинг қуиилиб келишига ишонар, бундай воқеа, хаётимда бор-йўғи бир мартагина бўлган, мен ҳам, ўн тўрт ёшимда, тунда шеър ёзиб ўтириб, миямга ёпирилиб келаётган туйғулар, сўзлар, фикрлар алангасида қора терга тушиб, кўркувдан қалт-қалт титраганча, ховлига югуриб чикканман. Кейин онам уйғониб қолиб, бошимдан совуқ сув қуйган. Бу холат бошқа хеч қачон такрорланмаган. Мени, “шоирлигим ўша куни тарк этди ва қайтиб келмаяпти,” — деган хулоса доимо қийнарди. Фанишернинг шеърлари, ўшандай илоҳий илҳом хуруж қилганда, шеърий оқимни бошқара олган ва юраги “минг тонна юқ”ни кўтара оладиган шоир дунёга келганидан шаҳодат берарди.

- Шеърни қандай ёзасан? — дедим ҳайратланиб.
- Шеър ёзишдан олдин, ярим соат ухлайман.

Кейин ўзи куиилиб келаверади. Гоҳида тўхтамай ёзганимдан бармоқларим оғрийди. Улгурсам бўлди.

— Устозинг борми?

— Ха, Отам — устозим. Отам адабиёт ўқитувчиси.

Китобларни у киши танлаб ёдлатганлар. Хат саводим уч тўрт ёшимда чикқан. Етти ёшимда “Ҳамса”ни ёд билардим.

— Ҳозир иккита шеър бераман. Қанча вактдан сўнг ёд айтиб берасан.

— Бир марта ўқиб, ўн беш дақиқа мизғишим керак. Ўйғонганимда ёдлаган бўламан.

Мен унга ҳеч жойда босилмаган иккита шеър тутказдим. Фанишер уларни икки бора ўқиб чиқди-да, бир зум кўзларини юмди. Гапга яна отаси аралашди:

— Ўғлим билан фахрланаман. Бутун туманимизда, вилоятда обрўйи баланд. Жуда кўп тўйларга, йиғинларга таклиф қилинади. Туман газеталарида шеърлари қайта-қайта босилиб чиққан.

— Энди марказий газеталарда ҳам босишади — дедим ишонч билан.

Орадан ўн беш дақиқа ўтиб, Фанишер шеърларни қайтиб берди ва ҳар иккисини ҳам ёд айтди. Мен қойил қолганимни билдириб, жилмайдим. Хайрлашув олдидан бирга чой ичдик. Отаси мендан кўра Фанишерга кўпроқ меҳрибонлик қилди. Худди у меҳмондай эди. Ҳатто, нонларнинг юмшоқ жойини олиб, оғизига тутиб турар, косадаги шўрвани ҳам пуфлаб ичирарди.

Газета Фанишер ҳақидаги мақоламни босиб чиқарди-ю, лекин мени барибир ишга олмади.

Орадан ўн йиллар ўтиб, йўлим тушганда, Фанишерларнига бирровга кирдим. Аҳвол мутлақо ўзгарган эди. Фанишернинг отаси кўрпа — тўшак қилиб ётиб олган, онаси молхонада ғимирсисиб юрар, ҳовлида ҳеч ким кўринмас, ёлғиз фарзанд Фанишер эса чет элга ўқишига кетганди. Беморнинг оғриқларга чорасиз чидаб ётганидан яқин орада дори-дармон сотиб олмаганилиги, аҳвол ниҳоятда танглиги кўриниб турарди.

— Аҳволингиздан Фанишернинг хабари борми —

дедим, худди унинг ярасига тегиб кетадигандай чўчин-кираб.

— Ха, телефон қилувдим. Бир келиб кет десам, вақтим йўқ, — деди.

— Пул сўрамадингизми?

— Пули йўқ экан. Ўлимим яқин, ўзингни бир кўрай десам, унамади.

— Нима дейди?

— Ўлим Оллоҳнинг иродаси. Ҳаммамиз ҳам ўламиз.

Қиёматда юз кўришгунча мендан рози бўлинг, дейди.

— Телефонлари борми?

— Бор. Ана токчада.

Ўшанда телефон рақамларини ёзиб олганди-му, лекин Мисрга бормаганимда, Фанишер билан кўришиш хаёлимга келмасди. Менда унга нисбатан нафрат туйғуси шу қадар кучли эди-ки, тутқичсиз жирканишга айланганди. Эшлишимга қараганда, мактабни битиргач, уни Кохирадаги “Ал-Азҳар” университетига олиб кетишган, у ерда икки йил ўқигач, университетдан ҳайдалган, яна Андижонга қайтиб келган, кейин Дубайга кетган, ўша ерда бир бойвачча араб аёлининг уйига хизматкор бўлиб ишга ёлланган, юқори маош эвазига, “ишқий муносабатларда шахсий гумашта”га айланган, экан.

Миср сафари ҳар қанча ранг-баранг бўлмасин, бир ҳафтада ниҳоятда зерикдим. Шунча арабнинг ичида битта ўзбек чиқармикин, деб кўнглим ҳар тарафга илҳақ бўлди. Бекорчиликдан Фанишерга телефон қила бошладим. Ва ниҳоят икки кунлик оворагарчиликдан сўнг, телефоннинг нариги томонидан унинг овози кела бошлади:

— Ха, биламан, эслайман.

— Қандайсиз, соғлигингиз яхшими?

— Яхши.

— Кўришмаймизми, мен Кохирадаги “Шератон” меҳмонхонасидаман.

— Узоғ-у! Дубай анча олисда.

— Отангни кўрувдим. Салом айтиб юборди. Андижонга қайтмайсанми?

- Билмадим. Ҳозирча режада йўқ.
- Шеър ёзяпсанми?
- Йўқ. У ишларни ташлаб юборганман. Сиз келинг, бир майшат қиласиз.
- Қанақа майшат?
- Сиз унақасини кўрмагансиз!
- Отанг ўлим тўшагида ётганидан хабаринг борми?
- Ҳаммамиз ҳам ўламиз. Сиз яхиси келинг, ҳақиқий ҳаёт нималигини кўрсатай. Шоҳона айш-ишрат, кайф-сафо, бахту-саодат нимадан иборатлигини кўрсатай. Аҳмоқона ҳаётда сизга нима бор? Эрта-ю кеч эшакдай ишлайсиз. Севги ҳақида шеърлар ёзасиз. У қуруқ гаплар — бир тийин. Бу ерда мен кўрган ҳаёт олдида, бари бир чақа. Отам ўлса, мен ҳам кўшилиб ўлайми?
- Бўлмаса, отангни ҳам олиб кел. Давола. Яхши яшашни ўргат.
- Отам бу ҳаётга ҳеч қачон кўникмайди. Бу ерда яшолмайди. Бу ерда бари бошқача.
- Нима ҳам дердим. Ҳўп майли, хайр. Сендаги иқтидорнинг сўнганидан афсусдаман. Сендан катта кашфиётлар кутгандим, оламшумул шоир бўлишингни истагандим.
- Шеърият, бир пуллик нарса. Уйдирма, ёлғон ва сароб ҳаёлотдан иборат алаҳсираш. Қизларнинг орқасидан шеър ёзиб, югуриб юриш, шармандаликка олиб келмайди-ми? Сўнг, мана шу бехаё сафсатани ҳаммага тарғиб қилиш қайси виждонга тўғри келади?
- Сен шеъриятни тубан карич билан ўлчама. Бу ерда қирқقا кирган бойвучча хотинга пойи-патак бўлиб яшаш мана бу — иснод.
- Бу менинг ҳаётим. Ичимда нима борлигини бир Худо билади, бир мен. Сиз хукм чиқарманг.

Унинг сўнгги сўзи менга қаттиқ таъсир қилди. Узр сўраганча гўшакни қўйдим. Унга озор бердим-микан дея, кўнглимни ғашлик эгаллади.

Кохира — Нил дарёси бўйида жойлашган, беш минг ёшли, қадимий шаҳар. Ҳавоси иссиқ ва қуруқ. Чанг-тўзон ва кўчаларга итқитилган чиқиндиларнинг ҳиди димоғни ёради. Кун бўйи шаҳар айландим. Бу

ерда ёзувчи, Нобель мукофоти лауреати Нажиб Махфуз яшайди. Айтишларича, оламшумул шұхратта зға бу қария, гарчанд китoblари дүнёнинг барча мамлекатларидан чоп этилган бўлса-да, ҳатто уруш йиллари ҳам, доимий равишда ушбу шаҳарда яшаб келган, умрида бирон марта ҳатто сафарга ҳам чиқмаган экан. Мен у зотни зиёрат қилишга жуда кўп уриниб кўрдим. Ҳатто бу иш билан вазирнинг ўзи ҳам шуғулланди. Лекин бирор натижа чиқмади. Негадир, Фанишер мана шу ерда икки йил ўқиган бўлса, шоир сифатида Нажиб Махфуз билан учрашишга қизиқдимикан деган савол мени ўйлантира бошлади. Балки ўшанда унда Ватан ҳакида ўйлаб кўришга имкон туғиларди. Ватан ҳакида ўйлаб кўриш учун Нажиб Махфуз билан учрашиш шартми?..

Бу ерда ҳар битта араб ўз Ватани ҳакида мағрур гапиради. Улар мени, gox Piрамidalарни кўришга, gox Сфинксни кўришга, gox Ўртаер денгизида чўмилишга таклиф этишарди. Аммо Коҳирадан чиқсан за хотингиз бийдай чўл бошланади, онда-сонда учраб турдиган гўзал хурмо дараҳтларини айтмаганда, бир дона гиёҳни топиш амри-маҳол. Ахир бир дона кўчат ўстириш учун, тагига уч йил тинимсиз равишда сув қуиб туриш керак.

Йўлларда ҳар қадамда постлар ўрнатилган, ҳужжатларни текширишар, ярим соатлаб ушлаб туришарди. Мисрда, доимий равишда уруш таҳликаси ҳукмрон. Балки шунинг учундир, одамларда ўз Ватанлагига мухаббат туйгуси жуда кучли. Мен эса жуда зериқдим. Уйга қайтгач, биринчи қиласидан ишим, “дом” имнинг тагидаги бир неча йиллардан буён қаронсиз ётган бир парча ерга бир неча хил кўчат ўтказиши ният қилиб кўйдим. Ахир мен уч йиллаб тинимсиз равишда уларнинг тагига сув қуиб турмайман-ку! Бу йил баҳорда сўқиб қўйсам, янаги йил кузда ҳосилга киради.

Колаверса, ким билан бўлса ҳам, ўзбек тилида тўйиб-тўйиб гаплашаман, деган соғинч юрагимни қамраб олганди.

Ўзбекча оҳанг, ўзбекча шева, талаффуз, кочиримлар, касбим сўз бўлгани туфайлими, мени жуда-жуда

соғинтирганди. Ўн беш кун қирғоқда қолган балиқдай, хаётимдан мосуво бўлиб, тамоман ҳолсизлангандим. Сўнгра ҳамма-ҳаммаси шу қадар жонга тегдики, бир соат ичидаги чипталарни алмаштириб, ҳай-ҳайлалашларига қарамай, ортга қайтдим. Хайр Сфинкс, хайр Нефертити, хайр Клеопатра, хайр Луксор, хайр Кизил денгиз, хайр Кохира!

Орадан анча кунлар ўтди. Фанишер ҳақида хеч кимга гапирмадим. Фақат шоир ва ёзувчилардан унинг отасига қандай ёрдам бериш мумкинлиги ҳақида фикр сўрадим. Ёзувчилардан бири бир ўрам пул тутди. Бу ҳимматга яна бир-икки шоир кўшилди. Яна Андижонга қараб йўл олдим. Қамчик довонига эндиғина кор тушганди. Ҳаво совук, тоза, тоғлар худди расмлардагидай гўзал ва ўта муҳташам эди. Киши қараб тўймасди. Яна ўша қачонлардир ғуж-ғуж одамлардан ёрилиб кетай деган, энди хувиллаб, мункиллаб қолган, супурилмай ҳазон босиб ётган уйга кириб келдим. Краватда соқоллари ўғсан, силласи қуриб ҳолсизланган, қимирилмай ётаверганидан ранги униқиб кетган афтода бемор ётарди. Мен у одамга Фанишер ҳақида, Мисрга сафарим ҳақида, хеч нарса демадим. Фақат гап орасида унинг ўзи сўз очди:

— Туш кўрибман. Тушимда одамлар Фанишерга қараб сажда қилишашётган эмиш. Мабодо, вақти келиб, Фанишер билан учрашиб қолсангиз албатта этағини ўлинг, тафов қилинг, таъзимда бўлинг ва менинг ҳам унга сажда қилишимни айтинг.

— Алҳазар. Алҳазар! — дедим, ўрнимдан сапчиб туарар эканман. — Жинни бўлиб қолдингизми?..

У секингина кўзини юмди. Бир оз орқага тисарилганимни сезиб, яна очди: — Агар шундай қилмас экансиз, кетинг бу ердан...

— Зинҳор ундей қилмайман, — дедим ғазаб билан ва хайр-хўши насия қилиб ташқарига отилдим. Фарзандига меҳри отани савдои қилиб қўйганди.

Олиб борган пулларни кўча-кўйдаги тиланчиларга телбаларча улашар эканман, тажанглигимдан хеч нарсани англамас, лўлибаччаларнинг баҳтиёр юзларигина, кўз олдимдан ўтиб туарди.

ХУДОНИ АЛДАБ БҮЛМАЙДИ!

Сүхбат

— Кўпгина хорижий юртларда бўлгансиз. Бу сафарлар Ватан тушунчасини кенгроқ англашингизга рағбатлантирганими?

— Ха. Сув қадри ташналиқда, нон қадри очликда билинади. Яқинда бир дўстим билан Индонезияда бўлдим. Дўстим борган кунимизоқ касал бўлиб колди. Мехмонхонанинг қирқинчи қаватида турибмиз. Дераза тагида юз метрли савоя дарахтлари шовуллайди. Ўн миллион аҳоли яшайдиган Жакарта шахри ястаниб ётибди. Дўстим кун бўйи хонада ётиб дераза пардаларини бир сантиметр ҳам кия очиб ташқарига қарамайди. Уни Хинд океани бўйларига судрайман. Ҳамма чўмилиб ётибди. Баҳри уммон тўлқинлари гувиллаб қирғоққа урилади. У эса оёғи учини ҳам сувга теккизмайди. Бир ҳафтада кўзлари ичига чўқди, ранглари сарғайиб қоқ суяқ бўлиб колди. Юраги ўйноқлади, боши айланади. Ҳовуч-ҳовуч дори ютади, коркилмайди. Нихоят ўн кун деганда Тошкентга кайдик. Қайси шифохонага ётқизсак экан, деб бошим котиб турганди. Дўстим самолёт трапидан туша солиб, қулочларини кенг ёйиб: “Оҳ-ҳоҳ-ҳо-о, мен келдим!” деб ҳайқирса бўладими! Шунда касал одамнинг бир сонияда тузалиб кетганини кўрганман.

Мен бу ерда бироннинг юртини ёмонлаб, ўз юртимизни мақтамоқчи эмасман. Ҳар ким учун ўз Ватани азиз эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бизда, эр одам ўзи учун туғилар, ўз эли учун ўлар, деган гап бор. Топиб айтилган гап. Бу — умуминсоний гап. Ҳамма учун ўз юрти азиз. Ҳозир телефон алоқалари, интернет хабарлари, сунъий йўлдошлар орқали ер юзи аҳолиси бир-бирлари билан тобора мустаҳкам алоқа ўрнатаётган бир пайтда ҳам бу сўз ўз қадрини

йўқотгани йўқ. Албатта, ер шари умумий уйимиз, умумий Ватанимиз. Лекин ўз юрти, ўз эли қадрини билганларгагина дунё эшиклари очилишини унутмаслигимиз лозим.

— Адабиётда-чи?

— Адабиётда ҳам шундай. Маҳаллийчилик ботқоғига ботиб қолсанг, ёзган асарларингни маҳаллангдан нарида ўқишмайди. Лекин инсонга инсон нуқтаи назари билан ёндошсанг, у ҳам инсониятнинг бир бўлаги эканлигини унутмасанг, бизда жаҳон адабиётини севиб ўқишганидай, жаҳонда ҳам ўзбек ёзувчиларининг асарларини севиб ўқийверишади. Маҳаллийчилик мафкураси билан куролланган хавфли ёзувчиларнинг асарлари эса суваракларни мадҳ этувчи заараркурандаликтан бошқа нарсага ярамайди.

— Балки Нью-Йорк ёки Парижда яшаб ижод килинса, ўша ердаги ижодий муҳит, жаҳон адабиёти муҳитига яқинроқдир.

— Ҳатто Ойда яшаб, ижод килинса ҳам, маҳаллийчилик муттаҳамлиги билан заҳарланган ижодкорнинг ёзганлари ўз атрофидан бир кадам ҳам узоқка силжимайди. Нью-Йоркда ҳам, Парижда ҳам минглаб маҳаллий мафкура қобиғига ўралиб қолган ёзувчилар бор. Уларни ўзларидан бошқа ҳеч ким ўқимайди.

— Ўзингизнинг ёзганларингиздан, ҳаётингиздан, ишингиздан қониқасизми?

— Йўқ. Лекин доимо шукrona билан яшайман. Борига қаноат қиласман. Мендан энди ҳеч қачон Айтматов чиқмаслигини ҳам, Вознесенский, Орипов чиқмаслигини ҳам, улар кўтарилиган чўққига ҳеч қачон кўтарила олмаслигимни ҳам биламан. Бўлсам, шу пайтгача бўлардим. Лекин, нега ўшалардай бўлолмадим деб, ўзимни койимайман ҳам. Одам пешонасига битилганини ҳеч қачон ўзгартиромайди. Ҳаётимга келсак, унинг ҳам мен қониқсан ва қониқмаган томонлари кўп. Уларни ҳам ўзгартириш кўлимдан келмайди. Ишимда ҳам шундай. Камчиликларим ҳам, хатоларим ҳам кўп. Лекин доимо шукур қиласман. Нолимайман.

Бундан бир неча йиллар олдин бир вазир тугилган кунига айтиб қолди. Кечкурун ичкилиkbозлилк бўли-

шини билиб бормадим. Эртаси кун эрталаб бир сават гул кўтариб, ишхонасига ўтдим. Вазирнинг боши оғриб турган экан, нолиб қолди:

— Кечака, кечаси учгача ўтирганмиз. Бугун эрталабдан яна ишдамиз. Айтинг, шу ҳам ҳаётми?! Шу ҳам яшашми?! Бемалол дам ололмасанг. Тўйиб ухломасанг?! Тўрт девор ичидаги эртадан-кечгача камалиб ўтиранг?!"

Мен унинг ношукурлигидан ранжиб чиқиб кетдим. Орадан кўп ўтмай, Худо ҳисоб-китобни тўғрилаб қўйди: энди Вазир қайсиdir жамоат ташкилотида ойда бир борувчи маслаҳатчи вазифасини ўтаяпти. Модомики вазир экансан, жонни бериб ишлаш ўрнига, олифталик қилишнинг, ношукурлик қилишнинг нима кераги бор эди?

— Сиз адабиётдаги погонангиз қайси даражадалигини аниқлашга ҳеч харакат қилганимисиз?

— Шеърият ҳам, наср ҳам жуда қизғанчиқ ва бир дақиқа эътиборсиз қолдирсанг, ўч олмай қўймайдиган ўйнашга ўхшайди. Ҳақиқий шоир бўлиш учун бир кунда қирқ саккиз соат шеъриятни ўйлашинг, бир дақиқада минг хил ҳис-туйкуларни назм жиловига сола билишинг ва фақат, ва фақат дунёга шеърият нуқтаи назаридан қарашинг керак. Унга бир дақиқа бўлсин, бошқа кўз билан қарасангиз, тамом, ундан айрилдим деяверинг. Наср ҳам шундай. Мен эса кўпроқ ўзимни яхши кўраман. Шунинг учун адабиёт майдонидаги ўрним, асосий таркибда эмас, захирадаги таркибда деб биламан. Ҳозир кўпроқ бошқалар ўйнаяпти.

— Кўпгина асарларингизда романтик кайфиятни кўраман. Сиз ўзингиз романтикомисиз?! Реал ҳаёт воқеаларини қандай кутиб оласиз?

— Якинда бир аёл гапириб беряпти: — “Машина хайдаб кетаётгандим. Светофорда тўхтадим. Ёнимга яна бир машина келиб тўхтади. Ўгирилиб қарасам, кимдир салом беряпти. Ҳеч эслолмадим. Йўлда кетаётуб, ўйлаб-ўйлаб қарасам, эсимга тушди: — Биринчи эрим экан!” Бундай воқеалар бугунги кунда биргина эмас, кўплаб топилади.

Эрдан-эрга сакраб юриш кайфияти халқимизга мут-

лақо ёт бўлган тушунча. Ўзбек аёли ўзининг садоқати, фидоийлиги билан доимо юксак бўлиб келган. Умуман, Ер юзидағи ҳамма инсонларнинг буюклиги ҳам, садоқати, вафодорлиги, бир умрлик муҳаббати билан ўлчаниб келинган. Мен муҳаббат бир умрлик бўлиши тарафдориман. Уни ҳар куни алмаштириш бу ўша одамнинг тубан кимса эканлигидан далолат. Ҳар кун кимнидир алдаб юриш мумкиндир. Айёр ва маккор, ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган пасткаш бўлиш мумкиндир. Лекин, бу маккорликнинг, бу шафқатсизликнинг жазоси бор. Ҳаммани алдаган тақдирда ҳам, Худони алдаб бўлмайди.

— **Фарбда никоҳ муҳаббатнинг кушандаси дейишиди, бунга қандай қарайсиз?**

— Бу балки ўзининг севгисига қаттиқ ишонганлар учундир.

Лекин мен, ҳар қандай ўзига қаттиқ ишонган одамни ҳам шайтон йўлдан оздира олишини, никоҳсиз оила бир кунмас бир кун барбод бўлишини биламан. Ниқоҳда мўъжизавий қудрат бор. Айтишларича, икки ёшнинг баҳтли никоҳ кечасида, фалакда малоикалар ҳам базму жамшид куришиб, бутун самони шодиёнага тўлдиран экан. Ва бу малоикалар бутун умр эрхотин орасини кўринмас ришталар билан боғлаб турар экан.

Мен бу гапларнинг ҳақиқатлигига ишонаман ва никоҳсиз оилани, у ҳар қанча муҳаббат оташида тобланган бўлса ҳам, тан олмайман.

— **Муҳаббатни 70 ёшда ҳам 18 ёшдагидай таранум эта оласизми?**

— Қанийди шундай бўлса! Муҳаббатни тарқ этиш — шоирликни тарқ этишдир. Муҳаббатни тарқ этиш — хаётдан умидни узишдир. Мен ҳали, менга меҳр кўргазган, менга муҳаббат кўргазган одамларнинг бу қадар оловли сўйишларининг ўндан бирига ҳам жавоб қайтарганим йўқ. Мен уларнинг жонлари титроғидаги эркатойи бўлдим. Мен улар кўзларининг қарорғидаги арзандаси бўлдим. Мен уларнинг кўнгиллари ардоғидаги жигарпораси бўлдим. Мен улардан кўрган Жамолунгма тоғларидан ҳам баланд ҳимматни, Худо умр бериб, бугундан то етмиш ёшимгача бир сония

тўхтамай ҳайкириб айтсам ҳам адо қилолмасам керак. Худодан ҳар куни, одамларнинг менга қилган жаъми яхшиликларини қайтаришим учун, уларнинг менга кўрсатган меҳр-муҳаббатларига яраша меҳр-муҳаббат кўрсатишим учун, фидоийлик кўрсатишим учун, садоқат кўрсатишим учун, улар учун жонимни ҳам аямаслигимни кўрсатиш учун, маънавий қарзларимни узишим учун умр бер, имкон бер, саховат бер дея нола қилиб сўрайман.

Зора, нолаларим етиб борса!

Айтишларича, бўйнида моддий қарзи билан дунёдан кўз юмғанлар, қиёмат куни чалажон ҳолатда тирилтирилиб, сўроқ қилинар экан. Маънавий қарздорлар ҳам мана шундай сўроқ қилинмасайди деб кўркаман.

Илоё, ҳеч ким ҳеч кимдан қарз бўлмай, дунёда беармон яшаб ўтсин. Бу ёруғ оламга бўлган муҳаббатимиз, элимиз, юртимизга бўлган муҳаббатимиз то умримизнинг охиригача бир сония сўнмасин, уни энг авж пардаларда куйлаб юраверайлик, энг сўнгти хужайрамиз ҳам муҳаббат деган шиддат ва шижоатда бўлсин!

— **Бир кўришда севиб қолғанмисиз?**

— **Ха.**

— **Бу қандай бўлган?**

— Кандай бўлганини, нима учун бўлганини билмайман.

Эсимда, эртаси кун эрталаб, “йўқ, йўқ, севмайман” деб йиғлаганман. Кейин, муҳаббат мени ўз ўрнида, бутун ихтиёrimни олиб, сеҳрлаб ташлаган. Талабалар шахарчасида кечаси билан бакириб, ашула айтардим. Сайлгоҳга келиб, саир қилиб юрганларга тинмай шеър ўқирдим. 89-ётоқхона бўларди. Бир кун кечаси, балконда етгинчи этажгача чиқканман. Охири ўша қизга ўзимнинг мардлигимни, жасоратимни кўрсатиб қўйиш учун, кўнгиллилар сафида Афғонистонга кетишимни айтганман. Бу 80-йиллардаги воқеа. Сочларимни олиб, онам билан хайрлашишга борганимдагина олиб қолишган. Умуман олганда, шоир ҳаммани севиб қолиши мумкин, лекин ҳамма ҳам шоир севгисини кўтаролмайди. Шоир, бутун бир денгизни сузиб ўтиб, мен сузишни билмас эканман, деган денгизчига

ўхшайди. Шоир, бутун юрагини машъаладай ёқиб, нега юрагим ёнмаяпти, дея хайрон бўлади. Шоир, севгилисидан бир лаҳза айрилганида, шу бир лаҳзада севгилисини минг бор ўйлайди, минг бор соғинади, ўртанади, оддий ошиқ-маъшуқлар бутун умрлари мобайнинда чекадиган изтиробларни ўша бир лаҳзада бошидан кечиради ва юраги бир сонияда 60 марта эмас, 600 марта уради. Медицина қонун-коидалари ҳам, инсон ақли ҳам, одоб-ахлоқ чегаралари ҳам уни тўхтатиб қолипидан, тадқикот ўтказишдан ожиз. Яшинни ушлаб, тўхтатиб қолиш мумкин бўлмаганидай, севиб турган шоирни ҳеч бир нарса тўхтатиб кололмайди.

— Кўп юртларда бўлгансиз, яна қайси юртларда бўлишни истардингиз?

Ҳакиқатда ҳам жуда кўп диёрларда бўлдим. Тожмаҳални, Озодлик ҳайкалини Эйфель минорасини, Пирамидаларни, Пайғамбаримиз кўтарган байроқни ва яна миллион-миллион одамлар учун муқаддас бўлган жойларни кўрдим. Бормаганим факат Ой қолди. Лекин Ойдан ҳам кўпроқ ва яна қанча-қанча жаннатмакон жойлардан ҳам кўра, мен боришини, аниқроғи қайтишни истаган, орзу килган ва бунинг учун ҳеч нарсани аямайдиган биргина жой, ёшлиқ диёрига, ёшлигим ўлкасига қайтишни истайман. Ҳаёт эса мени тобора кексалик маскани сари етаклаб кетмоқда. Бу нақадар аянчли ва оғриклидир. Бир куни Ява оролида, океан бўйларида ўтирибман, тўлқинлар шиддат билан кирюққа урилади. Мен эса, ҳиссиз ва лоқайдман. Шунда, агар ёшлигимда бу ерларга келганимда, менинг ҳам юрагим худди мана шу тўлқинлардай, кўкрагимга уриларди, хайқиарди дея ўқинганман. Мана ёшлиқ мен учун, нега бу қадар аэзиз, бу қадар кимматли. Мана нега мен учун бошқа диёрларда бўлишдан кўра, ёшлиқ диёрида бўлиш муҳимроқ ва улуғроқ.

— Умуман олганда, келинг сухбатимиз сўнгтида, яна бир бор, сизнинг назарингиздаги Ватан тушун-часига тўхталайлик. Илтимос, яна бир бор ушбу тушунчангизни кенгрок изоҳлаб ўтсангиз!

— Мана ҳозир кўп юртларда бўлгансиз, деяпсиз.

Аниқ айтаманки, ўша юртларда бўлишим, бу мени яхши тележурналист, ёки шоир бўлганим туфайли эмас, умуман олганда жуда кўп санъаткорларнинг, спортчиларнинг, олимларнинг чет элларда бўлиши, бу уларнинг зўрлиги туфайли эмас, балки муҳтарам Президентимизнинг олам миқёсида олиб бораётган оқилона сиёсати дунё жамоатчилигига тан олинаётганидан ва минг йиллик тарихга эга Ватанимизнинг, ота-боболаримизнинг бутун дунёда ўрнатиб кетган агадул-абад шон-шавкатнинг шарофати туфайлидир. Бизни кутиб олаётган чет элликлар, биз буюк бўлганимиз учун эмас, Ватанимиз Ўзбекистон буюк бўлгани учун эҳтиром кўрсатмоқдалар. Ватанимиз номидан бормасак, улар учун сариқ чақачалик қадримиз йўқ. Улар шеърларимизни ҳам, айтган қушиқларимизни ҳам, рингдаги ютуқларимизни ҳам Ўзбекистоннинг олам миқёсида ўсиб бораётган обрўсига қараб юқори баҳолашмоқда.

Шунинг учун ҳар бир ижодкор, ҳар бир тадбиркор, ҳар бир санъаткор, ҳар бир спортчи ва умуман ўз Ватанини севган, ўзини севган ҳар бир инсон ўз меҳнати Ватанидан ташқарида довруғ қозонишини истаса, аввалимбор мана шу буюк Ўзбекистоннинг олам миқёсидаги обрўси олам миқёсида янада ортишини туну-кун Худодан илтижо қилиб сўрамоғи лозим. Бу, тоннинг тепасида турган одам, бўйим баландлиги учун юқорилаб турибман, дея ўйламаслиги керак бўлганидай, исботга хожат бўлмаган аксиомадир.

Суҳбатни Дилбаҳор Худойбердиева олиб борди.

ЗАРНИГОР

Бадиа

Қобул Саланг тоғ тизмаларига жойлашган шахар хисобланади. Бир неча йиллик урушлардан сүнг, вайронага айланган пойтахт ҳаёти аста-секин жонланаётганди. Бу жонланиш барча Шарқ мамлакатларида бўлгани сингари, савдо расталарида, бозорларда бош кўтараётганди. Лекин, кўчалар, бинолар, йўллар шу қадар кўп талофат кўрган, ёндирилган, портлатилган эди-ки, уларга кўз тушган сайин юраклар зир-зир қақшарди. Бу одамлар ҳам инсон сингари яшашга ҳаққи борлиги, лекин айни пайтда инсоний ҳукуқдан маҳрумлiği аянчли оғрик уйғотарди.

Үйлар, иморатлар шунчалик талофат кўрган бўлса, одамлар аҳволи бундан кам бўлмаса керак деган ҳаёл билан, шахардаги энг катта шифохоналардан бирига йўл олдик. Лекин шифохонада одамлар сийрак эди. Факат протез қўл, оёқ ясовчи бўлимгина гавжум эди.

Мен, афғон кизи Зарнигор билан мана шу ерда танишиб қолдим. У чодрага ўраниб турар, фақат кўзларининг гардиши очик, енги хилпираб турганидан, бир кўли ўйқлиги билинарди. У афғон дўстларимиз ёрдамида, ўз бошидан кечирган қуйидаги воқеани гапириб берди:

— Бир куни отам дўконга бориб келишимни буюрди. Кўчада кетаётгандим. Айни пешин эди. Тўсатдан елкамга тушган оғир зарбадан ерга йиқилдим. Оғзи-бурним кон бўлди. Чодрам отилиб кетди. Ўзими尼 ўнглаб қарасам, бир толибон милитини тираб тенамда турибди. — Нега номоз пайти, номоз ўқимай кўчада сандирақлаб юрибсан, деб бақирди. Мен орқага тисарилиб, паранжимни ёнишишга тутиндим. У милитиқ кўндоғини биқинимга тираб, — Ҳозир отиб ташлайман! — деб дағдаға қила бошлади. Мен отам иш буюрганини, уйга қайтиб номоз ўқишимни айтдим.

Бирок ҳеч қачон бу қадар ҳақоратланмаганимдан, оғриқ сүяк-сүягимдан ўтиб кеттанилигидан шу қадар аччирим чиқди-ки, толибон орқага ўгирилган заҳоти, ердан тош олиб, бошига урдим. Бундан, кутуриб кетган толибон, мени аёвсиз дўппослай бошлади, ерга юмалатиб тепди ва қўлимни оёклари остига олиб, миллиқдан ўқ узди. Мен ҳушимдан кетдим.

Ҳушимга келтанимда, бир қўлим ўқ эди.

Отам ҳам, акаларим ҳам бу ҳолдан қаттиқ қайфуришди. Лекин ўша пайтда толибонларга қарши ҳеч ким бош кўтаролмасди. Улар номоз ўқимаганларни шахар ўртасидаги майдонда отиб ташлар, сокол қўйманларни қамчилар, паранжисиз юрган аёлларни тошбўрон қиласди.

Хатто ўн йил, йигирма йил уруш кўрган афюон генераллари ҳам, қаёкларгadir қочиб кетганди. Ко-булда яшовчи уч миллион аҳолининг бир миллиони вилоятларга, нисбатан тинчроқ бўлган жанубий районларга бош олиб кетганди. Мени эса, уч олиш туйғуси тарқ этмасди. Кеча-ю кундуз ўша мени урган "толибон"ни қидира бошладим. Унинг қаҳрли юзи кўз олдимда қаттиқ ўрнашиб қолганди. Уни аввал ҳеч қачон кўрмаган эдим. Паранжи ўраниб, масжидларга, бозорларга, уларнинг ҳарбий ўкув майдонларига борарадим. Ба бир куни уни топиб олдим. Лекин, бу ҳакда ҳеч кимга айтольмасдим. Мабодо, отам ёки акам, у толибонни таниб қолса, уруғлар ўртасида қонли можаролар бошланарди.

Ёшим 19 дан ошиб, уйимизга Маъсуд деган йигитдан совчи кела бошлади. Албатта, бир қўли ўқ қизни ҳамма ҳам келин килишни истайвермайди. Лекин мен Маъсуд билан биринчи учрашувдаёқ, ҳали у билан икки оғиз сўзлашмаёқ, хатто унинг туриш-турмушига тўла разм солмаёқ, ўз шартимни айтдим: — Агар, менга уйланмокчи бўлсангиз, розилигимни олмокчи бўлсангиз, мени хўрлаган, мажрух этган ўша толибондан ўч олишимиз керак, унинг уйини портлатамиз — дедим. Бу



албатта жуда оғир синов эди. Маъсуд менинг кўзларимга жуда узоқ термулди. Менинг кўзларимдан эса дув-дув ёш тўкиларди. Мен ортиқ гапиролмас эдим. Орадан қанчадир вакт ўтиб, кўзларимни унга тикиб караганимда, қаршимда мен учун жонини фидо қилишга тайёр йигит турганлигини кўрдим ва бўлган воқеанинг ҳаммасини бирма-бир гапириб бердим.

Ўша кундан бошлаб Маъсуд билан ҳар куни пинхона учрашадиган бўлдик. Мени унга унаштиришди. Толибон биздан икки маҳалла нарида, бир муҳожир пуштуннинг уйини тортиб олиб, ўша ерда яшарди. Режамизни Маъсуд ва мендан бошқа ҳеч ким билмас, Кобулдаги ҳар бир хонадонда етарлича қурол-яроғ, миналар борлиги туфайли бир куни ярим тунда тиштирноғимизгача қуролланиб, йўлга тушдик. Маъсуднинг кўйнида ўндан ортиқ бомба бор эди. Ўша куни тунда Маъсуднинг мардлиги, жасорати мени лол қолдирди. Бу лаҳзалар ҳаётимнинг энг баҳтли, энг шиддатли, кўрқув ва изтиробга тўла лаҳзалари эди. Мен Маъсудни мана шу лаҳзаларда жонимдан ортиқ яхши кўриб қолдим. Мен ўша тунда, мени бир умрга ногирон қилган, ҳаётимни азоб-уқубатга тўлдирган, хўрланган ва хақоратлаган кимсадан ўч олдим.

Лекин бу ўч бизга жуда қимматга тушди. Эртасига толибонлар ўнлаб бегуноҳ одамларнинг ёстиғини курилди. Кўшниларнинг уйларини ёқиб юборди. Кимдан гумон қилишса, аёвсиз қирди. Бу ҳол то америкаликлар уларни тор-мор этгунча давом этиб турди. Биз ҳам кўрқув ва таҳликада яшаб юрдик. Муҳаббат бизни бу балолардан эсон-омон олиб чиқди. Ҳозир, Маъсуд билан биргамиз. Турмуш қурдик. У мени протез кўл олишга кўндириди. Ҳарқалай йўқдан кўра бори. Мени шу госпиталга ишга олишса, минглаб афyon ногиронларига ёрдамим тегарди. Ҳарқалай майибларнинг дардини мажруҳлардек ҳеч ким тушунмаса кепрак.

Биз госпиталдан узоқлашар эканмиз, гавжум турган ногиронларга кўзимиз тушди. Ҳар бирининг инсоний қисмати, тақдирни, ҳар бирининг қалбида қанчадан-қанча аянчли изтироблар, фожеа ва кечмишлар борлиги, уларнинг ҳар бирига буюк инсон деган тушунча билан қарааш лозим эканлигини англайман. Ер

юзида инсон зоти борки, ҳаммаси баҳтга, саодатга, яхши яшашта бирдай тенг хуқукли. Ҳеч кимни кам-ситишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мабодо бу тенглик бузилар экан, Ер юзидаги тинчлик мувозанати бузилаверади. Ер юзидаги ҳар бир одам бирдай тенг хуқуқлидир. Ер юзидаги ҳар бир инсон ҳоҳ у гадо бўлсин, ҳоҳ қашшоқ бўлсин, ҳоҳ хуқуқсиз бўлсин, лекин у хамиша буюк инсон бўлиб қолаверади. Чунки унинг қалби бор, заковати бор, инсонийлик орномуси, шаъни, идроки бор.

Мен Зарнигор билан хайрлашар эканман, унинг кўзларидағи шиддат мени завқлантиради. — Сени хамиша ўз синглимдай эслаб юраман, дея — қўл узатдим. — Тинчлик, тотувлик, баҳтли яшашингни тилаймиз.

— Тинчлик-тотувликни ҳеч ким бизчалик орзу қиласа керак — деди у, энди биттагина бўлиб қолган кўлини узатаркан.

Мен ҳарбий госпиталдан узоқлашар эканман, лабларим Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Ориповнинг ушбу мисраларини такрорлар эди:

*Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз
Унда миллат яшар, унда тил яшар
Аждодлар гурури яшайди шаксиз,
Унда истиқомат қиласди башар.*

*Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз
Унда она яшар, яшайди Ватан
Уни жўн нарса деб, атаманг ҳаргиз
Хайҳот, қўзгалмасин, бу қалб дафъатан.*



МУҲАББАТ ДАРСИ

Бадиа

О, Муҳаббат!

Дастлаб хеч нарса йўқ эди.

Ногоҳ, тушларимда сенинг исмингни эшита бошлидим. Кимдир жарангдор ва янгроқ овози билан сенинг исмингни айта бошлади. Ҳар тарафга мўлтираб қарадим. Мен сени билмасдим. Мен сени танимасдим. Мен сени ҳеч қачон, хеч каерда кўрмаган эдим.

Кунлар бир зайлда ўтаверди... ва ногоҳон энг дилрабо, энг серавж ва шодиёналарга тўла давраларнинг бирида сени учратдим.

Сени учратдим-у, олам-олам қувонч бағримга ёпирлиб келди.

Сени учратдим-у энг бахтиёр ва меҳридарё шахзодага айландим.

Сени учратдим-у, дунёда мендек ғариб ва афтода бошқа биронта инсон йўқлигига икрор бўлдим.

Сен мени оловга ташлаган эдинг.

Сен мени ўз оташингда куйдираётган эдинг.

Мен дўстлардан сўрай бошладим: Севги нима?! Севги нима?! Севги нима?!

Хозир ҳам бир пайтлардагидек севаятиларми?!

Хозир ҳам Фарҳод ва Шириналар борми?

Отабек ва Кумушлар, ҳозир ҳам борми?!

Сенинг ҳам юрагингда заррача бўлсин, муҳаббат чўғи борми, Зайнаб!

Мени бунчалар абгор қилмоғингта не сабаб?!

Момолардан сўрадим, аёллар ҳам севадиларми?!

Аёллар севса қай даражада севадилар.

Аёллар муҳаббатига тимсол борми?!
Аёллар садоқатига тимсол борми?!
Аёлларнинг буюклиги нимада?!
Аёлнинг буюклиги ... у ҳам сева олишида!

Аёл севса олов бўлиб севади. Аёл севса оташ булиб севади. Аёл муҳаббати оламни безайди. Аёл муҳаббати оламни гулга тўлдиради.

Аёл муҳаббати борлиги учун ҳам ҳамма яшайди.
Ҳамма баҳтиёр бўлади.
Аммо...

Муҳаббат оловида ёнғанлар юрагида мангу жарангловчи кўнғироқ садолари бир саволни қайта-қайта такрорлайверади:

У менинг юрагимнинг ардоғида,
У менинг кўзларимнинг қароғида,
У менинг жонимнинг титроғида.
Мен уни севаман!
У ҳам мени севармикан!



ЭНГ АВВАЛ ЎЗБЕКНИ СЕВ, ПАРВАРДИГОР!

Бадиа

Биз дўстмиз. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Юлдуз бу сўзларни фақатгина менга эмас, минглаб ўзбек ёшларига қаратса баралла айти олиши мумкин. Қалбидан ўзбекистонга муҳаббати товланиб турган, ўз олдига улуг мақсадларни қўйган, ҳалқ дарди билан яшаб турган ҳар бир ўзбек уни маслакдошим, дўстим деб чин қалбдан суйиши мумкин. Чунки Юлдуз Усмонова ўз қўшиқлари, ижодий изланишлари, қилаётган тинимсиз меҳнати, элнинг кўнглини топиши билан элнинг номини оламга ёйишида Президентимиз кўрсатаётган тўёри йўлнинг пешқадамларидан бири сифатида ёшларимизнинг яқин маслакдошига, дўстига айлануб қолди.

Биз Амстердамга учиб кетаётган эдик. “Боинг-767” тобора юқорига ўрлар, салон эса осойишта эди. Юлдуз худди фикрларимни уқиб тургандай, титроқ овозда, секин гапира бошлади.

— Президентимиз, Оллоҳ қалбларига солдиларми, 1-сентябр, Мустақиллик тантанаси кунлари кўпчилик катори мени ҳам кутлаганларини эсласам, ҳаётда кўп заҳматлар чекканимданми, кўзимга тинимсиз ёш келади. Бутун аламлар танангдан сирқираб чикиб кетадиган бу саодатли дақиқаларни сўз билан изоҳлаш қишин...

Юлдузниңт кўзлари ёшланган. Мен эса, Президентимизнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, доно, билимли ва албатта баҳтили бўлишлари шарт” деган муборак сўзларини эслаб, қалбимда фараҳбахш фархтуйғусини сезаман.

— Мана, хозир сиз билан Голландияга кетаяпмиз. Бугунги кунда Европада ўзига хос мухлислингиз

бор. Сиз ўзбек санъатини жаҳонга олиб чиқишига ўз ҳиссангизни қўшпаяпсиз. Мен сизга эргашиб жуда кўп ўзбек ёшлари олам мусикаси саҳнига ўзбек санъатини, демакки ўзбек номини, шон-шуҳратини жаҳонга олиб чиқишиларини истардим. Шу борадаги изланишларингиз, тажрибаларингиз ҳақида сұхбатлашсак.

— Ўзингизга маълум, мустақиллик эълон қилинганига тўққизинчи йил бўляпти, баҳоли қудрат чет элларга чиқиб турибман. (Бу сұхбат бундан тўрт йил олдин бўлиб ўтганди — муаллиф). Лекин бу хеч осон кечмаган. Биринчи қадамни кўяр экансан, худди оёқни кор устига кўясану, бу қорнинг тагида сув борми, ботқоқликми, нима борлигини билмай қадам ташлайсан. Ҳайрият, мен ташлаган қадамлар тўғри йўл устига кўйилган қадамлар бўлиб чиқди. Дастлаб 15 кишига ҳам концертлар бериб юрдим. Гоҳида алам қиласди: неча минг чақирим йўл босиб келсанг-у, борйўғи ўн-ўн беш одам карши олса... Ўзбек санъатини номига путур етказмаганим учунми, Худо тўғри йўлдалигимни кўриб ишимни ўнглаб юборди. Мени у ерларда қандай хурмат қилишларига ўзингиз гувоҳ бўласиз ҳали...

— Одатда янги кўшиқчи чиқаётганда, мусиқашунос мутахассислар дастлаб унчалик эътибор беришмайди. Чет элни билмадим-у, лекин бизда шундай...

— Бу ерда дарров эътибор берадиган, ҳақиқатгўй мусиқашунослар кўп. Улар ўзбексан ёки америкаликсан деб, аяб ўтиришмайди, эшишиб, кўриб, аниқ хулосани очик-ойдин айтишади. Бу ерда фонограмма деганинг ўзи йўқ. Овоз жонли тарзда кетади. Ҳар бир концертда телевидение намойишида, радиода кўшиқчи албатта жонли куйлаши шарт. Бир, икки соат кўшик куйлаб бериш бу ҳазилакам иш эмас. Шу билан бирга, кўшик куйлаганда овознинг ўзи ҳамма нарсани ҳал қилиб беравермайди. Овоздаги шира, нағислик, фифон, ўша дардга яраша нола, оҳанглар жилоси, ўша дардга яраша мусикадаги мантиқ, сўздағи фикр, санъаткорни ўзини тутиши, кийиниши, ҳолати ҳаммаси уйғунлик касб этиши шарт. Жаҳон эстрада санъатининг шунақанги талаблари борки, уларга бу гунги кунда бор-йўғи йигирма ўттизтагина қўшиқчи

жавоб бера олайпти, холос. Бу қўшиқчиларни ҳақиқатдан Худонинг назари тушган қўшиқчилар дейиш мумкин.

— Бугунги кунда энг юкоридаги жаҳон эстрада санъатининг талаблари нималарда кўринади?

— Биринчидан, қўшиқчи ўзи мусиқа ёзиши керак. Бирор ёзган қўшиқка сакрагани билан у санъатда етакчи бўлаолмайди, ижрочигина бўлиб қолаверади.

Санъаткор ўта аклли, продюсерига янги фикрлар бера оладиган, келажакни олдиндан кўра биладиган шахс бўлиши керак. Европада ҳар уч ойда мусиқа янгиланади. Ижод янгиланиб борилмас экан, назардан жуда тез қолиб кетар экан, санъаткорнинг ҳолига маймунлар йиғлаши, одамлар ундан шафқатсиз равишда юз ўгириши табиий. Санъаткор куйга ҳам, шеърга ҳам, мусиқага ҳам, фикр-мулоҳазага ҳам жону жаҳонини бермас экан, у етакчи бўлаолмайди.

Юлдуз шиддат билан гапира бошлайди. Унинг нутк оҳангига ўзига бино қўйиб, тўртта одамнинг қарсагидан маст, ҳеч кимни менсимай қўйган, тўйларда отарчиликдан ортмай, мол-дунёга берилиб, умрини ҳам, иззатини ҳам совураётган хонандаларга қаратилган нафрат, ачиниш, истеҳзо сезилиб туарди.

Вазиятни юмшатиш учун: “Ҳар кимга Худо инсоф берсин-да”, — дея ғудраниб қўяман. Юлдуз менга ҳайрон бўлиб қарайди, ўз фикримга аниқлик киритиш учун:

— Ҳар бир инсон Худодан куч-кудрат, ўзининг эзгу мақсадини амалга ошира олиши учун мақсад сўраб яшапи керак, — дейман.

— Муҳаммад ака, фикрларингизга мен ҳам қўшиламан. Худо омад бермаса айтишади-ку, эшак бозорига даллол бўлолмайсан деб. Шахсан мен ўзимнинг ҳамма ютуқларимни Худонинг менга кўрсатган инояти деб қабул қиласман. Нимагаки эришган бўлсам, уларга ўз меҳнатим, ақлим билан эришдим, деб айттолмайман. Агар Худо омад бермаса, тақдирда бўлмаса, тинимсиз меҳнат қилиб ҳам каллани компьютердай ишлатиб ҳам ҳеч нарсага эришолмаслик мумкин. Агар мен бир дақиқа ман-манликка берилсам, унинг

буюклигига шак келтирган, Худонинг менга сочиб турган нурига осийлик килган бўламан.

Ҳар бир инсонни юқорига етакловчи куч бўлади. Юрагида бир дард бўлади. Унинг қалбидаги мангубу изтироб умр бўйи ловуллаб ёнар экан, инсон қўл етмас орзуларга эришади. Бахт фаришталари юзини силагандай бўлади.

— Сиз хаётда кўпроқ ниманинг тантанаси учун курашасиз?

— Мен учун ҳақиқатнинг тантанасини кўриш ҳамма нарсадан ёқимлидир. Елиб-югургандарим, гоҳо аччиним чиқиши, асабийлашишларим, озгина бўлсада, адолатсизликни кўриб қолсан, шунки тўғриламагунча кўнглим жойига тушмаслиги — болалик одатим. Агар ҳақиқатни бугун биз ўрната олмасак, фарзандларимиз уни эртага кўролмайди. Ҳатто мана бундай қўшик ҳам бор:

— *Бекор, бекор, биламан, бекор,
Ёлгиз майдонда олишмоқ бекор,
Бекор, бекор, ҳаммаси бекор,
Түгилмаган ҳақиқатни изламоқ бекор.*

— Баъзан ҳақиқатни одамлар орасидан излаш ножоиздай туюлади. Ахир булар фариштамас, одамларку, дейман. Яна майда-чуйда жанжалларга, бақир-чақирларга қўшилиб кеттанимни ўзим ҳам билмай қоламан. “Ахир ягона ҳақиқатни Оллоҳни ўзи берганку, эй бандалар, сизлар нимани изляяпсизлар, бошқа ҳақиқат йўқ-ку”, дегим келади. Қалбимдаги шу ҳақиқатга интилувчи куч доимо мени олдинга етаклайди.

Суҳбатимиз шу асосида яна узоқ давом этади. Самолёт эса оппоқ булутлар ичida сузиб борарди.

Азиз ўқувчи! Балки мендан ушбу сухбатни ҳавола қилишдан мақсад нима? — дея сўрарсиз. Бу сухбат билан мен оламга донғи кетган санъаткорнинг феълатворини, дунё қарашини ёритишни мақсад қилиб кўйганим йўқ. Зоро, бу иш менинг қўллимдан ҳам келмайди. Менда биргина туйғу бор эди: У ҳам бўлса, ўзбек санъати довругини узоқ юртларда ёйиб юрган миллатдошим Юлдуз Усмоновадан фахрланиш туйғу-

си эди. Худди миллат қаҳрамони улуғ ишларга са-
фарбар қилинайти-ю, мен уни кузатипига чиққандай,
қалбим кувонар эди. Бу кувонч ўзбек тили, ўзбек
оҳанги, ўзбекнинг маданиятидан, буюк аждодлари
бўлган Ватанимизнинг бутун жаҳонга юз бураётган
лаҳзаларидан фахрланиш туйғуси ҳам эди.

Эртасига Амстердамнинг Скипул аэропортида юз-
лаб голланд ёплари Юлдуз Усмоновани олқишилар
 билан кутиб олишини кузатар эканман, неча минг
йиллик муқаддас тарихга эга Ўзбекистон фарзандла-
ри Европа халқлари юрагини забт этаётганини кўриб:
“Шухратинг оламни тутсин, она Ўзбекистоним!” —
дэя хайқиргим келди. Илоё, бундай ҳайқириқ барча-
мизнинг қалбимиизда доимо жаранглаб турсин!

ИЛТИЖО

Хуррият шиддати гувлар долвали,
Тошқин ҳайқириклар чўзилмиш кўкка!
Исёнлар гупириб қалбда ёнади,
Худойим, мангулик, шон бер ўзбекка.

Қўлловчи рух, ота-бобом зафари,
Бу юртда яшайди бокий бир нусрат.
Ўзбек миллати бу — олам сарвари,
Худойим, сен унга қилгин мурувват!

Йўриғингдан ўзга йўли йўқ борар,
Сендан ўзгага ҳам топинмас асло.
У бутун жон-жаҳди билан ёлворар,
Бизни энг юксак эт, Тангри таоло!

Дуолару жони фидолар ҳакқи,
Келиб кетмас давлат айлагин нисор.
У сени жонидан севгувчи халқки,
Энг аввал ўзбекни сев, Парвардигор!

Қадимий миллатмиз миллион-миллион,
Хар юрак зарбida янграп хур нидо.
Бизлар шу баҳт учун тикажакмиз жон,
Энг буюк, музaffer ҳаёт бер, Худо!

НАЖОТ – МУҲАББАТДА!

Суҳбат

— Муҳаммад ака, сиз ўзингизга хос шоирсиз. Шундай бўлса-да, бир савол берсам, малол келмайдими?

— Марҳамат!

— Даврлар ўтади, шоирлар, ёзувлар бирмабир келиб кетаверади. Сиз бу оқимда бир кунмас-бир кун кўринмай қолишдан қўрқмайсизми?

— Йўқ. Чунки мен бугунги кунда ҳам кўзга кўринарли бирон нарса ёзганим йўқ. Лекин, ўзимга баъзи шеърларим ёқади. Уларда ҳамиша ўз аксимни, ўз кўнглимни кўраман. Бунчалик яқинликни бошқа биронта шоирда тополмайман. Балки, сиз айтаётган муаммога “Инсон қалби нима?”, “Инсон умри нима?”, “Инсоннинг ўзи ким?” каби азалий ва абадий саволларга тўғри жавоб топиш орқали эришилар, инсон ўткинчи нарсаларга бағишлиб шеър ёёса, ўткинчи нарсаларга ҳаётини бағишиламаса, ўзи ҳам, шеърлари ҳам ўткинчи бўлиб қолаверади. Инсон юраги рубобга ўхшайди. У ўткинчи қўшиқни ҳам, абадий қўшиқни ҳам куйлаши мумкин. Ҳамиша яхши ниятда яшаш — ягона нажот йўли. Келинг шу хусусда бир ривоят айтиб берай: — Бир ҳоким қазоси етиб, жаннатга тушибди. Ундан сўрашибди: — Қайси амалларингиз учун жаннатга тушдингиз? Яратган боғларингиз учунми, курган иморатларингиз учунми?

— Биз яратган боғларнинг савоби боғбонга кетди.

Иморатларнинг ажримини меъмор олди. Биз факат яхши тилаклар билдирган эдик, балки шу ниятларимизнинг савоби туфайли бу ерлар насиб этгандир! — деган экан. Мен ҳам бир шоир бўлиб факат яхши ниятда яшашни — ягона нажот йўли деб била-ман.

— Саволимга тўлиқ жавоб ололмаган бўлсам-да, кейинги саволимни бермоқчиман: Қайси мавауга бағишиланган асар яхши шеър ёки ҳикоя бўлади?

— Агар қўлимдан келса, энг гўзал асаримни Яратганга бағишилаб ёзган бўлардим. Лекин, одамзод қизик экан: у ўз қалбидаги энг муқаддас туйғулар хақида энг кам ёзаркан. Айтайлик, ёш ижодкорлар қаламларини чархлаш учун севги-муҳаббат мавзусида кўпроқ ёзишади. Сал кофияни ўрганиб олишса, она ҳақида, фикрлари сал тиниқлаша бошласа, ўзларини қўрсатиб қўйиш учун ватанпарварлик мавзусига ўтишади. Мана шу пайтда омад кулиб боқса, зўр асар ёзиш ҳам мумкин. Омад бир марта кулиб боқиши учун эса, баъзан бутун умрингизни ўртага қўйиб товоң тўласангиз ҳам етмайди.

— Кейинги пайтда ўқиган асарларингиздан энг таъсирилси қайси?

— Яқинда бир япон ёзувчисининг асари қўлимга тушиб колди.

Унда шундай воқеа тасвирланади: Олтмишларга кирган эр-хотин ўзларини қандайдир оилавий байрамларини нишонлаш учун стол безата бошлийдилар. Улар энди дастурхонга ўтирганларида, столга шипдан бир томчи чакка томиб тушади. Эр шипга карайди-ю: “Кел, ўтиришимизни бузмайлик”, дейди ва сухбатни давом эттиради. Шипдан томаётган томчи эса тобора кўпаяверади. Эр хотинга қараб турар экан: “Дунёда меҳрдан, дийдордан кўра улуғроқ нима бор?”, дейди. Хотини унинг сўзларини маъқуллайди ва мусиқани кўйиб, рақсга туша бошлийдилар. Боягина бир жойда томаётган чакка энди кўпайиб, бутун деворларни ювиб, полни тўлдиради. Эр: “Сен билан бир нафас хотиржам бирга бўлишим менга бир дунё мол дунёга эга бўлишдан кимматлироқдир”, дейди. Эр хотин бир-биrlарига термулиб, рақс тушаверадилар. Шипдан сув оқиши эса сира тўхтамайди. Ҳатто томнинг ўпирилиб тушиши ҳам уларга халақит қилолмайди.

Энди солиштириб кўрайлик, данғиллама уйларда яшасада, бир-бирига меҳрсиз эр-хотинлар, жар ёқасидаги одамлардай талвасада эмасларми?! Ростдан ҳам

дунёда меҳрдан, муҳаббатдан ҳам қимматлироқ, гүзалроқ ва абадийроқ нима бор?! Сизу биэдан қолса меҳр колади, муҳаббат қолади. Фидоийлик қолади.

— Нима учун кўп асарларингизда хиёнат мавзуси кўтарилиган?

— Кўшиқчи шеър танлаши мумкин, лекин, шоир мавзу танлолмайди. У юрагини ўртаган ҳодисани ёзади. Мен кўрган кўпгина муҳаббатларни хиёнат еб битирган. Кимдир бутун умр буюк муҳаббатга интилсан, кеча-кундуз орэу қиласа-ю, қалбини қўрини берса, аммо, у кутган муҳаббат хиёнатга таланган, кимларнингдир қўлида ўйинчок бўлиб энди ёлғон ишвалар қилаётган бўлса ва бу хол қайта-қайта такрорланаверса, умринг поёнига етаётган бўлсада, ўзи кутган муҳаббат пешвоз чиқмаса алам қилмайдими? Ҳақиқий муҳаббат ҳақида ёзипни қайси ёзувчи ёки шоир истамайди. Ижодкор ўз ҳаётида буюк муҳаббатга душвор бўлса, бу унинг шох асар яратишига кафолат-ку! Ахир ҳақиқий муҳаббат ато этадиган ҳис-ҳаяжонни, изтиробни, фикр-ўйларни, орзуларни, қатъиятни, эътиқодни, кечинмаларни тўкиб, ўйлаб яратиб бўлмайди-ку. Лекин мен ҳаётда буюк муҳаббат борлигига ишонаман ва уни сўнгги нафасимгача кутиб яшайман. Балки у эртага келар...

— **Ижодкор учун энг муҳим хислат нима деб ўйлайсиз?**

— Ижодкор — сўз устаси. Уста эса сўзни ҳар мақомга солиб истаган одамини алдаши мумкин. Ижодкор бирон асар ёзиш ниятида экан, аввалимбор ёлғон нарсани ёзиб, ўзимни ўзим алдамаяпманми, дея бошқаларни ҳам ўзидай кўриши керак. Кейин ёзган шу нарсаларимни эртага қизим ўқиса, ўғлим ўқиса, хотиним ўқиса, онам ўқиса нима дейди. Уятли нарса ёзма-япманми, тарбияси бузилмайдими, мен ҳақимда улар нима деб ўйлашпади дея ўйлаб кўриши керак. Хуллас ижодкор ҳаётда яхши инсон бўлиши лозим. Худо, аввалимбор, бизга яхши инсон бўлишни буюрган. Ижод — бу иккинчи даражали нарса.

— Гоҳо оила манфаати деб, жамият манфаатини суиистеъмол қилиш керак бўлади ёки аксинча...

— Тўғри, бизда бугун оила манфаати жамият ман-

фаатидан устунрок. Лекин, вақт келади, бизда ҳам жамият манфаати оила манфаатидан устун бўла бошлайди.

Яқинда АҚШда бўлиб қайтдим. Вашингтонда бир уйда ижарага туришга тўғри келди. Мен ижарада турган уй эгаси жуда катта олим бўлиб, унинг шахсий дорилфунуни бор экан. Бу дорилфунунда минглаб талабалар илм олар экан-у, олимнинг яккаю-ягона ўғли икки йилдан буён отасининг дорилфунунида имтихондан ўтолмай, ўқишга киролмас экан. Мен ректордан: "Ўғлингизни нега ўқишга қабул қилмаяпсиз?" десам, "Илми етарли эмас", деди. Ахир у ўғлингизку, оиласиз келажагини ўйламайсизми?" десам, "Илми паст болани ўқишга қабул қилсан Американинг келажаги нима бўлади?" деб жавоб берди.

Хуллас, мен ҳам Ватан манфаати ҳар биримизнинг шахсий манфаатимиздан устун бўлишини истайман.

— Ёзиш сиз учун эҳтиёжми ёки заруратми?

— Ижодкор сурункали равишда ҳар олти ой ёки бир йилда бир даволаниб турадиган беморга ўхшайди. Агар даволанмаса, касали зўрайиб кетиши, жинни бўлиб колиши мумкин. Қолаверса, пистончи зўр шоир, фалончи мундайроқ дейиш эриш туюлади менга.

Айтайлик, бургут зўр қуш. Лекин, бу мусичани ёйинки тўтини камситиш эвазига айтилмаслиги керак. Мусичани ҳам, тўтини ҳам ўзига хосликлари бор. Шунингдек, ҳамма шоир ўзига хос. Ҳаммасини ўз ўрни, мавқеи бор.

— Сиз ўзингиз интилган ҳар бир мақсаднинг охирни нима билан тугашини биласизми?

— Одамзод заҳарни ичмай туриб уни ҳидидан ёки кўринишидан нималигини билмайди. Канийди, бугун бошлаган ишимиз эртага нима билан тугашини билсак. Жуда камдан-кам одамларгина бугун тўғри деб билган нарсалари, эртасига ҳам тўғри бўлиб чиққанини кўра оладилар. Каршингиздаги муаммога тўғри чора топиш учун биргина ақлнинг ўзи камлик қилади. Айтайлик, бутун дунё уммонларини айланиб чиқкан одам бир томчи сув нимадан иборат эканлигини билмайди.

Инсониятнинг ярмини бошқариб юрган одамнинг хотини – фохиша бўлиши мумкин. Инсониятнинг ярми тавба-тазарру қилиб, дардини айтадиган одамнинг бели – букири ва ўзи ёрдамга муҳтоҷ бўлиши мумкин.

Шунинг учун одамлар бир ишни бошлашларидан олдин “Худога таваккал қилдим”, дейдилар. “Худо ишимизни ўнгласин”, дейдилар. “Ҳар ишнинг охирини билгувчи ягона Худодир”, дейдилар. Баъзилар эса шуни ҳам айтмайди. Ўзини тақдир изнига ташлаб кўяди ва эртага нима кутаётганини ўйламайдилар ҳам. Мен ҳам шундай оддий одамман. Ҳаётим бундан кейин ҳам яхши кечишини Худодан сўраб яшайман. Ёруғ ниятларни орзу қиласман. Умидларим кўп. Кучим етгунча меҳнат қиласман. Жамиятимиздаги улуғ ўзгаришларни кўриб қувониб, роҳатланиб яшашни жуда-жуда истайман. Шу ўринда кўнглим туб-тубида ўрнашиб қолган бир ривоятни айтиб ўтмоқчиман:

Бир ака-ука бўлган экан. Акаси нихоятда бой, ука эса ўтинчилик қилиб зўрга кун кўраркан. Акаси шу укам ҳам бойиб кетсин деган ниятда, укаси ҳар куни ўтадиган кўприк устига бир халта тиллани ташлаб кўйибди. Ўша куни укаси ўтин оркалас, тоғдан қайта-ётган экан, кўприк олдига келгач, ўзича ўйлабди: “Ҳар куни шу кўприкдан ўтаман. Кел, бугун шу кўприкдан кўзни юмиб ўтайчи, ўтолармикинман”, дебди ва кўзи-ни юмиб кўприк устидан ўтиб кетибди. Буни узоқдан кузатиб турган акаси: “Худо бунинг пешонасига камбағалликни ўйиб ёзиб қўйган бўлса, уни ким ҳам ўчира оларди?”, деган экан.

Мен ҳам ҳамиша Худодан мана шу камбағал ҳолига тушиб колмасликни, омад юз ўгириб кетмаслигини, баҳтни кўзим юмуқ холда кўрмай ўтиб кетмасликни, мен баҳтга, омадга, муҳаббатга, меҳрга лойик одам эканлигимни, хали хаёлимда мен орзу қилган, мен тинимсиз интилган толе бор эканлигини ва мен албатта унга етишм лозимлигини кечаю кундуз Худодан сўраб яшайман.

— Мехр-муҳаббат ҳақидаги фикрларингизни билдик. Айтингчи, дўстларингиз кўпми?

— Келинг, бу саволга ҳам бир ривоят билан жавоб берай. Бир одам иморат қураётган экан. Фариш-

та Азроил келиб, “вакти-соатинг етди, жонингни олишга келдим” — дейди. Шунда у одам, “уйимнинг хамма қисми битди, фақат меҳмонхона қолди, изн бер, шуни ҳам битқазиб олай”, — дебди. Фаришта бориб, Оллойи-таолога маслаҳат солибди. Худойим: — “Майли, меҳмонхонани битирсан ва унга дўстлари канча умр кўрса шунча умр бер”, — дебди. Фаришта у одамга келиб, барча дўстларинг яшагунча, сен ҳам умр кўравер, деганида, у одам, ўзини фариштанинг оёғига ташлабди:

— Э, воҳ, қанчалик разил эканман, ўлимга маҳкум эканман, бу дунёда дўст орттирган эканман”, — дея қон-қон йиғлаган ва жонини Ҳаққа топширган экан. Бундай кўйга тушибдан Худо асрасин. Мен ҳам ушбу ривоятдан ибрат олиб, ҳамиша дўст орттириш, дўст бўлиш илинжида яшайман. Умримиз дўстлар билан гўзал, ҳаётимиз дўстлар билан фаровон.

— Самиими суҳбатингиз учун раҳмат. Бир пайтлар Рудакий ҳазратлари “Аслинг каби кўрин, кўринганинг каби бўл!”, дея зикр қилгандилар. Сизга ҳам шу мутаносибликни тилаб қоламиз.

Суҳбатдош Нилуфар МЎМИНОВА

МУНДАРИЖА

Ёшлик гуллари — Одил Ёкубов	3
Юлдузлари куйган тун (<i>киноқисса</i>)	6
Атиргул (<i>теленовелла</i>)	50
Бахтли бўлмок шарти (<i>бадиа</i>)	84
Тарааддуд (<i>қисса</i>)	91
Тожмаҳал — мухаббат каъбаси (<i>бадиа</i>)	102
Антиқа дебют (<i>теленовелла</i>)	108
Икки сайёра (<i>ҳикоя</i>)	113
Чиройлисан тенги йўқ (<i>шеърлар</i>)	117
Моҳинур (<i>қисса</i>)	158
Шоир (<i>ҳикоя</i>)	176
Худони алдаб бўлмайди (<i>сұхбат</i>)	183
Зарнигор (<i>бадиа</i>)	190
Мухаббат дарси (<i>бадиа</i>)	194
Энг аввал ўзбекни сев парвардигор (<i>бадиа</i>) .	196
Нажот — мухаббатда (<i>сұхбат</i>)	201

МУХАММАД ИСМОИЛ

СИЗНИ СЕВМАЙ БУЛАДИМИ...

*Қисса, бадиа ва шеърлар,
ҳикоялар*

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2005

*Китобда Пабло Пикассо,
Ороско ва бошқаларнинг чизган
расмларидан фойдаланилди*

Мухаррир *Аҳрор Аҳмедов*
Техник мухаррир *Д. Габдрахманова*
Мусаввир Б. Мадиёров
Мусахихлар *Ф. Нодирова, Ж. Тоирова, Ю. Бизоатова*
Саҳифаловчи М. Атҳамова
Маъмур М. Тошпўлатова

Босмахонага 12.10.2004 йилда берилди. Босишга 12.11.2004 й.да
руҳсат этилди. Бичими 84x108¹/₃₂. Фин, ялтирок көвози. Адабий гар-
нитура. Шартли босма тобоги 10,92. Нашриёт-хисоб тобоги 10,0. Жами
5000 иусха. Буюртма № 858. Баҳоси шартнома асосида.

**“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида босилди.
700083, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.**